

ҚУТУБХОНА ВА ЁШ КИТОБХОН

АМАЛИЙ ҚҰЛЛАНМА

ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1992

ТАҲРИР ҲАИҦАТИ:

*М. Д. Афанасьев, И. К. Арст, И. И. Ганицкая,
Ю. В. Просалкова, М. Д. Смородинская*

ТУЗУВЧИЛАР:

Ю. В. Просалкова, Х. Д. Ҳамрақулова

Муаллифлар:

*А. С. Адаменко, Л. А. Балашова, Л. В. Жукова, А. Г. Куликова,
И. И. Лавринович, А. И. Лебедеев, Н. В. Леонтьева, О. И. Левина,
Н. Б. Медведева, Л. П. Потоцкая, Ю. В. Просалкова, И. И. Тихомирова,
И. И. Фролова, Н. Н. Чигарова.*

ТАҚРИЗЧИЛАР:

*РСФСР давлат республика болалар кутубхонаси
Н. В. Бубекина (К. Д. Ушинский номли давлат илмий педагогика ку-
тубхонаси)*

A 44500000—86
353(04) — 92 60—92

© Издательство «Книжная палата» 1987 г.
© Узбек тилига таржима, «Ўқитувчи» 1992 й.

ISBN 5—645—0180—5

Сўз боши

Мактабдан ташқари тарбиянинг умумдавлат системасида болалар кутубхоналари мухим ўрин тутади. «СССРда кутубхоналар иши тўғрисида Низом»да улар «китобга қизиқиши ортириш... ўсиб келаётган ёш авлодда юксак ахлоқ, меҳнатсеварлик, билимга интилиш, фаол ҳаётий позицияни эгаллашни қарор топтиришлари керак»¹ деб таъкидланади. Бу вазифаларни ҳаётда амалга оширишнинг мухим шарти — кутубхоналар ишининг мазмуни ва методини доимо такомиллаштиришдан иборат.

Мазкур қўлланмада марказлаштирилган кутубхоналар системаси (МКС) да кутубхонанинг китобхон-болалар билан қиласидиган ишларининг асосий йўналишлари очиб берилади. Тузувчилар тавсияномани ишлаб чиқишида тарбия жараёнининг узлуксизлик, изчиллик принципига асосландилар, ёш китобхонларининг ёш ва ўзига хос хусусиятларининг тобора ўсишда олға боришларини ҳисобга олдилар. Улар мамлакатдаги илғор болалар кутубхоналарининг тажрибаларига, бутуниттифоқ ва республикаларда олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларига таяндилаар: «Ўнча катта бўлмаган шаҳарлар ҳаётида китоб ва ўқиш», «Кутубхонада китобхон-болалар ва ўспиринлар ўтрасида адабиётлар тарғиботини уюштиришнинг шакл ва усуслари самарадорлигини ошириш» (В. И. Ленин номли СССР Давлат кутубхонаси), «Болаларнинг ўқишига табақалаштирилган ҳолда раҳбарлик қилиш» (Н. К. Крупская номли Ленинград давлат маданият олийгоҳи). «Ўспиринлар ўқиши ва кутубхона» (Эстония ССР республика давлат болалар ва ўсмирлар кутубхонаси), 1—8-синф ўқувчиларига хизмат кўрсатишида болалар ва мактаб кутубхоналарининг биргаликдаги ишларининг асосий йўналишлари ва принциплари» (В. И. Ленин номли СССР Давлат кутубхонаси) ва бошқалар. Методик қўлланма В. И. Ленин номли СССР Давлат кутубхонасининг нашрлари, мамлакатнинг етакчи кутубхоналари ва мутахассисларининг асарларида баён қилинган тавсияномаларни умумлаштиради ва мунтазамлаштиради.

Мазкур қўлланмадаги тавсияномаларни МКСда болалар

¹ Ведомости Верх. Совета СССР. 1984, 12-сони, 173-бет.

Ўртасида кутубхона ишини ташкил қилишнинг бошланғич асоси сифатида қараш лозим. Кутубхоначининг вазифаси — болаларга кутубхона-библиография хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, мажуд шароитни ҳисобга олгани ҳолда уларни ижодий ривожлантириш, ишларнинг самарадорлигини доимо ўрганиб боришдир.

Қўлланмани яратиша В. И. Ленин номли СССР давлат кутубхонаси, Н. К. Крупская номли Ленинград давлат маданият олийгоҳи, Москва давлат маданият олийгоҳи Тамбов филиалининг ходимлари иштирок этдилар.

Муҳарририят ҳайъати қўлланманинг айрим бобларини муҳокама этишда қатнашган барча мутахассислар, шунингдек унинг тақризчилари — РСФСР республика давлат болалар кутубхонаси жамоаси ва К. Д. Ушинский номли давлат илмий педагогика кутубхонаси директори Н. В. Бубекинага ташаккур изҳор қиласди.

Болаларга кутубхона хизматини ташкил қилиши

Болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналар мамлакат умум-давлат ягона системасининг бўғини ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда болаларга Маданият вазирлиги системасидаги кутубхоналар, Халқ таълими вазирлиги системасидаги мактаб кутубхоналари¹, касаба ўюшмаларининг кутубхоналари ва бошқалар хизмат қиласди.

Маданият вазирлигига қарашли кутубхоналар тармоғини иттифоқдош жумҳуриятларнинг жумҳурият болалар кутубхоналари; вилоят, ўлка, жумҳурият (АССР) болалар кутубхоналари, катталар ва болалар кутубхоналарини бирлаштирган марказлаштирилган кутубхоналар системаси, мустақил марказлаштирилган болалар кутубхоналари системаси ташкил қиласди.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг жумҳурият давлат болалар кутубхоналари, вилоят, ўлка, жумҳурият (АССР) болалар кутубхоналари китобхонларга кенг табақалаштирилган хизмат кўрсатиш тузилиши ва анчагина универсал ҳажмдаги китоб фондига эга бўлган йирик муассасалардир. Улар кутубхонада болалар билан ишлаш масаласи бўйича, уларни қандай идораларга тегишлилигидан қатъи назар барча минтақадаги кутубхоналар учун илмий-методик ва мувофиқлаштирувчи марказ ҳисобланади. Уларнинг фаолияти устав асосида аниқ белгиланади.

МКС «Давлатга қарашли оммавий кутубхоналарни марказлаштириш тўғрисидаги Низом² асосида ташкил қилинади ва ишлайди. Болаларга кутубхона хизматини кўрсатувчи икки хил МКС мавжуд.

Минтақа болалар учун кутубхона бўлинмалари тармоғини биргаликда марказлаштиришда қуйидаги бўғинлар бўлади.

1) Марказий шаҳар (ноҳия) кутубхонаси (бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш, ягона фонд ва ундан фойдаланишини ташкил қилиш ҳамда КА, методик ва библиография ишлари

¹ Мазкур қўлланмада мактаб кутубхоналарининг болаларга хизмат кўрсатишдаги вазифа ва хизматлари кўриб чиқилемайди.

² Руководящие материалы по библиотечному делу. Маълумотнома / Маданият вазирлиги, В. В. Серова таҳрири остида. М., 1982, 112—116-бетлар.

бўйлимларида МКСда болаларга тегишли кутубхона хизматини таъминловчи мутахассислар бўлади);

2) марказий шаҳар (ноҳия) болалар кутубхонасини (фақат китобхонларга хизмат кўрсатувчи бўйимлари бўлади);

3) болалар учун филиал-кутубхоналар;

4) катталар учун филиал-кутубхоналар (ўз таркибида болалар бўйими борлари ҳам, йўқлари ҳам бўлади).

Марказлаштирилган мустақил болалар кутубхоналари системаси қуидаги тузилишга эга:

1) марказий шаҳар болалар кутубхонаси;

2) болалар учун филиал-кутубхоналар.

Марказлаштириш тўғрисидаги Низом ва бошқа ҳужжатларга кўра марказлаштирилган системага кириб фаолияти аниқ белгиланган (бўйсундирилган) МКС, болалар кутубхоналари амалдаги ўз номларини сақлаб қолган ҳолда ёнига МКС номини ҳам қўшадилар.³ Масалан: Череповец МКСга қарашли марказий шаҳар болалар кутубхонаси. Череповец МКСга қарашли 2- болалар филиал-кутубхонаси. Минтақада болалар билан ишлашга доир марказий кутубхона вазифасини бажарувчи муассасанинг бўлишлиги, бу болалар кутубхонасининг тармоқ бирлиги сифатида сақлаб қолиш зарурати билан боғлиқдир.

Бироқ баъзи бир иттифоқдош жумҳуриятларда марказий болалар кутубхоналари ихтисослаштирилган филиал-кутубхоналарга айлантириб юборилган эди. Натижада улар марказий кутубхона вазифасини бўжариш имкониятидан маҳрум бўлдилар, бу минтақада болалар билан ишлашда ўз таъсирини кўрсатди.

Болалар кутубхоналари тармоғини яратиш «Оммавий кутубхоналар ягона тармоғини ташкил қилиш тўғрисидаги намунавий низом»да белгилаб берилган⁴. Кичик шаҳарларда камида биргина болалар кутубхонаси ёки болалар бўйими, аҳолиси 50 минг ёки ундан кўпроқ бўлган шаҳарларда ҳар 6—10 та мактабга битта болалар кутубхонаси, ноҳияларга бўлинган шаҳарларда ҳар бир маъмурий ноҳияда болалар кутубхонаси (болалар бўйими) нинг мавжуд бўлиши назарда тутилади. Қишлоқ кутубхонасида аҳоли пунктida 500 ва ундан кўпроқ ўқувчи ва мактабгача тарбия ёшидаги 5—6 ёшли болалар бўлганида болалар бўйими очилади.

Болалар учун кутубхоналар тармоғи шундай ташкил қилиниши керакки, кутубхона (ёки болалар бўйими) орасидаги ма-софа 2 чақиримдан ошмаслиги лозим. Объектив сабабларга кўра нормативга риоя қилишнинг имконияти бўлмаса, ёш китобхонларга доимий бўлмаган кутубхона хизматини кўрсатиш шакллари: кутубхона пунктлари, библиобуслар ривожлантирилиши ва ишлаб туриши керак.

Китобни болалар ва ўспиринларнинг яшаш, ўқиш ва дам

³ Руководящие материалы по библиотечному делу. 112—116- бетлар.

⁴ Руководящие материалы по библиотечному делу. 109—111- бетлар.

олиш жойига яқинлаштириш мақсадида ташкил қилинадиган доимий бўлмаган кутубхона хизмати ягона режа асосига қурилади. У марказий болалар кутубхонаси (МБК) марказий кутубхонанинг ягона фонди ва ундан фойдаланишни ташкил қилиш бўлими ҳамда МБА билан биргаликда жойлардан тушган таклифлар ва шундай хизматни ташкил қилишнинг мақсадга мувафиқлигини ўрганиш асосида тузилади.

Марказий шаҳар болалар кутубхонаси (МШБК) (ёки биргаликда марказлаштирилган марказий кутубхона) маълум график асосида библиобус ишини ташкил қиласди. Унинг иши мактаб ёки болалар қатнашадиган муассасалар: ёш техниклар, ёш табиатшunosлар стансиялари ва бошқаларнинг иш тартибига қараб тузилади. Библиобуслар шаҳарнинг марказий кутубхонадан узоқда жойлашган янги турар жой ноҳияларига (ҳали кутубхонаси бўлмаган ёхуд кутубхоналар янги ташкил қилинган, аммо яхши китоб фондига эга бўлмаган) ёки қишлоқ ноҳиялардаги унча катта бўлмаган аҳоли пунктларига хизмат кўрсатади.

Филиал-кутубхоналар ва МБКнинг китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлими кутубхона пунктлари ишини ташкил қиласди-лар. Улар шу кутубхона хизмат кўрсатадиган зона: болалар майдончалари, болалар боғчалари, клублар, ДЭЗлар ва бошқалар қошида ишлайди. Уларни қишки ва ёзги таътиллар пайтида пионер лагерларида ташкил қилиш муҳим.

МКС минтақада болаларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш барча система ва идораларнинг кутубхоналарини ўз ичига олган ёки болаларни жалб этиш ва хизмат кўрсатиш бўйича ягона идоралараро режаси асосида қурилади. Бу режани ҳалқ депутатлари Совети ижроия қўмитаси тасдиқлаган минтақа аҳолисига кутубхона хизматини кўрсатишнинг умумий режасининг бир қисми сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Ягона иш режаси билан ишлашнинг кўп йиллик тажрибаси болаларни у ёки бу кутубхонага жалб қилишнинг назорат кўрсаткичлари билан тўлдириш зарурлигига ишонч ҳосил қилди. Ҳар бир кутубхона режада белгиланган вазифаларни аниқ бажаришлари, бутун зонадаги мактаб ўқувчиларининг ҳисобини олиб боришлири, уларни қандай кутубхоналарда ўқишлари, йилига камида иккى марта ҳисоб рўйхат (картотека)ларини формулярлар билан солишириб, ўқимаётган ёки аҳён-аҳёнда қатнайдиганларини аниқлашлари керак. Барча мактаб ўқувчилари кутубхона китобхонлари бўлишлари лозим.

Болалар ва ўспиринларни кутубхонага жалб этишни ташкил қилишда МБК етакчи роль ўйнайди. У биргаликда марказлаштирилган, шунингдек марказий система (МС) нинг мустақил болалар кутубхонаси сифатида ҳам минтақада мунтазам ва мақсадга мувофиқ китоблар тарғиботини уюштириш ҳамда болалар ўқишига раҳбарлик қилиши керак. МБК минтақадаги мактаб ўқувчиларини системанинг барча бўлимлари ва улар ўқиши мумкин бўлган бошқа идоралариning кутубхоналарига

жалб қилишни ташкил этиш ишлари учун масъулдирлар. Бундан ташқари, МБК китобхонларга хизмат кўрсатиш бўйича ўз зонасига эга бўлади. У болаларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг идоралароро ягона режасини тузиш ва бажарилишини ташкил қилувчи ҳисобланади. Режа бўйича ҳар бир хизмат кўрсатиш зонаси (микрорайон, қишлоқ Совети ҳудуди) да ижроия қўмитаси шаҳар (ноҳия) маданият бўлимининг буйруғи билан таянч кутубхона (болалар филиал-кутубхонаси, катталар учун оммавий филиал-кутубхона, касаба уюшмаси болалар кутубхонаси) қилиб белгиланиб, у мактаб кутубхонаси билан биргаликда кутубхонага жалб қилинган 1—8-синф ўқувчила-рининг ҳисобини олиб боради, бу вазифани бажариш учун масъул бўлади.

Кутубхоначилар хизмат кўрсатилаётган ноҳия, унга яқин жойлашган мактаблар сони, кутубхоналарнинг турларини яхши билгандагина болаларга кутубхона хизматини оқилона ташкил қилишлари мүмкин. Мамлакатнинг қўпгина болалар кутубхоналари «жалб этиш картотекаси» дан фойдаланадилар.

Ҳисоб шакли учун варақача қулайроқ бўлади (каталог варақачаси шаклидан фойдаланилади).

Варақачанинг намунаси

Фамилияси, исми _____

Мактабининг сони _____

Ўқув нили	Синфи	Кутубхонага келиб-кетгандар ва олган китобла- рининг сони			
		мактаб	болалар	бошқалар	ҳаммаси

Варақачалар барча зона ўқувчиларига тўлдирилиб, улар фамилиялари алфавити бўйича таянч кутубхона картотекасига йиғилади. Мактаб кутубхонаси ўз ўқувчиларига варақачалар тўлдириб картотека яратишга ёрдам бериши керак.

Таянч кутубхона мактаб кутубхонаси билан биргаликда ўқиляётган ва кутубхонага кам қатнаётган ўқувчиларни аниқлайдилар, уларни зонанинг қайси кутубхонасига ва қандай йўл билан кутубхонага жалб этиш, фаол қатнашишларига эришишлари лозимлиги белгиланади. Агар кутубхона мактабдан узоқда жойлашган ва китоб фонди ёмон бўлса, доимий бўлмаган хизмат кўрсатишни фаоллаштириш керак.

Синф раҳбари кутубхоначига ўз ўқувчилари нималарга қизиқишлари, улар қандай фанларни севишлари, ижтимоий фаоллиги қандайлиги ва бошқаларни айтиб беришлари мумкин. Кутубхонада ўқимаётган мактаб ўқувчилари тўғрисидаги маълумотлар, кутубхоначига уларда кутубхонага қизиқиш уйғотиш йўлини топишга кўмаклашиши мумкин. Кутубхоначи бундай

Ўқувчиларнинг диққатини кутубхона фондининг улар учун қизиқарли, билиш эҳтиёжларига мос тушадиган бўлимларига қаратиши керак. Улар учун қизиқарли бўлган янги китоблар, адабиётлар, матбуот материаллари ва бошқалар тўғрисида алоҳида ахборот беришга ҳаракат қилишлари мумкин.

1-синфдан бошлаб ҳар бир зона ўқувчисига варақача тўлдирилиб, у мактабда ўқиш мобайнида сақланади. Йилига икки марта (ўқув йилининг ўртаси 1 январь ва охири 1 июнда) ўқувчилар кутубхонадан қандай фойдаланаётганлиги (қатновлари ва олган китоблари, кутубхонада ўқимаётганлари сони) ни аниқлаш мақсадида таҳлил ўтказиш, уларни зона кутубхоналари формулярлари билан солишириб кўриш тавсия этилади.

Қоидага кўра, зона ўқувчиларининг ҳисобга олиш картотекалари таянч кутубхонада сақланади. Мактаб кутубхоналари картотека тузганида унинг ҳар хил кўринишларидан ҳам фойдаланишлари мумкин. «Мактаб кутубхонаси тўғрисида Намунали низом»га кўра, у ўз мактабидаги ўқувчиларни ўқишига жалб этилиши учун жавобгардир. Масалан, РСФСР Маориф вазирлиги (1983 й., 20-сонли) йўриқнома хати билан мактаб кутубхоналарига ўқувчиларининг ўқишиларини назорат қилиб боришини вазифа қилиб топширди. Республикада мактаб кутубхоналарида ҳам картотека юргизаётганлиги тўғрисида мисоллар бор. Бундай варианtlар штатли кутубхоначига эга бўлган кўп комплектли, йирик мактабларда бўлиш мақсадга мувофиқдир. Эҳтимол, бу тажриба битта таянч кутубхона кенг зонага хизмат кўрсатишига тўғри келадиган, болалар филиал-кутубхоналари (болалар бўлимлари) тармоғи етарли ривожланмаган шаҳарлар учун мақбулдир. Ҳатто шундай пайтда ҳам таянч кутубхона зиммасидан ўқувчиларни ижтимоий китоб фондидан фойдаланишга жалб этишни ташкил қилиш масъулияти соқит қилинмайди. У мунтазам (йилига икки марта) болаларга хизмат кўрсатишининг аҳволини назорат қилиб бориши, мактаб кутубхоналаридан маълумот тўплаши, болаларни кутубхонага жалб қилишдаги ишларига кўмаклашиши керак.

Таянч кутубхона МБК га йиллик ҳисобот билан бирга бу ишнинг аҳволи, болаларнинг мунтазам ўқишилари (1—8-синф ўқувчиларининг сони, шу жумладан кутубхонага жалб қилингандар, МКСга жалб қилинган китобхонлар сони, жумладан кутубхонага мунтазам қатнаётганлар; кутубхонага жалб қилинмаган ўқувчилар) сони тўғрисидаги маълумотни топширади. МБК минтақа бўйича маълумотларни йиғиб юқоридаги методик марказга йўллади.

Кутубхонага қатнашнинг мунтазамлигини таҳлил қилиш йил давомида формулярлар бўйича олиб борилиши керак. Баъзан кутубхонада «бўш» деб аталмиш формулярлар ҳам йигилиб қолади, чунопчи, китобхонлар ёэилган, биронта китоб олмаган бўладилар. Кутубхонанинг вазифаси — жалб этишининг турли шаклларидан фойдаланиб, уларни фаол китобхонлар қаторига қўшишдир. Формулярлар таҳлилининг натижаси жалб

этиш варақасида акс эттирилади.

Бироқ картотека — зона ўқувчиларининг ижтимоий китоблар фондидан фойдаланишларининг бир кўриниши, холос. Кўзланган мақсад — кутубхонадан мунтазам фойдаланишга эришиш, бу мунтазамлаштирилган ўқиши ташкил қилиш, маълумотнома-библиография ва аҳборот ишлари, кутубхонанинг мактаб, пионер ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорлигига боғлиқдир.

Вазифа биргаликда марказлаштирилганида МБКнинг вазифаси ва функцияси, мустақил системанинг МШБК нинг вазифаси ва функцияси билан бир хил бўлади. Бироқ МБК, унинг раҳбаридан ташқари, болалар ва адолининг бошқа қисмига хизмат кўрсатишнинг аҳволи ва ташкил қилиниши учун МКС директори ҳам масъулдир. Бу ҳол лавозимлик йўриқномага кўра МБК учун ҳам жуда муҳим⁵. МБК билан МКС раҳбарлари биргаликда марказий кутубхона, унинг бўлимлари имкониятларидан фойдаланиб, болаларга хизмат кўрсатишни ташкил этишнинг барча масалаларини ҳал қиласди, оммавий кутубхоналарда китобхон-болаларга хизмат кўрсатиш даражасини кўтади.

Афсуски, баъзи биргаликда марказлаштирилган системаларда МБК бутун система миқёси ва унинг барча тузилмали бўғинларида болаларга хизмат кўрсатишга доир ташкилотчилик ва масъуллик ўрнини тўла бажара олмайди. У болалар филиал-кутубхоналари ишлари билан чекланиб қолиб, оммавий кутубхоналар ишининг аҳволини билмайди, уларнинг китобхон-болалар билан қиласидан ишларига кўмаклашмайди, бутун МКС минтақасида бошқа кутубхоналар томонидан болаларга хизмат кўрсатилиши тўғрисида тасаввурга эга эмас. Бу МБК статусини бузишdir.

МБК фақат болалар филиал-кутубхоналарини назорат қилиш ва уларга методик ёрдам бериш билан чекланиб қолмаслиги керак. У болалар ўртасида китоб билан ишлашга доир марказий кутубхона бўлганлиги учун МКСнинг барча бўлинмаларида болалар ва ўспиринларга кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштиришга таъсир этилиши учун масъулдир, илғор тажрибаларни умумлаштириш ва татбиқ этиш, минтақадаги кутубхоначиларнинг малакасини ошириш, мактаб, касаба уюшмаси ва бошқа кутубхоналарга методик ёрдам беришдан иборат.

МБК болалар ўқийдиган барча бўлинмаларда табақалаштирилган ҳолда хизмат кўрсатилишига амал қилиши керак. «Болалар кутубхонаси тўғрисидаги Низом» да ифодалаб берилган «Намунали низомлар» да⁶ ёш китобхонларга табақалаш-

⁵ Примерные положения о структурных подразделениях централизованной библиотечной системы и основные должностные инструкции сотрудников М., 1987, 45- бет.

⁶ Примерные положения о структурных подразделениях централизованной библиотечной системы.. 34, 37, 44- бетлар.

тирилган ҳолда хизмат кўрсатиш тузилиши назарда тутилган. У китоблар тарғиботини педагогик нуқтаи назардан тўғри олиб бориш, турли ёшдаги болаларнинг ўқишига раҳбарлик қилиш имконини беради.

Ҳар қандай МКСнинг МБҚларида: мактабгача тарбия ёшидаги китобхонлар ва 1—3- синф ўқувчилари га хизмат кўрсатадиган (абонемент ва ўқув залига эга бўлган) бўлим, 4—8- синф ўқувчи-китобхонлари га хизмат кўрсатадиган (абонемент ва ўқув залига эга бўлган) бўлими бўлиши даркор.

Ҳатто ноҳия системасидаги МБҚда ҳам камида икки хил ёшдаги болаларга хизмат кўрсатадиган бўлимлар бўлишига ҳаракат қилиш керак. Агар шароит ҳар бир бўлим учун ўқув залл бўлишига имкон бермаса, битта умумий ўқув зали ташкил қилиш ҳам мумкин.

Болалар филиал-кутубхоналари биргаликда ёхуд алоҳида марказлаштирилганда ўз кутубхонасида китобхонларга табакалаштирилган ҳолда хизмат кўрсатиш вазифасини бажариши ва бу ишни ўз зонасида ҳам бир хилда ташкил қилиши керак. Бундай кутубхоналарнинг кенг тарқалган тузилишли варианти—турли ёш гуруҳидаги китобхонлар учун ажратилган битта абонемент ва умумий ўқув залининг бўлишидир.

Кейинги йилларда моддий базанинг яхшиланиши туфайли баъзи филиал-кутубхоналарда турли ёшдаги болаларга хизмат кўрсатадиган бўлимлар ташкил этиш имконияти туғилди. Барча болалар филиал-кутубхоналарида шундай тузилишлар бўлишига интилмоқ даркор, чунки у болалар ва ўспириналарнинг ўқишига раҳбарлик қилишнинг психологик-педагогик принциплари га жавоб беради.

Биргаликда марказлаштирилган оммавий катталар ва қишлоқ-филиал кутубхоналари болаларга хизмат кўрсатиша иштирок этаётганларида у ерда ёш китобхонлар билан табакалаштирилган ҳолда ишлаш учун шароит яратишга ҳаракат қилишлари керак. Болалар бўлими бўлган оммавий филиал-кутубхоналарда китоб фонди, маълумот библиография аппарати (МБА) учун алоҳида хона, чоғроқ ўқув зали сифатида фойдаланиш учун столлар, шунингдек, биринтирилган кутубхона ходими бўлиши мумкин.

Қишлоқ жойларида кўпинча битта кутубхоначи бўладиган оммавий филиал-кутубхоналарда китобхон-болалар билан ишлаш учун китоб фонди, маълумотнома аппарати, китобхон формуллярини ажратиб қўйинш, улар билан ишлаш учун маҳсус вақт ажратиш керак.

МБҚ системасининг барча бўлинмаларида китобхон-болаларга табакалаштирилган хизмат кўрсатишни ташкил қилишга доир методик ёрдамни амалга ошириш лозим.

Тажрибани таҳлил этиб кўриш шуни кўрсатдики, ҳозирча болалар филиал-кутубхоналари ўқув залидан етарлича фойдаланилмаяпти. Уларга болалар абонементга нисбатан икки марта кам қатнайдилар, ўқув залида адабиёт ва вақтли нашрлар

фондидан ёмон фойдаланадилар. Болалар ва ўспириналар томонидан күпроқ фан асосларини самарали ўзлаштириш, мустақил таълим олиш, билим ва маънавий эҳтиёжларни қондириш мақсадида ўқув заларидан фойдаланишини фаоллаштириш кутубхоначиларнинг доимо диққат марказида бўлиши керак. Шунингдек, улар болалар боғчалари юқори гуруҳида мактабларнинг куни узайтирилган ва тўла кунли гуруҳларида, синфдан ташқари дарслар ва бошқаларни ўтказнишда жадал фойдаланилиши мумкин.

Қишлоқ жойларида болаларга кутубхона хизматини кўрсатиш шароити шаҳарга нисбатан бошқачароқ. Қишлоқларда уларга, асосан мактаб ва қишлоқ кутубхоналари, шунингдек МКСнинг доимий бўлмаган тармоғи хизмат кўрсатади. МКСнинг 8,5 минг болалар филиалидан фақат 2,2 мингтаси (24%) қишлоқда жойлашган, 0,5% қишлоқ кутубхоналарида эса китобхон болалар бўлими бор холос, ваҳоланки 1—8-синф ўқувчиликарининг 60% қишлоқ кутубхоналарида ўқийдилар. Қоидага кўра, филиал-кутубхоналарнинг болалар учун китоб фонди 10—15 минг нусха бўлса, қишлоқ филиал-кутубхоналарида ҳаммаси бўлиб 2—4 минг нусхани ташкил қиласди.

Қишлоқ жойларида болаларга кутубхона хизматини яхшилашнинг муҳим омили МКС тузилишли тармоқ бўлинмалари (доимий ва доимий бўлмаган)ни тартибга солиш ва ривожлантиришдан МКСнинг ичидаги ҳамда МКС билан мактаб кутубхоналари, шунингдек, қишлоқ жойларидаги бошқа кутубхоналар, масалан, совхозларнинг касаба уюшмаси кутубхоналари ишини мувофиқлаштириш ва кооперациялашдан иборат. Ноҳиядаги барча кутубхоналарда болалар ва ўсмирлар билан табақалаштирилган ҳолда ишлашга эришиш лозим. Марказий кутубхона бутун ноҳия, ҳар бир аҳоли пунктидаги болаларга хизмат кўрсатишнинг аҳволи (ўқувчилар ва 5 ёшдан бошлаб мактабгача тарбиядаги болаларнинг сони, кутубхоналар сони, уларни фонди, китобхонлар, берилган китоблар сони, ўқилиш, қатнов, фонднинг айланишига доир маълумотлар, кадрларнинг ихтинос даражаси ва ҳоказолар)ни доимо таҳлил қилиб бориши керак. Бундай маълумотлар қишлоқ Шўроси доирасида йифилади, улар болаларга кутубхона хизмати кўрсатишга доир зоналар (уни ташкил қилиш учун қишлоқ филиал кутубхоналари масъул бўладилар) бўлиши мумкин. Агар қишлоқ Шўроси ҳудуди катта бўлиб, унда бир неча қишлоқ филиал-кутубхоналари бўлса, улар учун хизмат кўрсатиш микрорайони (бир ёки бир неча қишлоқ)ни белгилаш керак. Одатда, қишлоқ Шўроси марказидаги кутубхона бош кутубхона хисобланади. Агар қишлоқда болалар учун филиал-кутубхона бўлса, табиий, қишлоқ Шўроси ҳудудида болаларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш масъулияти унга юкландади. Болалар филиал-кутубхонаси зонал кутубхона бўлганлиги, аниқроғи ноҳиянинг маълум ҳудудида кутубхонада болалар билан ишлаш бўйича масъул бўлишилиги тўғрисида кўпгина жумхуриятларда ижобијӣ тажрибалар тўпланган.

Қишлоқ филиал-кутубхоналарида болалар бўлимларини ву-
жудга келтириш жуда мухим. Кўпгина жумҳуриятларда бунинг
учун шароит етарли, бироқ у ҳамма ерда ҳам амалга оширила-
вермайди. Қишлоқ филиал-кутубхоналарида болалар бўлимла-
рини тузиш учун шароит бўлмас экан, ёш китобхонлар хонаси
бурчагини ташкил қилиш мумкин.

Қоидага кўра, МҚСнинг қишлоқ филиал-кутубхонаси мак-
табдан ташқари ягона тарбия муассасаси бўлганлиги сабабли
китобхон-болалар билан ишлашнинг маркази бўлиши керак.
Бунинг учун иш методи ва шаклларининг бутун хазинаси, МҚС-
нинг бутун имкониятлари (кутубхона фонди, маълумотнома
аппарати, методик қўлланма ва тавсияномалар ва бошқалар)
дан фойдаланиш зарур.

МҚС олдида турган вазифа—ноҳия ҳудудида ишни шундай
ташкил қилиш керакки, токи улар барча болаларни қамраб
олсин, ижтимоий китоб фондлари билан таъминлансан, ҳозирги
тарбия ва таълим соҳасидаги талаблар асосида болалар ва ўс-
пириналарнинг ўқишига доир сўровларини қондирисин.

МКСнинг болалар учун китоблар фонди

МКСнинг болалар учун адабиётлар фонди марказлаштирилган система китоблар фондининг узвий қисми ҳисобланади.

Фонднинг таркиби

Болаларга хизмат кўрсатувчи барча тузилишли бўлинмаларнинг фонди, МКС ягона болалар адабиёти фондининг мажмуини ташкил қиласди. У болаларнинг ёш ва психологик хусусиятларини эътиборга олгани ҳолда ўқишига бўлган мажуд ва имконият дараражасидаги талабларни қондириши керак.

Ушбу китоблар ва бошқа универсал мазмундаги ахборотларнинг таркибий қисмидан иборат.

Амалда кутубхонадаги болалар учун адабиётлар фонди қўйидаги тузилишда ташкил қилинади:

Бадий адабиёт (мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва 1- синф ўқувчилари учун адабиётлар билан бирга) — 60—65% ижтимоий-сиёсий муаммолар билан боғлиқ адабиётлар комплекси — 14,5—15%, табиий-илмий адабиётлар 7,8%, техника адабиётлари — 4,5%, қишлоқ хўжалиги адабиётлари — 1,5—2%, санъатга доир адабиётлар 6—7%, адабиётшунослик, тилшуносликка оид адабиётлар 2—3%. Билимлар соҳасига доир болалар учун адабиётларнинг мавжудлигига қараб фонднинг муайян фойзда таркибига тузатиш киритиш мумкин.

Болада ижтимоий, ахлоқий, эстетика сингари олий мақсадларни тарбиялашда муҳим ўрин тутадиган бадий адабиёт етакчи ўринни эгаллади.

Фонднинг ижтимоий-сиёсий адабиётларга доир бўлими мактаб ўқувчилари учун тушунарли бўлган жаҳон пролетариати доҳийларининг ҳаёти ва ижодига доир китоблар, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари, мамлакатимиз ва хориждаги комсомол ва кашшофлар тўғрисидаги нашрлар, жаҳон халқлари тарихи тўғрисида адабиёт, тинчлик, ядро уруши хавфими олдини олиш тўғрисида ва бошқаларни ўз ичига олади.

Фонднинг табиий-илмий адабиётлар бўлими — болалар учун тушунарли бўлган фанлар тарихи ва асослари — математика, физика, кимё, астрономия, жуғрофия, геология, биология, ботаника, зоология, анатомия ва одам физиологиясини ўз ичига олади.

Мазкур адабиётлар дунёқарашни, ижодий фикрлашни ривожлантиради, фан ютуқлари түғрисида ахборот беради.

Фонднинг техника ва техника фанларига доир бўлимида ҳозирги замон техникасининг турли муаммолари билан оммабоп шаклда таништирувчи—энергетика, радиоэлектроника, тоғ иши, металургия, қурилиш, транспортга оид адабиётлар жойлаштирилади. Бу ерда ишлаб чиқариш асослари, техника тарихи, олим ва ихтирочиларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир китоблар, ёш техника ҳаваскорлари учун адабиётлар бўлади.

Болалар ва ўсириналар учун фондда қишлоқ ва ўрмон хўжалигига тупроқ, айрим маданий экинларни етиштиришга, зараркунандаларга, ўсимликлар ва уларнинг касалликларига қарши курашга, уй ҳайвонларини сақлашга, балиқ овига доир адабиётлар қўйилни керак.

Эстетик тарбияда санъат түғрисидаги: жумладан, рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, архитектура, мусиқа, театр, кинога оид, рассомлар, бастакорлар, театр ва кино арбобларига доир, жаҳон музейлари — Эрмитаж, Третьяков, Дрезден галереялари, Лувр ва бошқаларга доир китоблар муҳим ўрин эгаллади.

Болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналар фондидаги адабиётшунослик ва тилшуносликка доир китоблар бўлиши лозим. Булар Ватанимиз ва хорижий ёзувчилар, шу жумладан болалар учун ҳам асарлар яратган ёзувчиларнинг ижоди түғрисидаги китоблар, тил түғрисида ўқувчилар ва кенг китобхонлар доира-сига мўлжалланган китоблар, изоҳли, орфографик, чет эл лутатлари ва сўзлашгичлардир.

Болалар ижодини ривожлантириш учун фондни исталган соҳадаги адабиётлар — ёш табиатшунослар, математиклар, физиклар, кимёгарлар, жуфрофлар, ўлкашунос ва бошқаларга ёрдам берувчи китоблар билан тўлдирилишига диққат билан қураш зарур. Бу, масалан, ёғоч ва металлга ишлов беришга доир китоблар, ёш ўсимликшунос ва чорвадорларга қишлоқ хўжалигига оид амалий маслаҳатлар берадиган китоблар, бешловчи рассомларга расм солиш, бўёқлар танлаш техникаси ва бошқаларга ёрдам берадиган нашрлар, шунга ўхшаш асарлар, шунингдек, бадиий ҳаваскорликка ёрдам берувчи, ҳаваскорлик театрлари учун материаллар китобхон-ўқувчиларнинг шахсий қизиқишиларига доир эҳтиёжларини қондириши, ижодий қобилият ва истеъдодларини ривожланишини рағбатлантириш керак.

Фонд турли мақсад ва ҳар хил китобхонларга мўлжалланган адабиётлар билан тўлдирилади. Амалда барча турдаги нашрлар, расмий-хужжатли нашрлар, илмий-оммабоп, илмий адабиётлар масалан, ўқувчилар учун маҳсус нашр қилинган инқилобий ва табиатшуносларнинг асарлари ҳар хил даражада тўлиқ намойиш этилган бўлиши лозим. Болалар учун маълумот берувчи (умумий тарзда соҳа ва мавзуга доир) нашрлари алоҳида аҳамият касб этади. Фондга китоблар ва вақтли нашрлардан ташқари аудиовизуаль материаллар (кинофото ҳужжатлар) ҳам олинади.

Фондлар системаси

Бу система МБК, болалар филиал-кутубхоналари, оммавий филиал-кутубхоналарнинг болалар учун бўлимлари, шунингдек қишлоқ филиал-кутубхоналарининг болаларга аталган адабиётлар фондини қамраб олади. Фондлар системаси то ҳар бир ўқувчи МҚСнинг ягона фондидан ўзи учун зарур нашрни ола оладиган қилиб ташкил этилади.

Қишлоқ филиал-кутубхоналарида катталар билан бир қаторда болаларга ҳам хизмат кўрсатилади. Ҳар бир қишлоқ филиал-кутубхонаси ягона фонднинг болалар учун адабиётларнинг доимий (намунали) қисми, шунингдек, марказий кутубхонанинг ягона фонд ва ундан фойдаланишни ташкил қилиш бўлимидан вақтинчалик фойдаланиш учун олинадиган адабиётларга эга бўлиши керак.

Қишлоқ филиал-кутубхонаси фонди доимий қисмida барча илм соҳаларига оид болаларга аталган энг яхши илмий-билишга оид китоблар бўлиши ва болалар ўқиши китобига киритилган ватанимизнинг асарлари ва чет эл адабиётлари бўлишига интилиш керак. Мактаб дастури ва уни ўзлаштиришга доир адабиёт, синфдан ташқари ўқишга тавсия қилинган китоблар, болалар учун «Кутубхона серияси» да чоп этилиб аниқ маълумотнома ва библиографик қўлланмалар бўлиши лозим.

Фонднинг катталиги ва янги олинган нашрларнинг миқдори, қоидага кўра, кутубхона хизмат кўрсатаётган аҳоли, шу жумладан болаларнинг сони ҳисобга олиниб, фондни бутлаш учун ажратилган маблағга боғлиқ бўлади. Одатда, китобхони кам бўлган қишлоқ филиал-кутубхоналари, хусусан болалар филиаллари, айниқса, марказий болалар кутубхонасига нисбатан оз ном ва кам миқдорда китоблар оладилар. Муҳими қишлоқ филиал-кутубхонаси фонди доимий қисми учун диққат билан сифатли адабиётлар танлаб олишга эътибор бериш керак. Кам сўраладиган адабиётни эса марказий кутубхонадан вақтинчалик фойдаланишга олиш мумкин.

МҚСнинг болалар филиал-кутубхонаси хизмат кўрсатишнинг кенгайтирилган тузилишига эга, ўз микрорайонида болалар ва ўспириналар билан ишлаш бўйича ташкилий-методик марказ ҳисобланади. Унинг фонди болаларга хизмат кўрсатувчи қишлоқ филиал-кутубхонасининг фондига нисбатан тўлароқ бутланади.

Марказий болалар кутубхонаси МҚСда болаларга кутубхона хизмати кўрсатишда етакчи ўринни эгаллайди. Бу болаларга ёш принципларига доир ташкил қилинган (абонемент, ўқув зали, маълумот-аппарати) кенг табақалаштирилган тузилишда хизмат кўрсатадиган йирик болалар кутубхонасидир, ўқувчилар ва болалар ўқиши раҳбарлари учун ташкилий методик, ахборот маълумот библиографик ишлар вазифаси бўйича марказдир. МБКда болалар учун бадиий ва турли илм соҳалари

бўйича энг яхши адабиётлардан ташқари, ўқувчилар ҳам фойдалана олиши мумкин бўлган катталарга мўлжалланган илмий-оммабол нашрлар ҳам бўлиши керак.

Бу айниқса, оммавий тарзда кўп сўраладиган адабиётларга тааллуқлидир. Успиринларда ҳам, катталарда ҳам улкан қизиқиш уйғотадиган, бироқ кам нусхада олинган китобларни, биринчи навбатда МБҚ ва кўпроқ йирик филиал-кутубхоналарга юбориш мақсадга мувофиқ.

МБҚ фонди кенг доирадаги маълумотнома адабиётлари, шунингдек, кам сўраладиган адабиётлар, муайян фанлар, мавзуларга катта қизиқиш уйғотадиган ўқувчиларга мўлжалланган китобларни ўз ичига олади. Фонд болалар ўқиши раҳбарлари учун кутубхонада болалар билан ишлашнинг барча масалаларига доир адабиёт ва болалар адабиёти библиографияси, шунингдек, кенг кўламда аудиовизуаль материаллар (кинофотохужатлар) билан тўлдирилади.

Хизмат кўрсатишининг кенгайтирилган тузилишига эга бўлган МБҚ (мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва кичик ўқувчиларга хизмат кўрсатувчи бўлим ва ўрта ҳамда катта болаларга хизмат кўрсатувчи абонемент ва ўқув залларига эга бўлган бўлим (билим)да кутубхона фондни хизмат кўрсатаётган бўлимлар ўртасида тақсимланади. Адабиёт абонемент ва ўқув залларига топшириб қўйилмайди, китобхонлар ўзларига хизмат кўрсатаётган барча бўлим фондларидан фойдаланаверадилар.

Фақат абонементлар ва умумий ўқув залига эга бўлган болалар кутубхоналари, ўз навбатида китоблар тузилишини ташкил қиласиди. Абонемент фондни уйда ўқишга мўлжалланган адабиётлар билан тўлдирилади. Ўқув зали фондидан дарслик ва маълумотнома нашрлари анчагина ташкил қилинади.

Болаларга хизмат кўрсатувчи филиал-кутубхоналар доимий фондлардан ташқари, шунингдек ўзгариб турувчи фондга, яъни марказий кутубхонанинг ягона фонд ва ундан фойдаланишини ташкил қилувчи бўлимидан вақтинча фойдаланишга олинган адабиётлар бўлимига эга бўлади. Бу бўлимда ўтган йилларда босилган, кейинчалик тузилмали бўлинмалар томонидан бўлимига берилган нашрлар ва янги олинган материаллар болалар учун адабиётлар фондидан бўлиши шарт. Онда-сонда сўраладиган адабиётни кенгайтирадиган, тўлдирадиган мажбурий мавзулар минимуми, шунингдек библиографик қўлланмаларда болалар учун тавсия қилинган, тузилмали бўлинмалар учун ортиқча нусхалар мактаб дастурини ўрганишга ёрдам берадиган иккинчи нусхадаги (дублёт) адабиётлар фондга юборилади. Фонд бўлимида шунингдек МҚСнинг болаларга хизмат кўрсатувчи барча бўлимлари учун зарур бўлган, бироқ ҳам нусхада олинган нашрлар ҳам йиғилади. Ягона фонд ва ундан фойдаланишини ташкил қилиш бўлимининг китоблар тўплами, тузилмали бўлинмалар фондидар жибини таъкордламаслиги, балки тўлдириши керак.

Баъзи МКСларда ўз китоб фондига эга бўлган аҳолига доимий бўлмаган хизмат кўрсатиш бўлими бўлади. Бу фонд таркибига болаларга тегишли адабиёт ҳам кириши керак. Кўчма кутубхоналар, библиобуслар, кутубхона пунктлари китобхонлари орасида болалар ва ўспиринлар кўпчиликни ташкил қилади. Доимий бўлмаган хизмат кўрсатиш бўлими болалар адабиёти фондига китоблар танлаш принципи худди болалар филиал кутубхонасига танлашга ўхшаш бўлади. Бу ерга турли ёш гуруҳидаги ўқувчилар учун энг яхши бадиий ва илмий билишга оид адабиёт тўпланади. Бу кутубхоналар, кутубхона пунктлари, библиобуслар, фақат мазкур бўлимдан олинган адабиёт билан ишлаш керак деган маънони билдирамайди. Ноствионар тармоқлар томонидан хизмат кўрсатилаётган китобхонларнинг сўрови, МКС ягона фондидан фойдаланиш орқали қондирилиши керак.

Мавжуд филиал-кутубхонанинг фонди — МКС ягона фондининг бир қисми эканлигини унутмаслик керак. МКСда болалар адабиёти ягона фондининг мавжудлиги китобларнинг муомалада бўлиши, филиал-кутубхоналар, МБК фондлари ва Марказий кутубхона ягона фонди ва ундан фойдаланишни ташкил қилиш бўлими фондидан ўзаро фойдаланишни ташкил қилиш имконини беради. Ўспирин-китобхонларнинг мактаб дастурида ўрганиладиган адабиётшунослик, радиоҳаваскорга ёрдам берувчи адабиётларга бўлган мураккаб сўровларини қондириша филиал-кутубхоналарнинг «катталар» учун фондидан ҳам фойдаланиш зарур. Система бўйича китобларнинг муомалада бўлиш йўли турлича. Бу кўпроқ МКС ягона фонди ва ундан фойдаланишни ташкил қилиш бўлими томонидан мавзу ва универсал адабиётлар танламаси сийракроқ филиал-кутубхоналарнинг талабномаси бўйича китоблар бутлашни ташкил қилишдан иборат.

МКСнинг болалар адабиёти ягона фонди минтақада болаларга хизмат кўрсатаётган бошқа кутубхоналар, биринчи навбатда мактаб кутубхоналари билан ўзаро алоқада бўлиши керак. Фондни бутлашни мувофиқлаштириш — ўзаро келишиб китоблар олиш бўлиб, у болаларнинг сўровларини тўлароқ қондириш имконини беради¹.

¹ Батафсил қаралсин: Кулікова А. Г. Совершенствование фондов литературы для детей ЦБС // Актуальные вопросы библиотечной работы. Теория и практика. Сборник. 1983. М., 1983, 125—129- бетлар; Кулікова А. Г. Методические центры в помощь комплектованию ЦБС литературой для детей // Там же. Сборник. 1984. М., 1984, 91—93- бетлар.

Фондни бутлаш

МКСда ягона фондни бутлаш марказий кутубхонанинг фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлими томонидан бажарилади. Унинг вазифаси китобларга буюртма бериш ва олиш, кутубхона ишловини амалга ошириш, олинаётган ва чиқарилётган нашрларнинг ҳужжатини расмийлаштиришдан иборат. Ўзида фақат болалар кутубхоналарини бирлаштирган МКСда фондни бутлаш билан боғлиқ бўлган барча вазифаларни тўлалигича шу бўлим бажаради. Биргаликда марказлаштирилган чоғда марказий кутубхонанинг фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлимидаги болалар адабиётига доир бир ёки бир неча мутахассис (уларнинг сони, иш кўлами ва олинаётган китоблар миқдорига боғлиқ бўлади) ажратилади. Ў мутахассис МКСда фондни бутлаш ва болалар адабиётлари каталогларини тузиш билан боғлиқ бўлган ишларни ташкилотчиси ва мувофиқлаштирувчиси ҳисобланади.

Фондни бутлашда китоб маҳсулотлари, китобхонлар, фонднинг хусусиятлари, у ёки бу китобга бўлган рад жавобларнинг сабаблари, фондни бутлашдаги камчиликлар тўғрисидаги маълумотларни яхши билиши керак. Бундай маълумотларга биринчи навбатда ёш китобхонларга хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг ходимлари эга бўлишлари лозим. Шунинг учун ҳам фондни шакллантириш ишида филиал-кутубхоналарнинг ходимлари фаол қатнашишлари зарур. МКС барча тузилмали бўлинмаларнинг биргаликда режали ва мунтазам ишларни туфайли фондни тўлақонли бутлаш учун зарур бўлган маълумотларни олиш мумкин.

Фонднинг таркибини ва ундан фойдаланишини ўрганиши — китоблар фондларини, шу жумладан болалар фондини тўлақонли бутлашнинг шартларидан бирндири. Кутубхоначи фондни ўрганаётib, қандай китобларни фондда қолдириш ва уларнинг фаол тарғиботини ўютириш, кам фойдаланилаётган нашрлар, масалан, «ёши ўтганлари» билан нима қилиш зарурлиги, фондни қандай нашрлар билан қўшимча бутлаш лозимлиги ва ҳоказоларни ҳал қиласи. Китоблар билан танишиш одатда, адабиётлар беришга тайёрланиш, уларни жойлаштириш, кўргазмалар, мавзуга бағишлиланган жавонларни безатиш, вақтли матбуотдаги тақризлар, аннотациялар, обзорларни мунтазам ўқиб бориш орқали амалга оширилади. Фондлар турли методлар орқали ўрганилади. Улар орасида мухимлари — статистик: ҳар бир филиал, тузилмали бўлинма фонди таркиби, ўсиши ва ундан фойдаланишини таҳлил қилишдир. Уни унча мураккаб бўлмаган жадвал орқали бажариш мумкин.

Таҳлил умумлаштирилган ҳолда мавжуд филиал-кутубхона фондининг аҳволи, сифати, уни келгусида бутлаш тўғрисида хуносалар чиқариш учун зарур бўладиган — фонднинг ҳажми, китобларни илм соҳалари бўйича бўлинishi, умуман ва соҳалар нуқтаи назаридан китоб билан таъминланиши, берилган китоб-

лар, ўқилиш, фонднинг айланиши ва бошқа маълумотларни тасаввур қилиш имконини беради. Болалар филиал-кутубхонасида бундай таҳлилни ўтказиш осон, чунки у дастлабки маълумотларга эга. Қатталар билан бир қаторда болаларга хизмат кўрсатувчи қишлоқ филиал-кутубхоналарида ҳам жадвал тўлдириш мумкин. Бунинг учун мамлакатдаги кўпгина кутубхоналарда қилинадиган болалар фондидаги китоблар ҳисобини олиб бориш керак.

Филиал-кутубхона фондининг таркиби, ўсиши ва ундан фойдаланиш

Ҳаммаси	Адабиётлар						Балийи ва болалар адабиети (мак- табага тар- бия ёшидаги болалар за- 1-синфи)
	интимоний- снесий	илем	книжок ҳуқуқ даги	техника	адабиётгу- нослик	сангат	
Иил бошида бўлган Иил давомида олин- ган Иил мобайнода чиқа- рилган Иил охирида бўлган Китобхонлар сони Берилган китоблар Битта китобхоннинг китоб билан таъмин- ланиши Ўқилиш Фонднинг айланиши							

Болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналар учун ҳар бир ёш гуруҳидаги китобхонларни китоб билан таъминлашни аниқлаш учун фонднинг қандай китобхонларга мўлжалланганлигини ўрганиш муҳим. Нашрларни илм соҳаларига қараб ҳисобга олишдан ташқари, ҳар бир соҳа ичida фонднинг ёшга доир кимларга мўлжалланганлиги (мазкур илм соҳасига доир қанча китоб олинди, шу жумладан мактабгача, кичик, ўрта катта тарбия ёшидаги болалар гуруҳидагилар учун қанча) ни аниқлаш фойдалиdir. Бундай ҳисобга олиш методикаси осон. МКС фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлими болаларга доир китобларга ишлов бериш пайтида муқовада автор белгисидан пастда китобхонларнинг ёшларига доир категориялари шартли белгиси (М. гача, Кч, Ўр. Кт)ни қўядилар ёки синфини кўрсатадилар. Кутубхоначилар таҳлил пайтида шу белгиларга асосланиб, маълумотларни жамлайдилар. Китобларни қандай китобхонларга мўлжалланганлиги тўғрисидаги маълумотларни жамлаш методикасидан болалар билан бир қаторда катталарга ҳам хизмат кўрсатувчи ҳар қандай кутубхонада, шу жумладан қишлоқ кутубхонасида умуман «болалар» фондини аниқ-

лаш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Бу маълумотлар ёзиб олиниди ва филиал-кутубхона фонднинг сифати, ҳаракати, улардан фойдаланиш ва эҳтиётлаб сақланишини таҳлил қилишда «ишчи» статистика ўрнида фойдаланилади. Бироқ статистик маълумотлар ёрдамида фақат тахминий хуносалар чиқариш мумкин. Фонднинг сифатига фақат унинг мазмунига доир таркиби, шу жумладан статистик каталог, тавсия библиографик кўлланмалари, рўйхат ва бошқаларга тўғри келишигини таҳлил қилиш орқали тўлароқ баҳо бериш мумкин. Шунингдек, кутубхонада тўпланган нашрларга китобхонларнинг муносабатини билиш ҳам лозим.

Фонддан фойдаланиш турлича: ёш, соҳа, мавзу нуқтаи назардан ўрганилади. Мавжуд нашрлардан фойдаланишнинг анъанавий ва самарали усули китоб формуллярини таҳлил қилишdir. Унинг ёрдамида мазкур нашр қўлга берилганини ва неча марта берилганлиги тўғрисида аниқ маълумот олиш мумкин. Китобхонларнинг ҳар бир китобдан фойдаланмаслик сабабларини алоҳида-алоҳида тарзда аниқлаш (эътиборсизлик туфайли унутилган нашрлар, ихтисосга тўғри келмайдиган, ортиқча нусхалар, маънавий эскиргранлар, нобоп безатилган ва бошқалар) лозим. Шунингдек, янги олинган нашрларнинг таркиби ва ундан фойдаланишни ҳам таҳлил қилиш зарур. Кутубхоначи томонидан китобхонларнинг кўргазма абонемент, ўқув зали ва якка ишларда китоблар тавсия қилиш орқали адабиётлардан фойдаланишларини кузатиш ҳам муҳим. Ўрганиш натижалари — фонддаги камчиликлар, мавжуд китобларга бўлган талаблари, нусхалари, адабиётлар билан таъминланмаганлари тўғрисидаги маълумотлар марказий кутубхонанинг фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлимига берилади ва МҚСнинг янги фонди қўшимча тўлдириш йиғма картотекасида акс эттирилади, адабиётларга тахминий буюртмаларни расмийлаштиришда назарда тутилади.

Китобхонларнинг таркиби ва сўровлари, уларнинг адабиётга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш — фонднинг тўлақонли бутлашни таъминловчи зарурий шартdir. Айниқса ёш жиҳатдан муҳим. Китобхонларнинг ёш (синф) ларига доир таркиби тўғрисидаги маълумотлар кутубхонада бўлади. Бироқ ҳар бир филиал-кутубхонада китобхонлар тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, кутубхона хизмат кўрсатаётган зонадаги мактаб ўқувчилари — уларнинг ёш гуруҳлари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Турли миллат болалари истиқомат қилаётган микрорайондаги кутубхоналар учун китобхонларнинг миллий таркибини билиш, уларнинг у ёки бу тилдаги адабиётга бўлган талабини назарда тутиш муҳим. Ҳар хил тўгарак ва факультативларда шуғулланаётган китобхонларнинг талабларини билиш ва эътиборга олиш лозим. Бундай маълумотлар китобхон формуларида бўлади, китобхонлар билан суҳбат ўtkазиш, анкета саволлари ва бошқалар орқали аниқланади. Китобхонлар орасидаги фаол

кашшофларни аниқлаш муҳим. Ўз микрорайонидаги фаол кашшофлар тўғрисидаги маълумотларни мактабдан олиш мумкин. Кўп сонли гуруҳларга маълумотлар (кашшоф вожатийлар, ахборотлар, деворий газета муҳаррирлари, дружина ва отряд кенгаши раислари ва бошқалар), уларнинг китобга бўлган талабларини кўриб чиқиш мақсадида уларни умумлаштириш тавсия қилинади.

Фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлимига ҳар бир филиал ўз китобхонларининг таркиби тўғрисидаги маълумотларни беради, шу билан бирга бирон тўгарак, факультативда шуғулланा�ётган китобхонларнинг ёш гуруҳларини кўрсатиш муҳим.

Рад жавоблари ва унинг сабабларини таҳлил қилиш — фондни бутлашни такомиллаштиришда жуда муҳим. Болаларнинг тузилишли бўлинмаларида китобхонларга кўпроқ рад жавоблари бериладиган китоблар, шу билан бирга фақат бадний адабиёт асарларигагина эмас, балки илмий-билишга оид китоблари, маълумотнома нашрларига бўлган рад жавобларини ҳам аниқлаш керак. Мактаб дастурида ўрганиладиган асарлар, уларга бўлган талабни аниқлаш учун рад жавобларни диққат билан ҳисобга олиш лозим.

Рад жавобларини ҳисобга олишдан ташқари, китобхонларнинг қондирилмаган сўровларини аниқлашда «сен қандай китобларни қидирайсан, бироқ уни кутубхона ва ўртоқларингдан топа олмаяпсан» номли анкета саволлари ёрдам бериши мумкин. Анкетани ўрганиш жараёнида китобхонларнинг жавоблари варақачага кўчирилади. Ҳар бир варақачага мавжуд китобнинг номи, китобхонларнинг синфлари бўйича арзномалари сони кўрсатилади. Картотека китобхонларнинг муайян бир мавзуу, жанр, ёшларига хос кенг кўламдаги сўровларини бир хил китоб ёки темага бўлган қизиқишиларини бўлиб чиқилишини кўрсатади.

Рад жавоблари тўғрисидаги маълумотларни фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлимига топшириш лозим, унда у ёки бу нашрни олишнинг мақсадга мувофиқлиги, шунингдек, нусхалар сони масаласи ҳал қилинади. Марказий кутубхонада рад жавобларини таҳлил қилиш жараёнида филиал-кутубхона китобхонларининг қандай талабларини МКС ягона фонди орқали бажариш мумкинлиги эътиборга олинади. Агар китобхоннинг сўрови ўзига хос, эпизодик табииатига эга бўлса, у бошқа филиал-кутубхона фонди, ягона фонд ва ундан фойдаланишни ташкил қилиш бўлими, кутубхоналараро абонемент (МБА) ёрдамида бажарилиши мумкин. Рад жавобларнинг таҳлили адабиётларни МКС тузилишли бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлашга ёрдам беради.

Нашриётларнинг мавзуи режалари билан ишлаш. МКС фондини жорий бутлаш нашриётлар чиқарадиган адабиётлар нашр этиш режаларига асосланиб кутубхоналарнинг тахминий буюртмалари бўйича бажарилади.

Марказий кутубхонанинг фонди бутлаш ва адабиётларга

ишлов бериш бўлимида МКСнинг болаларга хизмат кўрсатувчи барча бўлинмалари иштирокида адабиётларга буюртмалар тузилади. Фондни тўлдирувчи В. И. Ленин номли кутубхона, жумҳурият болалар кутубхонасининг тавсияномаларига асосланниб болалар учун нашрларга буюртма беради. Ў, шунингдек, оммавий кутубхоналар учун мақсадга қаратилган ҳар йилги умумиттифоқ (жумҳурият) кутубхона сериясида боснадиган адабиётлар рўйхатига ҳам асосланади.

Фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлимининг болалар адабиёти бўйича мутахассис барча тузилмали бўлинмаларнинг вакиллари иштирокисиз болаларга адабиёт танлаш юзасидан узил-кесил қарор қабул қиласлиги керак. Ў ёки бу филиал-кутубхона учун адабиётларга буюртмани расмийлаштириш, бошқаларга нисбатан ўз кутубхонасининг хусусиятлари, фонднинг таркиби ва китобхонларининг сўровларини биладиган унинг ходими ҳал қилувчи ўрин тутади. Ҳар бир болалар филиалига нашриётларнинг адабиёт чоп этиш режасини таҳлил қилиш, мавжуд китобларга ўзининг буюртмасини тузиш тавсия қилинади. Бу янги адабиётлар тақсим қилишдаги кўпгина англашмилмовчиликлардан қутулишга ёрдам беради.

Фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлимида мавзуи режаларни тахминан ишлаб чиқиш жараёнида ягона фондни йиғма алфавит каталоги бўйича аввалги чиққан нашрлар билан таъминланишини серияли, давомли, кўп томли нашр ва бошқалар билан солишириб чиқиш мақсадга мувофиқ. Факат ихтисослаштирилган болалар нашриётларининг режалари бўйича ишлаш билан чекланиб қолмасдан, болалар учун китоблар босадиган бошқа нашриётларнинг режаларини ҳам кўриб чиқиш керак.

МКСда адабиётлар нашр қилиш режалари билан ишлашни ташкил этиш варианatlари турлича бўлиши мумкин, энг муҳими ҳар бир филиал-кутубхона ва умуман МКС болалар учун ягона фонднинг эҳтиёжлари эътиборга олиниши лозим.

Турли нуқтаи назардан адабиётларга бўлган буюртмаларни йиллар бўйича таққослаб кўриш фойдалиdir.

Адабиётларга бўлган буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар марказий кутубхонанинг фондни бутлаш, адабиётларга ишлов бериш бўлимида йиғилади, у ерда филиалларнинг буюртмалари умумлаштирилади ва тузатишлар киритилади, МКСнинг ягона фонди учун болалар адабиётларига бўлган йиғма буюртмалар тузилади. Филиал-кутубхонада буюртма берилган адабиётлар миқдори тўғрисидаги маълумотлар қолиши керак.

Фондни бутлашга ёрдам берадиган справка аппарати. Фондни мақсадга мувофиқ бутлаш учун муҳим маълумотлар марказий кутубхонанинг фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлимида йиғилади ва справка аппаратида акс эттирилади.

Биргаликда марказлаштирилган тақдирда ягона справка аппаратида маҳсус болалар муаммоси ажратилади. Шундай қилиб, шаҳар, районнинг иқтисодий ва маданий картотекасида-

ти «Кутубхоналар, мактаблар, мактабдан ташқари муассасалар» бўлимида МКС, мактаблар, мактабдан ташқари муассасаларда болаларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг аҳволи тўғрисидаги маълумотлар йиғилади. Маълумотлар болалар билан ишлайдиган, МКС бўлинмалари хизмат кўрсатадиган микрорайонлар бўйича гуруҳларга ажратилиши мумкин. Улар хизмат кўрсатилаётган зонадаги болаларнинг ёшлари бўйича сони, мактаб ва синфлар сони, мактаб кутубхоналари сони, улар фондларининг миқдор ва сифат жиҳатдан таркиби, фан тўғраклари, мактаб факультативларининг ихтисоси, хизмат кўрсатилаётган зонадаги мактабдан ташқари муассасалар тўғрисидаги маълумот ва бошқаларни қамраб олади.

Болалар кутубхоналари мустақил марказлаштирилган пайтда баъзи МКСларда маҳсус картотека бўлиб, унда филиал-кутубхоналарга доир барча маълумотлар йиғилади. Ҳар бир филиал-кутубхона учун алоҳида варақача тўлдирилиб, унда кутубхонанинг тузилиши, китобхонларнинг ёшларига оид таркиби, уларнинг китоб билан таъминланиши, мактабнинг хусусияти, мактаблардаги касб танлашга йўллашлар, тўғраклар, шунингдек, микрорайондаги мактабдан ташқари муассасалар тўғрисидаги маълумот ва бошқалар кўрсатилади.

Филиаллари унча кўп бўлмаган МКСда ёш таркибини жадвалда акс эттириш мумкин, унда МБҚ, шунингдек, филиал-кутубхона сигласи остида китобхонларни ёш гуруҳларига оид сони (мактабгача болалар, 1—3- синф, 4—5-синфлар, 6—7-синфлар, 8—9-синфлар; жами) кўрсатилади.

МКС фондини тезда бутлаш режасида болалар адабиётлари билан тўлдириш ҳам ёритилади; уларни олишга ажратилган маблағ кўрсатилади. Давлатга қарашли оммавий кутубхоналарни марказлаштириш тўғрисидаги Низомга кўра болалар адабиёти билан тўлдиришга 30% маблағ² ажратилади.

Ажратилган маблағни МКС да болалар ва ўспиринларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналар ўртасида тақсимлашда: кутубхона китобхонларининг миқдорини, микрорайон кутубхонасидаги болалар сони, битта китобхоннинг китоб билан таъминланиши ҳамда кутубхона томонидан бажариладиган ишлар ҳажмини эътиборга олиш керак.

Фондни бутлаш ва адабиётларга ишлов бериш бўлими ходими справка аппаратини яратади ва ишларни (филиал-кутубхоналардан олинган маълумотлар асосида) юритади. Тўпланган маълумотларга асосланиб, ишда марказий болалар кутубхонаси билан келишгани ҳолда, болаларга хизмат кўрсатувчи ҳар бир тузилмали бўлинма фонди бутланади.

² Руководящие материалы по библиотечному делу. 116- бет.

Фондни жойлашириши

Фондни тўғри жойлашириш китобхонга ҳам, кутубхона ходимларига ҳам катта аҳамиятга эга. Ундан фойдаланиш, китобхонларга хизмат кўрсатиш даражаси, кутубхона фонднинг қандай очиб берилганлигига боғлиқ бўлади.

Китобхонлар учун очиқ фондни ташкил қилиш кутубхоначи-ларнинг ўзлари ишлашлари учун яратилган фонддан фарқ қиласди.

Ягона фонд ва ундан фойдаланишни ташкил қилиш бўлими, шунингдек, доимий бўлмаган хизмат кўрсатиш фондларида болалар учун адабиёт катта ёшдаги китобхонлар учун адабиётдан ҳоли жойлаширилади ва систематик-алвафит қоидаси бўйича гуруҳларга ажратиб қўйилади. Бундай жойлаширишнинг афзаллиги шундаки, кутубхоначи зарур китобнинг аниқ шифрини билмаса ҳам уни тез топишга ёрдам беради, агар китоб ўз ўрнида бўлмаса, мазмунига яқин бўлган бошқа китобни тавсия этиш имконини яратади.

Бутун очиқ фонд бир неча қисмларга ёки ёшга қараб табақаланади: 5—7 ёшлилар; 8—9 ёшлилар; 10—11 ёшлилар; 12—14³ ёшлилар учун адабиётга бўлинади. Адабиётларнинг табиатидан келиб чиқиб ва китобхонларнинг ёш хусусиятларига қараб, бу фондларнинг ҳар бирини ташкил қилиш ва системага солиш ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Шунинг учун фондда ҳар бир ёш гуруҳига доир адабиётлар алоҳида жойлаширилади. Китоблардан фойдаланиш ва жойлаширишни енгиллашириш учун ҳар бир фонд шартли белги: «Д., М.л., Ср., Ст» ни қабул қиласди. Биргаликдаги МҚСларда болалар фонди китобларига шу маҳсус ҳарфли белгилар қўйилган бўлиши шарт.

5—7 ёшлилар учун китоблар кутубхона тавсифи қоидасига биноан системалаштирилмайди. «Д» шартли белгисини олади ҳамда автори ва сарлавҳаси алфавитида жойлаширилади. Фақат айрим мавзулар «Бизнинг Ватан», «Эртаклар», «Ҳайвонлар ҳақида» ва бошқалар ажратилади. 5—7 ёшли болалар кенгайтирилган кўргазмалар ва адабиёт танлаш қутичаларидан мустақил китоблар танлайдилар.

8—14 ёшли китобхонлар ўзлари очиқ фонд жавонларидан китоблар танлайдилар. Уларга мўлжалланган фонд болалар кутубхоналари учун КБҚ жадвалига биноан системага солинади. Бироқ фондни очиб бериш болаларнинг ёш хусусиятларига мос келиши керак. Бу турлича бўлиниш, бўлим ойнасўзларининг ифодасида ўз аксини топади. Мана, масалан, айнан бир, яъни «2 табиий фанлар» бўлими шакли китобхонларнинг ёшига қараб қандай ўзгариши мумкин: 7—9 яшар болалар учун «2 Сенинг атрофингдаги табиат», 10—11 яшар болалар учун «2

³ Библиотечно-библиографическая классификация. Таб. для дип. б-к. 2-е изд., испр. и доп. М., 1986. 171- бет.

Фан табиат түғрисида. Олимларнинг ҳаёти ва фаолияти», 12—14 яшар болалар учун «2 Табиий фанлар (Фан табиат түғрисида)» бўлиши мумкин.

8—9 яшар мактаб ўқувчиларига мўлжалланган китобларни жойлаштиришда, болалар ва мактаб кутубхоналари учун КБК жадвалига 1-Илова сифатида берилган,⁴ маҳсус ишлаб чиқилган чизмали каталог чизмасидан фойдаланиш керак. Мавзуи ойнасўзларни индекссиз қўлланиш тавсия қилинади. Шундай қилиб, «39 Транспорт (поездлар, машиналар, кема ва бошқалар) бўлимида «Йўл ҳаракати қоидалари» ойнасўзини ажратиш мумкин. Ёки «65. Дунё мамлакатлари ва бизнинг мамлакатимизнинг хўжалиги» ойнасўзида «Ҳамма ишлар яхши, дидинга қараб танла» кичик ойнасўзаси ажратилади. «Бадиий адабиёт» бўлимида асарларни жанрларига қараб эртаклар, шеърлар, масаллар тарзида гурухларга бўлиш мумкин.

10—11 яшар болалар учун фондни соддалаштирилган шаклла КБК жадвали (2-илова)⁵нинг қисқартирилган варианти асосида жойлаштириш керак. Агар кутубхона биносида 10—11 яшар болалар учун бутун адабиётлар фондини алоҳида ажратиш учун имконият бўлмаса, унда илмий-билишга оид адабиётни каттароқ китобхон-болаларнинг адабиётлари билан қўшиб қўйиш тавсия қилинади. Бадиий адабиёт алоҳида жойлаштирилади.

12—14 яшар болалар учун адабиётлар жавонларга асосий тавсия жадвалларига биноан жойлаштирилади. Кутубхоналар амалиётида аввал қўлланилган, мазмунан бир-бирига яқин бўлган бўлиmlарни эндиликда бирлаштириш шарт эмас, чунки кутубхона-библиография тавсифини ишлаб чиқиша ҳозирда тавсиф бўлими ва бўлимчаларининг изчилиги берилмоқда.

Бадиий адабиёт фонди уч қисмга бўлинади: рус адабиёти, қардош халқлар адабиёти ва хорижий мамлакатлар адабиёти. Агар кутубхонада қардош халқлар адабиётининг миқдори кам бўлса, у рус адабиёти билан бирлаштирилади ва инқилобгача ва совет адабиётига бўлинади. Хорижий ёзувчиларнинг китоблари мамлакатлар бўйича, ҳар бир мамлакат ичидагиси эса муаллифи ва сарлавҳалар алфавити асосида жойлаштирилади.

Жавонлардан эркин китоб танлаб олишдаги ишларнинг табиати, адабиётни унинг мазмуни, миқдори ва нусхалар сони нуқтаи назаридан жiddий танлашни талаб қиласи. Фондга адабиётларни уйиб ташламаслик керак: очиқ фонд шароитида жавонлардаги китоблар 2—3 нусхадан ошмаслиги керак.

Жавон ажраткичларида фонд бўлиmlарининг номи йирик ҳарфлар билан, индексларнинг номи эса майдо ҳарфлар билан аниқ қилиб ёзилади. Ажраткичлар кўркам бўлиши учун тегишли расмлар ёпиштириш мумкин, у айниқса мактабгача тарбия

⁴ Библиотечно-библиографическая классификация... 220—221- бетлар.

⁵ Уша жойда. 222—229- бетлар.

ёшидаги болалар ва кичик мактабгача тарбия ёшидаги китобхонлар учун кенг құлланилади.

Китобхонлар китоблар қандай жойлашганлиги түррисида аниқ тасаввурға эга бўлишлари керак. Китобхонларни очиқ фондда адабиётлар қандай жойлашганлиги билан танишириш мақсадида плакатлар билан безатилади. Уларга, шунингдек, маълумотнома-библиография аппарати, хусусан мунтазамлаштирилган каталог ёрдам бериши мумкин. Китобларни жавонлар ва мунтазамлаштирилган каталогда гуруҳлаш бирлиги, китобхон билан каталог ўртасида муҳим воситачи бўлиш имконини беради. Китобхон мавжуд ҳолатда жавонларда йўқ китобларни киталогдан билиб олади. Китоб танлашда шунинг учун ҳам каталогни тушунтирувчи плакатни осиб қўйиш фойдали.

Очиқ фонддан кутубхонанинг 8—14 яшар барча китобхонлари фойдалана оладилар. Кутубхоначи очиқ фонддан фойдаланишини билмайдиган ёки фойдаланишини хоҳламайдиган китобхонларга зарур китобларни танлашга ёрдам бериши керак.

Агар кутубхонада китобхонлар учун тўла очиқ фонд ташкил қилиш учун шароит бўлмаса, фонднинг айрим бўлимлари ёки адабиётларнинг долзарб мавзуларини очиб қўйиш тавсия қилинади. Ҳар бир кутубхонада иккинчи (дублет) нусхалар, маълумотларни бажариш учун адабиётларни сақлаб қўядиган жой бўлиши керак.

Фондни эҳтиёт қилиб сақлаш

Кутубхонада китобларни эҳтиёт қилиб сақлаш: китоб жавонларида санитария-гигиена режими белгиланган тартибга риоя этиш, китобларни ўз вақтида ямаб тузатиш ва қайта муқовалашни таъминловчи шароит яратишдан иборат.

Жавонларда китобларни бемалол туриши учун шароит яратилиш лозим, чунки зич жойлаштирилган китоблар тезроқ эскиради.

Фондни эҳтиёт қилиб сақлашда санитария-гигиена режимига риоя этиш ва ҳарорат, намлик, ҳавонинг тозалигини меъёрида сақлашга катта аҳамият бериш лозим. Имкони борича бинода доимий ҳарорат ва намлик (меъёрдаги ҳарорат $16-18^{\circ}\pm 2^{\circ}$ С, намлик $50-60\%\pm 5\%$) ни сақлаш керак.

Китоблар тезда эскирмаслиги учун, уларни ўз вақтида ямаб тузатиб туриш ва қайта муқовалаш керак. Кутубхоначи китобни қабул этиш ва ёзиб бериш чоғида уларнинг ҳар бирини кўриб чиқиши, тўзиган ва йиртилган китобларни ажратиб қўйиш шарт. Болалар кутубхонасининг хусусияти: фонднинг деярли тўртдан бирини — асосан юмшоқ муқовада нашр қилинган мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва кичик мактабгача тарбия ёшидаги ўқувчилар учун адабиётлар ташкил қиласи. Баъзи кутубхоналар ҳали китобхонлар қўлига берилмаган янги китобларни қайта муқовалаб тўғри иш қиласидилар. Ягона кутубхона муассасаси — МҚС шароитида шундай қилиш учун

имконият етарли. Болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарда, китобларнинг ёш дўстлари — муқовалаш «Китобчалар шифохонаси» тўгараги ишлайди. Болалар китоб саҳифаларини ёпишириш, доғларни кетказиш, китобларни муқовалаш билан шуғулланадилар.

Китобхонларни миллий бойлик бўлиб ҳисобланган китобларни авайлаб-асраш руҳида тарбиялаш керак. Болани кутубхонага аъзо қила туриб: одатда, кутубхоначи уни кутубхонадан фойдаланиш қоидалари билан таништиради, китоб билан қандай муомала қилиш лозимлигини айтади. Ўқиши маданияти бўйича машғулотларда, маҳсус сұҳбатларда ўқувчилар китоб кутубхонага келиб тушганига қадар қандай йўлни босиб ўтганилиги билан таништирилади. Босмахонага экскурсиялар, рассом, безатувчи, матбаачилар билан учрашувлар ўтказилади. Шунингдек, «Китобни авайлаб асра» плакати каби кўргазмали воситаlardан фойдаланилади. «Яша китоб» кашшоф операцияси ўтказилади, кутубхона ва мактабларда жамият ҳаётида китобнинг роли тўғрисида стенд-экран тайёрлаб намойиш этилади.

Кутубхоначи ўқувчиларда кутубхонадан олган китоблари учун доимо масъулият ҳис этишини тарбиялаши, кутубхона ва китобдан фойдаланиш қоидасини қатъий бажарилишини талаб қилиши керак. Болалар йўқолган китобни худди шу қийматдаги китоб билан алмаштириш лозимлигини, агар уни алмаштиришнинг иложи бўлмаса, китобни ўн баравар нарх билан ундирилишини яхши билишлари керак.

Кутубхонада «СССРда кутубхона иши тўғрисида Низом»дан олинган фондни эҳтиёт қилиб сақлаш, китобхонларнинг бурчи тўғрисидаги кўчирмаларни осиб қўйиш фойдалидир. Китобларни ўғирланиши, кутубхонага муддатида қайтарилимаган китоблар тўғрисидаги далилларни мактаб жамоаси, ота-оналарнинг иш жойларида ошкор айтилиши жоиз.

Китобхон - болаларнің ижтимоий психологияк хусусиятлари

Китобхон-болага мақсадға мұвоғиқ педагогик таъсир үтка-зиш шахснің ёш ва ўзига хос психологик хусусиятларині ҳи-собға олишга таянади.

Бир хил ёшдаги болалар ўқишида ўзига хос тафовут бўлади. Бироқ болаликнинг ҳар бир даврида ўқишининг ўзига хос хусусиятлари, ўқиши сифатининг алоҳида фаоллиги намоён бўлади: баҳолашнинг маълум мезони; китобхон сўрови ва унинг мазмупи, кенглиги, барқарорлиги; адабиётга мурожаат этишининг сабаблари. Болалар ўқишининг ижтимоий-психологик тадқиқоти китобхон гуруҳларининг ёшга қараб табақаларга бўлинини аниқлаш имконини беради. Болалар ўқиши педагогикасида ёшига қараб ўқишининг ўсиши қўйидаги босқичларга бўлинади: болалик (6—9 ёш); болаликдан ўспириинликка ўтиш (10—11 ёш); ўспириинлик (12—13 ёш); ўспириинликдан ўсмирликка ўтиш (14 ёш).

Бу тоифадагиларнинг ёш чегараси ҳаракатчан бўлади, яъни китобхоннинг ижтимоий-психологик шароитининг шаклланишига кўра ўн ёшли болани ўзига хос типологик хусусиятига қараб ўспириин китобхон тоифасига қўшиш, ўн тўрт ёшлиларни эса ўспириинликка ўтаётган китобхон тоифаси табиатидагилар қаторига қўшиш мумкин бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги китобхонлар

Болада ўқишига бўлган эҳтиёж мактаб ёшигача шакллана бошлайди. Бўлажак китобхон ҳаётида ота-она уйи, болалар боғчаси ҳал қилувчи ўрин тутади.

Ўқиши—боланинг маънавий ҳаётига мустаҳкам кириб бориши учун олдиндан таъсирчан-эстетик тайёргарлик кўриш зарур: бола биринчи сўзни мустаҳқил равишда ўқишидан олдин, у ҳар куни катта одам—онаси, отаси, бувиси, болалар боғчаси мураббияси, кутубхоначининг ўқиб берганини эшитиши, бадиий образ гўзаллигини ҳис қилиши керак.

Биргаликда қайғуриш қобилияти — санъатни тўлақонли идрок этишининг муҳим шартларидан бири. Болада қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларигина эмас, балки ҳаракатларнинг сабабларини идрок этиш, уларни турли вазиятларда ўзаро алоқасида ёрдам берадиган матнга ўз муносабати пайдо бў-

лади. Қайғудош бўлиш болага инсонларнинг турли ҳаракатларини маънавий баҳолаш имконини беради.

Ҳис-туйғу кўтаринкилиги ва адабий асарни бевосита идрок этиш, бадиий адабиёт образига кўниши воқеликни тушуниб этиш ва англаб олиш билан ҳали етарли боғлиқ бўлмайди. Бироқ бундай идрок этиш самарадорлиги болага ҳаёт тажрибасини бир қадар бойитиш имконини беради. Кундалик воқелик даражасида шахсий тажрибани кенгайтириш имкониятлари чекланган бўлиб, у кўпроқ катта ёшдагиларга боғлиқдир.

Ҳис-туйғу кўтаринкилиги бола шахсини ҳар томонлама ифодалайди. Биз бу ёшдаги боланинг ҳис-туйғуси, фикрлаши, хотира, ҳисснёти тўғрисида гапирамиз.

Ҳис-туйғу тасаввур жараёнига ҳам таъсир кўрсатади, қайсики мактабгача тарбия ёшида етакчи фаолият, асосан ўйин билан боғлиқ бўлиб, у болани қизиқтиради. Мактабгача болалик тасаввурни ўстириш учун кўпроқ «сензитив»¹ ёш бўлиб ҳисобланади.

Бола таклиф этилган эртак ёки бошқа асар жанрида тасаввур қилинаётган вазиятга жуда тез киришиб кетади. Унда тезда «яхши» ёки «ёмон» қаҳрамонларга нисбатан майл ва хуш кўрмаслик кайфияти пайдо бўлади.

Болаларнинг китобга бўлган муносабатига таъсирчанлик, идрокнинг ўткирлиги, уларнинг айниқса сўзга муносабатининг ўзаро боғлиқлиги каби ёш психологик хусусиятлари қисман таъсир қиласди. Болалар сўзни идрок қила туриб унинг буюм ҳолидаги мазмунини аниқ тасаввур қиласди; катталар учун аллақачон одат тусига кириб қолган сўзлар уларни ҳайрон қолдиди, хайратга солади. Болалар билан ишлашда буларнинг ҳаммаси кутубхоначига кенг имкониятлар очади.

Мактабгача тарбия ёшидаги бола она тилиси сўзларининг гўзаллигини тушунишида бадиий усул сифатида фойдаланилайдиган сўз ўйини, сўз мароми, бадиий асар ниҳоятда катта роль ўйнайди. Мактабгача тарбия ёшидаги бола ўзининг биринчи китобчаларига катта кишининг ёрдамида тушунади, болалар китобларининг муваффақияти биринчи навбатда катта кишининг ўқиш пайтидаги кайфиятига боғлиқ бўлади. Катта киши боланинг идрок этишига «яқинлашиши» зарур: қаҳрамонлар билан бирга шод-хуррам бўлиш ва қувониш, болаларга шеърда талқин қилинган маромни тинглашга ёрдам беришдан иборат. Болаларга зерикарли қилиб, бир оҳангда ўқиб бериш мумкин эмас, агар шундай қилинса, ҳар қандай ўткир асарни ҳам ёмонотлиққа чиқариш мумкин.

Шунинг учун ҳам мактабгача тарбия ёшидаги болалар билан ишлайдиган кутубхоначи учун ўқишга раҳбарлик қилиш жара-

¹ «Сензитив ёши» бола ёшининг муайян даврига хос энг мақбул табиатга эта психик хусусият ва жараёнлар ривожланишидир. Қаралсин: Краткий психологический словарь / Сост. Л. А. Карпенко; А. В. Петровский, М. Г. Ярошевский умум. таҳ остида. М., 1985, 317- бет.

шаклланишида мұхим босқыч бўлиб, умуман болаликдан «балофат» ёшига ўтишлик билан ифодаланади. Бу ўтиш давомли бўлиб, ҳар хил болаларда турлича кечади.

Кичик ўспиринлар — китобхонларнинг мураккаб турпни ташкил қиласди. Гарчи катталар улар учун барча масалаларда ўз обрў-эътиборини сақлаб қолсалар ҳам, энди улар катталар билан унча ишонарли ва бажонидил мулоқот қилавермайдилар. Руҳий жараёнлари қайта қуриласди, маълум умумлашмаларга йўналтирилган қобилият мулоҳазали тафаккур фаолияти орқали фаол шакллана бошлайди. Бу ёш даври билиш ва ижтимоий томондан гуркираб ўсиш давридир. 10—11 ёшли болалар энг фаол кашшофлардир. Кино, ойнаи жаҳонга қизиқиш ортади. Ўйинлар бошқача тус олади, сафар, саёҳатларга қизиқиш кучаяди. Билишга доир қизиқишдаги номаълумлик, уюшмаслик ҳолати йўқолади. Болаларни коинот масалалари, ҳаёт ва ўлим муаммолари, инсон руҳияти ҳодисалари тўлқинлантира бошлайди. Уз тажрибасига ишонч, ҳис қилиш ортади, гўё атрофдаги ҳамма нарса танишдек туюлади, айниқса янгиликларни билиш, ҳақиқат ва ҳақиқий ҳодисалар тўғрисида фикрлашга қизиқиш янада орта бошлайди. Бу ёш даврида табиий-илмий масалаларга доир, илмий-билишга доир, алабиётларни мустақил ўқишига, ақлий ва ҳаяжонли ҳолатларга тайёр бўлишлик пайдо бўлади.

Кутубхоначига кичик ўспиринларнинг ўқиш мавзулари — улар нима учун китоб ўқиётгандарли, улар боланинг қандай маънавий эҳтиёжларини қондираётганини билиб олиш жуда мұхим. Мавзу — ўқишига бўлган талаб ва шу эҳтиёжни китоблар орқали қондиришни боғловчи мұхим ҳалқа. Агар мавзуларни шакллантиришга етарли эътибор берилмас экан, унда талабнинг ўсиши ва мураккаблашуви тўхтайди.

Кутубхоначи мавзунинг онгли танланганлик даражасини болаларга берилган қуидаги: «Сен китобни нима учун ўқийсан?», «Сен ҳозир нима ҳақида ўқишини хоҳлардинг?», «Сен ўз дўстингта қандай китобни ўқишини маслаҳат берардинг?» саволларига улар қайтарган жавобларини қиёслаш орқали аниқлайди.

Қўргина кичик ўспиринлар ишонч ҳосил қилишига қараганда, ўқишининг етакчи мавзуси билиш ҳисобланади: китоб ўқиш—бильвосита тажриба манбаси, дунё тўғрисидаги билимни кенгайтиради.

Улар шу билан бир қаторда китобни дўст, ҳаёт дарслиги сифатида қабул қиласдилар, ўқишининг тарбиявий вазифасини тушунадилар. Бу йўл-йўриқ кўп жиҳатдан болада ўқишига раҳбарлик қилувчининг тарбиявий ишларининг таъсири остида шаклланади. Болаларга қаҳрамонларнинг одоб-ахлоқи, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва қилмишлари туфайли намоён бўладиган асарлар ёқади, бироқ улар («китоб ўқиши орқали, ҳаётни севиш, ёлғонни ёқтирумасликка ўрганаман», «Мен кимдан намуна олишни ўйлайман» каби) ахлоққа оид панду насиҳатларни севмайдилар. Ўқиши жараённада (ақлли бўлиш, орзу қилиш ва

фикраш учун ўқииман») маънавий ўсишнинг ўз мавзуси туғилади. Ўқиш мавзулари ичиде («Яхши ўқиш учун») ўқув мавзуси анча кенг тарқалган.

Бола тушунган ҳолда китоб танлаганда китобхон сифатида шаклланади, унинг асосида асарнинг темаси ва мазмуни ётади. Қизиқиши доираси кенгая боради. Бу қизиқишиларнинг ўзига хослиги—серрежалилик ва турли-туманлигига, шунингдек, кичик ўспириналарни ўзига тортадиган мазкур билим соҳасининг тушунарлилиги ва аниқлигига боғлиқ.

10—11 яшар китобхонлар билиш ва бадиий матнлар ўртасидаги тафовутни сеза бошлайдилар. Энди улар ўқиш доирасига фақат табиатшуносликка оид эмас, балки тарихий-бадиий китоблар ҳам киради. Бу ёшдаги болаларда фуқаролик ва ижтимоий фаолликни тарбиялашда Ватан ва унинг қаҳрамонона ўтмиши тўғрисидаги китоблар катта ўрин эгаллади. Болалар кашшоғ газета ва журналларини ўқий бошлайдилар.

Билишга бўлган юксак фаоллик, мавжуд билимга қизиқиши, ҳақиқий муҳитни ўз тажрибаси билан солишириш—буларнинг ҳаммаси кичик ўспириналарнинг китобга бўлган муносабатини кўрсатади. Унинг ғоявий мазмунига баҳо бериш асосида болаларнинг ўз мезони бўлади. Болалар энди китоб ғоясини ўзларича ифодалашга интиладилар, мавҳум тушунчадан аниқ бадиий образга ўтадилар, ҳақиқий ҳодисаларга ўз муносабатини далиллар орқали кўрсатишга уринадилар.

Бу ёшдаги китобхонлар учун болаликнинг бу даври ўспирилинг кейинги даврларига нисбатан кўпроқ асарда тасвирланган воқсанни изчилиги, кескин вазият, тасодифларга қизиқишиларнинг кучлилиги билан ажralиб туради. У ўз ёшига мос китобларни мутолаа қила туриб муаллифнинг нуқтаи назарини тушунади ва ҳис қилади. Кутубхоначи болаларнинг ўқишига таъсир кўрсатиш йўлларини ўйлаганда шуларни ҳам доимо назарда тутади.

Агар кичик ўспирин кутубхоначи унинг маънавий дунёси, қизиқиши ва интилишига ҳурмат билан қараши, китобхоннинг қизиқишига ғамхўрлик қилиши, боланинг китоб ва мутолаа хусусидаги ҳар қандай интилишларига эътибор беришга тайёр эканлигига ишонч ҳосил қилса, болаларнинг ўқишига таъсир қилишининг ижобий бўлишлиги аниқ. Кичик ўспирин катталарнинг ўзи билан китоб ўртасида воситачи бўлишларини истайди.

Бу ёшда таниш нарсалар чегарасидан чиқишига интилиш уйғона бошлайди, демак энди мустақил билим асосларини қўйиш керак. Шу билан бирга кутубхоначи кичик ўспириналарнинг ўзига хос хусусиятлари унинг ўқиши ҳамда серғайрат изланувчан табиати билан бевосита боғлиқлигини эътиборга олиши керак. Шу муносабат билан В. А. Сухомлинский томонидан мустақил билим олишга берилган таъриф кутубхоначилар диққатини ўзига тортади: «Мустақил билим олишлик дарсларда олинган билимлар билан уйда китоб устида мустақил ишлашликнинг ягона бирлигини ташкил қилишларини кўрсатади, унда ҳавас,

қобилият, истеъдод шакланишининг узоқ жараёни намоён бўлади¹.

Китобхонларнинг қизиқишлигини ўрганиш асосида очиқ фонд ташкил қилиш, кўргазма ишлари, китоблар жавони олдида маслаҳат бериш, кутубхонага экскурсия ўюнтириш, якка ва гурӯҳли тавсиявий сұхбатлар ўтказиш, «барвақт ахборот бериш» мустақил билим олишга қизиқиши имкон беради.

12—13 ёшли китобхонлар

Бола улғайган сайин, бола шахсининг ўзига хос хусусиятлари ёрқин намоён бўла бошлайди. Агар ёшликтининг аввалги босқичларида боланинг муҳитга муносабати, унинг «жўшқин муваффақияти» кўпроқ катталар орқали шаклланган бўлса, энди биринчи навбатда тенгқурларининг муносабати ва баҳоси билан белгиланади.

Катта ўспириналарнинг ақлий имкониятлари орта боради. Ақл-идроқининг ўсиши, тушунчадаги тафаккур туйғу доирасига ҳам таъсир кўрсатади: сезги кўпроқ танлаб оловчи, ўзига хос бўла бошлайди.

Бу ёшнинг муҳим хусусияти — ўзи фикрлаш ва ўзи баҳолаш жараёни ўсишининг бошланишидир. Кичик ўспириналарга хос бўлган содда маъқуллаш шаклидан фарқли ўлароқ, катта ўспириналарда ўз шахси, ўз имкониятларини намоён этиш ва уларни объектив баҳолашга кўпроқ онгли ёндашиб ҳоли орта боради. Тасодифий ахлоқий қарашлар ва баҳо беришлар таъсири нисбатан барқарор ва мустақил шакллана бошлайди: ахлоқий фазилат, интизом нормалари ва одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатга қизиқиш пайдо бўлади.

Катта ўспириналарнинг билим олишга доир сўровлари онгли, танлаб олишли бўлиб, тобора шахсий қизиқишига айлана боради. Уларни айниқса ижтимоий ва ахлоқий масалалардан: инсоният тақдиди, жамият ҳаёти, баҳт, севги, дўстлик ва бошқа масалалар кўпроқ тўлқинлантиради. Ўспириналарнинг бир қисмida айrim ўқув фанларига анчагина ва барқарор иштиёқ пайдо бўлади. Улар янги кашфиёт ва ихтиrolарга ўз муносабатларини билдирадилар, техникага қизиқадилар, турли тўғаракларга қатнашилар, қуриш-ясаш билан шуғулланадилар. Тобора юксалаётган ижтимоий фаоллик катталарнинг ҳаёти ва юмушларида қатнашиш имконини беради.

Муомаланинг ўзига хос табиати, ўзини-ўзи англаш ва ўзини-ўзи баҳолашга мойиллик, юксак фаоллик ва қизиқишининг кенглиги, амалий фаолиятга талаб — ёшликтининг бу барча ижтимоий-руҳий фазилатлари китобхон хусусиятини шакллантиришга ҳам таъсир кўрсатади. Ўспириналарда илмий-билим берувчи адабиётларни ўқишиларига асосий сабаб, шахсий қизиқиш ва ҳаваси билан боғлиқ бўлган билим олишdir. Бунда мактаб таъсири билан боғлиқ бўлган сабаблар маълум ўрин эгаллай-

¹ Сухомлинский В. А. Рождение гражданина. М., 1971, 161-бет.

ди. Илмий-билим берувчи адабиётларни ўқишига тенгқурларнинг тавсияси жиддий сабаб бўлади, китобга бундай муносабатда бўлиш ҳамиша ҳам онгли равишда бўлавермайди, балки баъзан тасодифий бўлади.

Ўғил ва қизларда илмий-билим берувчи китобларни ўқишида ҳам сўровларнинг табиати ҳам, ўқишилар мазмуни, ҳам китобга мурожаат этиш сабабларида тафовут бўлади. Буни ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнида назарда тутиш муҳимдир. Ўғил болалар техника, физика, математикага оид китобларни ўқишини афзал кўрадилар. Қизлар биографик табиатидаги китобларни, санъат, адабиётшуносликка доир асарларни ўқишини ёқтирадилар, катталар учун китоблар уларни ўзига торта бошлайди.

Бадиий адабиётни ўқиш боланинг шахсий талаб ва эҳтиёжи билан боғлиқ бўлган эркин фаолият сифатида англашила бошлайди. Ўспириналар кишилар китобни нима учун севишиларини энди чуқур англайдилар, китоб танлашнинг сабаблари ҳар бир кишида ҳар хил бўлади, умуман қаҳрамон ва китобга бўлган муносабат айниқса аниқ ифодаланади. Китобга бўлган онгли муносабат китоб қандай ёзилганлигига баҳо беришда намоён бўла бошлайди. («Ёзувчи китобга ўзининг бутун қалбини баҳш этиб, шундай самимий ёзганки, ҳикоя яхши чиққан»). Ўқиши жараёнида туйғу ва кечинмаларни бошдан кечириш, катта ўспириналарда анча кенг ва мунтазам бўлиши мумкин. Ўзи севган китобларга баҳо беришда ўзи билишликка интилиш юз беради. Ўзини қаҳрамон ўрнига кўйиб, ўзлари уларнинг ўрнида бўлиб қолганларида нима қилишлари мумкин эканлиги ҳақида ўйлайдилар, ўз хулқ-авторлари тўғрисида хаёл сурадилар.

Ёқтирган китобларини «биринчи марта ўқиши пайтида сезмаган янгиликларни очиш учун» қайта ўқиб чиқиши хоҳиши туғилади. Кўплар шунга аминки; «агар китоб яхши бўлса, уни қайта ўқиб чиқиши мумкин». Бироқ болаларнинг фикрича, шундай китоблар борки, улар учун вақтни бекор кетказишнинг ҳожати йўқ,— «хеч нарса ололмайсан». Китобга нисбатан онгли муносабатда бўлиш, ўқиши маданияти ўсганлигидан далолат беради.

Амалда бу ёшдаги ўспириналар саргузашт китоблар билан қизиқадилар, уларнинг қизиқиши умумий мавзунинг кенгайиши ва ортиши билан бирга ўсади, аслида уларни ўқишини жамоат ишлари, санъат, спорт билан қизиққанлар ҳам севадилар.

14 ёшли китобхонлар

Үн тўрт яшар мактаб ўқувчисининг ижтимоий-руҳий хусусиятлари шу билан изоҳланадики, бу ёш шахснинг ўспириналликдан эрта ўсмирилликка ўсиб ўтиши билан боғлиқ экан. Бу даврда ўспириннинг маънавий нуқтаи назарлари ёрқин ифодаланиши, бир томондан ўзини-ўзи билиш, ўз мавқеини белгилаш, ўз «МЕНИ»ни англаш, бошқа томондан эса унда ўз ўрнини топиш, шакланаётган қараш ва эътиқодлар учун таянчга эга бўлиш, ташқи дунёни билиш ғояси билан белгиланади. Ички дунёнинг

бундай иккىёқламалилиги шахсий қизиқиши муносабатта күпинча афзалликларни ўзгартышига олиб келади. Ўспиринларнинг ижтимоий фаоллиги ортади. 14 ёш болаларда айниқса ўзини англаш ва ахлоқий идеал топишга интилиш даври ҳисобланади.

Бу ёшдаги ўспиринлар учун машғулотлар ва спорт турларини танлаш хусусияти хос.

Уларда ўқишига бўлган муносабатда ҳам ўзига хос тафовутлар намоён бўла бошлайди. Болаларнинг бир қисми 12—13 ёшлиларга нисбатан анча кам ўқий бошлайдилар. Бошқа болаларда китобхон фаоллиги ўсади, қизиқишилари ривожланади ва чуқурлашади.

Илмий-билим берувчи адабиётларга қизиқиши илмининг мазкур соҳасига чуқур қизиқишининг аллақачон шаклланганлигидан далолат беради. Агар ўқувчи шу соҳа билан ўзининг келажак ихтисосини боғласагина китобга бўлган эҳтиёж барқарор бўлади. Болаларнинг ўқишида тобора мустақил билим олишга интилиш сезила бошлайди. Илмий-билим берувчи (илмий-фантастик) китобларнинг қадр-қиммати, уларда кўтарилилган илмий муаммоларнинг долзарблиги нуқтаи назари билан изоҳланади.

Афсуски, баъзи ўспиринларгина ўз ёшларига мўлжалланган публицистик асарларни ўқийдилар. Ҳар қандай китобхон ҳам ижтимоий тараққиёт қонуниятларини акс эттирувчи тушунчалар—фалсафий, тарихий, сиёсий ғояларни ўқишига куч сарфлашни хоҳлайвермайди.

Ўспиринларда бадиий адабиётта муносабатни фарқлаш, реал ўқиш доираси, ўқиши сабаблари, китобни баҳолаш муносабати мезонида ифодаланади.

Шундай ўспиринлар борки, улар кўп ўқийдилар, аммо у асосан битта мавзуни ўқиши билан боғлиқ бўлади. Натижада уларда бадиий асарни идрок этиш, асарни баҳолаш мезонининг нисбатан ривожланмаганлиги шундай кўзга ташланади. Улар учун баҳолашнинг бир хиллиги хос бўлиб, ўқиган нарсалари ҳақидаги фикрлар ифодаси ва кечиқмалар усули бирёзлама ва бир қолипда бўлади. Эҳтимол, бу ўспиринлар, ўзлари тўғри ва аниқ деб ҳисоблаган китобга бўлган муносабатни «катталарга хос» сўзлар билан ифодалаш шаклини эгалламагандирлар.

Яхшигина адабий тарбия мактабини ўтаган ўспиринлар, китобхонлик сўровининг кенглиги ва барқарорлиги, ўз ёшига нисбатан мураккаб асарларни идрок этиш имкониятлари, китобга баҳо бериш мезони нисбатан тараққий этганлиги билан ажраб турадилар. Бу болаларда шеъриятга қизиқишининг кучлилиги кузатилади. Улар ёзувчи бадиий услубининг ўзига хос томонларини чуқур сеза бошлайдилар. Қаҳрамонга муносабати ўзгаради: қаҳрамон табиатининг мураккаблиги ва яхлитлиги бутунича тўлқинлантиради.

Бу ёшнинг муҳим хусусияти катта китобхонларга мўлжалланган бадиий адабиёт асарларини ўқишига фаол интилишдир. Бу ҳодиса қизларда ўғил болаларга нисбатан барвақт содир

бўлади, уларда ўқиши сабаблари ва китобга баҳо бериш мезони сезиларли даражада эрта ўзгариши. Қишилар табиати ўзаро муносабатига кўпроқ қизиқиш юз бериб, қизлар катталарнинг ҳис-туйғу ва кечинмалари дунёсига осон киришади.

Ўн тўрт яшар ўспиринлар ўқишига раҳбарлик қилувчилар учун қийин китобхонлар гуруҳи ҳисобланади. Бу даврда боланинг китобхон сифатида ўсиши ва ривожланишида ижтимоий психологик муҳитнинг таъсири натижаси кескин кўзга ташланади.

Кутубхоначи билан китобхон ўртасидаги алоҳида мулоқотда катта ўспириннинг китобхон сифатида шахси шаклланиши учун анча катта имконият туғилади. Бунинг учун тарбияланувчи хоҳиши нуқтаи назарининг умумий қараши бўлиши керак.

Алоҳида ишлагандаги ҳар хил панд-насиҳатлар мақбул кела-вермайдиган ёшнинг ўзига хос ҳусусиятларини назарда тутиш керак. Агар китобхон кутубхоначининг билими, тажрибасини ҳурмат қилса, уни тушунишларига ишонсанагина, у билан мулоқотда бўлиши мумкин. У педагогикада йўл қўйилган хато «оқизлар»ни тезда пайқаб олади. Бу ерда кутубхоначининг юксак маҳорати, педагогик услубнинг нозик томонларига бўлган талабини, ўқишига раҳбарлик қилиш ғоясини ўқишига таъсир этиш чоралари ёрдамида кучайтиришдан иборат.

Китобхон билан якка суҳбатлар чуқур ўйлаб ўтказилса, уларнинг фикр ва истаклари билан танишилсанагина оммавий тадбирларнинг муваффақияти таъминланиши мумкин. У кутубхоначига китобнинг тарбиявий таъсири мақсадга мувофиқ кучайтирилиши, катта ўспиринлар билан муомала қилиш усула-рини айтиб бериши мумкин.

Катта ўспиринлар «кутубхоначи яхши китоблар тўғрисида ҳикоя қилиб беришини», «нималар ўқишини маслаҳат беришини», «китоб ва уларнинг ўzlари ҳақида сўзлашиши мумкинлигини», «агар китоб ўзига тортсанагина, уни муҳокама этиш мумкин»лигини сезадилар.

Ўспиринлик ёшида бу даврга хос шахс ўсишнинг кучайиши туфайли ўз шахсиятини намоён этишлик кўпроқ тазиқ ўтказиш ва бўйсундиришга қаршилик кўрсатишдек янграйди. Катта ўспиринлар учун айниқса қимматбаҳо бўлган ва бу даврда чуқур ва ўйлаб мулоҳазали иш тутувчи катталар — ота-оналар, педагоглар, кутубхоначилар билан «тенгдошлардек сўзлашувчиларнинг» этишмаслиги маълум бўлади.

Катталар ва болалар муомалада тенг шерик сифатида қатнашиб, эркин вазиятда бўлиб ўтган жамоа муҳокамасида, ўспирин ўқиган нарсалари, унинг қаҳрамонлари, автори ҳақида бемалол ўз мулоҳазаларини айтаверади. Турли хил фикр, шу жумладан кутубхоначининг фикри билан танишиб, уларни ўз фикри билан солишириб, китобхон ўқиган нарсаларини чуқур тушуниб олади, асарнинг бадиий қиймати, ғояси, авторнинг ниятини англайди.

Ҳар бир ўз гуруҳига раҳбарлик қилиши педагогикаси ўзига

хос хусусиятга эга. Болалар ўқишига таъсир этишнинг усул ва шакллари, уларни аниқ танлаш вазифаси ва мазмуни китобхон аудиториясининг ёш хусусиятлари, унинг ижтимоий-психологик ифодаси тарбиянинг ҳозирги босқичида боланинг китобхон сифатида ўсиш қонуниятларига боғлиқдир.

Кутубхонада китобхон-болани ўрганиш

Китобхон-болаларни ўрганиш кутубхоначи ишининг ажралмас қисми бўлиб, ўқишига раҳбарлик қилишнинг энг таъсирчан метод ва шаклларини танлаш, адабиётлар воситасида болалар ва ўспириналарни ўйғун тарзда тарбиялашни таъминлайди.

Китобхонни ўрганиш кундалик иш жараёнида ягона принцип асосида амалга оширилади ва аниқ амалий мақсадни кўзлайди.

Биринчи принцип: китобхон-болани ўрганишни унинг шахси-ни ўрганиш билан боғлаб олиб бориш лозим. Бу кутубхоначи бола шахсини ҳар томонлама ўрганиш билан шуғулланиши керак деган маънони билдирамайди. У китобхон билан кўпи билан бир ойда бир неча марта муомала қиласи ва демак, бундай қилиш имкониятига эга эмас. Аммо, у китобхонни кузатади ва шахс сифатида тўғридан-тўғри эмас, балки бавосита ўрганади. Ўрганишнинг барча методлари — суҳбат, кузатиш, китобхон формулярини таҳлил қилиш — буларнинг барчаси ўз кутубхона-чилик йўналишини йўқотмаган ҳолда, бир вақтнинг ўзида ку-тубхоначига бола шахсини чуқурроқ ўрганиш имконини яратади. Унинг қизиқишиш ва ҳаваслари, ўртоқлари, оиласи, мактаби билан ўзаро муносабатини билиб олгандан кейингина унга ки-тобхон сифатида характеристика тузиш мумкин. Шундагина ўқищдаги, бир хил ёшдаги болаларнинг китобга муносабатидаги тафовут тушунарли бўлади, шундагина кутубхоначи китобхон қизиқишини қарор топтира ва йўналтира олади.

Иккинчи принцип совет педагогикаси ва психологияси қоидасидан келиб чиқади: бола-китобхонни ўргана туриб, бир вақтнишг ўзида унинг қизиқишлиарини ошириш ва мақсадга йўналтириш зарур. Кутубхоначи ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнида болани ўрганади ва бир вақтнинг ўзида уни китобхон сифатида тарбиялайди.

Учинчи принцип: болалар кутубхонасида китобхонни ўрганиш китобни ўрганиш билан узвий боғланган. Китобнинг ўзи, унинг тури ва жанр хусусиятлари ва китобхонга таъсир этиш усулининг таъсир кучини аниқлаш зарур. Китоб ва унинг мазмуни тўғрисидаги умумий тасаввур кутубхоначига камлик қиласи. Яна у асарнинг хилма-хил тури ва жанри, қандай ки-тобхонга мўлжалланганлиги, улар китобхондан нималар кута-ётганлиги, унинг онги қандай вазифани бажараётганлигини ту-шуниши муҳим. Кутубхоначи болалар ўқишига табақалаштирилган ҳолда раҳбарлик қилиш учун китобхоннинг хусусиятлари, китобнинг ўзига хос томонларини, уларни бир-бирига тўғри му-носабатини билиши керак.

Китобхон-болаларни ўрганишда *китобхон формулярини таҳлил* қилишга мұхым ўрин ажратилади. Бу алоҳида китобхон ёки мавжуд гуруҳининг ўқишидан умумийлик ва ўзига хос жиҳатларини очиб берувчи асосий ҳужжатдир.

Ёш китобхонни ўрганишда оғизма-оғиз ёзиб олинган китобхон сўрови, сўровнинг сабаби, ўқилган китобга муносабат ҳақидаги маълумот гарчи формулярда бундай махсус графалар бўлмас-да, қимматидир. Кутубхоначилар ҳар гал бола китобни олаётган ва қайтариб топшираётган пайтда формулярга мунтазам суратда ёзувлар битиб бориши керак. Маълумотларни таҳлил қилиб бориш кутубхона ишининг самарадорлиги, адабиётларнинг ҳар хил тур ва жанрларига қизиқиши шакллантириш ва чуқурлаштириш, боланинг ижтимоий психологик ўсиш жараёнида китобхон идрокининг ўзгаришини кузатиш имконини беради.

Вақти-вақти билан сўровга тегишли ёзувларни ҳам, унинг сабабларини ҳам таҳлил қилиш лозим. Китобга сўровнинг аниқ бўлиши болалар нималар ҳақида эмас, балки нимани ўқишини, аниқ китобларни, аниқ муаллифларни айтиш лозимки, буларнинг барчаси кутубхонанинг китобхонларни шаклланишида ўрни катта эканлигидан далолат беради. Болаларнинг ноаниқ ва мавзуи сўровларининг (бирон қизиқарли нарса, нималигини билмайман) ортиб кетиши кутубхона ўз китобхонлари билан етарли ишламаётганлиги, уларни ўзибўларчиликка ташлаб қўйилганлиги, болаларнинг китобни ёмон билиши, китоблар тарғиб этишнинг кутубхона шакллари китобхон сўрови ва болаларнинг ўқиш маданиятига таъсир ўтказмаётганлигини кўрсатади.

Кутубхоначининг сўровлар тўғрисидаги ёзувлари қўйидаги маълумотларни:

— кутубхонадаги турли алоҳида ва оммавий тарбиявий ишлар (муҳокама, сұхбат, библиографик образ ва бошқалар), кутубхонадаги кўргазмали тарғиботнинг самарадорлигини;

— китобхоннинг адабиёт танлашида кутубхона маълумотнома-библиография аппаратининг ўрнини;

— мавжуд ижтимоий мұхитнинг болалар ва ўспириналарнинг ўқишига таъсирини;

— кутубхона фондининг ҳар хил бўлимларидан адабиёт танлаш ва адабиётга мурожаат этишнинг ўсиш сабаблари ва бошқаларни олиш ва таҳлил қилиш имконини яратади.

Кутубхоначи сўровларнинг сабаби тўғрисидаги ёзувларга кетадиган вақтни қисқартириш учун шартли қисқартиришлардан фойдаланиши мумкин: «ож»—ойнаижаҳон, «р»—радио, «к»—кутубхоначи тавсияси; «о. ф.» — очиқ фонд; «т. к.» — тавсия библиографик кўрсаткич; «кўрг.»— виставка», «э»—энциклопедиялар, луғатлар, маълумотномалар; «м»—мунозара, «с.р.»—синиф раҳбари тавсияси ва бошқалар.

Шу билан бир вақтда кутубхоначининг китобхонининг китобга муносабати, китобхон сўровининг табиати тўғрисидаги ёзувлари, китобхон ҳикояси (менга бирон янги нарса) ни оғиз-

ма-офиз қайд қилиши керак. Оғизма-офиз ёзув кутубхона-чига кўп нарсаларни очиб беради; унинг ишининг натижалари. «Эсингиздами, Сиз бизга айтган эдингиз», китобхон оиласидаги муҳит, «Ойимиздан сўраган эдилар», «Ойимиз уни олдин жуда жуда севарди», «идрокнинг ўзига хослиги, боланинг хулқ-атвori китоб тўғрисида гапиради ва бошқалар.

Боланинг ўқиган китоби тўғрисида ҳикояларини ёзиб олаётганда жавобларни қисқароқ айттириш, расмиятчиликка йўл қўй-маслик лозим. Агар кутубхоначи боланинг мавжуд китобга муносабатини ифодаловчи, ўзига хос бирон нарсани сезиб қолса, уни алоҳида варақачада акс эттириб, формуляр муқовасининг ички томонига ёпиштириб ёки чўнтакчада сақлаши керак.

Китобхон шахсини, унинг китобга ва ўқишига муносабатини анча чуқур ўрганишга шундай маълумотларнинг бўлиши ёрдам беради: «Нима ҳақида ўқишини ёқтиради», «Мактабда қандай фанларни кўпроқ қизиқарли деб ҳисоблади», «Севган машғулоти», «Яна қандай кутубхоналардан фойдаланади». Формулярнинг бу графаларидаги ёзувларни таҳлил қилиш китобхон шахси йўналиши тўғрисида умумий тасаввур беради, болаларнинг қизиқиши ва ҳавасларини кенг ёритади, уларнинг қизиқишларидаги ёшларига хос ўзгаришларни кузатиш (китобхон формуляри 5 йилга мўлжалланган бўлгани учун унинг графалардаги барча ёзувларнинг ёнига сана қўйилиши керак), китобхонлар томонидан китоб олишнинг бошқа манбалари орасида болалар қутубхонасининг реал ўринини кўриш имконини беради.

«Кутубхоначи белгиси» графаси бу, амалда аниқ вақт ичida айрим китобхоннинг ўқишига раҳбарликнинг муайян натижаси, келажакда қилинадиган ишларнинг йўналиши тўғрисида-ти ўй ва хulosалардир.

Ҳар бир китобхон формулярининг бу графасидаги ёзувларни; китобхон тўғрисидаги умумий маълумотларни таҳминан таҳлил қилиб, уларни адабиётлар танлаш сабаблари («Сўров», «Сўровнинг сабаблари»), ўқишининг мазмuni ва ҳар томонламалиги (маълум бир вақтгача берилган нашрлар), адабиётларнинг ҳар хил тур ва жанрларини баҳолаш мезони (ўқилган нарсаларга муносабат) тўғрисидаги маълумотлар билан со-лиштириб ёзиш керак. Бу ерга оила, мактаб, тенгқўрларининг мазкур китобхоннинг ўқишига таъсир кўрсатиши (ёки таъсир кўрсатмаслиги), унинг кутубхонадаги турли тадбирларда қатнашиши (ёки қатнашмаслиги), бошқа манбалар (уй, мактаб кутубхонаси, ўртоқлари, тенгқўрларининг кутубхонаси ва бошқалар) дан танлаган адабиётларининг мазмuni тўғрисидаги маълумотлар ёзилиши керак.

Китобхон формулярининг таҳлили асосида, шунингдек, китобхонларни кузатиш ва улар билан сухбатлар ўtkазиш натижасида кенгайтирилган ўқиш характеристикаси, кутубхоначига алоҳида ишларни муваффақиятли олиб бориш, ўқишига раҳбарлик қилиш сифатини кўтаришга ёрдам беради.

Кузатиш — кутубхонада бола-китобхонни ўрганишининг му-

ҳим методи. Унинг аҳамиятини Н. К. Крупская кўп марта таъкидлаган эди: «Кўпинча боланинг битта фикри, боланинг битта мимикаси... бола ўқишининг йўналиши, унинг тайёргарлигини очиб беради. Болани зериктирадиган узоқ сұхбат «қўл солиб қўриш» маълумотлари керак эмас, болаларни кузатишни ўрганиш керак»¹.

Кузатиш методидан ёш китобхонлар хулқида содир бўладиган ўзгаришларни, кутубхона тадбирларининг таъсирчанлигини текширишда ҳам фойдаланиш мумкин. Кўпинча кутубхоначи ўз кузатувларини китобхонга сездирмасликка ҳаракат қилади. Бироқ баъзан, кутубхоначи болалар гуруҳининг китоблар кўргазмаси билан танишаётгани ёки мунтазамлаштирилган каталогга мурожаат этаётганини кузатаётганини болалар кўрадилар, натижада кутубхоначи ёзаётган нарсасини болалардан яшириб бўлмайди. Бундай пайтда у хушмуомалалик билан кузатишнинг мақсади ва вазифасини тушунтириши керак. Бола-китобхоннинг кетидан яхши ўюштирилган кузатиш китобхон хулқи тўғрисидаги кутубхоначи билимини кенгайтиради ва китобхонни ўрганишнинг бошқа методлари мажмуасида болалар ва ўспиринларнинг ўқишига раҳбарлик қилишнинг илмий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Кутубхоначи бола-китобхонлар билан қиласидаги кундалик ишларида маҳсус яратилган *синов-тажриба* вазиятида ҳам уларнинг қизиқишиларини ўрганиши мумкин. Унинг ёрдамида у, масалан, ўқишининг мазмуни, унинг ҳар томонламалиги, маъқул бўладиган нашрлар соҳаси, адабиётга мурожаат этишининг етакчи сабаблари ва китобхон баҳоси мезонини аниқлаб ва қайд қилиб қолмасдан, балки қайд қилинган маълумотлардан кейинги, анча юқори босқичга кўтарилиши, китоблар тавсияси, ўқилган китоблар ҳақида сұхбат, овозли ўқишилар вақти ва бошқаларда турли усулларни синааб кўриб ҳар бир болага ёрдам беришни ўзига мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги замон шароитида кутубхоначилар олдида турган долзарб вазифа—муаллимларда турли илм соҳаларига доир илмий-билим берувчи адабиётларни мустақил ўрганиш эҳтиёжини ўстиришдан иборат. Унга қизиқиши қарор топтириш ва ўстиришда шундай усуллар «сен учун китоб», «кутилмаган китоб» (уларни барча ёшдаги китобхонлар гуруҳида синааб кўриш зарур) ёрдам беради.

Китобхон учун янги ва аввал нашр қилинган адабиётлардан кўпроқ, мос китоб танланади ва у билан учрашганда, китоб маҳсус унинг учун ажратиб қўйилганлиги айтилади. Агар кутубхоначи китобхоннинг нималарга қизиқиши ва аввал нималарни ўқиганлигини билса, унда китобхон тавсияга бажонидил рози бўлади ва таклиф қилинган китобни камдан-кам рад этади.

Муаммолари бўйича бир-бирига боғланган китоблар билан

¹ Крупская Н. К. О библиотечном деле. Сборник трудов. М., 1984, З- том, 382- бет.

бир қаторда болани кутубхоначининг фикрича унинг қарашига муносиб, бошқа соҳага доир китобни ҳам ўқишини маслаҳат бериш мумкин. Бунинг учун «кутилмаган қизиқарли китоб» усулидан фойдаланилади. Мұхими, «кутилмаган қизиқарли китоб» чиройли безатилган, шубҳасиз ғоявий-эстетик қимматга эга бўлиши керак. Бундай синов-тажриба иш маълумотларининг таҳлили, илмий-билим берувчи адабиётни мунтазам ўқий-диганларга «кутилмаган қизиқарли китоб»ни таклиф қилиш мумкин ёки тўғрироғи, бошқа илм соҳасининг «кутилмаган қизиқарли китоб» ига қараганда, бу усул фақат илмий-билим берувчи адабиётларни ўқишига қизиқишлари шаклланган болаларга хослигини аниқлаш имконини беради.

Синов-тажриба ўрганиш пайтида «кутилмаган қизиқарли китоб» усули ёрдамида болаларда аввал нотаниш бўлган мавзу, адабиёт турига барқарор қизиқиш уйғотиш мумкинлигини аниқлаш мұхим.

Кутубхоначи ўзининг китобхонлар билан қиласидиган кундадлик ишларида илмий тадқиқотларда фойдаланиладиган соғ ҳолдаги синов-тажриба методини қўллана олмайди (қўлланиши ҳам мумкин эмас). Кўпроқ у, китобхонларни ўрганишни уларни тарбиялаш ва шаклланишини қўшиб олиб бориш имконини берадиган, ёш китобхонлар учун табиий психологик-педагогик синов-тажриба кўринишида ифода этиши мумкин бўлган вазиятни яратади. Масалан, катталарнинг ифодали ўқишини тинглай туриб, китоб болага нимаси билан таъсир қилгани, қандай воқеа ва қандай қаҳрамонларни ажрата олиши, у қандай кайфият ва түйғуларни уйғотганлиги; унга ёққан ёки ёқмаганлиги ва ҳоказоларни аниқлаш имконини беради, синов-тажриба ўқишини ташкил қилиш ва унинг қатнашчиларига китобга расмлар солишини таклиф қилиш мумкин (кутубхоначи синов-тажрибанинг мақсадига қараб мавзу расмларини олдинроқ ўйлаб топади). Турли китобхонларнинг бир хил мавзуга бағишлиланган расмларини таҳлил қила туриб, у ёки бу гурӯҳдаги китобхонларнинг аниқ жанр ёки турдаги адабиётларни идрок этишдаги алоҳида ва типологик хусусиятлари тўғрисида қиёсий маълумотлар олади.

Бола-китобхонни ўрганишга доир тавсифнома берилган методлар кутубхоначи томонидан тарбия ишидаги аниқ вазифаларни ҳал қилишга қаратилган турли ишларни қўшиб олиб бориша қўлланилади.

Ўқишига раҳбарлик қилишининг асосий метод ва шакллари

Болалар кутубхонасининг амалий ишида ўқишига раҳбарлик қилишининг алоҳида ва оммавий методлари ва уларнинг шаклларидан фойдаланилади.

Ўқишига алоҳида раҳбарлик қилишининг методи ва унинг шакллари

Бу метод асосида боланинг китобхон сифатида ўқиши, унинг қизиқишилари, ҳаваслари, қобилиятлари ётади. Китобхон билан бевосита мулоқот кутубхоначига бола ўқишига ҳар бир мавжуд вазиятда таъсир кўрсатишнинг мақсадга мувофиқроқ шаклини қўлланишга ёрдам беради.

Абонемент ва ўқув залидаги кундалик ишларда тавсиявий суҳбатлар, ўқилган китоб ҳақида суҳбатлар, кўргазмалар, очиқ фонддаги китоблар жавони, каталог ва картотекалар олдидаги мулоқотлар кенг тарқалган. Кутубхонада ўқишига алоҳида раҳбарлик қилишининг кўпроқ тарқалган шакли суҳбатлардир.

Тавсиявий суҳбат пайтида кутубхоначи фақат мавжуд китобни танлашга эмас, балки унга тегишли йўл-йўриқ кўрсатиб, китобхонда унга нисбатан қизиқиш ҳам уйғотади.

Тавсиявий суҳбатнинг табиати китобхоннинг сўрови, унинг ёши, ўсиш даражасига боғлиқ бўлади.

Кутубхоначига кўпинча бола нималар ҳақида ўқишини хоҳлашини аниқлаб олишига тўғри келади. Сўнгра у болага турли мавзудаги китобларни кўрсатиб, уларнинг қисқача мазмунини билан таништиради. Бу, аввало, китобхонга адабиёт танлашга ёрдам берса, кейин ўз сўровини аниқ ифодалашга ўргатади.

Тавсиявий суҳбат китобхон аниқ бир китобни сўраётганида ҳам муҳим. Боланинг ўзи аввал ўқиган, ушбу мавзуга нима учун қизиқаётганлигини аниқлагач, кутубхоначи зарур китобни танлаб, унга қисқача изоҳ беради.

Ҳатто бола бор китобни сўраганда ҳам, тавсиявий суҳбат керак эмас, деган маънони билдирамайди. Болалар билан ишлаш тажрибаси ва китобларни билиш кутубхоначига бола китобни мустақил ўқиши осон бўлиши учун, унинг диққатини китобдаги қандай мураккаб ва муҳим лаҳзаларга тортиш лозимлигини

кўрсатади. Китобхон нима учун худди шу китобни сўраётганлиги, у ҳақда қаердан билиб-эшиганини аниқлаб, кутубхоначи 6—9 яшар болалар билан суҳбатлашиб китобни қачон катталар билан ўқиш мумкинлиги ҳақида маслаҳат беради. Ўқиш-тинглаш асарни чуқур идрок этиш имконини беради.

6—9 яшар болаларга бадиий адабиёт асарларини тавсия қилишда кутубхоначи китобдан ёрқин воқеани ўқиб бериши, унинг бош қаҳрамони ҳақида ҳикоя қилиб бериши ёки 2—3 та расмини кўрсатиши мумкин. Ҳали ўқиш техникасини эгалламаган мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва 1-синф ўқувчилари учун суҳбатларда расмларни кўриш айниқса фойдали. Расмлар китобга қизиқишни уйғотишда, матнларни чуқурроқ идрок этишга имкон беради. Тасвирланган нарсаларни тушунтиришга шундай сабаблар топишга интилиш керакки, бола ҳақиқатан уни билганилиги, унинг шахсий ҳаётига кирганлиги, натижада тасаввур пайдо бўлганлиги маълум бўлсин.

Ўспириннинг сўровини аниқ қондиришда кутубхоначи, шунингдек унга мазкур муаллиф ҳақидаги адабиётни ҳам тавсия қилади. Муаллпфга қизиқиш китобни ўқиш жараёнида у билан ҳаяжонли алоқа бўғлади, ёзувчининг ижод дунёси эшигини очади.

Кўп ўқиган катта ўспириналар учун хос бўлган «бирон-бир янги нарса борми» қабилидаги китобхон сўрови диққатни талаб қилади. Янгиликтар кетидан қувишилик баъзан ўқиш «нуфузли», муайян бир китобга нисбатан «мода»дек кўриниши мумкин. Кутубхоначининг вазифаси ўқинг сифатини ошириши, китобхон диққатини асарнинг ички, психологияк ривожига тортишдан иборат. Уни ҳал қилиш ўйларидан бири ўспиринни яхши адабий асарларни қайта ўқишга ундашдири.

Китобхонларга китоблар тавсия қилишнинг усуллари кўп жиҳатдан адабнётларнинг турларига боғлиқ бўлади. Масалан, илмий-бадиий адабиётни шундай тавсия қилиш керакки, натижада китобининг мазмуни билан болага бошқа ахборот манбаси (кино, телевидение, радиолар) орқали маълум бўлган нарсалар ўртасида боғланиш пайдо бўлсин. Китобхонда қизиқувчанликни орттирадиган, тавсия қилинаётган китоблардан ҳар хил «нима», «қандай», «нега» саволларига жавоб олиш истаклари ҳам муҳим. Илмий-бадиий китобдан тавсиявий суҳбат ўтказиш пайтида, китобхонни унинг учун янгилик бўлган маълумотлар билан танишга тайёрлаш, унга бу далилларни қўлдан чиқармасликка ёрдам бериш керак.

Турли илм соҳаларига доир адабиётлар билан таниширишни китобхон тажрибасига яқин, аниқ далилларга бой бўлган китобларни тавсия қилишдан бошлаш мақсадга мувофиқ. «Билиш» нинг самараси кўринади, бу эса ўз навбатида ўқишга қизиқишни кучайтиради, мазмунини ўзлаштиришни таъминлайди.

Китобхон билан суҳбатда сўров сабабларини аниқлаш шуни кўрсатади, масалан, ўспирин аниқ бир китобни сўрай туриб,

баъзан унинг ёшига мос бўлган бошқа, янада қимматли бўлган китоблар мавжудлигини сезмайди.

Кўпинча китобхон китобга қизиқа туриб, «худди шундай бошқа нарсани» сўрайди. Кутубхоначи китобхон сўровини батафсил аниқлаши керак. Асар китобхонни нимаси билан қизиқтирганлигини аниқламасдан туриб, унинг кейинги сўровини қондириш муваффақиятли бўлмайди.

Агар кутубхоначи китоб беришга ҳар куни тайёргарлик кўрса, хатолардан кутилибгина қолмай, балки бу ҳозирги босқичда китобхон ўсиши учун муҳим бўлган китобларни ўқишга болани жалб этишининг ишончлї йўлини топишга ҳам ёрдам беради.

Ўқилган китоб ҳақида суҳбат. Китобхон китобни қайта топшираётган пайтда кутубхоначи у билан яна суҳбат ўтказади. Ўқилган китоб ҳақидаги якка суҳбатлар, тавсиявий суҳбатлар каби, амалда абонемент, ўқув зали ва китоблар жавони олдида ўтказилади. Китоб ўқиш натижасида бола олган ҳаяжонли таассурот ва билимларни мустаҳкамлаш мақсадида кутубхоначи олдиндан китобхонга бермоқчи бўлган саволларини ўйлаб қўяди. Биринчи савол болада унинг китобга муносабатини намоён этиш ёки ундаги ўзига кўпроқ ёқсан жойларини эслашга истак уйғотиши керак. Кичик ўшдаги китобхон билан ўқилган китоб ҳақида гап бошлагандা, масалан, «Сенга китобдаги қайси жойлар ёқди?», «Сен қачон айниқса ҳаяжонландинг ёки қайfurдинг?» каби саволлар ёрдам беради.

Катта болалар билан суҳбатлашганда китобхоннинг ихлосини қайтарадиган, суҳбатлашиш истагини сўндирадиган саволлар беришдан эҳтиёт бўлиш керак. Китоб сарлавҳаси қандай саволлар бериш лозимлигини айтиб бериши мумкин: «Сенингча, китобнинг номи тўғри танланганми?» Агар ўқилган китоб қаҳрамонларини қиёслаш имконияти бўлса, дастлаб шундай савол бериш мумкинdir. «Китоб қаҳрамонларининг қайси бири сенга ёқди ва нима учун?» Баъзан муаллифнинг ўз қаҳрамонларига муносабати туғрисидаги саволлар суҳбатни бошлашга ёрдам беради.

Ўқилган китоб ҳақидаги суҳбат кутубхоначига китобхоннинг китобни идрок этиш даражаси ва сифатини тушуниш имконини беради. Агар у кутубхоначи томонидан тавсия қилинган бўлса, суҳбат вақтида у ўз тавсиясининг педагогик жиҳатдан қанчалик асосли бўлганлигини аниқлади.

Ўқилган китоб ҳақидаги суҳбат асарни китобхоннинг онги ва туйғусига таъсир кучини узайтиргандек бўлади. Аниқ мазмунни ёрқин идрок этишни сақлагани ҳолда, бола кутубхоначи билан гаплашган пайтда, ўзи ўқиган пайтда очилмай қолган, бироқ ҳозир кутубхоначининг саволлари асардаги анча чуқур «қатлам»ни кўриш ва тушуниш, адаб томонидан яратилган образлар дунёсига кириш имкони беради. Китобхон асарни тушунишни ўрганади. Бу шундайлигича асардаги воқеа қаерда, қачон, нима учун содир бўлганлиги, унда қаҳрамоннинг қандай фазилатлари юзага чиққанлигини англатиб қолмасдан, балки ёзув-

чининг тасвирланган нарсалар, асарларининг чуқур фоясига мұносабатини ҳам билдиради.

Консультация. Бу кутубхоначининг китобхонга адабиёт танлаш билан боғлиқ бўлган бирон-бир маслаҳати.

Консультациялар китоблар жавони, кўргазмалар, каталоглар, картотекалар олдида ўтказилади. Якка ишнинг бу шакли айниқса катта ўспиринлар билан муомалада мұхим.

Ўспиринлар тез-тез кутубхонага «китоблар титкилаш», журнallарни варақлаш, «бирон қизиқарли нарса»ни танлаш учун келадилар. Уларда аниқ сўров онда-сонда, одатда эса ўқитувчи-сининг топшириғи ёки қизиқарли ойнаи жаҳон кўрсатуви, фильмнинг таъсири, кўпинча ўртоғининг маслаҳати ўлароқ пайдо бўлади. Кутубхоначи имкони борича хушмуомалалик билан болаларга зарур китоблар ёки вақтли нашрлардан мақолаларни танлашга ўз маслаҳатлари билан ёрдам бериши керак.

Кутубхоначи фондда мақсадсиз, бир бўлимдан иккинчисига ўтаверадиган китобхонларни таниб қолади. Уларнинг диққатини китобнинг ташқи кўриниши (ўқилган ёки ўқилмаган), муқоваси, сарлавҳаси, расмлари қизиқтиради. Кутубхоначи бундай болаларнинг диққатини яхши китобларга тортиши, сўровларини англашга ёрдам бериши, зарур адабиётларни мустақил танлашнинг қулай йўлларини айтиб бериш учун китоблар жавони олдинда консультация ўтказиши мумкин. Кутубхоначи ўспирин ўқишини чуқурлашириш, унда мустақил билим олишнинг имкониятлари ва истиқболлари тўғрисида фикрлашни туғдириш, яхши бадий ва илмий-билим берувчи адабиётларни ўқиш доирасига олиб киришга интилади.

Консультациянинг мұхим вазифаси—китобхонга ўқиш пайтида қийинчилкларга дуч келиши мүмкинлигини айтиб бериш, унга маълумотнома нашрларини таклиф этишдан иборат. Кутубхоначи консультация пайтида китобнинг маълумотнома аппарати, сўзбошисининг вазифасини тушуниради.

Ўқиш психологик ҳолатни яратиш — идрок этишда олдиндан муайян фаолликка тайёр бўлишлик — консультациянинг мұхим мақсадларидан бири. Шундай қилиб, бадий асарни тўлақонли идрок этиш, унинг бадий қийматини тушуниш учун мұхим бўлган асар хусусиятларини таъкидлаб, китобхонларга шарт-шароит яратиш мумкин. Баъзан идрокни олдиндан белгилаш ва йўналтириш учун битта бадий тафсилотни ажратиб кўрсатишнинг ўзи кифоя қиласи. Кутубхоначи китобхон диққатини муаллиф ижодининг ўзига хос томонларига тортади, тавсия қилинаётган китобни китобхонга олдиндан таниш бўлган китоб билан солиширади.

Ўқишига алоҳида раҳбарлик қилишнинг натижаларидан, унинг қанчалик муттасил ва малакали бўлганлигини дарров аниқлаб бўлмайди. Китобхон қизиқишлиари, мавзууни тушуниб ўқиш, китобни чуқур идрок этиш аста-секин шаклланади, китобхон ривожидаги сифат жиҳатдан силжишлар сезиларсиз таркиб топади. Болалар ва ўспиринларнинг ўқишига алоҳида раҳ-

барлик қилиш кутубхоначидан ижодкорлик ва маҳоратни, адабиёт ва айни чоқда китобхонни билишни талаб қилади. Агар тарбиячи бола қалбида кичкина аланга пайдо қилмоқчи бўлса, унга Сухомлинскийнинг фикрича, «Ўзига бутун ёруғликни сингдириши керак».

Оммавий ўқишига раҳбарлик қилишининг методи ва унинг шакллари

Бу метод асосида аниқ гуруҳдаги китобхонларнинг билимлари ва ёшликтининг ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олиш ётади.

Кутубхоначи болалар ўсиши (6—9; 9—11; 12—13; 14 яшар) даги ижтимоий вазият билан боғлиқ бўлган, ўқишдаги умумийликка таяниб, болаларни мунтазам ўқиш ва кутубхоналардан фойдаланишга ундейди.

Болаларнинг ўқишига раҳбарлик қилишининг асосий оммавий шакллари бўлиб — китоблар кўргазмаси, адабиётлар обзори (шу жумладан битта китоб юзасидан ҳам), ўқишилар туркуми ўқилган китоб ҳақида суҳбатлар, китоблар муҳокамаси, китобхонлар конференциялари, хилма-хил адабий ўйин (конкурслар, викториналар, китоблар бўйлаб саёҳатлар)лар, оғзаки журнallар, адабий кечалар ҳисобланади.

Китоблар кўргазмаси — кутубхонада кенг тарқалган оммавий ишларнинг тезкор шаклидир. Кўргазмалар — мавзуга, жанрларга, аниқ адабиётлар турига, бирон ёзувчининг ижоди ва бошқаларга багишиланади. Улар учун адабиётлар танлашни кутубхона ҳал қилиши лозим бўлган — болаларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий, меҳнат, эстетик руҳда тарбиялаш, ўқувчиларнинг мустақил билим олишга доир ўқишига ёрдам бериш билан боғлиқ бўлган вазифалар белгилайди. Бу адабиётларнинг кўргазмали тарғиб этиши шакли бўлиб, китобни китобхонга яқинлаштириш, яъни китобни «кафта» кўрсатишдек гап.

Кўргазма мъълум бир вақт мобайнида кўрсатилади. Унинг вазифаси, шунингдек, китобхон олдин эътибор бермаган масала ва мавзуларга унда қизиқиш ўйфотишдан иборат. Шунингдек, кўргазма болаларнинг кўплаб саволларига жавоб топиш мумкин бўлган китоблар, ойномалар ва рўзномалар кутубхонада кўп эканлигини кўрсатишdir.

Кўргазмани ташкил қилиш босқичлари қуйидагича: кутубхоначи кўргазманинг мақсадига қараб, адабиётлар, кўчирмалар, расмларни танлайди, китобхонларга бериладиган саволларни тайёрлайди, ёрқин маънодор сарлавҳалар излайди, асосий бўлнимларини аниқлайди, бутун композициясини ўйлайди, кўргазмани тайёрлайди ва жойлаштиради. Кутубхоначи китобхонларга кўргазма тўғрисида ҳикоя қилиб бериши, обзорлар ўтказиши лозим, акс ҳолда у кам самара бериши мумкин. Кутубхоначи берилган ва сўралган китобларнинг ҳисобини олиб боради, қандай китоблар, нима учун муваффақият қозонгандиги, қайси бир-

лари болаларда қизиқиш уйғотмаганлиги таҳлил қилинади. Китоблар күргазмаси ёрдамида нима учундир болаларнинг диқ-қатини тортмаган, бироқ китобхоннинг ўсиши учун муҳим ва қимматли бўлган китобларни аниқлаш мумкин бўлади. Кутубхоначи бундай пайтда уларнинг тарғиботини қандай қилиб бошқача ташкил қилиш ҳақида ўйлаши керак.

7—9 яшар болалар учун күргазмалар чиройли, қизиқарли, унча катта бўлмаган, бироқ тез-тез янгилаб туриладиган бўлиши керак, чунки бу ёшдаги болалар кутубхонага тез-тез қатнаб турадилар. Күргазмани безашда болалар ясаган қўлбола расмлар, тасвиirlар, қўғирчоқлар, ўйинчоқлардан фойдаланиш мумкин. Бундай пайтда китобларни тарғиб этишининг қизиқарли усуулларидан фойдаланилади, масалан, ўйин-викторинанинг саволларига агар китобхон күргазмадан китоб танласа, уни ўқиб чиқсан ёки диафильм кўргач жавоб бериши мумкин. Агар кўргазмага қўйиш учун илмий-бадиий китоблар танланса, мусаввир расмлари китоб мазмунига мос келишлиги, болага ундаги ғояни ўзлаштиришга ёрдам бера олишлигини олдиндан таҳлил қилиб кўриш керак.

Кутубхоначи китобхонларни кўргазмада фақат китоблар билангина эмас, балки умумий мавзуга тегишли болалар рўзномалари ва ойномалари материаллари билан ҳам таништириши мумкин.

Адабиётлар кўргазмаси мамлакатимиз ва чет эллар ҳаётидағи йирик воқеалар тўғрисида ташкил қилинади. Кўргазманинг мавзуси мактаб дастуридаги фанларни ўрганишга, кичик тарбия ёшидаги китобхонларни тўлқинлантирадиган масалаларга бағишиланиши мумкин. Мавзунинг муҳим жиҳатларини аниқлашда бошланғич синф ўқувчиларининг маслаҳатлари, мазкур масалага доир болалар энг янги адабиётлари билангина эмас, балки бошқа адабиётлар билан танишиб чиқиш фойдали.

Кўргазма юзасидан обзор ўтказиш шарт. Тақдим қилинган китобларга қизиқиш уйғотиш учун китобхоначи ҳар хил усууллардан фойдаланади: айрим воқеаларни ўқиб ёки айтиб беради, китобхонларга саволлар бериб, топишмоқлар айтади. Обзорни болаларнинг ёшларини ҳисобга олиб 15—20 дақиқа мобайнida ўтказиш ва ҳар бир болани эътибордан четда қолдирмай, ҳар қайсисига савол бериш, билганларини айтиш учун имконият яратиш керак.

10—11 яшар китобхонлар учун кўргазма ташкил қилишда, бу ёшда кўп тарқалган сўров тури мавзу бўйича талабни назарда тутишдир. Мавзу бўйича кўргазма ташкил қила туриб, китобхонга таниш бўлган мавзунинг янги жиҳатларини топиш керак: кўчирмадаги мавзу, сарлавҳа остидаги бўлинмалар тушунириб берилади, қўйилган китобларнинг номлари китобхон дунёқарашини кенгайтиради, одатдаги сўзларни янгича эшлишига ундан, мавзуни тушунишни чуқурлаштиради. Булардан ташқари, бу ёшдаги болаларга кўргазмадан адабиёт танлашда китобнинг номи, унинг ажойиблиги, сирлилиги ҳам муҳим роль ўй-

най бошлаши мумкин. Болалар учун битта ёзувчининг ижодига доир китоблардан кўргазма ташкил қилиш мумкин.

10—11 яшар китобхон кўргазмадаги китобларни томоша қила туриб, тез-тез мундарижага, сўзбошига, хотимага, аннотацияга мурожаат қилади. Бу мазкур ишда мустақил билим олиш учун ўқишида пайдо бўладиган эҳтиёжнинг ўсишида айниқса мухим.

Катта ўспирин (12—13 ва 14 яшар)лар учун китоблар кўргазмасини ташкил қилишда, кўргазма ва уларнинг бўлинмалари сарлавҳалари шундай ифодаланиши керакки, натижада улар ўспириналарда мулоҳаза қилиш ва баҳслашиш хоҳишини уйғотсин.

Катта ўспириналарга аatab ҳали китобларда ёритилмаган, долзарб ижтимоий-сиёсий, илмий-техника ва бошқа мавзуларга бағишилаб тузилган, батамом ойнома — рўзнома материалларидан иборат бўлган кўргазмаларни тез-тез ташкил қилиб туриш керак. Агар кўргазма мавзусига доир библиографик кўрсаткичлар бўлса, уларни ҳам кўргазмага қўйиб қўйиш даркор.

12—13 ва 14 яшар болаларнинг китобхонлик сўровларини табақалаштириш катта бўлиши мумкин, шунинг учун китоблар кўргазмасини унча катта бўлмаган китобхонлар гуруҳи, масалан, шеъриятга қизиқувчилар, ҳар хил тўгараклар, студиялар, куллиётларда шуғулланувчиларга аatab ташкил қилиш керак.

Обзор ҳам кутубхоналарда китобхонлар билан ўтказиладиган оммавий ишларнинг кенг тарқалган шаклидир. Бу китоблар ва нашрларнинг бошқа турлари тўғрисидаги оғзаки ҳикоя бўлиб, унинг мазмуни мамлакатимиз ва жаҳоннинг ижтимоий-сиёсий воқеаларидан келиб чиқади, энг яхши ҳозирги замон ва классик болалар адабиёти асарлари, шунингдек вақтли матбуотни тавсия қилишга бағишиланади. Обзор китобхон сўровини қондириш, кутубхонада ҳар хил адабиётларни кўрсатиш мақсадида ўтказилади. Кутубхоначи китоблар ва мавзу танлашда китобхонларнинг қизиқиши ва истакларини эътиборга олади.

Адабиётлар обзорининг турлари ҳар хил бўлади. Обзор жанрлар (шеърият ва проза янгиликлари), монография (айrim ёзувчининг ижодига бағишиланади), мактаб дастуридаги бирон фан (тарих, математика)ни ўрганишга ёрдам кабиларга аatab ўтказилиши мумкин. Битта китобга бағишиланган обзор қизиқарли бўлиши мумкин, масалан, «Глобус», «Ҳамма нарсани билгим келади» алъманахи.

Обзорни бутунлай вақтли нашр материаллари асосида ўтказиш мумкин. Шу тариқа, «Пионер», «Ровесник», «Костёр» ва бошқа журналлар тўғрисидаги обзорлар туркуми болалар кўзи ўнгидаги журнал мақолаларининг мазмуни ва жанр жиҳатдан қўлами кенглигини очиб бериш имконини беради.

Обзорга бўлган умумий методик талаблар: танлаб олинган китобларнинг ғоявий-бадиий қиммати, баён этишнинг қизиқарлилиги ва тушунарлилиги, тингловчиларни фаоллаштиришга интилиш, уларда тавсия қилинган китобни мустақил ўқиб чиқиш

истагини уйғотишдан иборат. Тингловчиларнинг диққатини тортиш учун обзорни китобхонларга савол беришдан бошлаш мумкин, масалан, унинг мавзуси, мақсади. Обзорнинг марказий қисми — китобларнинг мазмунини очиб беришдир. Кутубхоначи китоблар түғрисида ҳикоя қилиб бериш шаклини танлашда, адабиётларнинг ўзига хослиги, китобхонларнинг ёши, уларнинг миқдори, мазкур адабиётларни идрок этишга қандай тайёр эканликлари ва ҳоказоларни эътиборга олади.

Обзор мустақил иш шакли ҳисобланади, бироқ у тез-тез китоблар кўргазмаси олдида, адабий кечак, китоблар муҳоммаси, адабий ўйинларнинг бошида ёки охирида ўтказилади.

Овоз чиқариб ўқишилар — кутубхонанинг катталар ва болалар, айниқса кичик тарбия ёшидагилар билан муомала қилишнинг энг самарали усули сирасидан бўлиб, у болаларга мустақил ўқиш пайтида уларнинг эътиборидан четда қолган нарсаларни кўрсатиш имконини беради. Таъсирчанлик ва нутқ оҳанги — оғзаки нутқнинг хусусиятлари бўлиб, матнадиги асосий нарсалар ёки мустақил ўқишида аниқланмаган нарсаларни ажратиш — боланинг идрок этиш жараёнини енгиллаштиради. Кутубхоначи овоз чиқариб ўқишини ўтказиш чоғида ўқилаётган нарсалар болаларга бевосита таъсир кўрсатаётганлигини пайқаши ва сезиши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, болалар катталарнинг ёрдаминосиз, 9—10 ёшдан мустақил равишда китобдаги билим берувчи материалларни ажратади. Агар 7—8 яшар болалар — овоз чиқариб ўқиш қатнашчиларининг диққати ва фикри шунга қаратилса, унда кутубхоначининг бирозгина ёрдами (йўлга солувчи саволи, насиҳати, тушунтириши, мантиқли урғуси, овозини кўтариши ёки пасайтириши) талаб қилинади. Бунда ўқишини тўхтатиб қўйиб болаларга расмларни томоша қилишга бериш тавсия қилинмайди, чунки боланинг диққати сусаяди, уни бутунича идрок этиши бузилади.

Ўқишига раҳбарлик қилишда, шунингдек, ўспириналар билан овоз чиқариб ўқиши ўтказиш ҳақида унумаслик керак. У матнини онгли идрок этишга ёрдам беради, ўспирин-китобхонга китоб, ойнома ёки рўзнома мақоласининг чуқур маъноси ва мазмунини очиб беради.

Шундай асар танлаш керакки, натижада у болаларда кучли ҳаяжонли кечинмалар, ўқилган нарсалар ҳақида фикрлашга интилиш уйғотсин. Болалар билан ўқишидан кейин қўйидаги ҳолларда, қачонки уларнинг кутубхоначига саволлари бўлса, эътиrozлар билдирысалар, эшигтан нарсалари хусусида бирон нарса дейиши ҳоҳиши бўлгандагина гаплашиш мумкин. Овоз чиқариб ўқишилар туркуми мунтазам, муайян кун ва соатларда ўтказилсагина самара бериши мумкин.

Ўқилган китоб ҳақида гуруҳли сұхбат бир неча кундан кейин, болаларни жуда ҳаяжонлантирган асар ҳақида ўтказилади. Хилма-хил фикр туғилган асар ҳақида сұхбат ўтказиш янада маъқул бўлади. Кутубхоначи болаларда китоб мазмуни

тўғрисида айнан бир хил фикр пайдо бўлганини сезганда ҳам ўтказилиши лозим. Китобда кўтарилиган ахлоқ муаммоларини муҳокама қилиш, хушмуомалаликни талаб қиласди. Бунда кўпроқ болаларнинг ҳис-туйғуси ва кечинмаларига суюниш, насиҳатгўйлик ва ҳадеб ўргатаверишдан қочиш керак.

Илмий-оммабоп ва илмий-бадиий китоб тўғрисидаги суҳбат кутубхоначига билишга оид материалларни болаларга мослигини аниқлаш ва маҳсус тушунтиришни талаб қиласдиган ўринларини топиш имконини беради. Болалар янги нарсаларни билиб олганларини эслаб, бир-бирлари фикрини тўлдириб, қўйилган саволларга тўғри жавоб излашда эҳтиросли бўладилар. Жамоа иши болаларга ақлий фаолликни даъват этади, улар китоб мазмунини чуқур ва ҳаяжонли қабул қиласдилар.

Ўқилган китоб ҳақидаги суҳбат самарадорлигининг асосий шарти — саволлар мазмунининг сифатли ва ифодали бўлишидир. Бу саволлар китобхонларнинг янги олган билимларини аввалги билимлари билан, ҳаётнинг ўзи билан солиширишга, сабаб ва оқибат алоқаларини аниқлашга қаратилиши керак. Китобхонларга саволлар тайёрлаш жараёнида, уларнинг билиш имкониятларига, тўплаган билимларига китобхонлиги даражасига таяниш муҳим. Суҳбатнинг яна бир шарти — саволлар китобнинг хусусиятига, яъни у бадиийми ёки илмий-билим беरувчими эканлигига мувофиқ келишидир. Кутубхоначи китобхонларга саволлар таклиф қилаётганида, у қандай педагогик натижага интилаётганлигини аниқ тасаввур қилиши керак. Ўқилган китоб ҳақидаги суҳбатнинг яна бир муҳим шарти, адабиётнинг табиатидан қатъий-назар, уларни аввал ўтказилган кутубхона тадбирлари (китоблар кўргазмаси обзори, овоз чиқарив ўқишлилар) билан боғлашдир.

Ўқилган китоб ҳақидаги суҳбат — бу кутубхоначининг саволи-ю, китобхоннинг жавобигина эмас. Бу болалар олган маълумотлари, шу жумладан бошқа манбалардан илгари олган билимларидан қимматлироғини ўзлаштирганларидан ҳайратланиш ва хурсандчиликлари билан ўртоқлашишга интилганликларидир. Иложи борича барча хоҳловчиларга ўз фикрини айтишга имкон яратиш, пайдо бўлган барча саволларга жавоб қайтариш, тушунмаганларини тушунтириш, гўёки «нотўғри» жавоблари учун койимасликдан иборат.

Ўқилган китоб ҳақидаги суҳбат — бу мамнунлик ва хурсандчилик келтирувчи ўзаро муносабат эканлигини билиб, агар бу ташаббус китобхонларнинг ўзларидан чиқса, жуда яхши бўлади. Кутубхоначи суҳбатда «тентдошдек» қатнашиб, болаларнинг фикрини қўллаб-қувватлаши ёки рад қилиши орқали уларнинг ўқишига катта ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда у хилма-хил усуллардан: яъни китобга бошқа китобхонларнинг билдириган фикрларидан, китобга ёзилган тақриздан, ўқилган парчанинг шарҳидан, маслаҳатлардан, матнга чизилган расмлар ва бошқа кўпгина воситалардан фойдаланади. Кўп нарса кутуб-

хоначининг ўқимишилиги, педагогик ва китобхонлик истеъдодига асосланган маҳоратига боғлиқ бўлади.

Китоблар муҳокамаси—бу кўпинча бадиий асарлар тўғрисидаги эркин мунозара бўлиб, унинг таъсири айниқса камол топаётган кишига кучлидир. Бу ўзига хос жамоа тарзида фикрлашиш бўлиб, унда фаоллик ва ташаббускорлик даражаси турлича бўлган болалар ихтиёрий равишда ким қандай хоҳласа шундай қатнашаверади. Бундай иш шаклининг педагогик аҳамияти шундаки, қизиқарли муҳокама китобхон фикрини анча фаоллаштиради, китобга онгли муносабатни шаклланишига ёрдам беради, иштиёқни кучайтиради, кузатувчанликни тарбиялади, адабий дидни ривожлантиради.

Ўқилган китоб муҳокамаси ўспирин-китобхонлар билан ўқилган китоб тўғрисидаги суҳбатдан фарқли ўлароқ анчагина тайёргарликни талаб қиласди, чунки барча қатнашчилар муҳокама қилинадиган китобни ўқиб ёки қайта ўқиб чиқсан бўлишлари керак.

Муҳокама кутубхоначидан асарга чуқур самимиятнигина эмас, балки китобхонлар муносабатини шундай моҳирона ташкил қилиши керакки, натижада ҳар бир қатнашчидан ўз фикрини айтиш, китоб ва унинг айрим жиҳатларини баҳолаш, баҳсада ўз фикрини ҳимоя қилиш ёки жамоа фикрига қўшилиш хоҳиши пайдо бўлиши керак.

Кутубхоначи муҳокамани тайёрлашнинг асосий босқичларини ишлаб чиқади: китоб танлаш; муҳокаманинг моҳиятини очиб берувчи саволларни тузиш; китобхонларни тайёрлаш. Китобни танлашда унинг ғоявий-эстетик мазмуни ва китобхонлар гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Китобни гуруҳли муҳокама этишнинг педагогик вазифаси — китобхоннинг идрок этиш даражасини оширишdir. Бироқ бир хил ёшдаги болаларнинг китобхон сифатида камол топиш даражаси бирбиридан фарқ қиласди, шунинг учун китобни жиддий аҳамият бериб танлаш лозим, чунки бу ўспиринларнинг бўлажак муҳокамага қизиқишлиари ва айни шу тадбирда фаол иштирок этишлари шунга боғлиқ бўлади. Болаларда катта қизиқиш уйғотган китобларгина муҳокама қилинади.

Кейинги босқич — саволларни ишлаб чиқиш. Асарнинг хусусиятлари, тингловчи китобхонларнинг ўзига хослиги, ниҳоят, муҳокаманинг педагогик мақсади, саволларнинг табиати ва ифодасини белгилайди. Кутубхоначи болалар билан олдиндан қилган алоҳида суҳбатдан, уларга китобнинг қайси жиҳатлари ёққани, қизиқарли бўлгани, оқибатда қандай қарама-қарши туйғулар, баҳолар уйғотганлигини билиб олади. Буларнинг ҳаммасини жамоа муҳокамасига олиб чиқиши мумкин, яна шуни айтиш керакки, саволлар билан болалар олдиндан танишмасликлари керак.

Китобхонларни муҳокамага тайёрлашда, иложи борича, китобни барча қатнашчилар ўқиб чиқишига, уларда уни муҳокама қилишга иштиёқ пайдо бўлишига эришиш керак. Бунинг учун

кутубхоначида кўпгина усуллар мавжуд: унинг бошқа асарлари ҳақида ҳикоя қилиб бериш, ёзувчининг ижодига бағишлиган китоблар кўргазмасини ташкил қилиш, тенгқур болаларнинг фикрларидан далиллар келтириш ва ҳоказолар. Муҳокамага тайёрланётган барча китобхонлар учун алоҳида консультациялар ўюнтириш катта ўрин эгаллади.

Муҳокамада 10—15 киши қатнашиши мумкин, бироқ уларнинг сони 25—30 дан ошмаслиги керак. Болаларнинг фикрича, «синфнинг ўзи билан муҳокама қилган», «қўшни синф билан эса онда-сонда муҳокама қилган» яхши. Кутубхоначининг маҳорати ва фидойилиги муҳокамани китобхонлар ҳаётидаги расмий эмас, балки тўлқинлантирувчи воқеага айлантириши болаларни китобхон сифатида ўсишини янги босқичга кўтаришда ёрдам бериши мумкин.

Китобхонлар конференцияси амалда катта ўспириналар билан ўtkазилади ва маълум муаммо (фан ва техника, маданият ва санъат)га бағишиланади. Конференциянинг мақсади — китобхонларнинг жамоа фикрини қарор топтириш, болаларда ўқилган нарсаларни чуқур таҳлил қилиш қобилиятини тарбиялаш, муҳокама қилинаётган муаммодаги янгиликни кўра билиш, китобхонлар конференциясида текширилаётган китоб ёки вақтли нашр учун тегишилидир.

Конференция учун адабиёт танлаш тўғрисидаги масала муҳим мезон ҳисобланади. Биринчидан, кўрилаётган муаммо мазкур жамоа китобхонлар учун долзарб ва аҳамиятли бўлиши керак. Иккинчидан, адабиётда кўриб чиқилаётган муаммоларнинг ҳар томонлама эътиборга олиш лозим: илмий-билим берувчи адабиётларда унинг объективлиги, бадий адабиётларда эстетик қиммати эътиборга олинади. Қоидага кўра, жорий йилдаги энг аҳамиятли, янги адабиётлар танланади. Шунинг учун ҳам кутубхоначилар олдида муайян қийинчиликлар туради — чунки у ҳам танқидда баҳолангандан китоб ёки мақолани объектив ва ишонарли таҳлил билан таъминлаши керак. Янги адабиётлар юзасидан конференция ўtkазиш кутубхоначига фақат методик жиҳатдан эмас, балки билимдонлигидан ҳам имтиҳон бўлиб ҳисобланади. Конференцияга тайёргарлик босқичида тавсия қилинган адабиётларни фақат сўзга чиқувчилар эмас, балки барча қатнашчилар ҳам ўқиб, конференцияга тайёрланиб, муҳокама қилинаётган муаммога ўз фикрини билдирганларида ёки уни муҳокама қилиш хоҳиши билан келгандагина, китобхонлар конференциясини тарбиявий ва таълимий аҳамияти улкан бўлиши мумкин.

Муҳокама қилинаётган асар етарли нусхалар билан таъминланиши лозим. Агар ушбу китоб кутубхонада 1—2 нусхадагина бўлса, бирор самарага эришиш мушкул: тайёргарлик даври чўзилиб кетиб, китобхоннинг қизиқиши аста-секин сўна бошлайди. Фондни қўшимча бутлаш яхши маълум: система ичida китоб алмаштириш, КА — кутубхоналараро абонемент, китобхонларнинг уй кутубхоналаридан фойдаланиш. Амалиётнинг кўрсати-

шича, нусхалар сонини ҳаддан ташқари кўпайтириш ҳам ўринли эмас экан. Охир-оқибатда, ишнинг натижаси нусхаларнинг мутлақ сонига эмас, балки улардан унумли фойдаланишга боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Дейлик, овоз чиқариб ўқиш ўнларча китобхонларни қамраб олиш имконини беради.

Агар нусхалар сони 5—6 тадан кам бўлса, кутубхонанинг эҳтиёжи (кўргазмалар, обзорлар тайёрлаш, овоз чиқариб ўқишлар ўтказиш)ни қондирмаса ҳамда бир вақтнинг ўзида 2—3 та китобхонларга берилмаса, тадбирга тайёргарликни бошлаш мақсадга мувофиқ бўлмайди.

Китобхонлар конференциялари муаммоли ва ҳисоботли бўлади.

Муаммоли китобхонлар конференциясининг мазмуни мамлакатнинг йирик ижтимоий-сиёсий воқеалари, илмий ва маданий ҳаётига боғлиқ бўлади: улар катта ўспиринларнинг қизиқишиларини ўрганиш асосида ташкил қилинади, уларни китобхон сифатида ўсиш даражаси эътиборга олинади.

Ҳисоботли китобхонлар конференциясининг мазмуни кутубхоначининг катта ўспиринларда ўқиш маданиятини юксалтириш тўғрисидаги ғамхўрлигидан келиб чиқади ва у китобхонлар гурӯҳининг қизиқишини диққат билан ўрганишга асосланади ҳам болаларга ўқишининг истиқболини кўрсатиб беришдан иборат бўлади. Масалан, ҳисоботли конференция «Биз йил давомида нималарни ўқидик» мавзусига бағишилаб ўтказилади. Унга тайёргарлик давомида китобхонларнинг формулярларини таҳлил қилиш, болалар бошқа кутубхоналар, ўз тенгқурлари ёки уй кутубхоналаридан қандай китоблар, журналлар олганликларини ўрганиб чиқиш мухим, қатнашчиларнинг диққатини мазкур тадбирга танқидий ёндошишга, кейинги ўқишиларнинг мақсади ва йўналишлари тўғрисида ўйлашга қаратиш лозим.

Китобхонлар конференцияси — кутубхоналарнинг болаларга мўлжалланган оммавий тадбирларининг мураккаб шакли бўлиб, у болалардан юксак ақлий ривожланишни талаб этади, мавжуд қизиқишиларни тақозо қиласди, муаммоларни кўра билиш ва уни ўртага қўя билишни ва улар ҳақида пухта гапиришни кўзда тулади.

Конференцияга тайёрланиш бир неча босқични: мавзу ва педагогик вазифаларни аниқлаш ҳамда китобхонлар гурӯҳи қизиқишиларни ўрганишни; китоблар танлашни, уларни ўрганишни; конференция дастурини ишлаб чиқишни; китоблар кўргазмасини ташкил қилиш ва тавсия плакатларини тайёрлашни; адабиётларни кенг тарқатишни, конференцияда қатнашишни хоҳловчи барча китобхонларга маълумотнома-библиография ва консультация ёрдамлари беришни ўзига қамраб олади.

Конференцияга тайёрланиш кўр-кўрона бўлмаслиги учун кутубхоначи тадбирда чиқиб сўзлаши режалаштирилган китобхонлар билангина эмас, балки унинг барча қатнашчилари билан алоҳида ишлар олиб боради.

Конференция катта ўспиринларнинг ўқишидаги аҳволини ўр-

таниш асосида тайёрланган ҳамда китобхонлар қизиқишлигини янада чуқурлаширишга мўлжалланган бўлсагина, ана шундай конференцияда китоб ва ўқиш истиқболлари тўғрисидаги қизиқарли гаплар бўлиши мумкин. Конференцияда кейин бир ой мобайнида сўралган ва қўлга берилган адабиётларнинг ҳисобини олиб бориш, китобхонлар билан суҳбатлашиш, уларнинг таассуротлари билан қизиқиш зарур. Кутубхона жамоаси шу маълумотларга асосланиб ўз ишининг педагогик самарадорлиги тўғрисида хулоса чиқарди.

Адабий ўйинлар. Оммавий ишларнинг қатор шакллари ўйин элементларига бой. Булар викториналар, адабиёт саёҳатлари, диққатлилар ва билимдонлар конкурси, адабиёт аукционлари, адабиёт қаҳрамонларининг намойиши, адабиёт топишмоқлари ва ҳоказолардан иборат. Ўйинлар шаклининг қизиқарлилиги айнан кўнгил очиш эмас. Қачонки болалар оммавий ва алоҳида ишлар ёрдамида тарғиб қилинган кўпгина китобларни ўқиб чиқсанларидагина, адабий ўйинни барча гуруҳдаги китобхонлар билан олиб бориш мумкин ва у одатда улэр билан бажарилган ишларнинг муайян босқичини якунлади.

Амалиётнинг кўрсатишича, ўйин ва унга тайёргарлик болаларнинг ўқишини активлаширилар, уларнинг бадиий, илмий билим берувчи, маълумотнома адабиётларига мурожаат қилишларини кучайтирап, идрок этишни чуқурлаширилар экан. Китобхонлар қизиқарли саволлар, топишмоқлар ўйлаб топиш орқали китоб устида мустақил ишлаш кўнимкасига эга бўладилар, китобни қайта ўқиб чиқишига интиладилар. Ёш китобхонлар, шунингдек, вазифаларни аниқ ва ўз вақтида бажаришга, ўзлари ўйнаётган команда ёки гуруҳ олдидаги масъулиятни ҳис этишга ўрганадилар, ўзларининг адабиёт қаҳрамонлари номидан ўз таассурот ва билимларини «саёҳат» кундаликлари тариқасида ёзма равища баён этишни машқ қиладилар ва ҳоказолар. Ўйин шаклларининг педагогик жиҳатдан самарадорлиги китобхонларнинг билағонлик ва эҳтиросли фаоллигининг ошганлиги, уларнинг адабиётга талаби, уларнинг анча чуқур ва қизиқарли ўзлаштиришлари билан ҳисобланади.

Психологлар адабий ўйинларни «ролли» (адабиёт қаҳрамонини китобхон томонидан бошқача шаклда гавдалантириш) ва «заковатлилар ўйинларига» (улар асосида китоб, унинг муаллифи қаҳрамонларини «ўйлаб топиш» жараёни ётади) ажратадилар.

Адабий ўйинлар дастурига мазкур ёшдаги болаларга мўлжалланган энг яхши адабиётларни киритиш лозим.

Кутубхоначи ўспириналарнинг ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнида тез-тез адабий топишмоқлар (китобдан келтирилган парча, китобдаги расм бўйича асар ва унинг муаллифи, портрети бўйича ёзувчини аниқлаш), викториналар (китоб мазмуни бўйича болаларда хотира, зеҳни ўткирлигини ўстириш юзасидан қизиқарли саволлар бериш) каби шаклларидан фойдаланади. Ўйин тарзидаги саволларни кутубхоначига китобхонлар

томонидан муаллифнинг бадиий маҳорати, болалар ўзларича адабий образлар, тасвирланган нарсаларни қандай тасаввур килишлари бўйича саволлар билан қўшиб баҳолаш имконини беради. Адабий ўйинларни тайёрлаш жараёнида китобдаги расмлардан фойдаланиш мумкин.

Шунингдек, китоблар бўйича «саёҳат» ўйини ҳам қизиқарли. Уларни ўлкашунослик, жуғрофия, тарих, бадиий адабиёт, фан ва техника тўғрисидаги китобларга бағишлаб ўтказиш мумкин.

Бола-китобхон билан ишлашда ўйинларнинг шакли ва методларидан фойдаланиш, уни эҳтиросли ва мароқли қилади, болалар ва уларнинг ўқишига раҳбарлик қилувчиларнинг ижодий ташаббусини оширади.

Оғзаки журнал сўнгги йилларда кенг тарқала бошлади. У турли илм соҳаларига доир энг яхши адабиётлар, бадиий асарлар, вақтли нашрларни тарғиб қилади. Ҳар бир журнал китобхонлар фаоли ҳамда уни яратиш ва ўтказиша иштирок этишини хоҳловчи болалардан ташкил топган таҳrir ҳайъатидан иборат бўлади. Оғзаки журналнинг муайян сони ёзувчининг ижоди, адабиёт ёки муҳим сана, адабиётнинг бирон тури ёки жанри (масалан, публицистика) га бағишланиши мумкин. Оммавий ишларнинг бу шакли адабиётлар тарғиботи учун аудиовизуаль материалларни жалб этиш имконини беради.

Оғзаки журналнинг ҳажми 3—4 бетдан ошмаслиги ва у қатнашчиларнинг диққатини сусайтирмаслиги зарур. Журналда библиографик саҳифа, кейинчалик ўқиладиган нарсалар режасининг бир неча кўриниши бўлиши шарт.

Оғзаки журнал кутубхоначига болаларнинг муайян қисмида бор бўлган мавжуд китобхонлик сўровига жавоб қайтаishi, шунингдек, тарғиб қилинаётган адабиётга қизиқиш, уни бошқа болалардан олиб ўқиш истагини ўйғотиш имконини беради.

Адабий кеча. Бу тадбир ўзига хос кенг педагогик имкониятлари билан қимматлидир: Кутубхона қошидаги турли адабий ўюшмаларнинг фаол китобхон-қатнашчилари учун — бу муайян иш натижасига якун ясаш шакли, китобхонларнинг ижодий байрамидир; бошқа қатнашчилари учун китобларни тавсия этиш хаяжонли, жозибадор, китобхонда қизиқиш ўйғотиш ва қарор топтиришнинг шаклидир. Адабий кеча бу саҳна асари бўлиб, шунинг учун ҳам уни тайёрлашга «актёрлар» жамоаси, репетициялар, театр ҳаракати қонуллари соҳасида муайян билим, китобхон ва кутубхоначилардан ижодий қобилият талаб этилади. Талаффуз қилинадиган сўзнинг таъсирини кучайтириш учун хонани бадиий безаш, мусиқа жўрлиги, саҳна қатнашчиларини ўзгача жойлаштириш зарур. Асадан парчани ёд олиш шарт эмас, уни китобдан ўқиб бериш ҳам мумкин, фақат ўқиш ифодали бўлиши ва матнинг таъсиранлигини кучайтирувчи мусиқага мос бўлиши керак. Ҳар бир янги парча ёки кўчирма бошқа киши томонидан талаффуз этилиши мақсадга мувофиқ, чунки овоздаги майинликни фарқ қилиши маънони идрок этиш учун ќўшимча ижобий таъсиранликни яратади.

Адабий кечада иштирок этиш болаларда жамоа түйғусини, ўз бирлигини кучайтиради.

Мамлакатимиз кутубхоналарининг оммавий ишларида ижтимоий-сиёсий ўқишилар кенг тарқалмоқда. Улар катта ўспиринлар билан ўтказилади, чунки бундай тадбирларда иштирок этиш ривожланган тафаккур, катта билимдонлик ва тўплланган таассуротларни умумлаштира билишни талаб қиласди. Бу китоблар кўргазмаси, адабиётларнинг тавсиявий обзори, китобхонларга алоҳида консультациялар бериш ва тавсиявий сұхбатлар, овоз чиқарип ўқишилар, оғзаки журнallар, ўқилган китоб ҳақида сұхбатлар (ҳам алоҳида, ҳам жамоа тарзида) ташкил қилишни ўз ичига олган комплекс шаклдир. Шунинг учун ҳам тадбирларнинг дастури бир йилга мўлжаллаб тузилади, ишларнинг барча босқичи изчиликда белгиланади.

Ўқишилар ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларига бағишлилади, улар вақтли нашр материаллари, бадиий ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар, ўлкашунослик нашрлари юзасидан ҳам ўтказилади. Тарихий-революцион, публицистик ва бошқа адабиётларга қизиқиши намойиш этувчи ўспиринлар, фаол китобхонларни ташкил қиласдилар, уларнинг адабиётлар обзори ва айрим китоблар тўғрисидаги ҳикоялари бошқа болалар учун ижобий намуна бўлиб хизмат қиласди, китоб устида мустақил ишлаш қанчалик қизиқарли ва жиддий бўлиши мумкинлиги, ўқиш қандай таассурот ва чуқур мулоҳазали билим олиш мумкинлигини кўрсатади.

Китоб ҳамда ўқиш болаларнинг маънавий ҳаётига мустақил кириб бориши учун, ўқишига раҳбарлик қилишининг ҳам якка, ҳам оммавий методлари мухим ҳисобланади. Бир хил мавжуд гуруҳдаги китобхонлар билан қилинадиган бу ишларнинг методлари мунтазам тарзда изчил ўзаро боғлангандагина катта самара келтиради. Тадбирлар ўзаро боғлиқ бўлмас экан, кутубхоначининг ўрни пасаяди, китобхон болалар гуруҳи шунингдек, ҳар битта китобхоннинг пухта билимли тарбиячиси бўла олмайди.

Оммавий тадбирларга тайёргарлик давомида китобхонлар билан ўтказиладиган алоҳида ишларга етарли эътибор берилмаса, кутубхоначи китобхонлар аудиториясини билишдан маҳрум бўлади, бу эса оммавий ишларнинг педагогик натижасини камайтиради, ҳатто йўққа чиқаради.

Мавжуд гуруҳлардаги китобхонларга нисбатан қўлланиладиган алоҳида ва оммавий ишларнинг комплекс шакли, болаларнинг китобхонлик фаолиятининг барча даврларига мўлжаллангандагина, жумладан, китоб ва вақтли нашр танлашни ўз ичига олганда бу танлашнинг сабаблари, идрок этиш ва тушуниш жараёнининг ўзи, ўқилган нарсаларнинг китобхонлар томонидан баҳоланишига эришиш мумкин.

Фаол китобхонлар билан ишлаш

Кутубхонага тез-тез қатнаб турадиган (абонементга ҳам, ўқув залига ҳам) китоб ва ўқиши севадиган болалар, одатда, кутубхоначи бошлаган барча ишларда ёрдам берадилар, кутубхона тадбирларини тайёрлашда иштирок этадилар, кутубхонага ўз ўртоқларини жалб этишга ҳаракат қиласидар ва бошқалар.

Кутубхона ишида ихтиёрий қатнашиш — китобхон фаолини ташкил қилишдаги муҳим пириципдир. Уни яратишнинг асосий шарти — бу кутубхоначи томонидан болаларнинг қизиқиш ва иштиёқини билиш, болаларга бўлган муҳаббатdir. Фаол болакитобхонлар билан ишлашда камол топаётган шахснинг муомала, амалий ҳаракат, билимларни эгаллашдаги муҳим эҳтиёжларига сунниш керак. Китобхон фаолини вужудга келтиришдан мақсад — болаларда ижтимоий фаоллик, энг яхши ахлоқий сифатлар, жамоани, дўстлик туйғулари, топширилган ишга масъулиятни, ташаббускорликни ривожлантиришни тарбиялашдир.

Кутубхона фаоли ишида иштирок этиш болаларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва фойдали ишлар билан банд қиласидар, билим даражасини кенгайтиради, уларнинг ҳаётларини мазмунли, қизиқарли қиласидар. Энг қизиқарли адабий кечалар, муҳокамалар, оғзаки журнallар, мунозара ва бошқалар, болаларнинг ташаббуси, уларнинг бевосита иштирокида тайёрланган тадбирлардир.

Китобхон фаолини ташкил қилиш шакллари ҳар хил бўлиши мумкин: бу китобхоннинг ёши, қизиқишлари, ҳаваси ва иштиёқ-мандлиги, шунингдек, кутубхоначининг ижодий қобилиятига боғлиқ бўлади.

Фаол китобхонларнинг ишига мунтазамлаштирилган тарзда раҳбарлик қилиш учун кутубхоналарда тўгараклар, клублар ташкил қилинади. Буларнинг энг кўп тарқалганлари кутубхонанинг дўстлари, ёш китобсеварлар, ёш кутубхоначилар тўгаракларидир. Баъзи кутубхоналарда «нима учун» клублари, қўғирчоқ театри бўлади. Қизиқишларга қараб китобхонларнинг бошика уюшмалари ҳам вужудга келтирилади, масалан, шеърият, ўлкашунослик адабиёти, жуғрофияга доир ва бошқалар.

Китобхонларнинг қизиқиш ва майлларини мунтазам ўрганиши, кутубхоначиларга уларнинг китоб билан боғлиқ бўлмаган қизиқишлари (масалан, жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланиш) ни ривожлантириш уларни китобхон қизиқишига айлантириш имкониятини яратади. Шу тариқа, спорт тўғрисидаги китоблар бўйича адабий саёҳат, янги китобхон уюшмасини иш бошлаши, янги фаол китобхонлар гуруҳининг қарор топишига туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Китобхонларнинг қизиқишларига қараб уюштириш, кўп сонли болаларни китоб устида қизиқарли ишларга жалб этиш натижасида фаол — китобхонларнинг доирасини кенгайтиради. Бундай уюшмаларнинг вақтинчалик табиати (ярим йил, бир

йил), фаол китобхонларни шакллантиришдаги муҳим восита әканлигини пасайтиrmайди.

Клуб, тўгаракларнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурлари кўпинча болаларни зериктириб қўяди. Фаоллар билан ишлаш — бу ҳақиқий китобхонлар жамоасини тарбиялашнинг йўлидир.

Клуб, тўгарак ва бошқа уюшмалар аъзоларининг фаолияти унинг учун охирги чегара эмас. Фаоллар ишлаётган мавзулар, кўп сонли болалар учун етакчи мавзу ҳисобланади. Тўгарак аъзолари тайёрлаган кўргазмали материаллар — альбомлар, кундаликлар, кўргазмаларидан кутубхонанинг барча китобхонлари фойдаланадилар.

Болалар билан ўқиш каби маънавий фаолият кўринишидаги муносабатнинг табиати кўп жиҳатдан болаларни уюштирган жамоанинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади. Тенгқурлар болаларнинг ўқишига сезиларли таъсир кўрсатадилар. Унинг аҳамияти айниқса ўспириналар ёшида катта бўлади. Жамоа ўспирин синфлар, норасмий гуруҳлар, тўгаракларда ўз «пешқадамлари» бўлиб, уларнинг диди, фикрлари ва баҳоларига гуруҳ, синфнинг бошқа аъзолари қулоқ соладилар. Болалар жамоаларида биз тез-тез ишонтириш (ижтимоий психологияда—суггестия) сингари ижтимоий-психологик ҳодисаларни учратамиз. Бу алоқа ўрнатишининг ўзига хос инсоний шакли бўлиб, одамнинг одамга тўғридан-тўғри таъсир қилишининг бир кўриниши, ўзига хос ўзаро рӯҳан «таъсир ўтказиши»дир. Ишонтириш катталарга қараганда болалар (8—10 ёшларда ўзининг юқори нуқтасига кўтарилиб) да ғоят катта ҳокимлик қудратига эга.

Кутубхоначи китобхонларнинг орасидан кўпроқ баобрў болаларни аниқлаб (ҳамма вақт ўқиш «пешқадамлари» бўлиши шарт эмас) уларнинг таъсир кўрсатишидан тенгқурларини тарбиялаш мақсадида фойдаланади, уларни жамоатчилар сифатида шакллантириб, китобхон фаоллари ишига жалб этади. Шутариқа, ҳозирги замон мусиқасига қизиқувчиларни илмий-фантастикага бағишлиланган бўлажак шеърият кечасига ёки оғзаки журналга мусиқа танлашга жалб қилиш мумкин. Агар болалар кутубхоначининг самимийлигини ҳис этсалар, ўзларидан ҳақиқатан ёрдам кутаётганлигини кўрсалар, унда ҳатто катта муррабий ҳам бера олмайдиган билиш ва излаш ишига ундовчи ижодий «хазина» юзага келади.

Фаол китобхонлар билан ишлаганда майда васийлик, ортиқча назоратга ўрин беравермаслик, уларнинг ташаббускорлиги, топқирлиги, мустақиллигига суюниш керак. Кутубхонада ташкил қилинадиган ҳар қандай ижтимоий фойдали иш шаклланётган бола-китобхон шахсининг эҳтиёжларига мос бўлиши керак.

Ҳозирги болалар кутубхонасининг вазифаси — мумкин қадар кўпроқ болаларни фаоллар қаторига тортишдан иборат. Бунга агар кутубхоначи ўз китобхонларининг доимо ўрганиб борса, китоб устида ишлашга ўргатса, бошқа болаларга севимли ки-

Кутубхонада ёш китобхонларни тарбиялаш системаси

Болалар кутубхонасиning гоявий-тарбиявий иши мажмуя табиатига эга. Унинг барча йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ. Умумийликнинг мақсадлари ва ·вазифалари, мазмунлари, воситалари, методлари иш шакллари орқали текширилади. Шу билан бирга ҳар бир йўналиш ўз хусусиятларига эга бўлади.

Меҳнат тарбияси

Болалар кутубхонаси фондида ёш китобхонга алоҳида киши ва жамият, умуман маданиятли кишининг ҳаётida меҳнатнинг роли тўғрисида ҳикоя қилиб бериши мумкин бўлган китоблар кўп. Булар бадиий, илмий-билим берувчи, публицистик, ҳужжатли ва бошқа китоблардир. Меҳнатга маънавий муносабатни тарбиялашда ҳалқ оғзаки ижодининг имкониятлари бекиёс бўлиб, унда меҳнат кишисининг гўзаллиги куйланади ва ишламаётган ахлоқсиз кишига танбеҳ берилади. Кўпгина адабий эртаклар, уларнинг қаҳрамонлари сиймосида меҳнат кишиси идеали ётади. Масалан, П. Бажовнинг «Урал эртаклари» асарида меҳнатдан, ўз маҳоратидан фахрланган, меҳнатдаги гўзалликни тушунадиган ва уни тўғри баҳолайдиган моҳир киши истеъдоди шоирона куйланади.

Ҳозирги замон болалар ёзувчиларининг асарлари ўз ишларига берилган кишиларнинг образини тасвирлайди. Булар Ю. Томиннинг «Атлантида ҳақидаги қисса»сидаги геологлар, Р. Погодиннинг «Меҳрибон кишилар ва яхши об-ҳаво тўғрисида ҳикоялари» даги бинокорлардир. Кузя амаки В. Астафьевнинг «Кузя амаки—товуқлар сардори» қиссасининг қаҳрамонидир. «Ҳаётда меҳнат қилишга ҳамма масъул»— деб ёзади. В. Астафьев ва ҳар қандай иш, арзимаган майдада иш ҳам, ижодий иш эканлигини кўрсатади. В. Бочарниковнинг «Қизил офтоб» қиссасидаги кекса рус деҳқони Манефа Егоровна одамларга меҳрибонлиги ва меҳнатсеварлиги учун ҳамқишлоқларининг чуқур ҳурматига сазовор бўлади.

Ҳаёт манбай бўлган меҳнат турли ёшдаги болалар учун ёзилган барча бадиий ва публицистик асарларнинг марказида

туради. Масалан, Л. Разгоннинг «Олтинчи станция» китоби Волхов ГЭСи қурувчилари ҳақида ҳикоя қиласи. Болаларни иродали, мақсадга интилевчи қилиб тарбиялашда машҳур рус физиги Петр Лебедев ҳаёти ва ижодига бағишиланган Л. Разгоннинг «Бир йил ва бутун умр» китобининг нафи катта бўлиши мумкин.

Кутубхонанинг китобхонларга меҳнат тарбияси беришга доир тадбирлари мактабда шу йўналишда бажарилаётган ишларни эътиборга олиб бажарилиши керак. Мисол учун 1—4-синф ўқувчилари учун меҳнат таълимининг янги намунавий дастурига оид турли материалларга қўлда бошланғич ишлов бериш усулини ўрганишлари, қишлоқ хўжалик экинларини етиширишлари, ўқув-кўргазма қўлланмаларини тузатиш, болалар боғчалари учун ўйинчоқлар, фойдали буюмлар тайёрлашлари, улар учун тушунарли бўлган касблар билан танишишлари керак.

Дастурни билишлик, кутубхоначига китобхонларга ёрдам берадиган китобларни мақсадга мувофиқ тарғиб қилишни енгиллаштиради. Бу Н. Надеждиннинг «Боғдами, полиздами», «Онахон қовоқ ва унинг ажойиб оиласи», А. Владимировнинг «Ердан устида турибди», Э. Слепяннинг «Ер остидаги тугунак», Н. Осиповнинг «Гречиха ва буғдои, маккажӯхори ва горчица ҳақида»ги ва бошқа китоблар мазмуни жиҳатдан бир-бирига яқин. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларни А. Маркушнинг «Болға, омбўр ва бошқа керакли нарсалар», А. Мартинсоннинг «Ёғочдан ясашга бошлаймиз», Н. Ханашевнинг «Чевар-дугоналар», «Мен кўраман ва кашта тикаман», А. Ефимованинг «Ўзимиз ўйинчоқлар ясаймиз» ва бошқа китоблар қизиқтириши мумкин.

Болалар кутубхонаси олдида турган муҳим вазифалардан яна бири — меҳнат кишилари, касблар тўғрисидаги китоблар, болаларнинг техника ижодига ёрдам берувчи нашрларни тарғиб қилишдир. Бу иш политехник туркум дастурини эътиборга олиб ўтказилади, унда ўқувчилар ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳаларидан асосий касб (ихтисос)лар билан танишадилар. Масалан, математикани ўрганиш жараёнида, улар математикадан саноат ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш, математика қўлланиладиган касб (ишчи-станокчи, программачи, муҳандис ва бошқа)лар билан танишадилар.

Кимё дарсларида — ҳозирги кимёвий ишлаб чиқариш, турли муҳандислик ва ишчи касб (аппаратчи, оператор)лар билан танишадилар. Физика дарсларида — ҳар хил, муҳандис-энергетик, муҳандис-механик, назорат-ўлчов асбобларини тузатувчи слесарлик касблари билан танишадилар. Қишлоқ мактабида ўсимликшунослик ва чорвачиликнинг барча соҳалари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ихтисослари билан танишадилар.

Политехник таълим ўқувчиларга баъзи меҳнат малакаларини ҳам беради. Кутубхоначи ва китобхонларга «Бил ва уdda» туркумидаги китоблар яхши таниш. Улар ёш техниклар, токар-

лар, бўёқчилар, радиоҳаваскорлар, авиамоделчилар, автомобилчиларнинг амалий ишларига ёрдам тариқасида тавсия қилинади. Бундай китоблардан фойдаланиш, агар кутубхоначи улар ҳақида меҳнат дарси ўқитувчилари, касб танлашга йўллашга доир факультатив курс ўқитувчилари, тўгаракларнинг раҳбарлари, ишлаб чиқариш бригадаларининг мураббийларига ахборот берсагина самарали бўлади.

Китоб ўспирин-китобхоннинг ишлаб чиқариш ва касбнинг бирон-бир соҳасига қизиқиши шакллантириш, уни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришга таъсир кўрсатиши мумкин. Агар кутубхоначи китоб тавсия қилаётган китобхоннинг истеъоди, қизиқишилари, ишқибозлигини билсагина бунга эришиши мумкин.

Меҳнат ва касблар тўғрисидаги адабиётларни тарғиб қилиш учун «Ўз ўрнингни топ» мавзууда кўргазма ташкил қилиб, унда, масалан, В. Заворотовнинг «Фоядан моделгача», А. Ермакованинг «Менинг ўзим...», Ижод қил, ўйлаб топ, синаб кўр», А. Маркушининг «Станокни ким бошқариши керак» ва «Таваккалчилик ҳуқуқи», Б. Воробьевнинг «Ўз истеъодингни топ» каби китобларни кўргазмага қўйинш мумкин.

Фондда мавжуд бўлган адабиёт, кутубхоначига меҳнат, керакли ва зарур касблар тўғрисида айрим суҳбат ва суҳбатлар туркумини ўтказиш имконини беради: «Ёш дўстим ишчи қўлларининг меҳнати тўғрисида ўқигин», «Оқбилаклар бизга керак эмас, уста ҳамма жойда зарур», «Бизнинг мамлакатимиз — меҳнаткашлар мамлакати», «Дала ва фермаларда ким меҳнат қиласди», «Барча нарсалар меҳнат эвазига яратилган» ва бошқалар.

Касблар тўғрисидаги адабиётларни ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнида ўспиринларнинг диққатини у ёки бу касбнинг истиқболлари, унинг халқ хўжалигидағи аҳамияти ва бошқаларга қаратиш лозим. Буни касблар олами мавзуудаги суҳбатда амалга ошириш мумкин. Суҳбатнинг «Ким бўлишим керак» йилномасининг бирон сонидан фойдаланиб, битта касбга бағишлиб ўтказиш мумкин.

Кутубхоначининг диққат-эътиборида шундай китоблар бўлиши керак-ки, улардан китобхон у ёки бу касбни эгаллаш учун қандай фазилатларга эга бўлиш ва билимлар эгаллаш кераклигини, улар нималари билан бир-биридан фарқ қилишини, уларни нималар бирлаштиришини билиш керак. Масалан, А. Марьянининг «Иш бўлгандан кейин иш» да китоби гурли касб эгалари тўғрисида ҳикоя қиласди ва болаларга аниқ, керакли касблар ҳақида маълумот беради. Бундай китоблар билан ишлашда муаллиф ёзган ҳар бир касбнинг жамият учун муҳимлиги ва зарурлигини уқдириб ўтиш керак.

Муаммолар кўтарилаётган, кўпчилик ўспирин-китобхонларни тўлқинлантираётган китоблар, масалан, Ю. Азаровнинг «Эътироф этиши» қиссаси ёки Н. Дубовнинг «Биргина мусибат» роман-диалоги юзасидан муҳокамалар, китобхонлар конференциялари,

мұнозаралар үюштириш педагогик жиқатдан мақсадға мувофиқидір.

Ю. Азаровнинг қиссасида мұхокамали ўринлар күп бўлиб, улар баҳс учун асосий мавзу бўлиши мумкин. Масалан: «Ҳар қандай қасб эгасига умумий битта талаб бор: бу юксак ахлоқий фазилат, бу шахснинг фуқаролик йўналиши, бу гўзаллик туйғуси, бу ақл-заковат тайёргарлиги, бу ирова ва ниҳоят, соғлиқидир. Ўспириналарга «Сизлар шу фикрга қўшиласизми? Агар қўшилмасаларинг, унинг сабаби нимада? Сизлар ҳаётда шундай фазилатга эга бўлган кишиларни учратганмисиз?» зайдаги саволлар билан мурожаат қилиш мумкин.

Бунинг бошқа йўли ҳам бўлиши мумкин: китобхонларда китоб ёрдамида битта қасбнинг халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида қўлланилиши кўрсатилади. Масалан, «Темир кимга тобе» тўплами слесарь-темирчиларга бағишиланади, В. Белоусовнинг «Ким бошчилик қиласди» китобида кемасозлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Агар слесарлик мутахассислиги тўғрисида китоблар билан бир қаторда илмий-оммабоп ойнома ва рўзномаларнинг мақолаларидан фойдаланилса, «Қадимги қасбнинг турли ихтиослари» мавзууда қизиқарли суҳбат ўтказиш мумкин.

Суҳбат ўтказишида китобхонларнинг диққатини меҳнат анъаналарининг давомийлиги тўғрисида ҳикоя қилинадиган китоб саҳифаларига қаратиш лозим. Масалан, В. Белоусовнинг «Ким бошчилик қиласди» китобида С. Оржоникидзе номли Болтиқ кемасозлик заводининг анъаналари тўғрисида гапирилади, унинг стапелларидан афсонавий «Аврора» крейсери ва «Арктика» атом музёрати сувга туширилган.

Доимо меҳнатнинг ижодий табиатини очиб бериш мұхим. «Маҳорат қаҷон санъатга айланади» мавзуудаги китоблар (Масалан, «Ёғочдан ясайман» тўпламида дурадгор усталарнинг маҳорати тўғрисидаги) суҳбат марказида туриши мумкин. Китобхонларга ҳунарлар, унинг қонунлари, уста бўлишлик учун қандай малакаларга эга бўлиш, қандай йўлни босиб ўтиш лозимлиги тўғрисида амалий китобларни тавсия қилиш керак. Кутубхонада турли қасб ва ҳунар эгалари бўлган ота-оналар билан учрашув ташкил қилиш мумкин.

Кичик ўқувчи—китобхонлар билан «Ким бўлишим керак» ёки «Барча ишлар яхши — дидингга ёққанини танла» мавзууда эрталиклар туркуми, «Қизиқарли қасб», «Юзта йўлдан биттаси сеники», «Биз танлайдиган йўллар», «Меҳнатимиз билан Ватанимизни шон-шуҳратга буркаймиз» ва бошқа мавзуларда суҳбатлар туркумини ўтказиш мақсадға мувофиқидир.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятининг энг оммавий турларидан бири— уларнинг техника ижодкорлигидир. Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш шароитида болалар ва ўспириналарнинг техника ижодкорлигига катта аҳамият берилалаяпти, дарсдан, «мактабдан ташқари иш жараённанда уларда мустақил

фикрлаш, олинган билимларни амалда қўлланишга тайёр бўлишлик шаклланади.

Техника ижодкорлиги билан шуғулланувчи китобхонлар, қоидага мувофиқ, тез-тез техникага оид жаридалар, маҳсус адабиётга мурожаат қиласдилар, улардан фойдаланиш учун кенг шароит яратилиши керак. Шу мақсадда янги китоблар, шунингдек «Ёш техник», «Техника — ёшларга», «Қимё ва ҳаёт» каби янги жаридалар кўргазмаси ташкил қилинади. Китобхон, масалан, Г. Альтовнинг «Бу ерда ҳам ихтирочи пайдо бўлди», Ю. Оряшениковнинг «Ёш кибернетикачи», В. Ветровнинг «Қашшоғ кемасозлик верфи», В. Заваротовнинг «Фоядан моделгача» каби китоблар тўғрисида билиши керак, чунки булар унинг ижодий ишларига нафи тегади.

Турли илмий-техника тўғаракларида шуғулланаётган болаларни кутубхонага янги китоблар кўригинга таклиф этиш, кутубхоначига тўғарак раҳбарлари ёрдамида китобхонларга гуруҳли ва алоҳида ахборот бериш осон бўлади, шунинг учун ҳам уларни маҳсус адабиётлар билан таништириб бориш зарур. Масалан, тайёра қуриш-ясашга қизиқаётган китобхонга В. Туръянинг «Оддий тайёра моделлари» китоби, шунингдек ҳавога учиш тарихи, осмонга, фазога йўл очган машҳур олимлар, конструкторлар, синовчилар тўғрисидаги китоблар (масалан, Я. Головановнинг «Космодромга йўл», А. Старостиннинг «Коинот адмирали» ва бошқалар)ни тавсия қилиш мумкин.

Техника ижодкорлигига ёрдам тариқасидаги адабиётни тарғиб қила туриб, китобхонни қизиқтирган касблар тўғрисида ахборот бериш мухим. Аввал айтилган китоблар билан бир қаторда, масалан, С. Табачниковнинг «Учиш ҳуқуқи» (кичик тайёрасозлик касбларини эгалловчи курсантлар тўғрисида), И. Макаров ва С. Қоркснинг «Денгиз касблари» китоблари, «Кемасозлар» тўплами (турли фан ва техника соҳасидаги мутахассисларнинг кема яратишда иштирок этиши тўғрисида) кабиларни ҳам тавсия қилиш мумкин.

Мактаб ислоҳоти болалар ва ўспиринларни ижтимоий фойдали ишлаб чиқариш меҳнати—ўқув цехлари, корхоналар, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадалари ва звенолари, мактаб ўрмон участкаси кабиларда иштирок этишни назарда тутади.

Ўқув-ишлаб чиқариш бригадаларига, мактаблараро ўқув-ишлаб чиқариш комбинатларига, меҳнат ва дам олиш лагерларига ёрдам берувчи адабиётларни тарғиб этиш — кутубхоналар ишининг мухим томонидир. Тарғиботнинг асосий шакли—шубҳасиз меҳнат бирлашмалари аъзоларига китоблар тўғрисида алоҳида ва гуруҳли ахборот беришdir. Масалан, қишлоқ мактаблари қошида ташкил қилинадиган ўқувчилар ишлаб чиқариши бригадаларининг сабзавотчилик звеноларига қуйилади: А. Онеговнинг «Ёшлар мактаби», Э. Власова ва Э. Ларина-нинг «Ёш табнатшунос китоби», В. Музиннинг «Ёш сабзавоткорларга», Я. Пантелейевнинг «Сабзавоткор календари», Е.

Поповнинг «Үй боғи ва полизи», Л. Шуманнинг «Сабзавоткор» ва шу сингари китобларни тавсия қилиш мумкин.

Кутубхона кўпгина ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари йил бўйи ишлашини, айниқса уларнинг баҳор-ёз ва куз ойларидан ишлари қайнашини назарда тутиши керак. Шунинг учун ҳам бригада аъзолари бажараётган ишларнинг ихтисослиги эътиборга олиниб бутланган кўчма кутубхоналардан фойдаланиш керак.

Ўқув заллари, дам олиш хоналарида ишлаб чиқариш мавзуларидаги китоблар, шунингдек бадиий адабиётлардан овоз чиқариб ўқишлар, сұхбатлар, муҳокамалар ташкил қилинади. Бригадаларда китоблар тарғиб этиш ишларига болаларнинг ўзлари ҳам жалб қилинади.

Меҳнат тарбиясилик фавқулодда муҳим ишда кутубхона болаларни маънавий меҳнатга тайёрлашда иштирок этадиган, уларнинг ишлаб чиқариш меҳнатига раҳбарлик қиласидиган, касб танлашга ўйллашни амалга оширадиган мактабнинг кашшоф ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишлари шарт. Кутубхоначи пионервожатийлар билан алоқа ўрнатиб, касб танлашга ўйллаш ва ишчи касбларини ҳурмат қилишни тарбиялашда кутубхонанинг имкониятлари, китоб ва вақтли матбуотнинг роли тўғрисида гапириб бериши керак.

Кутубхона кашшоф ва комсомолларнинг барча ташаббусларида иштирок этсанда нафли бўлади. Мактаб ўқувчилар олдига қўядиган саволларни тушуниб етишлари учун адабиёт, ахборот манбалари керак.

Болаларнинг кутубхонадаги китобхонлик фаолияти ўқиши сингари дастурлаштирилмаган, ва у қатъий белгиланган тартибда амалга оширилмай, балки кўпроқ мустақил табиатга эгадир. Бироқ бу мустақилликда кутубхоначининг китобхон шахсини шаклланишига таъсир кўрсатган бавосита резервлар мавжуддир.

Ахлоқ тарбияси

Ҳозир мамлакатимизда рўй берадиган қайта қуриш жараёнида ахлоқимизнинг поклик, виждонлилик, инсофилик, жамоа, ўзи ва бошқаларга нисбатан талабчанлик каби принцип ва нормаларини қатъий қарор топтириш зарур бўлиб қолди.

Кутубхонада китобларни тарғиб қилиш жараёнида ахлоқ асослари, унинг жамоачилик, инсонпарварлик ва ижодий табиати очиб берилади.

Болалар ва ўспириналарда ахлоқни тарбиялаш — тарбия системасининг бошқа таркибий қисмлари билан биргаликда амалга оширилади.

Адабиётларни тарғиб қилиш жараёнида уларга ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатиш, қонун ва виждон амри билан иш тутиш, жамият қонун ва қоидаларига ҳурмат туйғусини тарбиялашни очиб беришдан ибодат

рат. Кутубхоначилар қўли остида давлат қонунлари, ҳокимият органлари, Ўзбекистон Конституцияси, шўро фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар тўғрисида ҳикоя қилувчи китоблар бўлиши керак.

Ҳуқуқий билим ва тарбия беришда бадиий адабиёт асарларини тарғиб этиш, ўспиринлар тушунадиган тарзда ахлоқий-ҳуқуқий муаммоларни очиб бериш катта аҳамиятга эга: масалан, бу борада Н. Думбадзенинг «Қукарача» китобини, А. Адамов, Ю. Кларов, Н. Леонов ва бошқаларнинг ижодларини тавсия этиш.

Кутубхоначи ёш китобхонлар диққатини «Пионер», «Қостёр» ойномалари ва «Пионерская правда» рўзномасидаги ахлоқий—ҳуқуқий муаммо бўлимлари — «Қимдан намуна оламиз», «Ҳақиқий болалар», «Тревога сигнали» материалларига қаратиш керак.

Бола шахсини шакллантириш жараёнида болада инсонпарварлик туйғуларни тарбиялаш зарур. Бу ишда қаҳрамонлари ўзида олижаноб ҳаётий мақсадларни акс эттирувчи, шунингдек юксак ижтимоий бурчни ҳис қилувчи кишилар ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар катта ўрин тутади. Мазкур адабиётларни ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнида ахлоқнинг жамоа табиатини очиб бериш керак.

Бу иш китобхонларнинг ўқишига табақалаштирилган ҳолда ёндашиш принципида амалга оширилиши лозим.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар муайян ахлоқий тажрибага эга бўладилар. Улар таъсирчан ва ҳиссиётли, катталар томонидан айтилган интизом қоидаларини тез уқиб оловчи бўладилар. Бироқ улар ўзиникидан кўра, бошқаларнинг ахлоқий томони, қилмишлари сабабларига тезроқ баҳо берадиган бўладилар.

Ўқилган китоб ҳақидаги суҳбатда, болалар диққатини асар қаҳрамонларининг маънавий хислатлари, персонажларининг бир-бирига, ўз-ўзига ҳамда ўз вазифаларига бўлган муносабатларини кўриш ва тушунишга қаратиш лозим. Китобхонни қаҳрамоннинг қалбини тушуниш ва ҳамдард бўлишга ўргатиш муҳим. Масаланинг тўғри ўйилиши китобхонга ўқиган нарсаларини ўзининг маънавий тажрибаси билан боғлашга ёрдам беради. Китобхон фикрини фаоллаштириш учун, кутубхоначи овоз чиқариб ўқишини ўтказиш пайтида ҳикоянинг қизиқарли жойида «тўхтатиб», болаларга унинг давомини ўзларингиз «ёзинг» деб илтимос қилиши мумкин.

7—8 ёшли китобхонлар билан овоз чиқариб ўқиш ва суҳбат ўтказиш учун яхшиси кичикроқ ҳикоялар танлаш керак. 8—9 ёшли китобхонлар билан ўқилган китоблар ҳақида ёки «Пионерская правда» рўзномасидаги мақолалар юзасидан суҳбат ўтказиш мумкин, улардаги болаларнинг хатлари, улар томонидан эзгулик, ҳалоллик ва ўз сўзининг устидан чиқиш хусусида берилган саволларга қайтарилган жавобларидан фойдаланилади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва уларнинг ўсиш даражаларига қараб сұхбатлар мазмунининг аниқлиги ва изчиллиги жиҳатдан хилма-хил бўлиши мумкин. Яхшиси биринчи сұхбатни дўстлик ва ўртоқлик мавзусига бағишиланган китоблар юзасидан ўтказиш мақсадга мувофиқ, чунки бу мавзу тез-тез болалар жамоаларида муҳокама қилиб турилади. Болалар кичкиналигидә ўртоқлари ўртасидаги хурсандчилик ва хафагарчиликлар билан боғлиқ бўлган шахсий муносабатлар тажрибаси ва кечинмаларига әга бўлади. Сұхбатлар асосида бегараз ўртоқлик муносабатлари, чин ва сохта дўстлик риштари тўғрисида гаплашиш мумкин.

В. Клепцовнинг «Менинг дўстларим Колька ва Сергей», С. Ковсунинг «Терешка», В. Сухомлинскийнинг «Дунёда қандай яаш керак» мавзусидаги ҳикоялари, А. Бартонинг «Дўст талаб қилинади» шеъри юзасидан сұхбат ўтказиш мумкин.

Л. Пантелеевнинг «Тўғри сўз», Е. Марнинг «Қошиқ» ва Б. Емельяновнинг «Тарвузлар ва бўрилар» ҳикоялари ва бошқалар поклик, ўз сўзига содиқ бўлиш тўғрисидаги сұхбатнинг асосини ташкил қилиши мумкин.

Деярли барча кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар жамоат топшириқларини бажаришнн яхши кўрадилар. Улар кучи етадиган ҳар қандай ишни хурсандчилик билан қабул қиласидилар ва уни бажарадилар. Бироқ кўпларида топширилган ишга бўлган қизиқиш ўткинчи бўлади. Бу ёнда топширилган ишга масъул бўлиш нима дегани, яхши жамоачи бўлиш учун ўзингда қандай фазилатларни қарор топтиришинг керак мавзусидаги сұхбатлар муҳимdir. Сұхбатга М. Водопьяновнинг «Ҳамма бир одам учун, бир одам ҳамма учун», Л. Прунцованинг «Звенода ким ортиқча», Е. Пермякнинг «Арзимаган майдадар» ҳикоялар учун материал бўлиши мумкин. Китобхонга, масалан, сўнгги ҳикоя юзасидан шундай саволларни бериш мумкин: «Болалар умумий коллекцияни ташкил қилиш таклифини қандай қабул қиласидилар? Синфда умумий коллекцияга ўз маркаларини беришга тайёр турган болалар кўп йигиладими? Коллекция умумий бўлгач, коллекциянинг ҳоли нима кечди?

Кичик мактабгача ёшдаги ўқувчилар ўзлаштириши лозим бўлган маънавий бойликлар орасида адолат деган тушунча ҳам бор. Адолат тўғрисидаги сұхбатларда ҳар кимда сахийлик, ҳақиқий дўстлик муносабатларни кўриш ва сезиш лозимлигини айтиш керак. Бу фикр биринчи навбатда ўз тенгқурларининг нотўғри хатти-ҳаракат ва қилмишларини кўрувчи кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун алоҳида аҳамият касб этади. Болалар ўзлариникидан кўра бошқа ўртоқлари йўл қўйган хатолар тўғрисида гапиришни яхши кўрадилар. Болаларга ўзгаларни хурмат қилиш, бошқаларга нисбатан бардошли, адолатли бўлиш, китобхонни адолат, ҳақиқат, сахийлик учун курашиб, жамоатда ҳаёт бир-бирини ҳурматлашга асосланганлиги тўғрисида ҳикоя қилиб бериш зарур.

Бунга Г. Снегиревнинг «Қўнғиз», В. Осееванинг «Печенье»,

В. Солоухиннинг «Қасоскор», А. Митяевнинг «Адолат» ҳикоялари ёрдам бериши мумкин. Г. Снегиревнинг ҳикоясини ўқигач қуидаги саволлар устида ўйлаб кўриш таклиф қилинади: «Нима учун акаси кичик синглиснинг талабига ён босишини истамади? У ҳақми ёки ноҳақми? Бола ва синглиснинг хулқини қандай таърифлаш мумкин?»

Болаларда одамларга нисбатан инсонпарвар муносабатда бўлишни тарбиялаш, шахснинг ташқи кўриниши, мактабда, кўча ва жамоат жойларида нутқ маданияти ва муомалани тарбиялаш билан боғлиқдир. Кутубхонадаги эрталиклар пайтида К. Чуковскийнинг «Мойдадир» шеъридан, Л. Воронькованинг «Маша-растеряша» ҳикоясидан саҳналаштиришда фойдаланиш мумкин. «Ўзаро хушмуомала бўлинглар» мавзуидаги сұхбатда болаларга хушмуомалалик, бошқаларга нисбатан эътиборли, дўстона муносабатда бўлишилик хатти-ҳаракат, сўзлашувлар чоғида намоён бўлишини сўзлаб бериш керак. Болаларга В. Осеевнинг «Сеҳрли сўз» ҳикоясини эслаш ва қуидаги саволларга жавоб қайтариш таклиф қилинади: «Нима учун бувиси, акаси, синглиси ва чолда Павликка нисбатан муносабат ўзгаради? Нима учун биз хушмуомалаликни сеҳрловчи сўз деймиз? Уларнинг сеҳрлилиги нимада?» Ҳар бир ахлоқ қоидаси нормалари асосларида атрофдаги одамларга ғамхўрлик қилиш ғояси ётади. Кутубхоначи интизом ва хулқ маданияти тўғрисидаги сұхбатда С. Алексеевнинг «Даҳшатли сўз», Г. Фишнинг «Леня ва обрў» ҳикояларидаги ҳақиқий ва сохта обрўлардан фойдаланади. Кичик ўспириналарда катталар ва тенгқурларининг хулқини таҳлил қилишга мойиллик пайдо бўлади. Бу ёшдаги китобхонлар адабий асардан тақлид қилиш учун қаҳрамон излайдилар, ўспириналар даври, улар ўзиши доирасига мавжуд одамлар ва ҳозирги давр воқеалари ҳақидаги ҳужжатли ва публицистик асарларни қўшиш даври ҳисобланади.

Кичик ўспириналар билан публицистик китоблар юзасидан ўтказиладиган гуруҳли сұхбатларда ҳозирги даврдаги реал қаҳрамонлар ҳақида гапириш мумкин.

Қатта ўспирин ўз ички дунёсига чўмган бўлади, бу ёшда қимматли йўл топиш, ҳаётий мақсаднинг шаклланиш жараёни самарали давом этади. Бу ёшдаги китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилишининг мулоқот усули, яъни муҳокамалар, китобхонлар конференциялари, мунозаралар каби эркин фикр ва нуқтай назар алмашадиган шаклини мъækul кўрадилар.

Қатта ўспириналар билан китоблар юзасидан қуидаги мавзуларда мунозаралар ўтказиш мумкин: «Ҳаётда инсон бўлиш», «Айт-чи, дўстинг ким?» сингари мунозараларда ўқувчиларнинг лиққатини баъзи тенгқурларининг масъулиятсизлигига житимоий фаол эмаслигига қарши курашга қаратиш керак. «Инсон нима учун яшайди?» «Ҳаётнинг маъноси нимада? Мен ҳаётда қандай, ўринни эгаллайман?»— бўлар ахлоқ-одоб мавзуидаги китобларни муҳокама этишда марказий саволлар бўлиши мумкин. Масалан, мунозараларда ўтириналарнинг ҳаётда ўз ўрин-

ларини топишга ёрдам берадиган китобларни мұхқокама қилиш мүмкін: Ю. Андреевнинг «Очиқчасига сўзлашув», В. Пошатаевнинг «Ҳаёт чизиги», А. Маркушнинг «Жасорат алифбоси», А. Никитиннинг «Балогатга етмаганларнинг жавобгарлигиги», Ю. Тюриннинг «Шахснинг шаклланиши», Л. Рувинский, С. Хохловнинг «Ирода ва феъллиликни қандай тарбиялаш керак».

Публицистик китоблар юзасидан китобхонлар конференцияси ўтказилади. Китобхондарга ўз фикр-мулоҳазаларини айтпшга йўллайдигъя муаммоли саволлар берилади. Масалан, А. Маркушнинг «Жасорат алифбоси» китобидан шундай саволларни таклиф қилиш мүмкін: «Одам бўлиш қийин. Одам бўлиш катта гап?» Нима учун А. Маркуш Э. Межелайтиснинг бу сўзларини ўз китобида келтиради?; Муаллиф А. Пушкиннинг «Ўзингизни идора қилишга ўрганинг?», сўзини қандай тушунади, сиз уларни ўзларингизга, ўз хатти-ҳаракатингизга нисбатан қўллайсизми?

Кўпгина кутубхоналарда қизиқарли учрашувлар клуби ташкил қилинади. Адиблар, ишлаб чиқариш илфорлари, уруш ветернлари билан учрашувлар маънавий сабоқ бўлиши мүмкін.

Ўспириналарнинг маънавий маданиятлари шаклланишида бадиий адабиёт мұхим ўрин эгаллайди. Ўзида жамоанинг кўп асрлик маънавий тажрибасини тўплаган бадиий адабиёт, ёш китобхон қалбини у билан бойитади, маънавий дунёсини шакллантиради. Ўспиринни ижтимоий-ахлоқий фаол шахс қилиб камол топтириш — кўпгина ҳозирги замон бадиий адабиётнинг мавзусидир. Бу ҳақда кўпроқ А. Алексин, А. Лиханов, Р. Погодин, В. Крапивин, В. Железников, С. Иванов каби муаллифлар ёзадилар. Болаларга ахлоқий тарбия беришни мақсад қилиб қўйган бу асарлар оммавий, гуруҳли тадбирлар учун асос бўлиши мүмкін.

Суҳбат ва мулоҳазалар ўспирин-китобхонларнинг ёшлирага қараб турлича бўлади. Китобхон қанча катта бўлса, шунга яраша турли асарлардаги қаҳрамонларнинг хулқидаги умумийликни ажратишга яратилган вазиятдан тўғри холоса чиқаришга доир қиёсий саволлар бериш керак бўлади.

10—11 ёшдаги ўспириналар санъат асарларида акс эттирилган маънавий бойликларни ўзига хос тарзда идрок этадилар. Улар тасвирланган нарсаларни ҳақиқатан бўляяпти деб ўйлайдилар, қаҳрамонларнинг ҳис-туйғуларидан қувват олишга интилдилар. Ушбу ёшдагилар учун асарлардаги воқеаларнинг изчиллигига эътибор бериш асосий нарса бўлмагани учун бу жиҳатдан қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларинингина эмас, балки уларнинг ўйлари ва фикрларини кузатиш имконини ҳам беради. 12—14 ёшдаги ўспириналарга қаҳрамонларни у ёки бу ҳаракатга етаклаган вазиятнинг сабабларини таҳлил қилиш ёки ҳаракатнинг сабаби ва натижасини аниқлаш таклиф қилинади; бунда қуйидаги саволга жавоб қайтариш керак: «Худди шундай шароитда сенинг ўзинг нима қилган бўлардинг?» Катта ўспириналар билан ахлоқ муаммолари акс эттирилган ҳозирги

замон қиссаларини мұхокама этишда, ўқувчилар ва катталар ўртасидаги ўзаро муносабатлар таҳлил қилинади, маънавий бойликларни излаш хусусида фикр юритилади, инсон ҳәти-нинг маъноси, инсоннинг жамиятдаги ўрни, инсонпарварлык мұаммолари мұхокама қилинади. Масалан, А. Алексиннинг «Сигналчилар ва Горнчилар» ва «Фронт ичкарисида худди фронтдагидек» қиссалари фақат уруш мавзусига бағишиланған бўлмай, балки ёш қаҳрамонларнинг ахлоқий қарашларини ҳам ўзиди мужассамлаштиргандир. Саволлар гуруҳи китобхонларга қаҳрамонларни табиатини кўрсатиб бериш ва баҳолашга ёрдам беради. Масалан: «Асар қаҳрамонларидан ким сизга ёқди ва нима учун ёқди? Идеал киши йўқ дейишади? А. Алексиннинг қиссаларидаги фронт ва фронт орқасидаги қаҳрамонлар идеалми? Бизнинг ҳәётимизда шундай одамлар борми? Сиз Гнедковга ўхшаган одамларни учратганимисиз? Агар учратганингизда у билан қандай муносабатда бўлардингиз? А. Алексин Гнедковни қандай қилиб китобхон ёқтиринаслигига олиб келди ва шунга ишонтириди? Дима Тихомиров онасидан фронт хабарларини яширганда ҳақлами? Нима учун муаллима Екатерина Ильинична Петяни сигналчи ва Горнчи деб атайди? Одамлар уруш даври қурилишига келгандарида уларни нима бирлаштиради?»

Ўспиринлар баъзан ўзларининг психологик хусусиятлари кучидан келиб чиққан ҳолда атрофдагиларга нисбатан талабчан ва ўзларига муруватли бўладилар. А. Алексиннинг қиссалари ўқувчиларга катталарни нима учун ҳурмат қилиши, отоналарни қадрлаш лозимлигини ўйлаш ва англаш имконини беради. Шунинг учун ҳам «Фронт ичкарисида худди фронт ичкарисидагидек» ва «Сигналчилар ва Горнчилар» қиссаларида оналар образини очиб берадиган саволлар бериш жоизидир: «Сиз Екатерина Андреевна ва Нина Васильевнанинг жасоратларини нималарда кўрасиз? Сиз уларнинг ўғиллари билан ўзаро муносабатларини қандай тушунасиз?»

Автор концепцияси, қиссаларнинг ғоявий-бадиий хусусиятларини очишига саволлар, кўпроқ ҳәётий ҳодисаларни чуқур таҳлил қилишни талаб қиласидиган умумлашмалар ёрдам бериши мумкин. Масалан: «Ҳаётда ёмон кўриш керакми? Адабнинг позицияси қандай? Сиз муаллима Екатерина Ильиничнанинг «Ботқоқлик доимо тоғни ёмон кўради?» сўзларининг маъносини қандай тушунасиз? Эзгулик учун шошиб керак, аксинча адресиз қолиш мумкин? Сиз бунга розимиз? А. А. Алексин ўз қиссаларидаги бу саволларни қандай ҳал қиласиди? Сигналчи ва Горнчи бўлишлик нимани билдиради? Нима учун «Фронт ичкарисида худди фронтдагидек» қиссаны «Она, мени кечиринг» сўзлари билан тугалланади?»

Китобхонлар конференциясида сўзга чиқишига тайёрланади, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, асар образлари, унинг маънавий завқ-шавқ, ўзининг ахлоқий, ғоявий гражданлик мавқеи устида чуқур ўйлашга ҳаракат қиласиди.

Ватанпарварлик ва байналмилал тарбия

Ватанпарварлик ва байналмилал тарбияни амалга оширишда кўпина тарбия муассасалари қатори, болалар кутубхоналари олдига ҳам катта вазифалар қўйилади. Уни ҳал қилиш кутубхона воситалари ва тарбиявий ишларнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ; буни болалар кутубхонаси ўзининг тарбиявий вазифалари, китоб бойликларини тарғиб қилиш, болалар ва ўспиринларнинг ўқишига мақсадга мувофиқ раҳбарлик этиш орқали амалга оширади.

Бу ишда сезиларли натижага эришиш учун биринчи навбатда кутубхоначининг ўзи ватанпарвар ва байналмилалчи бўлиши керак. Кутубхоначи ўзидағи кутубхона фондини яхши билиши, зарур нарсаларни вақтида топиб бера билиши лозим.

Маълумки, болаларда эътиқодни қарор топтиришнинг аниқ йўли оддий ишонтириш бўлиб, ҳақиқатни мавҳум шаклда тайёр етказиш эмас, балки уларнинг ҳиссиятлари, ақли ва қалбларига ҳам таъсир кўрсатишдан иборат. Шунинг учун ҳам болалар энг яхши бадиий, хотиранома, публицистик, бадиий-ҳужжатли адабиётларни ўқишида ватанпарварлик ва байналмилал фояларини ўзлаштиришлари мухим.

Кутубхоначи болаларга миллий муаллифларнинг марказий ва республика нашриётларида чоп қилинган энг яхши асарларини тавсия қилиш мумкин.

Халқ орасидан чиққан киши, янги ҳаёт қуришнинг иштирокчisinинг тақдири орқали ифодалаб кўрсатилган асарлар ҳам катта тарбиявий қудратга эга. Масалан, Ч. Айтматовнинг «Биринчи муаллим» қиссаси шундай. Унинг қаҳрамони Душанузоқ қирғиз овуладаги биринчи муаллим, у фидокорлик билан куйиб-ёниб, кўпинча ўз ҳаётини хавф остида қолдириб бўлса-да ўзининг инқилобий бурчини бажаради. У шундай меҳнат учун кучни қаердан олади? Биринчи навбатда ўзининг туғилиб ўсган ўлкаси, қадрдон халқига бўлган муҳаббатдан, унинг порлоқ келажагини тезроқ яқинлаштириш иштиёқидан олади. Бу қиссани шўро классикасига кирган тарихий-инқилобий жанрдаги асарлар билан бир қаторда 13—14 ёшдаги китобхонларга тавсия қилиш мумкин, уларда ҳақиқий қаҳрамонлар, инқилоб учун курашчиларнинг образи яратилган, чунончи, А. Фадеевнинг «Тор-мор», Д. Фурмановнинг «Чапаев», Н. Островскийнинг «Пўлат қандай тобланди» ва бошқа асарлари шулар сирасиданdir.

Бундай китобларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсdir. Киши болалик, ўспиринлик ёшида яхшини ҳам, ёмонни ҳам бирдек қабул қиласверадиган, ўз олий мақсадига эга бўлиш, тақлид қилиш хоҳиши пайдо бўладиган бир пайт бўлади.

Бунда болалар кутубхоначисининг ўрни жуда мухим. У ёш китобхонга Ватанга бўлган муҳаббатни англашга оқилона ва хушмуомалалик билан ёрдам бериш керак. Ҳақиқий ватанпарваргина байналмилалчи бўлиши мумкин, чунки ўзи туғилиб

ўсган ўлкаси, қадрдон халқи, унинг тарихи, маданияти ва тилини севмасдан туриб, бошқага нисбатан ўзида ҳурмат ва дўстлик туйғусини таркиб топтира олмайди. Бунинг учун болаларнинг ўқиладиган китоблари рўйхатига Д. С. Лихачевнинг «Қадрдон замин», «Хайрли ва гўзал хатлар» каби китоблари киритилган бўлиши керак. Успириналарга бағишлиланган ушбу китобларда атрофни ўраб турган муҳитнинг бутун гўзаллиги, табиати, шаҳарларининг архитектураси, табиат манзараси, халқ ижодиёти, кишилар хулқида... намоён бўлади. Муаллиф ўзинингини севишга, ўзгаларникини ҳурмат қилишга, ўтмишдан фахрланиш, аммо уни идеаллаштирмасликка, ўзини меросхўр деб ҳис қилишга, аждодларимиз бизга қолдирган «дунё»га нисбати маъсул бўлишга ўргатади.

Кутубхоначи ватанпарварлик тарбияси вазифасини ҳал қила туриб, қадрдон ўлка, фуқаролик ва жўшқин ватанпарварликка бағишлиланган кўп миллатли классик адабиётни кенг тарғиб қилиши керак. Уларни китобхонларнинг ёшлигини эътиборга олиб тавсия қилиши лозим. Биз А. Пушкиннинг «Қишлоқ», «Чаадаевга», «Ҳайкал», «Қиши тонги», «Полтава», М. Лермонтовнинг «Булутлар», «Ватан», «Мцири», Н. Некрасовнинг «Рус аёллари» ва граждан лирикаси, А. Фет ва Ф. Тютчевнинг «Васиятнома», «Мен бегона ўлкада улғайдим...», С. Маршакнинг «Мистер Твистер», А. Гайдарнинг «Ҳарбий сир ҳақида», «Кибальчиш бола ва унинг қатъий сўзи тўғрисида эртак» ва бошқа кўпгина асарларни назарда тутяпмиз. Худди шундай адабиёт ёш китобхонларда гражданлик ва маънавий олий мақсадларни қарор топтиришга кўмаклашади.

Шунингдек, ўлкашуносликка тегишли материаллар, аниқроғи теографик, тарихий ва бошқа мазмунига эга бўлган, мамлакатнинг айrim жойлари тўғрисида маълумот берадиган (масалан, Г. Снегиревнинг мамлакатимиз тўғрисида ҳикоя қилувчи, кичик тарбия ёшидаги китобхонларга мўлжалланган «Мен шу ерда яшайман», В. Песковнинг Ватаннинг гўзаллиги, бойликлари ва буюклиги тўғрисидаги «Ватан» китоби; бу китобни ўспириналарга тавсия қилиш мумкин) китоблар муҳимdir.

Ватанпарварлик туйғусини қарор топтиришда намуна бўлишнинг илҳомлантирувчи кучидан тўлақонли фойдаланиш муҳим. Кутубхонада тез-тез юртдошлар — уруш ва меҳнат ветеранлари, илғор ишчилар, колхозчилар, ишлаб чиқариш раҳбарлари, фан, маданият, санъат арбоблари билан китобхонларнинг учрашувларини ўтказиб тuriш тавсия қилинади. Уларнинг гражданлар ва Улуғ Ватан уруши воқеалари, мамлакатнинг урушдан кейинги аҳволи ва уни қайта тиклаш, ҳозирги давр тўғрисидаги ҳикоялари болаларга жуда нафлидир. Учрашув ўтказилгунича расм материаллар танлаб қўйиш лозим, чунки расмлар, ҳужжатлар ва рўзномадан қирқиб олишган мақолалардан ҳикоя пайтида илова тарзида фойдаланиш мумкин.

Уруш ветеранлари билан бўладиган учрашув кечасига, масалан, «Мен уруш тўғрисида нималарни биламан» мавзуида

кўргазма ташкил қилиш мумкин. Унга фақат расмларни эмас, балки китобларга берилган тақризлар, сўнгги пайтларда ўқилган китоблар юзасидан ёзилган иншолар, ҳаваскор — шоирларнинг шеърлари ва бошқалар ҳам жойлаштирилиши мумкин. Унда барча ёшдаги болалар иштирок эта оладилар.

Бу кўргазманинг муаллифлари ветеранлар билан учрашувга оддий тингловчи сифатида келмайдилар. Улар ҳам уруш ҳақида ўзларининг шахсий китобий тажрибаларига таяниб ўзлари билган-эшитганларини яшаб турган даврга боғлаб, болаларга мос, жонли қилиб сўзлаб беришлари мумкин. Кутубхонага болалар билан бирга уруш кунларини бошидан кечирган кишиларни, ота-оналарни, муаллимларни ҳам таклиф қилиш мумкин.

Ёш китобхонларни ватанпарварлик ва байналмилал руҳида тарбиялашда кўпмиллатли совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги жасорати тўғрисидаги китобларнинг аҳамияти ҳам бекиёслидир. М. Жалилнинг «Эркин шамоллар» ва «Моабит дафтари», В. Катаевнинг «Полк ўғли», В. Кавериннинг «Икки капитан», Ф. Гуломнинг «Мен яҳудийман», К. Симоновнинг «Артиллериячи ўғли», А. Твардовскийнинг «Мен Ржев остонасида ўлдирилганман» ва «Василий Тёркин», М. Шолоховнинг «Инсон тақдири», В. Биковнинг «Ҳайкал», «Альпий балладаси» совет ёзувчиларининг бошқа кўпгина асарлари болаларни Ватанинни севиш ва унга садоқатли бўлишга ўргатади. Кутубхоначи бундай адабиётларни тарғиб қилиш орқали ғоявий-тарбиявий ишнинг муҳим жиҳати бўлган ҳарбий ватанпарварлик масаласини ҳал қиласди.

Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши оловларида синовдан ўтган, мамлакатимизнинг тинч қурилиш меҳнатида бир неча бор ўзини намоён этган (масалан, Тошкентдаги, Арманистондаги зилзилаларга барча совет халқларининг ёрдам қўлини чўзганлигини эслашнинг ўзи кифоя) совет халқлари дўстлигининг ёрқин ифодасидир. Бугунги кунда байналмилал жараённинг чуқурлашуви билан бир қаторда мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг миллий онгини тез тараққий этиши давом этмоқда.

Кутубхоначи болалар ва ўспириналарнинг ўқиш доирасига байналмилал мавзусида ёзилган рус ёзувчиларининг асарлари (масалан, С. Есениннинг «Грузиялик шоирларга») ёхуд қисман ёки тўла байналмилал мавзудаги материаллар асосида ёзилган (масалан, П. Неверовнинг «Тошкент—нон шаҳри») кабиларни киритиш мумкин. Шунингдек, кўп миллатли классиклар (масалан Шарқнинг буюк шоирларининг поэтик достонлари — Фирдавсийнинг форсчадан таржима қилинган «Шоҳнома», Низомийнинг форс тилидан таржима қилинган «Лайли ва Мажнун, Ш. Руставелининг грузин тилидан таржима қилинган «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон», А. Навоийнинг эски ўзбек тилидан таржима қилинган «Фарҳод ва Ширин») ҳамда совет ёзувчилари (масалан, тожик совет адабиётининг асосчиси С. Айнийнинг «Одина», ва «Судхўрнинг ўлими», молдаван шоири Г. Виеру-

нинг «Юлдуз, ёрдам бер» тўпламидаги шеърлар, украин про-
заики П. Загребельнийнинг «Абадият ҳақида ўйлар» китоби,
Латвия халқ шоири М. Зиёдонис томонидан тузилган «Латиш
дайналари» ва бошқалар нинг асарларини кенг тарғиб қилиш
зарур.

Қардош халқлар болалар адабиётини тарғиб қилишдан мақ-
сад — ёш китобхонларни кўпмиллатли адабиётнинг ғоявий-ах-
лоқий ва эстетик бойлигига қизиқтириш, кўпмиллатли Совет
давлатининг ёш гражданларни совет халқларининг тарихи,
маданияти, миллий табиати хусусиятлари билан таништириш,
китоблар ёрдамида ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик
тажрибаларини чуқурлаштиришдан иборат.

Батанпарварлик туйғуси кучини, масалан, Тариэль ҳақида-
ги — грузин, Гургули тўғрисидаги — тоҷик, Довуд Сосунли ҳа-
қидағи — арман, Манас ҳақидағи — қирғиз, қуёшли мамлакат
Калевала тўғрисидаги — карел-фин, туркий тилда сўзлашув-
чи халқларнинг — Гўрӯғли ҳақидағи эпослари ва бошқалар
мамлакатимиздаги турли халқларни қардошликка чорлайди.
Кутубхоначи асосан совет даврида чоп этилган ва таржима
қилинган бу ўлмас асарларни ўқишига болаларда қизиқиш уй-
ғотишга интилиши керак.

Болаларнинг миллий тиллардаги адабиётларни ўқишига
жалб этиш бир хил маънодаги жараён эмас. Асосан ўз адабиёт-
лари эстетик анъаналари руҳида тарбияланган китобхонлар-
нинг барчаси ҳам, олдиндан тайёргарликсиз бошқа халқларнинг
бадиий дунёсини қабул қиласкермайдилар. Қарор топган эсте-
тик дид ва тасаввурлар, асарнинг ўзгача образ мажмуаси, қаҳ-
рамонлар табиатининг кам таниш бўлган миллий хусусиятлари
баъзан китобхонлар томонидан бошқа адабиётларни идрок
этишини қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам китобхонларнинг
идрокини бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Ундаги байнал-
милал, миллий ва ўзига хос алоҳидалик диалектикасини очиб
бериш орқали унга миллий асарни идрок этиш ва тушунишдаги
қийинчиликларни енгишига ёрдам бериши керак.

Агар болалар у ёки бу қардош республика ҳақида олдин-
дан муайян билим ва умумий тасаввурга эга бўлсаларгина
кутубхоначининг китобхонлар билан болалар миллий адабиёти
тўғрисида бўладиган сұҳбатидан маълум даражада самара
бўлади. Иттифоқдош республикалар тўғрисида мактаб дасту-
рида бериладиган маълумот, айтайлик, бадиий адабиётни тушу-
ниш ва идрок этиш учун етарли эмас. Шунинг учун масалан,
болалар миллий адабиётига бағишлиланган кўргазмада бадиий
адабиёт ва ёзувчилар ҳақидағи китоблардан ташқари, яна тур-
ли расмли материаллар (хариталар, байроқ ва герб тасвири,
миллий костюмлар, болалар ҳаёти тўғрисидаги рўзномалардан
қирқиб олинган мақолалар, турли совғалар), шунингдек маъ-
лумотнома ва билишга оид адабиёт ва китоблар ҳақида ахборот
ва бошқаларни қўйиш керак. Болалар миллий адабиётнга
бағишлиланган кўргазмани яна адабиёт қаҳрамонлари, миллий
безакда тасвириланган китоблар плакати тўлдириши мумкин.

Республикага «китоб саёхати»ни ўтказишни тавсия қилиш, ундағи ҳақдаги турлі маълумотлардан фойдаланиш, китоблардан парчалар ёки шеърлар ўқиши, миллий бастакорларнинг ашуаларини ижро этиш, қисқа фильм ёки слайдларни намойиш қилиш мүмкін ва бошқалар.

Кутубхона ёки мактабда, масалан, «... га адабий саёхат» сарлавҳали деворий газета ёки қўллэзма ойноманинг маҳсус сонини чиқариш мүмкін. Фаоллар ёрдамида яхши танланган ва моҳирлик билан безатилган материаллар, китобхонларга қардодш республика ҳақидаги кўпгина нарсалар тўғрисида ҳикоя қилиб беради.

Кенг доирадаги китобхонлар диққатини миллий адабиётга жалб этиш мақсадида масалан, миллий поэзия кечасини ўтказиб, унда болаларга турли муаллифларнинг ўзлари севган шеърларини ўқиб беришларини топшириш мүмкін. Агар шеърларни болаларнинг ўзлари танласалар, янада маъқул бўлади.

Кичик мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва кичик ўспиринлар учун миллий халқ оғзаки ижоди (эртак, ривоят ва эпослар) бўйича гуруҳли сұҳбат ёки ўқишлиар туркумини ўтказиш мүмкін.

Болалар кутубхонасида олиб бориладиган байналмилал ва ватанпарварлик тарбиясининг муҳим омили — мактабларнинг комсомол ва қашшоф ташкилотлари, мактаблар, қашшофлар Ўлари ва Саройлари, Дэзларда ташкил қилинадиган ҳамда ватанпарварлик ва байналмилал ишларнинг ўзига хос маркази бўлган «Ёш ватанпарвар», байналмилал дўстлик клублари, «Ёш ўлкашунослар», «Қизил изтопарлар» ва бошқа тўғараклари билан яқиндан ҳамкорлик қилишдир. Байналмилал дўстлик клублари (БДК)да турли секциялар, шулар қаторида «Менинг Ватаним—Ўзбекистон» секцияси бўлиши мүмкін. Кутубхоналар клуб ва тўғаракларнинг режалари билан танишиб, уларни ахборотлар билан таъминлайдилар, тўғараклар мажлисларида уларнинг аъзоларини янги адабиётлар, айтайлик, Улуғ Ватан уруши, ядро хавфига қарши кураш, қуролланиш пойгаси, умум тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ҳақидаги адабиётлар билан тезкор таништиришлари мүмкін.

Ватанпарварлик ва байналмилал тарбиялашда ҳалқимизнинг шонли тарихи саҳифалари, миллий мустақиллик учун курашига бағишлоған китоблар (А. Митяевнинг «Адмирал Ушаков», «Қуликов даласининг шамоли», Б. Сергуненковнинг «Кутузов қалби» ва бошқалар)нинг ўрни муҳим. Кутубхонада С. Алексеевнинг мазмунининг образилиги ва мантиқийлиги билан ажраб турувчи болалар учун нафи бошқа катта романлардан кам бўлмаган ҳикоялари катта ўрин олиши лозим.

С. Алексеевнинг асарларини тарғиб қилишни мактабгача тарбия ёшидаги болалардан бошлаш маъқул бўлади. Парча ёки алоҳида ҳикояни ёрқин ва таъсирчан қилиб овоз чиқариб ўқиши, қизиқарли воқеани ҳикоя қилиб бериш уларда қизиқиш уйғотади, қадрдон мамлакат тўғрисида дастлабки маълумот беради.

«Измаил» ҳикоясини эшитган бола Суворов ва унинг солдатлари томонидан «мустаҳкам» қалъани ҳужум қилиб олишига онд расмига иштиёқманд бўлиб қолади.

Кутубхоначи сұхбат ўтказиш чоғида болаларни В. Лосиннинг айрим расмлари («Мамлакатимиз тарихидан»), М. Непомняшининг («Небывалое бывает») билан таниширади.

Агар иш энг кичик болаларни С. Алексеевнинг тарихий про-засига қызықиши уйғотишига йўналтирилган бўлса, кичик ўспиринлар билан ишлашда эса уларнинг қызықишилари ўстирилади ва чуқурлаштирилади.

Абонемент ва ўқув залида ўтказиладиган ўқилган китоб юзасидан тавсиявий сұхбатлар болалар С. Алексеевнинг китоблари фақат қизиқарли эмас, балки билиш материалига бой эканлигини ҳам тушунишларида ёрдам беради. Кутубхоначи болалар билан, масалан, «Шонли қуш» қиссаси тўғрисида сұхбатлаша туриб, болаларга қуидаги саволлар устида ўйлаб кўришни таклиф қилиши мумкин: «Сенга 1812 йил қаҳрамонларидан кимлар кўпроқ ёқди? Ўйлаб кўр-чи, нима учун муаллиф китобини «Шонли қуш» деб атади? Нима учун Наполеон машҳур саркарда Кутузовни «айёр тулки», «рус маккори» деб атади?»

Овоз чиқариб ўқишиларда қаҳрамонлар жасурлик ва фидокорлик кўрсатадиган, болалар фаоли ҳаракат қиласидаги асарлар («Суворов этиклари», «Қўғирчоқ», «Орлович-Воронович» ва бошқалар)дан фойдаланиш мумкин. «Хулқ-атворда хосил бўладиган жўшқинлик, ҳаракат фаолияти, ўзита хос табиати болаларга тез таъсир қиласиди. Бола бундай ҳаракатчанликни тез илиб олади, уни севади¹¹.

Одатда, болалар ўқишидан кейин ўз таассуротлари билан ўртоқлашгилари келади, бундай истакни қўйлаб-қувватлаш керак. Сұхбат ўй-фикр ва тасаввурга турткি беради, ўқилганни чуқурроқ ҳис этишига ёрдам беради. Бироқ кичкентойлардаги кучли ҳиссиётли кечинма, ўқилган нарсаларни тез муҳокама этишига ўтишни қийинлаштиради. Шунинг учун ҳам уларга, масалан, «Шонли қуш» қиссасидаги «Африка» ҳикоясига қандай расм чизиш мумкинлигини айтиш таклиф қилинади. Бу кутубхоначига болаларда нима ёрқин таассурот қолдирганлигини аниқлашга ёрдам беради. «Айтинглар-чи, француз лейтенантининг хатоси нимада эди?» деган саволи болаларнинг бир рота солдатларга қарши курашган жангчига бўлган муносабатларини билишга ёрдам беради. Парчадан «... бирданнiga тик қирғоқ, буталар ва сершоҳ толлар орасидан ўз овозлари эшитилди...» сўзларидан «то кечгача отишма давом этди» сўзларигача ўқиш аввал эшитган асар таассуротини янада кенгайтиради. Ўйлаб, кўрингларчи, нима учун Наполеон рус солдатларининг жасоратини эшитгач, шундай сўзларни айтди: «Шер... уларнинг

¹¹ Мотяшов И. Сергей Алексеев: Очерк творчества. М., 1982, 141-бет.

ҳаммаси шерлар. Улар одамлар эмас, Шерлар, Россия эмас, Африка?».

Кичик ўспиринлар билан «Қаҳрамонона қунлар ҳақида хотира»... мавзусида обзор-суҳбат ўтказиш мумкин. Масалан, революция душманлари билан курашда ёш Республиkaning бошига тушган драматик воқеалар («Қизиллар ва оқлар»), Улуг Ватан урушидаги энг буюк жанглардан бири — Сталинград жанги ва бошқаларга тұхталиш мумкин. Қаҳрамонларнинг хатти-харакатлари, уларнинг бўлаётган воқеаларга муносабатини таҳлил қилишлик болаларга қаҳрамонликнинг манбаларини англаш ва тушунишга ёрдам беради.

Кичик ўспиринлар билан рус жангчиларининг қаҳрамонлиги мавзусида С. Алексеевнинг айrim китобларига бағишинган суҳбатлар ўтказиш мумкин. «Суворов ва рус солдатлари ҳақидаги ҳикоялар»да суворовчи мұжизакор баҳодирлар жасоратининг ёрқин манзараси акс эттирилган. Китоб ҳақидаги суҳбатда, агар кутубхоначи болаларни В. Суриковнинг «Суворовнинг Альп орқали юриши» тарихий-буюк жанг расми билан таништирас янада таъсирчан бўлади.

Утган аср рассоми ва совет ёзувчиси фельдмаршал Суворов қўмондонлигидаги Альп қияликлари орқали ажойиб юриш қилиб ва бутун Европани ўз жасорати билан ҳайратга солган қўрқмас қаҳрамонларни тасвиirlайдилар. Болалар бу юришнинг қийинчиликлари ҳақида айтib берсинглар, рассом солдатларнинг шиддатли ҳаракатини қандай гавдалантира олгани устида ўйлаб кўрсинглар.

Болаларга С. Алексеевнинг ҳикоялари билан В. Суриковнинг расмларини қиёслаб кўриш, қуйидаги саволлар устида ўйлаб кўришни тақлиф қилиш мумкин: «Суворовчи солдатларга қаҳрамонлик кўрсатиш осон бўлдими? Уларга қандай қийинчиликларни енгишга тўғри келди? Ёзувчи ва рассом қандай қилиб ўз асарларида солдатларнинг қаҳрамонлигини кўрсатишни уддасидан чиқа олдилар? Ёзувчи ва рассомда Суворов ва унинг баҳодирларининг Альп орқали юришни тасвиirlашда ўхшашлик борми?».

С. Алексеевнинг китобларидаги айrim парчаларни қайта-қайта ўқиши болаларнинг жавобларини янада тўлдиради. Шундай сатр жарангласин: «Тоғ чўққилари, қоронғи даралар орқали, ёнингарчиликда, жарликлардан-жарликларга қоялардан-қояларга томон. Силжийди. Силжийди... Солдатлар тоғлар ва душманларни ёриб ўтади. Силжийди. Силжийди. Силжийди».

Сўз болаларга, иккала санъаткор, рассом ва ёзувчи, ўз асарларида рус тарихи оғир синовларда мустаҳкамланган буюк халқ сифатидаги тарихини тушунишга ёрдам бериши керак.

«Баҳодирларнинг фамилиялари» китоби — биринчи навбатда Улуг Ватан уруши қаҳрамонларининг мадҳиясидир. Унинг қаҳрамонлиги халқ содир қилган минглаб қаҳрамонликлардан бири бўлиб, ёзувчи ёш китобхонлар олдидা совет халқларининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳияти, фашизм устидан қозонилган

Ғалабанинг маънавий ва ғоявий асосларини очиб беришдан иборат.

Кейин муҳокама қилиш шарти билан ўтказиладиган овозчиқарib ўқишилар туркуми «Баҳодирларнинг фамилиялари» китоби билан ишлашнинг энг муҳим шартидир. Бундай усулнинг танланиши, шу китоб ва умуман С. Алексеевнинг бутун ижоди билан боғлиқ бўлган ўзига хос хусусиятларга: услубнинг ёрқинлигига, ҳажмининг ихчамлиги ва ҳар бир ҳикоянинг ниҳоясига етказилишига тегишлидир.

Моҳирлик билан ижро этилган ҳикоялар, кичик ўспириналарда катта таассурот қолдиради: уруш фожиасини ҳис қилиш, улар Ватан ҳимоячиларининг жасорати ва уддабуронлигидан ҳайратланадилар.

Ўқиш учун китобнинг тўрт бўлимидан ҳам ҳикоялар танлаш керак. Ўқишининг изчилиги китобдаги воқеалар хронологияси га мос тушиши мумкин. Биринчи ўқишига Ўрск ёнидаги буюк жанг («Беркут», «Алоҳидалар», «Темир батальон», «Қутузов»); иккисига — қаҳрамонона Севастополь мудофааси («Бор ва бўлади!», «Иван Голубцев», «Баҳодирларнинг фамилиялари», «Билимсиз ва номсиз»); учинчисига — Ленинград жасорати («Қўргазма нусха», «Жануб олмаси», «Мессершмидт» ва «Пантилли»); тўртинчисига — фашистларнинг совет заминидан узилкесил ҳайдалиши («Багратион», «Инженерлик операцияси», «Тўла кавалер») тўғрисидаги ҳикоялар киради. Ҳар бир ўқиш овоз чиқарib ўқиши туркумининг ажралмас қисми бўлиб, уни мустақил тадбир деб қараш мумкин.

Ўқиш жараёнида болаларнинг кўзи олдидан С. Алексеевнинг китоблари қаҳрамонларининг силсиласи — оддий жангидан тортиб машҳур генералгача ўтади. Уларнинг ҳаммасини — матрос Ноздрачевни ҳам («Қушни парвозда ушлайдилар»), лейтенант Бессарабовни ҳам («Гвардия иштаҳаси») учувчи Куланбаевни ҳам («Беркут»), генераллар К. К. Рокоссовскийни ҳам («Генераллар фельдмаршалларга қарши») ва бошқаларни — Ватанга бўлган чексиз муҳаббат туйғуси бирлаштиради. Ватанин деб улар қаҳрамонлик кўрсатдилар, мардлик, жасурлик, жонбозлик намоён қилдилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга совет кишилари оммавий қаҳрамонлик кўрсатганликларини тушунишга ёрдам бериш муҳим. Шундай қилиб, биринчи туркумдаги ҳикоялар — «Беркут», «Темир батальон» ва бошқаларни ўқигач улардан сўраш жоиз: «Муаллиф қайси сўзларида қаҳрамонлардан завқ-шавққа тўлишини билдиради», сўнгра, жавобларни эшитгач, энг таъсирчан жойлари (ёки уни танлашни болаларнинг ўзларига таклиф қилиб)ни яна бир марта ўқиб чиқишиди. Китобхонлар билан «Темир батальон» ҳикояси ҳақида сухбатлаша туриб, унинг сўнгти парчасини: «капитан Бельгин батальонининг бу жанги «Темир батальон» номини олганлигига асосий эътиборни қаратиш керак. Изла бошқанн топа олмайсан. Жуда ўринли сўз». Бу вазмин сатр-

лар, иккинчи бор жаранглаб, болаларнинг биргаликдаги ҳиссиятини кучайтиради.

Болаларнинг диққатини ёзувчи томонидан кўпроқ таъсирчан қилиб тасвирланган халқ жасорати, масалан, ҳикоя қилишда бир маромга келтирилган иборалардан фойдаланган баъзи усулларга қаратиш керак. «Қора кун» ҳикоясини тинглаган болаларга шундай саволлар устида ўйлаб кўриш таклиф қилинади: «Сизнингча бу сатрлар нимага ўхшайди: «... Қуёш ўт-ўланлар узра ботишига шайламоқда. Одамлар, ер ва само чарчаган. Жанг эса ҳамон давом этар, ҳеч тугамас, ким-кимдан устун-у, ким ғолиблиги номаълум эди...».

«Баҳодирларнинг фамилиялари» китобига кирган тарихий ҳикояларда ифодаланган эпик оҳангдошлиқ баъзан ҳазил-мутойиба билан уйғунлашиб кетади. Ёзувчи ҳикоя қилишдаги драматик ҳолатни енгиллаштириш мақсадида унга мурожаат қилиб, бу усулдан онгли равиша ва жуда ўринли фойдаланади. Кутубхоначи болалар билан биргаликда «Добрянский вальси», «Плеврит, зотилжам», «Қушни парвозда ушлайдилар» ва бошқа ҳикояларни ўқиши мумкин.

Агар кутубхоначи китобхонларга расм ҳақида эшитган нарсалари юзасидан ўз таассуротларини баён этишини таклиф қилса, бу китоб тўғрисидаги ҳикоя янада қизиқарлироқ бўлиши мумкин: «Расмдаги севастополлик қаҳрамон-комсомол Иван Голубец жасоратини қандай ифодалаган бўлардингиз?» («Иван Голубец»), «Сизга расмда учувчи Пантеллининг мардлигини кўрсатиш учун қандай бўёқ керак бўларди?» («Мессершмидт» ва «Пантелли») ва бошқалар. Кутубхоначининг вазифаси бу расмларни китобхонлар ва томошабинларга кўрсатишдан иборат.

Ўқишилар туркумига бағишиланган «Бу китоб менга жуда ёқди...» мавзусидаги суҳбат шу тарзда якунланиши мумкин. Ёш китобхонлар «Баҳодирларнинг фамилиялари» тўғрисидаги суҳбатда қатнашиб, ўзларига ёққан ҳикоялар, лавҳаларга тўхташлари, айрим парчаларини ўқишилари, шундай саволлар устида биргаликда ўйлаб кўришлари мумкин: «Нима учун китоб «Баҳодирларнинг фамилиялари» деб аталади?», «Бу китобдаги қаҳрамонларни нималар бирлашитиради?» ва бошқалар.

Оила ва мактаб, армия, маданият, адабиёт ва санъат ҳаётимиз ва биргаликдаги меҳнатимизнинг бу атмосфераси барча миллатдаги совет кишилари, биринчи навбатда ёшларда, юқсак миннатдорчилик туйғуси — байналмилал ва совет ватан-парварлиги туйғусини қарор топтириш ва тарбиялашга қартилиши зарурлиги ҳақида 1987 йил 28 январь Пленумида гапириб ўтилган эди. Шундай экан, бу вазифани амалга оширишда болалар кутубхонаси муҳим ўрин тутади.

Экологик тарбия

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида экологик тарбия масаласи жуда катта аҳамият берилади. Болалар кутубхонасининг универсал китоб фонди ёш китобхонларнинг жонли ва жонсиз табиатнинг турли-туманлиги, табиат ҳодисаларининг ўзаро алоқадорлиги, инсоннинг табиатга бўлган муносабати, уни муҳофаза қилиш чоралари тўғрисидаги тасаввурини кенгайтириш имконини беради.

Мактабда экологик тарбия масалалари мактабдаги фанларни ўқитиш жараённида ҳал қилиб берилади. Кутубхона бадиий, илмий-бадиий, илмий-оммабол адабиётлар бойликларидан фойдаланиш орқали, болаларни табиат тўғрисидаги тасаввурлар ва илмий далиллар оламига олиб киришга, унинг бетакрор гўззаликларини кўра билишларига ёрдам беради. Китоблар табиат қандай қилиб инсоннинг маънавий дунёси, ахлоқий-эстетик эҳтиёжларига таъсир кўрсатиши ҳақида ҳикоя қиласи, табиатга муҳаббат, унга маъсул бўлишни тарбиялайди, унга шафқатсиз зарар етказиш ва ундан аёвсиз фойдаланишга уриниш муносабатларини очиб ташлайди. Болалар кутубхонаси экологик тарбияни амалга ошира бориб, фақат табиат ва уни муҳофаза қилиш ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилиш билан чекланиб қолмасдан, балки китобхонларга инсоният жамияти тараққиётининг ҳозирги босқичида экологик муаммо энг дол зарб мавзуу бўлиб қолганлигини англашга ҳам ёрдам бериши керак. Шунинг учун ҳам болалар адабиёти тарғиботини кенг мавзулар доирасида, табиат тўғрисидаги билишга оид адабнёт ва бадиий асарлар воситасида олиб бориш муҳим.

Кичик мактаб ёшдаги ўқувчи (7—9 яшар) табиатнинг нима эканлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас, чунки унинг тажрибаси кам, тафаккури мавҳум ва оламни идрок этиши ҳали унча ривожланмаган, бироқ шунга қарамасдан унинг қалбида табиатга муҳаббат уйғотиш, унинг гўззалигини ҳис қила билишга ўргатиш керак.

Табиат ҳақидаги адабиётлар жанрлари хилма-хил, шу боис улар билан ташкил қилинадиган ишларнинг шакллари ҳам ҳар хил. Болаларга мустақил ўқишга тавсия қилинадиган адабиётлар анчагина, масалан, Е. Чарушин, С. Сахарнов, Г. Снегиров, К. Паустовский, И. Акимушкин, Н. Верзилин, Ю. Дмитриев, Г. Граубин ва бошқаларнинг китоблари. Бу китоблар мамлакатимиз, унинг турли ноҳиялари ва иқлимий зоналарининг катта ва турли-туманлигини очиб беради. Унинг мазмуни муаллиф томонидан таърифлаб берилган жонли ва жонсиз табиат, унинг мадҳ этувчи олами ва гўззалигига муносабат, бола шахсини шаклланишида катта куч бўлади.

Овоз чиқариб ўқишлар ва расмларни томоша қилиш каби иш шаклларидан фойдаланиш муҳим. Уларни ўқилган ва кўрилган китоблар туркум ишлар билан қўшиб олиб бориш керак. Бундай туркумларнинг вазифаси, масалан, ёш китобхон-

ларни ёзувчи ва мусаввир — Е. Чарушин билан таништириш бўлиши мумкин. Кутубхоначи Е. Чарушин тўғрисидаги суҳбатдан кейин унинг «Айиқча» ҳикоясини ўқиб бериши мумкин. Айиқчанинг қилмишлари болалар орасида қувноқ кулги уйғотади, унга нисбатан хайриҳоҳлик ва раҳмдиллик юзага келтиради.

Масалан, «Чарушиннинг олами: Евгений Иванович Чарушин мусаввир ва ёзувчи ҳамда Л. Кудрявцевнинг «Бу ҳайвонлар — қандай мўъжиза» китобларида расмларни кўра туриб, болалардан кимнинг расмлари уларга кўпроқ ёқсанлигини, Чарушиннинг ҳикоялари солинган расмларни масалан, Мавринанинг расмлари билан алмаштирса бўладими, деб сўраш мақсадга мувофиқ бўлади. Болалар шундайгина ўрин алмаштириш мумкин эмаслигини яхши тушунардилар, чунки уларнинг идрокида Маврикнанинг ҳайвонлари эртакдагидек бўлиб, Чарушинники эса ҳақиқий ва тирик ҳайвонлардир, ёзувчининг ҳикояларида тасвирланган вазият ва foядаги қарама-қарши интилишлар уларга кўпроқ мос келади. Бунда болаларга Чарушиннинг ўқилган ҳикояларига расмлар ишлашларини таклиф қилиш мумкин. Болаларнинг расмларини мустақил иш сифатида қабул қилмай, балки китобга ишланган расмларнинг бир қисми сифатида, яъни бола китобхонларнинг китоб мазмунини янада тўлароқ идрок этадилар деган маънода қараш керак.

Болаларнинг табиатга қизиқишлари билан боғлиқ бўлган кўпгина саволларига кичик қомуслар, кичкентойлар учун маълумотнома-китоблар жавоб беради. Болаларга улар ҳақида ҳикоя қилиб бериш, И. Яковлеванинг «Расмлардаги палеонтология», А. Членовнинг «Расмлардаги геология», Н. Сладковнинг «Қушлар. Расмлардаги орнитология» каби китобларни ўқишига тавсия қилиш мумкин.

Ф. Левнинг «Бунинг ҳаммаси шимадан» китоби (инсон қандай қилиб табиатнинг муҳим сирларини очганлиги ҳақида) билан ишлаш эса ўтказилган суҳбат ва овоз чиқариб ўқишиларга якун ясади. Бу китоб болаларни ер юзидағи қуруқликдаги барча нарсалар ўзаро боғланган экан деган холосага келтиради. Болалар шу ўзаро боғлиқликни тушунганларидан кейингина, ўзи ҳам бир қисми саналган, уни ўраб турган табиат оламига ақлан аралашиб мумкин.

10—11 яшар ўспириналарни жонли ва жонсиз табиатнинг турли-туман шакли, инсон ва табиатнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги китоблар қизиқтиради. Бу ёшга ҳис-ҳаяжонли-образли идрокдан хаёлий фикрлашга ўтиш, ирода ва билишга оид қизиқишларга йўналишларни ишлаб чиқиш хосдир. Бунда кутубхоначанинг вазифаси, болаларга, биринчидан, «халқ—Ватан—табиат» тушунчалари ўртасидаги боғланишини англаш, табиий бойликларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақидағи китобларни тавсия қилиш, иккинчидан, у ёки бу тарздаги экологик муаммоларни кенг ва батафсил ёритиш-

дан иборат. Масалан, Ю. Дмитриевнинг ҳайвонларнинг тили ва хулқлари тўғрисидаги «Ассалом олмахон!», «Тимсоҳ қандай яшаяпсан?», Н. Сладков ва Ю. Дмитриевнинг — инсон ҳаёти учун ўрмоннинг нафи, В. Флантнинг «Оқ турна қаерда яшайди», Б. Дижурнинг «Табиатнинг шикоят дафтари», Н. Надеждинанинг «Ҳар бир достон оға-инидир», М. Ивиннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатга нисбатан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш зарурлиги тўғрисидаги «Мен, сен ва атрофимиздаги ҳамма нарса» китоблари ва бошқалар.

Болаларга Н. Надеждинанинг «Моревизор сузишга кетаяпти», А. Томилиннинг «Ёмғирлар денгизида» сув борми», Н. Сладковнинг «Товушлар овчиси», «Ўттиз олтида қувонч» каби китобларни тавсия қилиш мумкин. Айниқса «Ёш табиатшунос» журналини тарғиб этишига алоҳида эътибор бериш керак, чунки унинг бутун мазмуни атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ва инсоният жамиятининг ўзаро муносабатлари муаммолари билан боғлиқ.

Ёш китобхонларга экологик тарбия беришда А. Гостомисслерининг «Хазина изловчилар харитаси» сингари асарлар муҳим. Асар инсоннинг меҳнат жараёнида табиат билан ўзаро муносабатлар муаммосига бағишланади. Катта педагогик самара учун бу китобни мустақил ўқиб чиққан, жамоа (гуруҳ) бўлиб муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ.

Табиат билан алоқа ўрнатиш натижасида одамда гўзаллик тўғрисида тасаввур пайдо бўлади. Болалар инсоннинг маънавий ҳаётида табиатнинг аҳамиятини қанча эрта тушунсалар, унга нисбатан обдон ўйлаб ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўладилар.

Кутубхоначи турли адабиёт асарларидан фойдаланиш орқали, ёш китобхонларни жаҳоннинг машҳур мусаввирлари, шоирлари, музикачилирининг шаклланишида табиат қандай ўрин олганлиги ва уларнинг ижодида у ўз аксини қандай топганлиги билан таништириб бориши керак ва лозим. Суҳбатни нима учун уларнинг кўпчилиги ўз асарларини табиатга бағишилаганлигидан бошлаш мумкин. Яхиси бу ҳақда китобхоннинг ўзи ўйлаб ўз фикрини айтсин. Ўқиш раҳбари уларга табиат фақат озиқ-овқат, кийим-кечак, бошпана, энергия манбаигина бўлиб қолмай, балки инсонларнинг маънавий ҳаётидаги жуда муҳим манба эканлигини ҳам тушунтириши керак.

Табиатни ҳар бир инсон ўзига хос алоҳида тарзда идрок эта олади. Шунинг учун ҳам табиат ҳақида қанчалик асар яратилмасин, улар ҳеч қачон бири-бирини такрорламайди, ҳар бир санъаткор сўзда, мусиқада, тасвирда нимани кўрганлиги ҳақида эмас, балки нимани ҳис қилганлиги ҳақида ҳам ҳикоя қиласди, ўзини табиатга бўлган муносабатини ифодалашга ҳаракат қиласди. Болалар ҳам ўzlари буни ҳис қилишлари учун бирон-бир мавзу, фараз қилайлик «Баҳор» мавзусида яратилган турли хил санъат асарларини таққослаб кўриш таклиф қилинади. Тасвирда бу, масалан, И. Левитанинг «Март», «Баҳор — кат-

та сув», К. Юоннинг «Май тонги. Булбулнинг жойи», И. Остроуховнинг «Биринчи кўкат», А. Венециановнинг «Ҳайдовда. Баҳор», Ф. Тючевнинг поэзиядаги асари «Офтоб ёғдуси», сувлар ярқирайди». А. К. Толстойнинг «Мана энди далада сўнгги қор эрияпти», И. Буниннинг «Кўшчи», Н. Заболоцкийнинг «Ўрмонда баҳор», А. Фетнинг «Самбит аллақачон момиқча бурканди...» манзаралари бўлиши мумкин. Л. М. Чайковскийнинг «Йил фасллари» мусиқий муҳит фонида бўлиши мумкин. Бошқа асарларнинг танланиши, кўпгина мавзуга оид варианларни юзага келтириши мумкин: кечакундуз вақтлари, табиат ҳодисалари ва бошқалар. Муҳими, расмда тасвирланган нарса алоҳида таъкидланиши, сўз билан ажратиб кўрсатилиши, шеър вазни мусиқа расми ифодасига яқин бўлиши керак. Танлаб олинган мусиқа асари вақт жиҳатдан етарли даражада давомли бўлиши, чунки санъатнинг учта турини биргаликда боғловчи репродукцияни кўрсатиш ва шеърлар ўқиши мусиқа фонида ўтиши керак. Шундагина тадбир болаларга ҳаяжонли таъсир кўрсата олади.

12—13 ёш — шахснинг жадал шаклланиш давридир. Экологик тарбия 10—11 ёшлилар учун каби бир хилда бўлади, бироқ улар ёрдамида ҳал қилинадиган материал анча мураккаблаштирилади.

Айниқса саёҳатлар, инсон томонидан табиат қонуниятларини ўрганилаётганда илмий-билишга оид, илмий-бадиий китоб муҳим роль ўйнай бошлайди. «Ҳамма нарсани билгим келади», «Глобус», «Қуруқликда ва денгизда» альманаҳлари билан ишлаш катта аҳамият касб этади. Уларни доимо тарғиб эта бориши болаларни илмий-билим берувчи китобларни ўқишига ундайди, чунки бу тўпламларда акс эттирилган муаммоли материаллар, тахминлар шу ёшдаги болаларнинг эҳтиёжларига жавоб беради, уларнинг барча фавқулодда, романтик қизиқишиларини қопдиради, олдинга янгидап-янги саволларни қўяди.

Шунингдек экологик тарбия оқимида болаларни маълумотнома нашрлари билан таништиришини давом эттириш зарур: И. Акимушкиннинг «Ҳайвонлар олами», «Болалар қомуси», «Ёш жуғрофиячи-ўлкашунослар қомуси», «Ёш деҳқон қомуси», «Ёш кимёгар қомуси» ва бошқалар. Бу ёшдаги болаларга тавсия қилинаётган бадиий адабиёт асарларида инсониятнинг тинчлик учун, ерда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаб қолиш учун кураш ҳуқуқи акс эттирилади. Улар болаларни лоқаид бўлмасликка, эзгуликка, инсонийликка ўргатади. В. Арсеньевнинг «Дерсу Узала», Ч. Айтматовнинг «Оқ кема», «Эрта келган турналар», «Денгиз ёқалаб чопаётган олапар», Г. Троепольскийнинг «Оқ Бим Қора қулоқ», В. Астафьевнинг «Шоҳ-балиқ», Ж. Кервуданинг «Гризли» ва «Қазан» каби китоблари худди шу ёшдаги болаларнинг севимли китоблари доирасига киради.

Экологик онгнинг шаклланишида бу ёшда катта қизиқиши ўйғотадиган илмий-фантастик жанрдаги адабиёт ижобий ўрин эгаллаши мумкин. Уларнинг мавзуи — табнатни ўрганиш ва қай-

та ўзгартиришдир. Улар экологик муаммоларни алоҳида нуқтаи-назардан қўйиш ва ҳал этиш орқали инсоният келажагининг тасвирини туширгандек бўладилар. Китобхонларга, масалан, А. Б. Стругацкийларнинг «Кичкинтоя», «Чеккадаги Пикник», «Чумоли инидаги қўнғиз», И. Ефимовнинг «Андромеднинг тумани», Р. Брэдбэринг «Фаренгейт бўйича 451°» ва «Марсиан йилномаси» каби бошқа қўпгина асарларни тавсия қилиш мумкин.

14 ёшлиларнинг ўзига хос хусусияти шахснинг ижтимоий жиҳатдан вояга етишидир. Улар билан ишлаш анча мураккаблашади. Ҳозиргача ўспириннинг шахсий тажрибасидан ташқарида бўлиб келган мафкура эндиликда унинг маънавий бойлигига айланади. Бу ёшдаги болаларга бериладиган экологик тарбиянинг мазмуни табиат ва жамиятнинг ривожланиш тарихи билан боғлиқ бўлган масалаларни ўзига қамраб олиш мумкин; табиат қонунларининг бирламчилиги; табиат ва ундаги инсоннинг бир бутунлиги; инсоннинг табиатга таъсир кўрсатишнинг моҳияти ва унинг тириклигигининг табиатга боғлиқлиги; экологик муаммоларни ҳал этишнинг ҳозирги ва инсониятнинг келгуси тараққиёти учун унинг инсонпарварлик аҳамияти; табиатнинг абадий ва бетакрор гўзаллигининг айrim киши ва бутун ҳалқнинг маънавий тараққиётидаги ўрни. Ўспиринларнинг шундай масалаларни қўядиган адабиётларни ўзлаштиришларида алоҳида иглаш шакли муҳим ўрин тутиши мумкин. Улар китобхонларни ўсишларида бир поғона юқорига кўтариш ва мустақил ўқишида ҳали унчали тушунарли бўлмаган материални тушунишга ёрдам бериши керак. Экологик маданиятнинг юксалишида И. Акимушкин, В. Песков, Б. Гржимек, Ж. Даррел каби табиатшунос олим ва публицистларнинг асарлари билан танишириб бориш муҳим ўрин эгаллаши мумкин.

Алоҳида ишлар доирасига масалан, муайян турдаги ҳайвонларни парвариш қилиш, табиий материаллардан буюмлар ясашга доир амалий маслаҳатлар берадиган китоблар кириши мумкин.

Инсон ва табиат бирлиги, унга бўлган муҳаббат туйғусини шаклланишида ватанимиз ва чет эл шеърияти катта ўрин тутади. Табиат ва инсон, жамият ва табиатнинг адабий мавзуси бўлган — мунозара, фалсафа, севги лирикасида ҳар томонлама ўз аксини топди. У 14 ёшли китобхонлар учун қизиқарли тадбир, масалан, «Табиат ва шеърият» ёки «Поэзиядаги табиат» номли оғзаки журнал, кечага мавзу бўлиши мумкин.

Ҳозирги болаларда экологик маданиятни тарбиялайдиган адабиёт ва уни тарғиб этишнинг шакллари хилма-хилдир. Унинг педагогик самараси кутубхоначининг ижодкорлигига боғлиқ бўлади. Муҳими, болалар ва ажойиб илмий кашфиётлар ҳамда техника ютуқлари даврида яшаётган биз инсонлар шуни эсда тутишимиз кераклиги тўғрисидаги тушунчани етказиши зарур: инсоннинг ўз-ўзидан риоя қилиб келаётган аввалги «табиий» ҳуқуқлари, эндиликда кескин курашнинг мақсади ва шиори бўлиб қолмоқда, ҳуқуқий қобиққа ўралмоқда, омон

қолишининг ягона шартига айланмоқда. Фақат табиатни авай-лаб-асраш орқали, инсон ўз ҳаётини эҳтиёт сақлай олади.

Эстетик тарбия

Болаларни эстетик тарбиялаш бевосита уларнинг китоб ўқишига раҳбарлик қилиш жараённада амалга оширилиб, у ёш китобхонни ҳаёт, табиат, санъатдаги гўзалликни ҳис қилишга йўналтиради.

Бадиий адабиётни тарғиб қилиши. Болалик ва ўсмирлик йиларида шахснинг шаклланишига бадиий адабиёт улкан эстетик ва ахлоқий таъсир кўрсатади. У боланинг таъсирчанлиги ва маънавий дунёсига бир хилда кучли таъсир кўрсатади. Тавсия этилмоқчи бўлган китобларни саралашда асосий эътибор кўпроқ ўқувчининг «яқин келажакдаги ўсиб-улғайишга» (Л. Выготский), унинг эртанги кунига қаратилади.

Кутубхоначилар аксарият ҳолларда болаларнинг ўқиши дэнрасини кенгайтиришни ўзларининг доимий вазифалари деб ҳисоблайдилар, бироқ, кўп китоб ўқиш ҳар доим ҳам ижобий натижа беравермайди. Вақтнинг чегаралангандиги эса кўпинча китобни юзаки идрок қилишга олиб келади. Китобни ўқувчиларга бераётib уларга шошилмасдан ўқишини тавсия этган кутубхоначилар ҳақ. Кутубхоначи, «Мазкур асарни ўқиётганда шошмагин. Undagi ҳар бир сўз муҳим. Дам-бадам тўхтаб, яҳшилаб ўйлаб кўр. Образлар оламини иложи борича тезроқ ўзлаштириб олишга уринма, уни диққат билан ўқий туриб, фақат нима ҳақда ҳикоя қилинганини эмас, балки қандай ҳикоя қилинганини ҳам билиб ол»,—дейиши мумкин.

Ўсмирлар орасида класик асарларни ҳам, саргузаштлар-у, истеъодда ҳамда шунчаки «саёз» ёзилган китобларни ҳам бирдек ўқиб ташлаш касали кенг тарқалган. Кутубхоначи бу ҳодисани бошқариб бориши, ўқишига раҳбарлик қилиш жараённини шундай ташкил қилиш керакки, то ана шу «таъсири» ва «одат» турига кирган адабиётлар орасида ҳақиқий бадиий асарлар асосий фойизни ташкил этсин. Кутубхоначига мактаб, ўқувчилар жамоаси ва кутубхонада етакчи бўлган китобхонлар энг яқин ёрдамчи бўлиши мумкин. Уларнинг дидларини ўстира бориш ва маънавий эҳтиёжларини шакллантира бориш орқали кутубхоначи оммавий ўқиш, китобхонлар талабига таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. «Берилиб» ўқиш ихлосмандлари билан ишлашда педагогик жиҳатдан мунозаралар, ўқиш меъёри ёки «бир китобни баҳолаш», бадиийлигини аниқлашдан фойдаланган ҳолда «одат» тусига кириб қолган китобларни муҳокама қилиш, шунингдек, «Бу ўринда баҳслashiшга асос бор», «Бир китоб ҳақида икки хил қараш», «Идоллар (Топинма) ва топинувчилар» каби мавзуларда тортишув-баҳслар ўтказиш усуллари мақсадга мувофиқдир. «Расм-одат» бўлиб қолган китобларни муҳокама қилишга ўқувчиларни жалб этишда «усто-

монлар ўйини»дан фойдаланиш ҳам яхши натижада беради. Турли касб эгалари сифатида ҳаракат қилаётган ўсмирлар (кимдир «ёзувчи», кимдир «танқидчи» ёки «психолог», «социолог», «педагог») хилма-хил нүқтадан назардан асарни таҳлил қилишади, унинг кучли ва ожиз томонларига диққат-эътиборни қарашади, уни тасдиқ ёки рад этишади.

Ўқиш учун тавсия этилаётган адабиётларни танлаётганда турли ёзувчиларнинг асарларини муайян бир изчилликда бериш айниқса яхши натижалар беради. Ўқиш жараёнининг ўсиб-ўзгариб боришини эътибордан соқит қилмасак, бу усулда (уни бадий асар — ўқувчи силсиласининг бир-бирига мутаносиб келиш усули, деб атамиз) яхшиси боланинг бадий онгига таъсир кўрсата оладиган асарни танлаш маъқул. Дейлик, ўсмирларга кўпроқ қескин воқеа-ҳодисалар тизмаси ва ўткир табиатлилар тўқнашувига бой бўлган, қизиқарли фабула ва ҳеч шубҳасиз, юксак бадий қимматга эга асарларни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундай асарлар ёрдамида мураккаб ижтимоий ва психологик зиддиятларга бой адабиётларни ўқишига ҳам йўл очилади. Шундай қилганда гина китобхонлар сўровини ошириш имкони юзага келади, яъни қизиқарли адабиётлардан, юзаки қараганда, бир оз зерикарли, лекин бадий жиҳатдан нисбатан теран асарларга уларнинг эътиборини йўналтириш осон амалга ошади.

М. Горький таъбири билан айтганда, шунчаки оддий ҳамда классика деб аталмиш боқий китоблар бор. Оддий китоблар ўқишдан боқий, асрий асарларни мутолаа қилиш босқичига, яъни юксак даражада идрок қилиш ва юксак маънавий маданиятга қараб боришига ўтиш, бу китобхон камолот йўлининг айнан ўзидир.

Бундай ўсиб борувчи, доимий ҳаракатдаги тузилишга фақат ҳақиқий бадий асарларгина лойиқдир. Ҳатто кичик бир ҳикоя ҳам ана шундай мукаммаликка, ўсиб борувчи моҳиятга эга бўлиши мумкин. Мисол учун А. Гайдарнинг «Голубая чашка» ҳикоясини олишимиз мумкин. Баъзилар ҳикоядаги жимжима, ялтироқ қобиқ — ота ва қизнинг сайрини илғашади; бошқалар эса уни нисбатан теран ҳис қилишади. Китобхон дидининг камолоти асарнинг яширин қатламларига кириб боришдан иборатдир.

Китобхон дидининг ўсиш шартлари энг аввало шахснинг ўзи, шунингдек китобга боғлиқдир. Бу бир томондан ўқишининг сифатли бўлиши, китобхон сўровларининг ўсиши, ўзга жиҳатдан эса бадий асарнинг образлилигини, ўзига хослигини ҳис қилиш қобилиятининг тараққий эта бориши билан боғлиқ. Идрок қилиш маданияти қанчалар юксак бўлса, бу идрок этишнинг эстетик имкониятлари билан бевосита алоқадор, бадий асар танлаш даражаси ҳам шунчалар юқори бўлади.

Бадий асар ўқишини эстетик идрок қилишининг энг мураккаб турларидан бири дейиш мумкин. Сўз-образлар, шартли рамзлар заминидаги бадийят оламини кашф этиш китобхон-

нинг кўтаринки тасаввури ва бой тафаккури имкониятларини тўлиқ ишга солиши талаб этади. Асарни идрок қилиш — образли фикрлаш қобилиятини, бадий тасаввурни, ижодий кечинмани тақозо этади. Ушбу хислатлар туғма бўлмай, балки ўқиш жараёнида ҳосил қилинади ва камолга етказилади.

Асарни ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнида китобхоннинг кўтаринки руҳий камолоти қайта яратувчи тасаввур фаолияти, ижодий хаёлнинг бойиши, ҳаётий ва адабий тахайюллар (ҳистийғуларнинг ўзаро боғланишли уюшмаси) — кечинма, эстетик дид ҳамда бадий-образли фикрлашнинг қўзғолиши орқали содир бўлади. Маэкур йўл бадий асар ўқишининг табиий жараёнига — таассуротлардан ўқиганни англашга тўлиқ мос тушади. Ўқиш матнини фикрий қайта тиклай олишни, ўқилган асарга кўтаринки муносабатни, бой тафаккур жараёнини, асарнинг гоявий-бадий моҳиятига теран кириб боришни талаб этади.

Бадий асар китобхоннинг ижодий ҳамкорлигига мўлжалланган. Сўз воситасида яратилган бадий образлар бевосита тасаввур, хотира, тахайюлий фикрлаш орқали таъсир кўрсатади. Бадий образ воқеликни ижодий қайта яратиш, «борлиқни кўриниши», аниқлик ва мавҳумлик бирлигининг ҳиссий-кўргазмали шаклда акс эттирувчи ҳодиса сифатида таъкид этилади. Болалар ва ўсмирлар, худди шунингдек катта ёшдаги китобхонлар ҳам ҳеч нарсани тайёр ҳолда олмайдилар. Уларнинг ўзи қандайдир бир руҳий қудрат билан кўришлари, қалбан эшишилари, ҳаётий таассурот ва тажриба имкониятларидан келиб чиқиб образлар оламини англаб етишлари керак. Улар инсон руҳиятига кириб боришлари, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қоронғу, чигал йўлакларидан ўтишлари, қаҳрамонлар ички дунёсидаги зиддиятларни англашлари, ижтимоний борлиқ диалектикаси ҳақида бош қотиришлари лозим. Китобхон ижоди ўзгалар ҳаёти билан уйғунлашиш қобилиятини тоқозо этади. Китобхоннинг образлар тилини яхшироқ тушунса, тўғрироғи, ёзувчи билан сұхбат учун танлаган «борлиқ»ни англаш қобилияти қанчалар юксак бўлса, асарни идрок этиш ҳам шунчалар юқори бўлади. Ижодий ўқиш инсоннинг билиш, англаш йўли кабидир. Жонли англаб етилишдан (муайян китобни жонли идрок қилиш, кечинма, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни кузатиш қобилияти) ҳаёлий фикрлашга (тасвир этилаётган ҳодисалар моҳиятини англашга, инсонлар яшashi қонуниятларини идрок этишга) сўнгра эса амалиётга (мавжуд ҳаётни, тақдирлар, кишилар ва китобхонни ўраб олган муҳитни англашга, ўз ҳаёт тарзига янги туйғулар киритишга) ўтилади. Образ «тасвир этилаётган таассурот ва туйғуларни ўқувчи ўзида кечает-гандек хис эта олган тақдирдагина» (Л. Толстой)¹², бу образ ўқувчи онгига яшаб қолади. Ўқиш жараёнида китобхоннинг шахсий-ҳаётий ва китобхонлик тажрибаси билан алоқа ришта-

¹² Толстой Л. Н. Собр. соч. 30- том., 65- бет.

эпизодидаги ички кўриниши тўлалигича очилди. Бу қаҳрамон руҳий ҳолатининг ўзгариб туришидаги муайян силсиладир: орзликб қутиб, қувонч, уялишдан мағрур аламзадалик, бефарқликка ўтишдир.

Бу усул бошқаларга нисбатан китобхонга қаҳрамонлар руҳиятидаги ҳаракатин кузатиша ёрдам беради, уларнинг қалб диалектикасини ёритади, инсон ҳулқ-авторидаги матн ости маънони ҳис қилиш ва тушунишда қулайлик түғдиради. Психологик кузатувчанликнинг ўсиши жараёнида эстетик дид ҳам камол топади, зеро ташқи тасвирнинг ички моҳияти, кичикни ортидаги улканлик, алоҳидалик орқали умумийлик, соддалик ортидаги муракқаблик тадқик этилади.

Китобхон билан «қаҳрамон туйғуларининг ранг-баранглиги» усулида иш олиб бориш тажрибаси шуни кўрсатдики, у қаҳрамон образини таҳлил қилиш усули билан уйғуналашиб кетар экан ҳамда китобхондан қаҳрамон хатти-ҳаракатидаги сабабоқибат алоқа ришталарини аниқлашни талаб этаркан, бундай алоқаларни ахтариб топишга ундовчи асос кўпинча қўйидаги-ча саволларда ўз ифодасини топади: «Нима учун қаҳрамон айнан шундай, аксинча ҳаракат қилмаган? Нима учун унда шундай таъсирланиш, кайфият содир бўлди-ю аксинча бўлмади? Нима учун у айнан шу сўзни айтди-ю, бошқасини айтмади?».

Шундай қилиб кутубхоначи китобхон идрок қилишидаги қайта яратиш ва ижодий тасаввурни рағбатлантирадиган ҳамда субъектив бадиий образларни қайта яратишга йўналтира оладиган усувлардан, китобхондан катта ақлий зўр беришни талаб этувчи, матнни руҳий-эстетик талқин қилувчи усувларга ўтади. Мабодо оғзаки санъат тасвири усулидаги машқда ижодий ҳикоя қилиши, «қаҳрамон туйғуларининг ранг-баранглиги» ўқиш жараёнида юзага келган образларга тўлақонлилик баҳш этишини, уларни ҳиссий-кўргазмали даражага етказишини асосий мақсад қилинган бўлса, ундан ҳолда талқин усувларида педагогик эътиборни тасвир этилган воқеа-ҳодиса ва характерларнинг моҳиятига кириб боришга қаратилади.

Мутолаа жараёнида эстетик туйғуларни ҳис қилишнинг энг муҳим нуқтаси муаллиф қарашларини идрок этишдир, санъатнинг ана шу хусусиятига китобхон дикқат-эътиборини йўналтирувчи усувлар методикада муҳим аҳамият касб этади.

Китобхонда «муаллиф туйғуси»ни уйғотувчи усул, энг аввали, турли ёзувчиларнинг асарларини муҳимаси қилишга асосла-нади.

Унча тайёргарлиги бўлмаган китобхон учун муаллифлар, айниқса, классик ёзувчилар — ҳаммаси «бир хил кўринишга» эга. Ҳаммаси «буюқ», «прогрессив», «халқни севади», «табиатни севади» ва ҳоказо. Шунинг учун ўқипи жараёнига раҳбарлик қилганда муаллифнинг ўзига хос томонини, ижобий ўзига хослигини аниқлаш ўта муҳимдир. Ёзувчилар ўртасидаги фарқни ҳис қилмаслик, сезмаслик, бу — санъатга бефарқлик белгиси.

Масалан, И. С. Тургеневнинг «Учрашув» ва А. П. Чеховнинг

«Егеръ» ҳикояларини күп нарсалар бир-бирига яқынлаштиради. Улардаги ўхшашлик мавзуу ва бош, етакчи вазиятда, асарнинг тузилиши ва ҳаракат қилувчи шахсларнинг таркибидадир. Буни осонлик билан аниқлаш мумкин. Муаллифлар ўхшашлиги ва фарқланишини аниқлаш нисбатан қийинроқдир. Китобхонларга қуйидагича саволлар билан ўйлаб кўришни тавсия этиш мумкин: Тургенев ва Чеховлар оддий халқа бир хил муносабатда бўладиларми? Тургеневнинг табиат ва қаҳрамонлар портретларини чизиши Чехов ҳикояларига тўғри келадими? Мана шу саволлар китобхонни муаллифнинг ўзига хос томонларини аниқлашга етаклайди. Бу борадаги изланишлар самарали бўлиши учун китобхонга кўмаклашиш керак.

Кутубхоначининг раҳбарлиги остида китобхонлар бадиий асарларни муқояса қилиб, муаллифнинг ҳаётга, кишиларга муносабатини, унинг ижодий методи ва ўзига хослигини фарқлашга ўрганадилар.

Кутубхоначи бадиий асардаги барча томонларни бир нуқтага бирлаштирувчи, ундаги ғоявий-бадиий асос сифатида муаллиф ҳақида гапирав экан, китобхонни образлар силсиласи, ният ва шаклда ўзаро алоқадорлик мавжудлигини аниқлашга йўналтиради. Китобхонларга «Нима учун муаллиф у ёки бу образ, кўриниш ва лавҳани яратган? Улар нимани ифодалайди? Қандай мазмунга эга? Бу мазмун асарнинг умумий ғояси билан қандай боғланган? деган саволларни бериш билан кутубхоначи муаллиф қарашларини талқин этадики, бу билан бадиий мутаносибликни, асар қисмлари, элементларининг ички мантиқийлигини аниқлашни ҳам амалга оширади. Умуман асарга тааллуқли бўлган қуйидаги саволлар ҳам ана шу вазифани ёритишига қаратилган. «Нима учун у айнан шундай номланган? Номланиш асар мазмунинга мутаносибми? Эпиграфнинг асар моҳиятига қандай алоқадорлиги бор? Нима учун асар бундай бошланган? Нега бундай тугалланган?» ва ҳоказо.

Кутубхоначи ўз саволлари билан китобхоннинг асар хусусидаги кузатиш ва мулоҳазаларини рағбатлантиради, адабий ҳодисаларни муқояса қилиш ва фарқлашга ундейди, бу эса ўз навбатида сўз санъати қонуниятларини тушунишга олиб келади.

Кутубхоначи образларни ҳиссий-аниқ қайта вужудга келтиришдан уларни теран тасавур қилиш томон бориб, китобхоннинг дикқат-эътиборини асар матнiga қаратади, ташқи ҳодисалар орқали умумлашмаларни идрок этишга кўмаклашади, бунинг натижаси ўлароқ, китобхонни сўз санъатини баҳолашнинг эстетик талабларини англаб этишга ундейди.

Мазкур усуулларни кутубхона ишларининг анъанавий методларига киритиш имконияти анчагина қулай. Китобхондан бадиий асарни теран, ҳар томонлама талқин этишини талаб этувчи усуулларни ўқувчининг идрок этганларини аниқлаб, теранлаштирувчи яккама-якка сұхбатларга киритган маъқул. Вақт этишмай қолганда китобхоннинг ёзма ҳисоботидан ҳам фойдаланиш

мумкин. «Оғзаки тасвирилаш», ижобий баён, «қаҳрамон түйфуларининг ранг-баранглиги» ва бошқа усулларга келсақ, улардан жамоа сұхбат жараёнида фойдаланиш мумкин. Образни биргаликда қайта ишлашда ўзига хос «занжириш реакция» юзага келади: шунчаки ифодаланган тиниқ бир образ бирданиңа ўзига ўхашаш, шу билан бирга дастлабки образни ривожлантирувчи, түлдирувчи, бир-бирини рад этувчи қиссий-күргазмали ходисаларни юзага көлтиради.

Мабодо бир-бирига зид муаммоли вазият юзага келиб қолса, энг құлайи, мұҳокама усулидан фойдаланған маъқул. Шошилиб ўтказилған сұхбат шунчалар шошилинч усулни таплашга олиб боради — ләнде савол, күтилмаган тахайюлий йұналиш, қистирма гаплар ва қоказо. Мұҳокама усулидан фойдаланиш асосида ўзаро фикр алмашиш, китобхонларнинг бадиін асарни терен тушунишларига ёрдамлашиш, асарнинг ахлоқиі ғояларини, эстетик қимматини идрок этиш ётади.

Масалан, В. Железниковнинг китобини олиб күрайлик. Аудитория билан алоқаны йўлга қўйиш учун «Сизлар В. Железниковнинг асарлари билан танишмисизлар? Унинг асарларидан қайсинаси сиз учун нисбатан қизиқарли туюлди? Сизга В. Железниковнинг «Тасқара» қиссаси ёқдими? Сиз уни қандай кайфият билан ўқидингиз? қабилидаги саволларни ўртага ташлаш керак.

Болалар китобни ўта таъсирчанлик билан қабул қилиб, унинг ижтимоий-ахлоқиј йўналишини түғри идрок этадилар. Буни аниқлаш учун Сиз улардан: «Дастлаб қисқа «Бор-йўғи бир неча кун», деб ном олган эди, кейинчалик эса «Тасқара» номини олди. Китобнинг мазмунига нисбатан қайси номланиш яхшироқ мос тушади?», деб сўранг. Китобхонларнинг түйғуси қаҳрамоннинг ўзига нисбатан муносабатда энг ёрқин намоён бўлади. Шунинг учун ҳам қаҳрамонлар образлари билан боғлиқ саволлар ўсмиirlарни қиссанинг ахлоқиј йўналишини аংглашларига ёрдам беради: «Қисса қаҳрамонларидан қайсинаси муаллифга кўпроқ ёқади? Сизга-чи? Сизнингча, Лена Бессольцеванинг асосий кечинмалари нима билан боғлиқ? Сизни Ленага жуда ҳам ачинган пайтингиз бўлганми? Қиссанинг бошқа қаҳрамонларига нисбатан сизда шундай муносабат бўлганми?»

Ривожланған бадиий дидга эга бўлган ўсмиirlарга умумлаштиришни тақозо этувчи саволларни бериш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Сизнингча, Лена Бессольцевага қандай воқеа кўпроқ таъсир кўрсатди?» Бошқаларга эса муайян аниқликка эга бўлган саволларни бериш ўринилди: «Қиссанинг қайси ўринлари сизга қизиқарлироқ туюлди? Қиссадаги ёки катта қаҳрамонлардан ким Сизга кўпроқ ёқади? Ёқса, нима учун?» Мазкур саволлар ўсмиirlарга қисса қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини нималарга асосланишини англаб этишда кўмак беради.

Қиссанинг ахлоқиј ғояларини англаб этишда ўсмиirlарга асардаги муаммолар билан бевосита мұҳокамада қатишаёт-

ган китобхонларнинг ҳаёти ўртасидаги алоқадорликни очиб бे-рувчи саволлар муҳим аҳамият касб этади: «Қиссадаги қандай эпизод сизнингча энг асосий саналади? Сиз Димкага қандай муносабатдасиз? Темир тугмача ҳақгўй одамми?»

Китобхоннинг қаҳрамонга ҳамдардлиги у билан муносабатга киришадиган ҳар қандай персонажга ўта сезгир бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам «Сизнингча Ленанинг асосий кечинмалари нималар билан алоқадор? Димканни-чи? тарзи-даги саволлар китобхонга асар қаҳрамонларининг асосий ахлоқий изланишларини англаб етишда кўмаклашади.

В. Железниковнинг қиссасида яна бир муҳим ахлоқий-санъатнинг боқий қадриятн, унинг маънавий қудрати ҳақидаги ғоя бор. Муаллиф санъат инсон руҳий ҳаётининг муҳим бир қисми, авлодлар ҳаётини бир-бири билан боғлайдиган ҳодиса эканлигини кўрсатишга ҳаракат қиласди.

Мактаб ўқувчиларига санъатнинг мазкур вазифасини англа-тишда қуидаги саволлар қўл келади: «Бессольцевнинг ўз қадрдан шаҳрига қайтгандан кейин ҳаётининг асосий, етакчи маъноси нимада, сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз? Қиссада тас-виirlangan болаларнинг табиатлари ўртасида, уларнинг Лена-нинг буваси йигаётган суратларга муносабатида ўзаро ало-қадорлик борми?», «Нима учун қиссада «Машка» расмида ким тасвиirlanganligи борасида бунчалар батафсил ҳикоя қилинади? Тавсия этилган саволлар муаллифнинг гўзаллик инсонни шаклантиради, деган ғоясини тушунишга ёрдамлашади. И-филгандардан қиссадаги бадиийлик мезони жиҳатидан ажралиб турувчи эпизодларни хотирга келтиришларини ҳам сўраш мумкин: «Муаллиф ўзининг қаҳрамонларга бўлган муносабатини беришни қандай амалга ошира олган? Уз кайфиятини-чи?». Ўсмирларга бошқа саволлар ҳам тавсия этиш мумкин, бироқ уларнинг ҳаммаси қиссанинг ғояси ва унинг бадиий гав-далантирилишини аниқлашга хизмат қилиши керак.

Муҳокамани ўтказишда раҳбар бир болани бошқасига қарама-қарши қўймаслиги, саволларга жавобни юзаки баҳола-маслиги, ўзининг асар ҳақидаги қарашларини олдиндан болаларга айтиб қўймаслиги шарт. Болалар кутубхоначи улардан нима кутаётганлигини сезгирлик билан фаҳмлашади, шунинг учун ҳам улар ҳақиқий мулоҳазалар ўрнига катталар томонидан режалаштирилган жавобларни қалаштириб ташлашлари мумкин. Муҳокамани якунлаб, кутубхоначи ўзининг китоб ҳа-қидаги мулоҳазаларини айтиши, ёзувчининг кейинги янги асарларида давом эттирилган ижобий йўналишларга тўхталиб ўтиши мумкин.

В. Железниковнинг асарлари ҳақидаги суҳбатга нисбатан ўзгачароқ мулоҳаза юритишни таниқли совет ёзувчиси Р. Погодиннинг асарлари бўйича ишлаш методикасида учратишимииз мумкин. Замонавий танқид Р. Погодин ўз ижодида А. Платоновнинг анъаналарини давом эттираётганлигини таъкидламоқда. Шунинг учун ҳам бир вақтнинг ўзида унчалик катта бўл-

Маган аудиторияга мўлжалланган баланд овоз билан ўқиш туркумида китобхонларни А. Платоновнинг «Ердаги гул», «Никита» ҳикоялари ва Р. Погодиннинг «Леший қаерда яшайди?» қиссаси билан таниширилса яхши натижа беради. Биринчи ўқишни ёзувчи ҳақидаги кириш сўзи, А. Платоновнинг «Ердаги гул» ҳикояси билан бошлаш керак. Тажрибанинг кўрсатишича, А. Платоновнинг бу ҳикоясидаги бош ғояни болалар жуда яхши қабул қилишади. Китобхонларга ўз фикрларини айтишга имконият яратиш учун уларга: «Сизга ҳикоядан нималар айниқса кўпроқ ёқди? Ерда энг асосий нарса нима? Афоня ўз бувасидан нималарни билдиб олди?» деган саволларни бериш лозим.

Р. Погодиннинг «Леший қаерда яшайди?» қиссаси билан ҳамоҳаиг бўлган А. Платоновнинг «Никита» ҳикоясини ўқиш кейинги босқични ташкил этади. Қиссанинг «Сенъкада нима бор эди? боби учинчи ўқишнинг асосини ташкил этади. «Леший қаерда яшайди?» қиссаси каттагина ҳажмли бўлиб, кичик ёшдаги болалар учун мураккаблик қилади, уни тўлиғича овоз чиқариб ўқиш эса шарт эмас. Бироқ, биз айтган биринчи боб Р. Погодиннинг ижоди ҳақида сұхбат бошлашга имкон беради.

Шу йўсинда овоз чиқариб ўқишни ташкил қилиб, биз болаларни муаллифнинг ижодий ғоялари қандай камолга етади, деган масалани тушуниш томон йўналтирамиз. Ўқилганни тушуниб етиш учун болаларга А. Платонов ва Р. Погодин асарлари бўйича ўtkazilgan туркum ўқншдан кейин ташкил қилинган сұхбат ҳам ёрдам беради. Болалар асар қаҳрамонлари англаб етган — инсон яшаш учун, Ватанини севиш ва жамики жонзорни муҳофаза қилиш учун туғилади, деган ҳақиқатни хис қилиша олса, бу энг муҳимdir. Болалардан қандайдир аниқ тавсифларни талаб этмаслик керак, энг муҳими ёзувчи улар билан нима ҳақда гаплашаётганини юракдан ҳис қилишса бас. Болалардан: «Ўқиган китобингиздан нима кўпроқ сизнинг эсингизда қолди? Сизнингча нима учун Сенъка: «Хў.., сени қара-ю... қандай қилиб бу ердан кета оласан, ахир бу меникүк!»— деган ўйга борди. У ўз қишлоғидан кета оладими?» дея сўраш мумкин.

А. Платоновнинг «Ердаги гул» ҳикоясидан қўйнадаги сўзлар билан бошланувчи парчани болаларга ўқиб бериш мумкин: «Дарвоқе, у жонсиз кукунга ўхшаш тупроқни жонли танага айлантира оларди...»дан то «энди мен ҳамма нарса ҳақидагиларни биламан!»гача, «Никита катта кишилардек дадил болғани ишлата бошлади» жумласидан охиригача ўқиб, ундан сўнг болалардан «Бу фикрлар ҳам худди Сенъка айтганларга ўхшайдими?» деб сўраш мумкин. Сұхбатни Р. Погодин ҳақидаги мулоҳазалар ва унинг «Ҳазил», «Булутлар қаердан келади», «Сен қаердасан, сен қаердасан?» ҳикоялари билан тутгallaш жоиз. Бу ҳикояларни болалар мустақил мутолаа қилалилар.

Борлиқни идрок этишлари бир-бирларига яқин, лекин ўз асарларини турли даврларда яратышган бир неча мұаллифларнинг китoblары ҳақида умумий бир сұхбат ўтказиш айниқса фойдалидір. У китобхоннинг адабиёт, уннинг вазифаси ҳақицады тасаввурини кенгайтиради, адабий дидини камолға еткәзади.

Әстетик түйғу, эстетик диднинг шаклланишида *шеърий асарларни ўқиши* катта ақамият касб этади. Турли ёшдаги китобхонларнинг шеъриятта бўлган муносабати бир хилдир. Китобхон қандай ёшда бўлмасин шеъриятни мутолаа қилишдан четда қолмаслиги керак, зоро уни ўқимаслик «шеъриятдан маҳрум»ликка, бадиий образни эстетик ҳазм қила олмасликка олиб боради.

Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги китобхонлар шеър ўшитиш, уни ёдлаб олишни яхши қўришади. Улар шеърий нутқни ўта таъсирчан қабул қилишади, асаддаги оҳангни, қофияланган сатрлар гўзаллигини таҳайюлий ҳис қилишади, уларни «оҳангдорлик», муайян «мукаммаллик», ритм», улардаги «жарангдорлик» ва бошқалар ўзига маҳлиё қиласди.

Кутубхоначиларнинг вазифаси — ерқин поэтик иштиёқли мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги китобхонлар учун танланган асарлар сирасига классик, замонавий совет ҳамда чет эл шеърияти намуналарини киритишдан иборатдир. Бу намуналар болалар учун махсус ёзилган бўлиши ёки ўқиши учун атайлаб сараланиши мумкин. Масалан, булар А. Пушкин, М. Лермонтов, Н. Некрасов, А. Кольцов, И. Никитин, С. Есенин, С. Маршак, С. Михалков, К. Чуковский, А. Барто, Л. Квитко, К. Қулиев, Э. Межелайтис ва бошқаларнинг шеърий асарлари бўлиши мумкин.

А. Рубакин ўз саводини чиқариш борасидаги мустақил ўқиши масаласи ҳақида мулоҳаза юритиб ёзган эди: «Ўқиши нисбатан танишроқ мұаллиф асарларидан, нотаниш бўлган мұаллиф китоблари томон, яъни рус шоиридан таржимага, ҳозиргилардан қадимийларга томон йўналтириб, сўнгра мұаллифнинг таржимаи ҳолини ўргатиш керак»¹³. Бундай усул чет эл шеъриятини тарғиб этишда қўл келади. Китобхонларга Я. Бжехва, Ц. Ангелов, Ф. Грубин, Л. Керн, Ю. Тувим, А. Босев ва бошқаларнинг шеърларини тавсия этиб, болаларга таниш бу асарларни совет шоирларидан Б. Заходер, С. Михалков, В. Брестов, Э. Мошковская, И. Токмаковалар таржима қилишганини ҳикоя қилиб бериш керак.

Кутубхоначига 7—9 ёшдаги болаларни шеър ўқишига жалб этишигина эмас, балки тавсия этилаётган асарларни сифатли саралаш, шеърларни ҳис қилишни янада чуқурлаштириш, шеърларга қизиқишидаги табиий ҳолатни сақлаб қолиш ҳам алоқадордир.

¹³ Рубакин Н. А. Как заниматься самообразованием. М., 1962, 116—117-бетлар.

Ўз табиатига кўра мусиқавий шеърият, поэтик сўзишиг оҳангдорлиги таъсири улкандир. Баъзан бир шеърдан бир неча сатрнинг ўқилиши китобхонни қизиқтириш учун кифоя қилади. Овоз чиқариб ўқилгандан кейин суҳбат боладаги шеърнинг гўзаллигидан қониқиши ҳиссини, оҳанг ва қофия таъсирида юзага келган эстетик ҳузурни ахлоқий тушунчалар билан бир бутунликда олиб англашга туртки бўлади.

С. Маршакнинг «Эчки ҳақида эртак», «Мушукнинг уйи», «Чет эллик Петрушка», «Теремок» эртак-пъесаларини, умуман, шеърий драматик асарларни саҳналаштириш болалар учун ўта қизиқарлидир. Болалар томонидан шеърий пъеса ўқиб бўлингач, уларни мусиқаси билан ўзига жалб этувчи «Мушукнинг уйи» грампластиинкасини тавсия этиш мумкин. Шеъриятни аралаш санъатлар (айниқса мусиқа)дан фойдаланган ҳолда тарғиб этиш ўқилган асар таъсирида юзага келган тасаввурни янада теранлаштиради. Асар ўқилгандан кейин болаларга мусавиirlарнинг С. Маршак асарларига ишлаган суратларини тавсия этиш маъқулдир. Тингловчи ва китобхонларнинг эътиборини шеърий матнга йўналтириш учун ўқиши расмларни томоша қилишдан ажратган яхши. Бу тадбирни эса ўқишигача ва ундан кейин ҳам ўтказиш мумкин. К. Чуковский, С. Михалков ва бошқаларнинг шеърий эртаклари билан худди ана шундай иш олиб бориш мумкин.

Ўн-ўн бир ёшли китобхонларда бадиий адабиётга бўлган муносабат ўзгариб туради, муайян турдаги адабиёт, мавзу, жанр, дейлиқ, тарихий китобларга қизиқиши юзага келади. Шеъриятга бўлган қизиқиши сусаяди. Ёш ўсмиrlарнинг ҳаракатга кўпроқ мойиллиги уларни сюжетли асарлар томон йўналтиради, уларда шеъриятни тушуниш ҳамда ҳис қилишга иштиёқ кучаяди. Бундай ҳол охир-оқибатда адашишга олиб боради ва кутубхоначи 10—11 ёшдаги китобхонларда шеърга бўлган қизиқишининг ўта сустлигини қайд этгач, уларнинг талабларига лоқайд қарайди, шеъриятни тарғиб этмайди, шеърни, айниқса, якка-якка усул ёрдамида тавсия этиш йўлидан бормайди.

Кичик ўсмир ёшидаги китобхонлар билан ишлашда уларнинг шеъриятга бўлган алоҳида муносабатларини, уни қабул қилишга бўлган тайёргарликларини ҳисобга олиш керак. Шеърият ҳақидаги суҳбат учун болаларга мазмунан яқин бўлган замонавий шоирларнинг шеърларини танлаш яхшироқ. Ўсмиrlар шеърий нутқни насрыйдан, поэтик ургу беришни насрыйдан фарқлашни ҳис қилишлари учун танланган шеърлар дидактика баландпарвоз эмас, балки ўта таъсиричан бўлиши керак. Мабодо суҳбат пайтида ўқилган шеърга нисбатан қисқа бўлса ҳам қизиқиши уйғота олинса, поэтик сўзининг ифодавийлигига диққат-эътиборни йўналтира олинса, кейинги ишлаш жараёнида уларнинг шеърият билан ошно бўлиб қолишларига ўшонса бўлади.

Ёш ўсмиrlарда мантиқий фикрлаш шакллана боради. Шу-

нинг учун ҳам шеърда муҳим аҳамият касб этадиган бадиий деталга уларнинг эътиборини қаратиш керак.

Унга диққат-эътиборни қаратиш шеърий образлиликнинг табиатини, поэтик фикрлашнинг ўзига хослигини тушунишга ёрдам беради. Гуруҳ ёки якка китобхонлар билан ўтказиладиган сұхбатлар, шеърият кимга ва нима учун керак, шеърий жанрларнинг хилма-хиллиги ҳақида, воқеий шеърият нима, яхши шеърларни ёмонларидан қандай фарқлаш мүмкін, дегани мавзуларда ўтказилиши мүмкін. Бундай сұхбатлар китобхонга шеърият олами, унинг гўзаллиги, ўзига хослигини очиб беради, уларни машҳур сўз усталарининг шеърлари билан ошно қиласди. Бу ёшдаги болалар учун бирон бир шоирнинг ҳаётнга бағишиланган ёки муайян мавзудаги шеърий эрталиклар, шунингдек шеър ўқувчиларнинг кўриги кўпроқ таъсир этади.

Катта ёшдаги ўсмирларнинг шеъриятга бўлган муносабати бир хил эмас. Уларнинг аксарияти насрый асарлар, айниқса, ўткир сюжетли асарларни ўқишини яхши кўришади, шеър ҳақида эса менсимай ёки лоқайд мулоҳаза юритишади. Бироқ бу ёшдаги китобхонлар орасида шеъриятни севадиган, ҳатто уни ўқиб, яхши идрок этадиганлари ҳам бўлади.

Катта ёшдаги ўсмирларнинг шеъриятни ўқишиларига раҳбарлик қилиш кутубхоначи учун нисбатан катта қийинчилликлар туғдиради. Катта ёшдаги ўсмир ҳаётни фаол идрок этади, шунинг учун ҳам у санъатдан ҳамма нарса «худди ҳаётдагидек» бўлишини талаб қиласди. Ўсмирлар кичик ёшдаги ўқувчиларга нисбатан ҳам шеъриятни ҳис қилишда муайян тайёр гарликка кўпроқ муҳтоҷ бўладилар. Бу ҳол қатор сабаблар билан изоҳланади. Биринчидан, улар катталарга мўлжалланган шеъриятга кўпроқ мурожаат қилишади. Зоро, шеъриятни ўсмирлар ёки катта ёшдагиларники деб ажратиш эса бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Бу ўринда жаҳон адабиёти хазинасидач муайян шеърий асарларни саралаш муҳимдир.

Бошқа томондан эса, бу ёшда ўсмирларда шеъриятни тушуниш учун ўқий олишни ўзи кифоя, деган қараш шаклланади. Улар учун ҳар қандай шеърият тушунарли, деб мулоҳаза юритиш қандайдир даражада кутубхоналарда ўтказиладиган ҳар қандай оммавий тадбирларда шеъриятдан кўргазмали ва мавзуи материал сифатида фойдаланилишини кенг тус олиши билан ҳам изоҳланади, энг асосийси шеърлар мавзуга мос тушса бўлгани.

Кутубхонада катта ёшдаги ўсмирлар орасида шеърият билан ишлашни қандай ташкил қилиш мүмкін? Бу ўринда кутубхоначига шеъриятни ўқувчи ўсмирлар ёшидаги муайян гуруҳ китобхонларнинг билими аскотади. Зоро, бу ёшда ўсмирларнинг маълум қисми доимо шеър ўқийди, у ҳақда фикр юритади, шеърий асарни бадиийлиги, қимматини баҳолай олади. Улар поэтик образни, шеърнинг гўзаллигини ҳис қилишади, аксар ҳолларда тенгдошлари ва турли ёшдаги китобхонлар гуруҳи орасида шеър ўқишида илғорликни қўлга киритишади.

Шунинг учун ҳам улар фаоллар сафига киришлари, шеъриятни тарғиб этиш, шеърият ихлосмандлари адабий тўгарагининг ташкил этишда кутубхоначининг ёрдамчилари бўлишлари мумкин. Уларни шеърият кечаларини тайёрлаш ва ўтказишга жалб қилиш керак, шунингдек тенгдошлари ва кичик ёшдаги китобхонлар билан якка ҳамда гуруҳ-гуруҳ бўлиб ишлашга тортиш зарур.

Насрга ҳам, шеъриятга ҳам бирдек қизиқувчи китобхон-боловлар анча кенг тарқалган. Улар, одатда, совет шоирларининг шеърларини ёқтиришади. Ўз тенгдошлари билан мулоқотда ўзларини шеър ўқиши ташкилотчилари — илгорлари сифатида тутишади. Бундай китобхонлар, айниқса қизлар — барча оммавий тадбирларнинг фаол қатнашчилариdir. Ўқиш раҳбарлари одатда уларни шеърият ихлосмандлари ҳисоблаб, шеърият клуби, тўгарагига жалб қилишади. Бироқ бундай китобхонларда шеъриятга қизиқиш нечоғлик яхши бўлмасин, улар ҳамма вақт ҳам юқори дидга эга бўлшимайди. Баъзан улар учун муҳим бўлган мавзу (дўстлик, севги, инсоннинг руҳий дунёси) ўқилаётган шеърларнинг бадиий номукаммаллигини ёпиб кетади. Бундай ҳолларда кутубхоначининг асосий вазифаси китобхоннинг нима ўқиётганини диққат билан кузатиш, унга қизнқтирган мавзуларда юксак бадиий қимматга эга бўлган шеърларни маҳсус танлашдан иборатdir. Табийки, уларга яхши шеърлардан бўш асарларни фарқлашни ўргатиши керак.

Катта ёшдаги ўсмирлар орасида шундай кўп сонли китобхонлар ҳам борки, улар муайян муаллифнинг ёки муайян мавзуда ёзилган шеърларнигина ўқишиади. Аксарият ҳолларда булар замонавий совет шоирларининг лирик шеърлариdir. Болаларнинг аксарияти уруш ҳақидаги шеърларни ёқтиришади, қизлар эса севги ва дўстлик, кўпроқ Р. Казакова, М. Борисова, Ю. Мориц, В. Тушнова, С. Капутикян ва бошқаларнинг лирик шеърларини ўқишиади. Қизлар ўзларига ёқиб қолган шеърларни ёзиб юриш учун дафтар тутишади. Бундай китобхонлар оммавий тадбирларда қатнашишни унчалик ёқтиришмайди. Кутубхоначининг вазифаси шеъриятни тушунишга бирёқлама ёндашувчи бундай китобхонларни илғаб олиш ва уларни ҳам катта-катта муҳокама ва мунозараларга тортишдан иборатdir. Ўсмирларнинг ўз тенгдошлари мулоҳазаларига бефарқ эмасликларини ҳисобга олган кутубхоначи ўз фикрини айта оладиган, жамоа мунозара, адабий кеча ва ҳоказоларда ўзгалар нуқтаи назарига ҳам эътибор берадиган китобхонларга имкон яратишдан иборат.

Катта ёшдаги аксарият ўсмирлар мактаб дастури ёки жамоат ишлари билан бевосита алоқадор мавзудаги шеърларнинг мутолааси билан чекланишиади. Шеъриятни фақат ўзи учун ўқиш иштиёки уларда бўлмайди. Улар шеърни қанчалик ўзларига учун тушунарлигига ва уларнинг ҳаёт, унинг қадриятлари ҳақидаги тасаввурларига нечоғлик мос келишига қараб баҳолайдилар. Баъзан ўсмирларни бемалол, шеъриятни мутлақ

ўқимайдиганлар, дейиш мумкин, зеро уларнинг шеърга мурожаат этишлари тасодифий, зарурат туфайлидир.

Ўсмирнинг мактабдаги адабиётга доир билими унда шеър ўқишига бўлган қизиқишини уйғотишда асос бўлиши мумкин. Кутубхоначилар китоб фондининг имкониятлари ва кенг китобхонлар доираси фойдалана оладиган нашрларга асосланиб А. С. Пушкиннинг ижоди ўрганилаётган пайтда, гуруҳли ва якка-якка ишлаш усусларидан фойдаланиб, уларга К. Батюшков, Е. Баратинский, А. Дельвиг, В. Одоевский, П. Вяземский, Д. Давидов, Н. Язиковларнинг шеърларини тавсия этишлари мумкин. Китобхонлар А. С. Пушкин замондошларининг шеърларини ўқисалар, буюк шоирнинг шеърияти яна ҳам теран ва тўлақонлироқ очилади. Бундай тарғиб шунинг учун муҳим ва зарурки, у ўсмирнинг адабий, эстетик камолотига кўмак беради, рус адабиёти тарихида ўз мавқеига яраша ўрин эгаллаган шоирларнинг бир-бирларига таъсири ва ўзаро алоқасини тушуниб этишга имкон яратади.

«Пушкиннинг салафлари» мавзууда кутубхоначилар Г. Державин ва В. Жуковский ижодларини тарғиб қилишлари мумкин. К. Рилеев ижодини ўрганиш пайтида унинг баъзи асарларини Пушкин шеърларига солиширишни тавсия этиш мумкин. Дейлик, К. Рилеевнинг «Ўзгарувчига» шеърини А. Пушкиннинг «Лицини» шеърига ва шу каби. Ёки китобхонларнинг К. Рилеевнинг мактабда ўрганиладиган шеърини А. Пушкиндан «ўзлари учун» ўқилган шеърини қиёслаб ўзаро фикр алмашишлари ҳам яхши натижалар беради.

Кутубхоначи китоб кўргазмаси ҳамда ўқиш режаси ёрдамида китобхонларга А. Майков, А. К. Толстой, И. Никитин шеърлари билан биргаликда Ф. Тютчев ва А. Фетнинг шеърларини ҳам тавсия этиши мумкин. Кутубхонанинг бундай мақсадга мувофиқ фаолияти ўқувчиларда рус адабиёти, шеъриятининг тараққиёт босқичлари ҳақида нисбатан кенгроқ тасаввурлар уйғотиш орқали бевосита мактабга ёрдам беради. Тажрибанинг кўрсатишича, бундай усусларнинг самарадорлиги табиийдир. Мазкур усул кутубхоначилар ишларининг бошқа шакллари билан биргаликда амалга оширилса, совет шеъриятини тарғиб этишда яхши натижалар беради. Китобхонларга худди шу йўсинда А. Твардовский, К. Симонов, А. Сурков, М. Жалил, М. Светлов, О. Бергольц ва бошқаларнинг уруш ҳақидаги шеърларини тавсия этиш мумкин. Ўсмирлар М. Цветаева, А. Ахматова, Б. Пастернак, Е. Евтушенко, Б. Ахмадулина, Р. Хамзатов, Б. Тушнова, Н. Рубцов ва бошқаларнинг севги ҳақидаги шеърларини қизиқиши билан ўқийдилар. Ўсмирлар Н. Заболоцкий, Л. Мартинов, Б. Слуцкий асарлари орқали фалсафий шеърият билан ошно бўладилар. Н. Тихонов, Н. Асеев, С. Наровчатов каби шоирларнинг балладаларини ҳам ўсмирлар иштиёқ билан мутолла қилишади.

Кутубхоначига турли ўшдаги китобхонларга ўқиш учун асан танлашда жаҳон шеърияти ва ҳар хил мамлакатлар халқ-

ларининг эпослари ҳам катта имкониятлар яратади. Айниқса, муайян муаллиф ва халқ шеъриятини биргаликда тавсия этганда бу аниқроқ күзга ташланади. Ўсмирларнинг воқеабанд шеърларга бўлган қизиқишни қондириш — кўпмиллатли совет шеърияти асарлари билан, шунингдек, чет эл муаллифларининг энг яхши асарлари, жаҳон халқлари поэтик ижоди намуналари билан амалга оширилади. Ўсмирлар ўқнидиган шеъриятни жанр жиҳатдан ранг-барамглигини янада кенгайтириш, уларнинг ёши, эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олган ҳолда балладалар, достонлар, шеърий ривоятларни тавсия этиш лозим. Ўсмирларни тарихий мавзудаги воқеабанд, ҳикоя шеърлар — рус классик адабиётидаги А. К. Толстойнинг «Қўрғон», чет эл адабиётидаги «Роланд ҳақида қўшиқ» ва бошқалар кўпроқ қизиқтиради.

Ўсмирларни шеър ўқишига тенгдошлари ёрдамида жалб этиш янада самаралидир. Баъзан адабий кечага, шеърият анжуманига кутубхоначи ва шеърият ихлосмандларигина қатнашиб, қолганлар бефарқ бўлишгани учун кутилган натижани бермайди. Бундай тадбирларни тайёрлаётганда кутубхоначи шундай муҳитни ҳисобга олиши лозимки, токи унда ҳамма, ҳатто шеъриятни мутолаа қилмайдиганлар ҳам мунозарада фаол қатнашиб, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қиласинлар. Бир томонни иккинчи бир томон — тенгдошлари ёрдамида ишонтира олиш мураккаб иш бўлса ҳам, аммо самарали натижада беради. Болалар шеъриятнинг инсон ҳаётидаги ўрни ҳақида мулоҳаза юритиб, унинг ахлоқий-эстетик қимматини англаб етадилар.

Ўсмирлар ўқилган шеърлар, севган шоир ижоди ҳақида ёзилган иншолар кўриги, адабий-поэтик тўплам, оғзаки журнал кабиларга катта қизиқиш билан муносабатда бўладилар. Якка-якка режа билан ўқиши, ўқилган шеърлар ҳақида муайян суҳбатлар ўтказиш нисбатан самаралидир.

Шеър ихлосмандлари билан ўтказиладиган гуруҳли ишлаш шакллари ранг-барангидир: шеъриятнинг мавзу ва жанрлари бўйича алоҳида гуруҳ китобхонлар учун ўқиши режаси; тавсияли ҳамда ўқилган асар ҳақида суҳбат; ҳар хил шеърий тўпламлар ва бир муаллиф асарларининг муҳокамаси, шеър соати, шеърни овоз чиқариб ўқиши ва грампластинкалар эшлиши учун муайян вақтга йиғилиш, «шеърият дақиқалари» ва бошқалар. Энг муҳими, кутубхонада яхши шеър янграб туриши. У ҳақда қизиқарли тортишув жаранглаши керак. Ўсмирлар мулоҳаза юритини, муқояса қилиш, тортишишини яхши кўришади. Гуруҳли суҳбатларда бир шеърни ўзга шеър ёки бир хил муаллифларининг бир мавзудаги шеърларини қиёслаш усулидан фойдаланиш мумкин. Дейлик, катта ёшдаги ўсмирлар учун турли шоирларнинг табиат ҳақидаги ёзган шеърларини тавсия этиш мумкин. Китобхонларга Н. Асеевнинг «Қиши», М. Исаковскийнинг «Бахор», Н. Нелогоновнинг «Куз», Н. Майоровнинг «Август», Б. Ручьевнинг «Июлим» шеърларини тавсия этиб, орти-

дан уларнинг тайёргарликлари қандайлиги борасида муҳокама ўтказилади.

Кутубхоналарнинг иш тажрибасига гуруҳли абонемент, жанр-мавзули абонемент, доимий ва вақтичалик, тўлиқ ёки қисман ҳисобга олиш каби шакллари киради. Бу ўринда гуруҳли абонемент шакли анча қизиқарлидир. Кутубхоначи шеър ўқувчиларни бир гуруҳ қилиб, уларга кутубхона фондидан гуруҳли қайднома ва ўқиш режаси бўйича шеърий асардан биргаликда фойдаланишин тавсия этади. Китобхонлар ўзларнга тавсия этилган классик ва замонавий шеърият тўплами билан танишадилар, уларни ўқиб, бир-бирларига топширадилар. Шундай қилиб гуруҳ аъзолари ўртасида шахслараро муносабат йўлга қўйилади. Китобхонлар қайдномасини таҳлил қилиш бутун гуруҳнинг ўқишига раҳбарлик қилишда ёрдам беради. Қандай китоблар қизиқиш билан ўқилаётганини рўй-рост кузатиш мумкин. Асосий масъулият гуруҳли ўқитиш раҳбари зиммасига тушади. Шунинг учун ҳам у ўқув фаолларига ва муайян гуруҳ ўқувидаги расмий тайинланмаган «бошликка» таяниб иш юритиши керак. У ҳам завқ билан ўқиладиган, ҳам китобхоннинг диди ва иштиёқини ўстирадиган китобларни танлаши лозим. Битта асарни мутолаа қиласиган 7—10 кишидан иборат бўлган гуруҳ учун ўқилган китоб ҳақида суҳбат, конференция, мунозаралар ўтказиш мумкин.

Шеъриятни мутолаа қилишда гуруҳ бўлиб бошқариш нисбатан қулайдир. Катта оммавий тадбирларда бальзан бор-йўғи 7—10 киши фаол қатнашади, гуруҳли ўқишида эса барча аъзолар фаолдир. Бундай усул ёрдамида одатда кўр-кўронга ривожланаётган китобхонлар фаолиятини изга солиш мумкин. Гуруҳ формулярлари янги китобхонларни жалб қилиш ва шеърий асарлар тарқатишини ҳисобга олишдаги энг яхши усулдир.

Ўсмирларга ҳар томонлама таъсир кўрсатиш ишонарли суҳбат ҳолатини юзага келтирувчи кичик-гуруҳли тадбирлар ҳам муҳимдир. Зоро, бунда шеър ўқиш ва уни муҳокама қилишина эмас, балки қўшиқ айтиш, грампластинка ёзувини тинглаш, китобга ишланган безакларни томоша қилиш ҳам мумкин бўлади. (Масалан, Э. Межелайтиснинг шеърлари ва С. Красаускаснинг безакларини.)

Ўсмир-китобхонлар билан оммавий ишлар олиб боришининг шакллари ўз ичига асарнинг муҳокамаси, адабий ва мусиқавий кечалар, оғзаки журнал, баҳс, шеърият соатлари ва бошқаларни қамраб олади. Қўпинча оммавий тадбирлар вақтида таъсирчан, кўтаринки ҳолат юзага келгач, авваллари шеърга бефарқ бўлган китобхонларда бирданига унга қизиқиш уйғонади. Бундай ҳолат ўтказилаётган тадбирда кўргазмалиликка эмас, балки шеърни диққат ва иштиёқ билан ўқишга, уни эътибор билан тинглашга, шеър ҳақида қизғин мунозара ва суҳбатга аҳамият берилганда содир бўлади. Ўсмирларда бундай муҳокамаларга қизиқиш унда ўзларининг шеър ёзувчи тенгдошлари, адабий-

ижодий бирлашмаларнинг аъзолари иштирок этишганда янада ортади.

Турли ёшдаги болаларни шеъриятга жалб этиш йўллари ҳар хил бўлса-да, мақсади битта — шахснинг маънавий бойинши, унда эстетик тасаввурларни шакллантиришdir. Мисол та-риқасида совет болалар шеъриятининг классикларидан бири Д. Хармснинг ижодини тарғиб қилиш тажрибаларини келтира-миз.

Д. Хармс ижоди болалар адабиётида энг ёрқин, бетакрор ўқодисадир. Унинг ижоди ўзига хос поэтик силсилага эга бўлиб, унда файритабий, кутилмаган метаморфозаларни, кутилмаган номувофиқликларни ўз ичига олган ўйинлар етакчилик қиласди. Д. Хармс ўзининг борлиқни идрок этиш табиатига кўра болаларга яқин. Унинг шеърияти беқиёс юмор туйғусига, жиловланмас хаёл, сўзни бетакрор ишлата олиш иштиёқига, товушни имконият даражасида ранг-баранглаштиришга, фокусларга тў-либ-тошган. Унинг шеърлари шакл жиҳатидан мукаммал, улар сўзнинг олмос қирраларининг тобланишига, сўз ўйинларига лиммо-лим. Қитобхонларнинг шеърий ўйинлари муҳим тарбия-вий аҳамиятга эга бўлиб, болалар ҳис-туйғуларининг таъсиричан қатламига таъсир этиш орқали улардаги ақлий қобилиятини ўсишига кўмаклашади.

Кичик ёшдаги болаларда тил бойлигини ўзлаштириш «сўз орқали ва сўз» ўйини орқали амалга ошади. «Ҳақиқатан сўз ўйинида,— деб ёзган эди М. Горький— бола она тилининг но-зикликларини ўрганади, унинг мусиқийлиги ва филологлар аташганидек «тилининг руҳи»ни ўзлаштиришади»¹⁴.

Д. Хармснинг ижодини болаларни рус тили хазинасига эл-тувчи, уларнинг тилни ўзлаштиришдаги такомилига кўмаклашувчи манба сифатида олиб қараш мумкин.

Болалар эътиборини Д. Хармс шеъриятига қаратиш учун дастлабки «Даниел Хармс жуда қувноқ бўлиш учун нима қилиш лозим эканлиги сирини биларди» деган эпиграф остида «Хармс—Чармс—Шардам ҳикоя қиласди...» мавзууда кўргазма ташкил қилиш керак. Кўргазмада шоирнинг: «Иван Иванич Самовар», «Сирли расмлар», «Шеърлар», «Бу, нима эди?», «12 ошпаз» каби қатор китоблари Ф. Лемкулем, М. Митурич, Б. Крейцер, С. Беломлинскийлар томонидан ишланган таъсиричан безаклар, шунингдек, Д. Хармснинг «Киши уйдан чиқди», «Плих ва Плюх» асарлари ёзилиб чиройли ғилофларга солинган пластиинкалар намойиш қилинади.

Д. Хармс шеърияти билан ишлашнинг энг қулай усули овоз чиқариб ўқишишdir. Ҳатто кутубхоначи шоирнинг «Иўлбарс кўчада», «Миллион», «Ўта даҳшатли воқеа», «Иван Иванич Самовар», «Киши уйдан чиқди», «Қувноқ чижклар», «Мушуклар» ва бошқа шеърларини ўқиб бериши мумкин. Д. Хармс шеърлари оҳангдор, мусиқавий қувноқ бўлгани учун уни тингланганда

¹⁴ Горький М. О детском литературе. М., 1968, 99-бет.

ёш китобхонларда яхши кайфият юзага келади. Бундай ҳолда сиз ёқиб қолган шеърни ёки ундан бирор парчани ўқишини тавсия этинг. Бу — болаларда ижодий фаолликни ривожланишида катта аҳамиятга молик.

Ўқилган нарса ҳақидаги сұхбат билан биргалықда олиб борылған мутолаа ёш китобхонларда сўзни ҳис қилишнинг ўсишига, тасаввур, таҳайюлий фикрлашнинг, поэтик диднинг боишига ёрдамлашади.

Кутубхоначи китобхонга шоир шеърлари даги бевосита, енгил, нур ёғилиб турған юморнинг мафтункорлигини, улардаги ажойиб сўз-ўйинларини ҳис қилишга кўмак беради.

Кутубхоначи Д. Хармс асарлари қайта ўқишиз бола англай олмайдиган ажойиб ҳиссий қатламларга бой эканлигини (масалан, «Иван Топоришкін») диққат-эътибордан қочирмаслиги керак. Шунинг учун қайта ўқиш албатта ўтказилиши лозим.

Кутубхоначи ўқилган асар, дейлик, «Миллион» шеъри ҳақида сұхбат ўтказаётганда китобхонга шоир кашшоғ отрядларининг ҳаракати ритмини, уларнинг аниқ, шахдам қадам ташлашларини қандай ифодалаганини идрок этишга ёрдам беради. Шеърнинг ритмик тузилишига, шоир санъаткорларча қўлланган «тўрт» (четыре) сўзи воситасида юзага келган поэтик такрорга йўналтириши керак. «Сиз, шоир қандай сўз, товушлар ёрдамида кашшоғлар маршини тасвирлаганига эътибор бердингизми?» деган савол китобхонларни поэтик такрорга янгича қарашга, улардаги ёрқинлик ва қудратни ҳис қилишга имкон беради. Поэтик такрорлар моҳиятини тушунишда «Мабодо шоир такрорлар иштирокидаги сатрларни олиб ташласа, шеър қай ахволда бўларди, бу ҳақда нима дейсиз?» саволини бергач, шеърни ўша сатрларсиз қисқартириб ўқиш ёрдам беради. Болалар сўзга ўта сезгир бўлганликлари учун бундай ҳолда шеър ўз гўзаллигини йўқотиб қашшоқ, зерикарли бўлиб қолганини дарҳол сезишиади. Сұхбат сўнгидаги шеърни яна бир марта тўлиғича ўқиш керак. Бундай қиёслаш китобхонларга мазкур шеърнинг оригиналлигини, завқдорлигини очишга имкон беради.

Кутубхоначи болаларни Д. Хармс шеърияти билан таниширишда унинг овоз, оҳанг ранг-баранглигига эътиборни қаратиши лозим. Шоирнинг «Иван Иванич Самовар» шеърига тўхталинг-да ва болаларга поэтик, бу ўринда самовар образининг яратилишида сўзларнинг жарангдорлиги қандай аҳамият караб этганлигини тушунтириб беринг. Улардан: «Шеърнинг қаҳрамонларидан ким муаллифга кўпроқ ёқади?». Нима учун? Сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз?»— деб сўранг. Болалар самоварни тасвирлашда шоир фойдаланган сўзларни тақрорлашади. Жавобларни эшигтгач, шеърнинг ёрқин аллитерацияларга бой дастлабки сатрларини ўқиб беринг.

Парчани ўқиб бергач, болалардан мазкур мисраларда нисбатан кўпроқ қўлланилган товушларни аниқлашни илтимос қи-

линг. Мазкур шеърдаги воқеалар ривожланиши қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати билан боғлиқ ҳолда ўзгарувчи шеърнинг ритмик шакли билан бевосита алоқадордир. Болалар бу фарқни идрок эта олишлари учун улардан: «Самовар олдига ким ҳаммадан тезроқ келди? Ким эса секинроқ?» деб сўранг, сўнгра болаларнинг жавобларини тасдиқловчи парчаларни ўқиб беринг.

Д. Хармснинг қувноқ шеърлари, бадий саноқларини ўқишида кутубхоначи турли хил топишмоқлар, шоир томонидан тавсия этилган ребуснома сатрларни топишда болалар ўйинига иштироқчи сифатида қўшилиб кетади, бироқ ўзининг тарбиячи вазифасини унутмайди. Шоирнинг «Алдамчи» қувноқ шеърини тинглаган болаларнинг аксари дастлаб ҳақиқат тингловчи-қаҳрамонлар томонида, деб ўйлашади. Шеърдаги воқеалар тизмасининг кулгилиги ҳам мавжуд тартибининг бузилишпదидир. Ахир икки томон тўқиб чиқарувчилар ҳам, тингловчилар ҳам — яхши: бироқ бир ноэхтимоллик иккинчиси билан тўлдирилади.

Бу шеърий жумбоқ ёш китобхонлардан топқирилик ва мушоҳада юритишини талаб этиади. Кутубхоначи: «Қаҳрамонлардан қай бири — тўқиб чиқарувчи — ҳикоячими ёки билмасвой-тингловчилар ҳақми, сизлар қандай фикрдасизлар?» деган савол бериш билан муаммони юмшатиши мумкин. Болалар эътиборини, аввало шоирнинг бадий тил кашфиётларига қаратиш керак. Масалан, риторик саволнинг тасдиқга айланиши жараёнида жонли нутқга хос бўлган хусусият касб этиши; шеърнинг бетакрор ритмикасини юзага келтирувчи сўзларни ўзига хослик билан бўғинларга ажратилиши кабилар. Буларни аниқлаш учун: «Тўқиб чиқарувчи болалар эътиборини ўзига қаратишга муваффақ бўлдими? Сиз буни қандай қилиб билдингиз? — деб сўраш керак.

Овоз чиқарниб ўқиши шоирнинг, безакчи-мусаввир М. Беломлинский мўйқаламига мансуб, «Шеърлар» тўплами муқовасини биргаликда томоша қилиш билан якунлаб, ундан кейин болалардан муқовада қайси шеърларнинг қаҳрамонлари тасирланганини сўраш мумкин. Бу китобхонларни Д. Хармс асарларини яна бир бор эслаб, такрорлашга имкон беради.

Шоир шеърларини ўқиши ёш китобхонлар хаёlinи, таҳайюлий фикрлашини ўстиради. Унинг «Ажойиб мушук» шеърий ғайритабий топқирилик, ажойиб ўйинига мисолдир. Шоир қаҳрамони шунчаки мушук бўлган гаройиб бир кўриниш — ҳолат яратади. Китобхонларда шеърдаги шоир томонидан қўлланилган сўз, нотабний ҳолатлар қандай таҳайюлийлар юзага келтирганини аниқлаш учун, шеърни эшитишгандан кейиноқ асарга мослаб расмлар чизиши тавсия этинг.

Д. Хармснинг ижодига бағишлиланган эрталабки адабий суҳбат кутубхонада ишлашнинг қизиқарли усууллари дандир. Бу тадбирга ҳатто ҳали шоир шеърларини ўқимаганларни, масалан болалар боғчасидаги тайёрлов группаси ёки қўшни мактаб

бірінчи синф ўқувчиларини ҳам таклиф этиш мүмкін. Буни ташкил этиш ва ўтказиша кутубхоначи байрамға келган китобхонларда тәсірчан күтариликтиң қандай қилиб юзага келтиришни ўлаши лозим?

Кутубхона биносыні Д. Хармс персонажлари — чиж, қаногли итлар, бурни чүзилаётган киши ва бошқалар тасвири билан безатиш мүмкін.

Байрамнинг адабий композициясига Д. Хармснинг ҳам настрий, ҳам шеърий асарлари: бадий ўқиши, ҳикоя қилиб бериш, сақналаштириш, адабий викторина кабилар тарэида киритилади. Қувноқ ўйинлар, ижодий шароитни ташкил этиш мазкур тадбирнинг асосидир.

Бошланишида барча болалар ижросида шоирнинг ажайиб шеърларидан бири — «Миллион»ни ўқылгани маъқул. Шеърнинг жарангдорлиги, уннинг саф тортиб юришга мос ритмикаси йиғилганларнинг күтарилик кайфиятими оширишга далда бўлади. Ундан кейин кутубхоначи шоир ҳақида, қандай қилиб Д. И. Ювачевнинг Даниил Хармс бўлиб қолганлиги, уннинг ҳаёти ва биринчи совет болалар журнallари — «Чиж» ва «Кирпич» саҳифаларида бошланган адабий фаолияти ҳақида гапириб беради. Бундай сұхбат учун шоирнинг дўстлари ва замондошларининг хотираларидан фойдаланган маъқул. Кейин болаларга шоирнинг ўзларига ёқсан шеърларини ўқишини таклиф этиш борасида ёш китобхонлар руҳиятининг энг катта талабларини қувноқ ва ҳайратомиз кулишларини қондирибгина қолмасдан, балки уларга шеър нафосати, сўз ўйини, ритмлар, оҳанглар, жарангдорликлардан завқланиш имконини ҳам берасиз. Хармснинг бир овозли поэтик асарлари ҳам С. Юрскийнинг ижросида байрамда жаранглаши мүмкін («Киши уйдан чиқди»нинг пластинкадаги ёзуви).

Д. Хармснинг поэтик асарларини сақналаштириш эрталабки байрам пайтида фойдаланилиши мүмкін бўлган усууллардан биридир. Шоирнинг 1—2 та шеърини, масалан, «Иван Иванич Самовар»ни танлаш мақсадга мувофиқ. Уйинларга қизиқкан кичик ёшдаги болалар эрталабки чой ичишининг бевосита иштирокчиларига айланадилар. Олдиндан болалар томонидан тайёрланган ясама самовар, кийим-кечаклар саҳнага ўзига хос кўргазмалилик баҳш этади.

Поэтик кўргазмалилик Д. Хармснинг настрий асарларида ҳам тўлиқ юзага чиққанлиги учун байрам режасига уннинг «Фақат энг ақлли одамгина топа олади», «Жумбоқли воқеа» ва «Кўрқмас кирпич» туркумидаги ҳикояларни мутолаа қилишни ҳам киритиш мүмкін.

Болалар мұаллиф томонидан тавсия этилган ўйинда иштирок этишади ва ҳар бир асар сүнгига уннинг топишмоқ-саволларига жавоб беришга ҳаракат қилишади: «Қандай қилиб Қарл Иванович Шустерлинг бир дақиқада шундай ғалати соқолли кишига айланиб қолди? Эҳтимол сиз менга Карл Ива-

новични қаерга ғойиб бўлганини айтиб берарсиз? Кирпилар қандай чийиллашини ким билади?» тарзидаги саволлар шулар жумласидандир.

Эрталабки байрамни викторина-ўйин саволлари билан ниҳоялаш мумкин:

1. Қирқ тўртта хушчақчақ чижлар чалишни биладиган музика асбобларини сананг («Хушчақчақ чижлар»).

2. Мазкур парчанинг сўнгида тушириб қолдирилган сўзни айтинг:

Бари яхши тугаб алҳол,
Биродарга маълум дарҳол.
Қезмоқ бўлсанг агар сайрон,
Бирга олмоқ лозимдир ...

(«Ўта даҳшатли воқеа»)

3. Қим расмда акс эттирилганларнинг қайси касбга тааллуклигини тезда айта олади? (Болаларга «12 ошпаз» шеърига ишланган безакларни кўрсатиб). Мазкур шеър қандай номланган?

4. Болалар ўйинининг тезкорлигини ифодалаш учун шоир «Ўйин» шеърида қандай сўзлардан фойдаланган?

Кетдик ғизиллаб,
Кўча бўйлаб,
Йўлка бўйлаб.
Ҳаккалаб, сакраб,
вағиллаб:
«Зу-зу-зу ...

5. Қайси шеърнинг қаҳрамони қуйидаги сўзларни айтган:

..Учрашув пайти келди,
Мана, бешта кам саккиз.
Хайр энди, кеч бўлди!
Буюрсин занжирингиз!

(«Бульдог ва такси»)

6.

Кичик деди: «Фалокат-бу,
Бизга ҳужум қилмоқчи у,
Чекмаслик-чун биз ғам-қайғу,
Ит олдинга нон отдиқ-ку..»

Мазкур парчада такрорланаётган сўзларни топинг. Уларнинг орасида фарқ борми, сиз бу ҳақда қандай фикрдасиз? Улар гап бўлакларининг қайсинисига тааллуқли? («Ўта даҳшатли воқеа»).

7. «Жуда ҳам ширин пирог» шеъридаги қолдиринб кетилган ўринларни тўлдиринг.

8. «Эртак» ҳикоясининг муқаддимасидан фойдаланиб, қирол

ва қиролича ҳақида ривоят ўйлаб топинг ва уни Д. Хармс ҳикоясининг қаҳрамони Вания тўқиган худди шу мавзудаги эртак билан қиёслаб кўринг.

Санъат ҳақидаги адабиётни тарғиб қилиш. Китоб ўқиш, худди шунингдек, санъатнинг бошқа турлари — тасвирий санъат, театр, кино, музика санъати билан танишишдан эстетик завқ олиш асосан болаларни санъат ва уни яратувчилар ҳақида нималарни билишлари билан бевосита боғлиқ.

Кутубхона фондларида тасвирий санъат, мусиқа, театр, адабиёт, санъат, ҳайкалтарошлиқ, архитектура, кинонинг сеҳрли олами масалаларига бағишлиланган ёш китобхонларга ёрдам берувчи китоблар кўп. Бу китоблар бадний-биографик қисса, ҳикоя ёки ҳужжатли таржимаи ҳол жанрида ёзилган бўлиб, санъаткор, композитор, ёзувчи, ҳайкалтарош, артистларнинг ҳаёти ва фаолияtlари ҳақидадир. Буларга яна санъатнинг муайян бир тури ҳақидаги илмий-оммавий китоблар, у ёки бу жанрнинг ўзига хослиги, асарнинг яратилиш тарихига боғланган, маданият ва санъат тараққиётининг тарихий босқичларига шу жанрлар ҳам киради.

Ёш китобхонларга мўлжаллаб адабиёт ҳақида чиқарилган асарларнинг мундарижаси ҳам ранг-баранг бўлиб, улар ўз ичига мактаб режаларини ўрганиш учун ёрдам, китобнинг тўлиқ тадқиқ этишга бағишлиланган, бадний асар қаҳрамонларининг прототиплари, муайян адабий йўналишлар ҳақидаги китобларни ўз ичига олади.

Кутубхона китобхонни йўналтирувчи, қомусий ва луғат йўснидаги асарларга ҳам бой. (Масалан, «Ёш мусаввирининг қомусий луғати», 10 чиқаришдан иборат «Тасвирий санъат мактаби» ва бошқалар.) Мактаб ўқувчилари учун чиқарилаётган санъат муаммоларига доир вақтли тўпламлар («Кашшофларнинг мусиқа клуби», «Ёлқинлар»), альманахлар («Мусиқа жавони», «Мусиқа ва сен») мусиқани идрок этишда дастлабки қадамдир.

Санъатга бағишлиланган бўлимлар умумий йўналишдаги «Ҳамма нарсани билгим келади» каби тўпламлардан ҳам ўрин олган. Ўсмирларни санъатнинг ранг-баранг жанрлари билан «Кашшоф», «Гулхан», «Смена», «Ёшлик», «Ёш мусаввири» журналлари ҳам таништириб боради.

Қайд этилган адабиётлар болаларга санъат асарларини идрок этишда зарур билим, кўникмалар беради, уларни эстетиканинг асосий категориялари, эстетик фикр тараққиёти тарихи ва бошқалар билан таништиради. Буларнинг ҳаммаси ўсиб келаётган ёш авлоднинг бой руҳий дунёси, юксак эстетик идеалларини шакллантиришда муҳим шарт-шароит бўлиб хизмат қиласи.

Кутубхонадаги болаларни хилма-хил санъат турлари асарлари билан таништирувчи кинорасм ҳужжатлар (диафильмлар, диапозитивлар, ёзувли пластинка, суратлардан кўчирма ва

бошқалар) ҳам эстетик тарбияга хизмат қиласи. Диафильмлар санъат тараққиётининг қайсиdir босқичини акс эттиради, улар санъат жанрлари, ёзувчилар, композиторлар, санъаткорлар ҳақида ҳикоя қиласи, санъатдаги муайян мавзуга бағишланади. Композиторлар ҳақидаги диафильмлар грампластинкалар билан янада түлдирилиши мумкин.

Кутубхоналар диафильмлардан ташқари рус ва жаҳон санъати дурданаларидан, шунингдек, маданият араббларини намойиш этувчи диапозитивлардан ҳам фойдаланиши мумкин.

Мусиқали ва мусиқасиз ёзув пластинкалари ҳам чиқарилади; кичик мактаб ёшидаги болалар учун қўшиқлар ёзилган пластинкалар, мусиқа жўрлигидаги эртаклар, болалар кинофильмлари учун ёзилган мусиқалар; ўсмирлар учун эса — ҳалқ қўшиқлари, классик ва замонавий мусиқа, симфоник ва вокаль асарлар, мактаб ва қашшоф қўшиқлари битилган пластинкалар чиқарилади. Шунингдек муайян мавзудаги мусиқали ёзувлар, адабий-мусиқали композициялар ҳам мавжуд. Турли синфлардаги ўқувчилар учун «Қашшоф қўшиқлари солномаси», «Гинглаш учун мусиқа» каби туркумлар ҳам мавжуд.

З ва 10 ёшдаги болалар эшишини учун мўлжалланган пластинка ёзувларида болаларнинг мусиқий маданиятини ўстирувчи, дастлаб мусиқа асарларидан таниш образларни топиб, кейин ундаги мусиқа асбобларини фарқлашга, катта мусиқий асарларнинг моҳиятини тушунишга етакловчи ёзувлар жамланади.

Кутубхонада «Кругозор», «Колобок» каби овозли журналлар бўлиши керак, уларнинг ёрдамида кўплаб болаларни мусиқага жалб этиш мумкин.

Кутубхоначи «Умумий таълим мактаблари учун мусиқа ҳақида сұхбатлар» ва «Мусиқий савод чиқариш ҳақидаги» овозли ёзувлар каби ёзув сериялари мавжудлигини билиши шарт. Болалар мусиқа мактаби ўқувчилари учун «Рус мусиқий адабиёти бўйича фонохрестоматия» овозли қўлланма чиқарилган. У рус композиторларининг асарлари ёзилган (операдан парчалар, алоҳида мусиқий асар ва бошқалар) грампластинкалар йиғиндинисидан ташкил топган. Улардан кутубхона китобхонлари билан ишлашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Тасвирий санъат асарларини кўра билиш, мусиқа, театр, кинони тушунишга ўргатиш биргина кутубхоначининг иши эмас. Бироқ у китобхонларда қизиқиши уйфотиши, санъат ҳақидаги китобнинг қизиқарлилигини тушунтириши, уни ўқиши маданиятини ўстириши, мазмунини илғай олишга ёрдамлашиши, санъат асарларини ўзига эстетик тўлақонли идрок этишда муаллиф ниятини тўғри англашга ёрдам бериши мумкин.

Л. Виготский, ҳар бир ёшдаги болаларга мос доимо ўсиб борувчи санъат турлари ва бадиий ижод турлари мавжуд, деган эди. Шунинг учун мусиқага қизиқишидан самарали фойдаланиш бутун ўсмирлик ёши учун қулайдир. Театр ҳақидаги билимни эгаллаш 7—8-синф ўқувчилари (катта ёшдаги ўсмирлар) учун мосдир.

Кутубхона Л. Виготскийнинг ана шу мулоҳазаларига таяниб, мазкур ёшдагилар учун мос бўлган санъат турлари ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилиш борасида китоблар ҳақидаги доимий маълумотларни, санъатнинг бошқа турлари ҳақида ҳикоя қилувчи асарларни тавсия этади. Санъатнинг муайян тури ҳақидаги китобни ўқишида раҳбарлик қилиш ва уни тарғиб қилишда бошқа санъат турларини ҳам идрок этиш учун маълум шарт-шароитлар яратилади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда бадиий-ижодий фаолиятга мойиллик ва санъат асарлари билан юзма-юз танишувга қизиқиш кучли бўлса-да, санъат ҳақидаги билимларни онгли эгаллашга интилиш уччалик эмас. Кутубхоначи бу ёшдаги китобхонларда санъат ҳақидаги асарларни ўқишига қизиқишини ўйфотиши, уларга уни идрок этишдаги дастлабки қўнікмаларни сингдириши зарур.

Педагогларнинг кузатишича, болаларда 10 ёшга келиб шахсий ижодий фаолиятга (масалан, расм чизишга) қизиқиш бирмунча сусаяди; шунда санъатшуносликка оид билимлар сезиларли натижа бера бошлайди, билишга доир эҳтиёжлар пайдо бўлади, матнни бевосита кўтаринки идрок этишдан англанган теран тушунишга, мантиқий фикрлашга ўтиш бошланади. 12—13 ёшларга келиб мустақил ўқишининг ўрни анча ўсади, санъат соҳасида муқим қизиқишилар юзага кела бошлайди. Бу ёшда санъат ҳақидаги адабиётлар тарғиботи катта ёшдаги ўсмирлар учун санъатнинг ранг-баранг турларининг инсон ҳаётидаги ўрнини ёритиб беришдан, шунингдек, унинг тили ва образлилик хусусиятларини ўзига хослигини англатишдан иборат бўлиши керак.

Кутубхоналар иш тажрибасида санъатнинг ранг-баранг турлари ҳақидаги адабиётларни ҳар томонлама тарғиб этувчи хилма-хил усуллар мавжуд. Ранг-баранг санъат турларига оид асарлар кечалар ва эрталиклар режасига қўшимча восита сифатида киритилади. Бу ҳол кўпроқ санъатга доир ўтказилган сухбатларда, шунингдек санъат ҳақида ўтказилган муайян мавзудаги учрашувларда кўпроқ кўзга ташланади. Бундай тадбир бевосита китоб билан боғланиши ва китобхонни эстетик жиҳатдан тарбиялашни кўзлаб амалга оширилиши лозим.

Кутубхоналар санъат ҳақидаги адабиётларни тарғиб қилишда хилма-хил кўргазмали усулларни қўлланади. Улардан бири «Санъат» бўлимида ташкил этилган барча учун очиқ, муайян соҳага бағишланган қисмлардир. Кўргазмалар қўйидаги-ча «Сеҳрли оҳанглар оламида», «Балет — сеҳрли мамлакат», «Мўйқалам ва нақш усталари», «Театр учрашувлари», «Совет киноси артистлари» ва ҳоказо тарзида номланиши мумкин. Ажратилган қисмларга озроқ миқдорда китоб ва журналлар қўйилади. Санъат ҳақидаги китобларни, вақтли нашрларни, кўргазмали иш ва кино, расм, овоз ёзилган ҳужжатларни тарғиб қилиш кенгайтирилган расмли-китоб кўргазмасини ташкил этишга имкон беради. Булар асосан кутубхонада санъат намо-

яндаларининг юбилейига багишлиб ўтказиладиган катта оммавий тадбирларда амалга оширилади.

Материални мавзу, давр, жанр асосида танлашни негиз қилиб олган расм-китоб кўргазмаси туркумларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Совет санъатининг ғоявий-бадиий бойлиги ва жанр жиҳатдан ранг-баранглигини намойиш этувчи — «Мусиқа, тасвирий санъат ва адабиётда В. И. Ленин образи»; «Тасвирий санъат, музика ва адабиётда табиат», «Улуғ Ватан уруши — адабиёт ва санъатда», «Бизнинг замондошимиз» қаби мавзулар кўргазмасини ташкил этиш мумкин.

Санъат ҳақидаги китобларни давр бўйича тарғиб қилишда турли замон ва халқларнинг, улар тарихий тараққиётининг муайян босқичидаги адабиёт ва санъатига бағишлиланган «Қадимий рус санъати», «Ўйғониш даври тасвирий санъати», «XVIII—XIX асрлар Farb санъати» ва бошқа туркум кўргазмалар катта ёрдам беради.

Китобхонларнинг санъат ҳақидаги билимларини шакллантиришда, уларни алоҳида санъат турларининг ранг-баранг жанрлари ва уларнинг ўзига хослигини очиб берувчи китоблар билан таништириш муҳимдир. Кутубхоначи бунда асарнинг жанр табиатига асосий эътиборни қаратган ҳолда санъат асаларидағи мазмун ва шакл бирлигини англашга, томоша қилинган, эшитган нарсанинг бадиий қимматини идрок этишга ёрдам беради. Бундай китоблар кўргазмаси — «Натюроморт санъати», «Портрет яратиш санъати» «Балет санъати» ва ҳоказолар тарзида номланиши мумкин.

Адабиётшунослик асалари ёзувчилар ижодиёти ҳақидаги кўргазмада намойиш қилинади. Машҳур адабий танқидчиларнинг асаларига махсус кўргазма ташкил этиш шарт эмас. Уларни танқидчилар фикр билдириган асарни ўқишига тавсия этганда тарғиб қилиш мумкин.

Бир китобни кўргазмасини ташкил этиш ҳам кенгайиб бормоқда. Бир китоб кўргазмаси деб номланиш шартлидир. Бир китоб асосий, бош йўналиш сифатида олинниб, атрофига уни тўлдирадиган, бойитадиган китоб ҳамда материаллар қўйилали. Масалан, В. Порудоминскийнинг рус тасвирий санъати дурданалари ҳақидаги «Биринчи Третьяковка» китоби асосий бўлиб, унинг атрофига мазкур асар мавзусини тўлдирадиган бошқа китоблар, диапозитив ва суратлар, тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати қўйилади.

Педагогик жиҳатдан «овози эшиттириладиган» ёки «галирувчи» адабий ва кенг оммага мўлжалланган материаллар кўргазмасини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунинг қиммати шундаки, китобхон бунда магнитофон лентасига ёзилган сухбат ёки умумлаштирилган мулоҳазаларни эшитиши мумкин. У фақат китоблар ҳақида маълумот олиб қолмай, мазкур кўргазмада қўйилган пластинкали ёзувларнинг мазмуни, мундарижасини ҳам эшитади.

Одатда Марказий болалар кутубхонаси ёки МКСнинг катта филиалларида ва яқинда жойлашган мактаблар томонидан уюштирилган кўргазма-кўриклар анъанавий тус олган. Кўргазма-кўрикларнинг мундарижаси ранг-барангдир. Ўқув йилининг бошланишида ёки ярим йилликда мактабда ўқитиладиган фанлар мавзусига доир санъат ҳақидаги адабиётларнинг кенгайтирилган кўргазмаси ташкил этилади.

Мактаб ўқув режаларини билиш кутубхоначига санъат ва адабиёт ҳақидаги китобларни ўз вақтида тавсия этишга, адабиёт, тарих, тасвирий санъат ва мусиқа машғулотларида олган китобхонлар билимини кенгайтириш ва теранлаштиришга ёрдам беради. Якка ўқишга раҳбарлик қилишда кутубхоначи мактаб ўқув режасига оид ўқув материалларни факультатив топшириқларни бажариш ва ўрганишга ёрдам берувчи адабиётларга бўлган қўшимча сўровларни қондиради.

Демак, театр билан қизиқувчи ўсмирларга Гоголь — драматург ҳақида мақоласи бўлган «Гоголь ва театр» номли китобни, мусиқа мактаби ўқувчилари ва мусиқани ёқтирувчи ўсмирларга эса Гоголнинг мусиқавий иштиёқи ҳамда қобилияти ҳақида, унинг халқ қўшиқларини тўплашдаги фаолияти тўғрисида, Гоголь асарлари сюжети асосида Глинка, Мусоргский, Чайковский ва бошқа композиторлар томонидан яратилган опера ҳамда симфоник саҳналар ҳақида ҳикоя қилувчи Г. Тюменеванинг «Гоголь ва мусиқа» номли китобини тавсия этиш мумкин.

Кутубхоначидаги ҳар қандай мавзудаги китобхон сўровини кенгайтириш имконияти бор. Масалан, уруш ҳақидаги китоблар билан қизиқувчи ўсмир китобхонларга мазкур мавзуни мусиқа, тасвирий санъат, театр, кинода ёритилишини умумлаштирган адабиётни тавсия этиш ёки саргузашт китобга бўлган қизиқишини қондириш мақсадида Дрезден галереяси асарларини излаш ҳақидаги ўткир сюжетли Л. Волинскийнинг «Етти кун» асарини кўрсатиш мумкин. Китобхон ўткир сюжет воситасида тасвирий санъат ҳақидаги асар билан танишади.

Юмористик журналлардаги расмларни томоша қилишни яхши кўрадиган китобхонни одатда, тасвирий санъатнинг ҳажв жанри ўзига тортади. Бундай ўқувчи эътиборини Б. Ефимовнинг «Мактаб ўқувчиларига: «Карикатура ва ҳажвчилар ҳақида» номли китобига йўналтириш керак.

Бадиий маданият соҳасига марка йиғувчи ишқибозларни ҳам жалб қилиш фойдадан холи эмас. Масалан, китобхонга Д. Қабалевскийнинг «Менинг азиз дўстларим» китобидаги «Ўқувчи-филателистлар билан мулоқот» номли хатини тавсия этиш керак. Унда композитор санъат мавзуидаги маркаларни қандай йиғиши лозимлиги борасида маслаҳатлар беради. Ундан кейин китобхонга композиторнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги китобни ўқишини тавсия этиб, унинг асарларини тинглашга имкон яратиш керак.

Мактаб ўқувчиларини санъат ҳақидаги китобларни ўқишига

ўргатиш, уларда санъатнинг ўзига бўлган иштиёқнинг уйғониши ва ривожи билан боғлиқдир.

Кутубхонада мусиқа маданиятини оммавий тарғиб қилишнинг ўзига хос усули — бу мусиқани жамоа бўлиб тинглашdir. Бундай ҳол ўсмирларни мусиқа ҳақидаги адабиётларни ўқишига рағбатлантиради. Муайян мавзу ёки севимли қўшиқларга, бошқа мусиқий асарларга бағишиланган «Мусиқий дақиқалар» усули анча яхши самаралар беради. «Мусиқий дақиқалар» аксарият ёзув пластинкалари, шунингдек умумлашган йўналишдаги кўргазмалар билан тўлдирилади.

Кутубхоналарда мусиқий асарларни тушунтиришлар билан тинглаш ташкил этилади. Бундай тадбирлар композиторнинг ҳаёти, у яратган асарнинг тарихи ҳақидаги суҳбат, китоблар таҳлили мусиқа яратилган бадиий адабиёт асосидаги диафильм ва расмларни намойиш қилиш бирга қўшиб олиб борилиши керак. Кутубхонада мазкур композиторларнинг асарларини ёки улардан муайян парчаларни, масалан П. Чайковскийнинг «Мунгли қўшиқ» ва «Баркарола», Л. Бетховеннинг «Патетик соната»сига муқаддимани, С. Прокофьевнинг «Золушка» балетидан бошланишни, «Александр Невский» канцасидан авж нуқтани тинглашни ўюнтириш мумкин.

Ўсмирларни мусиқа санъати ҳақидаги китобларни ўқишига жалб этишда дастлаб унинг энг оммавий тури — қўшиқ ҳақидаги адабиётларни тавсия этишдан бошлаган маъқул. Кичик ёшдаги ўсмирларнинг диққатини пионер қўшиқларига қаратиш, кейин эса қўшиқ ҳақидаги тасавурларини кенгайтириш учун Е. Долматовскийнинг «Сенинг қўшиқларинг ҳақида ҳикоялар» китобини тавсия этиш муҳимдир. Ўсмирларда санъат асарларига қизиқиш улар мазкур асарнинг яратилиш тарихини, композитор томонидан ўйланган ва бунёд этилган мусиқанинг қандай ҳаётни шарт-шароит билан боғлиқлигини билгандан сўнг, яна ҳам кучаяди ва мустаҳкамланади. «Асар биографияси»ни билиш, Д. Қабалевскийнинг фикрича, бадиий маърифатнинг асосини ташкил этади.

Кутубхоначилар санъаткор, ижодкор шахсига, унинг таржимаи ҳолига қизиқиш уйғотиш, унинг энг яхши асарларини яратилиш тарихини ёритиш, ижодкор ижодий лабораториясининг сирларига ошно қилиш учун китобхонларни ижодкор қораламалари, қайд ва вариантлари, уни қўли билан тузатилган ўринларнинг суратлари туширилган диафильмларни кўрсатишдан фойдаланадилар. Бундай материаллар китобхонларга асар муаллифларининг меҳнатини ҳис қилишга ёрдам беради, кутубхоначига эса бу китобхонни ёзувчининг асарини билишгина эмас, балки у ҳақидаги адабиётни ўқиш ҳам ижодкор ҳақигина муайян шахсий тасаввурларни юзага келтиради, деган фикрга ишонтиришда қўл келади.

Ўсмирларни театр ҳақидаги китобларни ўқишига жалб этишда кутубхоначига оммавий ахборот воситалари — ойнаи жаҳон ва радио ёрдам беради. Кутубхоначи ўзининг китобхонлар би-

лан машғулотини театр, унинг муаммолари, анъаналари, буюк саҳна усталари ҳақидаги кўрсатувлар билан қўшиб олиб бориши мумкин.

Бадий таълимнинг вазифаси санъатнинг ҳар бир инсон, жамият ҳаётидаги ўрнини англашни тараққий эттиришдан, бадий образни идрок этиш иқтидорини сингдиришдан иборатdir. Бу болаларни санъатнинг образли тили, унинг бадий воситалари билан таништиришни тақозо этади. Уларга ҳис қилишни, ўз ахлоқий позициясини, асарга ўз муносабатини аниқлай олишни, қолаверса, умуман санъат ҳақида, ватан ва чет эл санъат асарлари ҳақида муайян билим ва тасаввурларни сингдириш керак.

Бу вазифалар эса санъат ҳақидаги асарларни ўқишига раҳбарлик қилиш жараёнида амалга оширилади. Кичкентойларга катталарнинг ёрдамисиз мазкур материални ўзлаштириш анча мушкулдир, зоро улар ўн ёшга тўлишганда асарларни фарқлашни ўрганишади, холос. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари орасида санъат ҳақидаги асарларни тарғиб қилишнинг асосий усуслари овоз чиқариб ўқиш ва суҳбатdir. Бу ёшдаги болаларда илмий—мушоҳада китобларга қизиқишининг юзага келиши худди бадий адабиётни ўқишига бўлган иштиёқни шаклланиши кабидир. Бу иштиёқни баҳолаш мезонини бадий асар асосий қисмларини — деталь, сюжет парчаси, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ва бошқаларни фарқлаш белгилайди. Китобга нисбатан ҳали содда, тўла англанмаган, лекин тўлақонли кўтарики-эстетик муносабат китобхон-болаларнинг энг муҳим фарқловчи хусусияти ҳисобланади.

Тасвирий санъатга бағишлиланган китоблар ҳақидаги суҳбатда узундан-узоқ ҳикоя қилишдан қочиш керак. Болаларнинг эътиборини образни юзага келтирувчи ёрқин деталларга қаратган маъқул. Шундай йўл тутилса, болалар ўзларини ҳамкор, асар персонажлари, образларнинг муаллифдошлари деб ҳис қиласидар. Суратнинг мазмунини баён қилиб берманг, у ҳақдаги китобга, бўёқ, шакл, композиция воситасида тасвирилаётган нарса ва ҳодисага ўз муносабатини ифодалаётган санъаткор услубига асосланиб, уни кўрсатинг. Дейлик, Л. Куряцеванинг «Рус ери паҳлавонлари» китоби устида ишлашда кутубхоначи асар матнида учрайдиган нотаниш, масалан, «скипидар», «холст», «плалица», «исполин» каби сўзларни тушунтириб бериши керак. Кутубхоначи В. Васнецовнинг қатор асарлари ҳақида ҳикоя қилаётсиб, муаллиф қандай қилиб мусаввирининг ижодий портретини уddyалай олганлигини, ижодий жараёнинг ўзини китобхон кўз ўнгида нечоғлиқ гавдалантириб, мусаввирининг расм билан уйғунлашиш жараёнини қандай тадқиқ этганлигини кўрсата билиш керак. Шундай ҳолда бола асар яратилишида ўзини иштирокчи ҳис қиласиди. Суҳбат давомида болаларни «Паҳлавонлар» асарининг яратилиш тарихига, мусаввир шахсининг шаклланишига, қандай қилиб оддий қишлоқ боласини етук ижодкор бўлиб етишганига қизиқтира олиш ке-

рак. В. Васнецов ҳақидаги китобнинг мундарижаси унинг икки ўрнида икки хил катталикда берилган — дастлаб узоқдан, ке йинча эса катта режада — расм кўчирмасини тушуниб етишга ёрдам беради. Бу китобхонга расмга янгича қарашга, у дастлаб пайқамаган қиррани кашф етишга кўмаклашади.

Кичик мактаб ёшидаги болалар расмдаги деталларга эътибор беришади, персонаж, инсон хулқ-авторидаги ўзига хос хусусиятларни илғашади, шу жиҳатдан уларга расм, этюд, қораламаларда акс этган алоҳида деталларнинг тўлақонли бадний образга айланиш жараёни қизиқарлидир. Қаҳрамонлар табиатини идрок этишда китобдаги мусаввирнинг дастлабки ижодий ниятини англаб етишга ёрдам берувчи тасвирий парчалар, расм деталлари, унга қораламаларни кузатиш ўта муҳимдир. Буни тушуниш учун китобхонни аста-секин қўйидаги «Добриня Никитич табиатини ифодалаш учун мусаввир қандай воситалардан фойдаланган? Қаҳрамонларни бирлаштирган нарса нима?» тарзидаги саволлар билан йўналтириш даркор. Худди шундай йўсинда «Алёнушка» асарининг кўчирилган нусхасини кўриб чиқиш мумкин. Муаллиф Л. Кудрявцеванинг расм мазмунини тушунишга ёрдам берувчи мулоҳазаларига китобхонлар эътиборини қаратиш керак. Л. Кудрявцеванинг китоби ҳақидаги суҳбат пайтида кўз воситасида берилган таърифни кўргазмали тасвирий асар билан биргаликда олиб қараш мактаб ўқувчиларига унинг мазмунини яхшироқ ўзлаштиришга кўмаклашади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар орасида халқ нақш-ўй-макорлиги санъати ҳақидаги китобларни тарғиб қилиш, уларда ўз маданиятларининг заминига кўтарилик-маънавий муносабатни шакллантириш мақсадини кўзда тутади. Энг муҳими, болалар нақш-ўй-макорлик санъати билан қизиқишлиди, унинг моҳияти ва самарасини ҳис қилишлари керак. Кичик мактаб ёшидаги китобхонларни Е. О. Каменеванинг «Қандай қилиб хўрз сочиққа тушиб қолди» китоби билан таништириш лозим. Китобни овоз чиқариб ўқиши, дейлик шаҳар кутубхонасида, болаларнинг қишлоқ жойларига тегишли, яъни у ерда кўриш мумкин бўлган ўймакорлик нақшлари, халқ нақш ўймакорлик намуналари ҳақидаги хотираларини эса тушириш билан қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Болаларнинг кўргазмали-образли фикрлаши расмда реал нарсаларни аниқ гавдалантирилишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам сақланиб қолган санъат обидаларий ҳақида гап кетганда болага имкони борича утарнинг ҳужжатли аксини тавсия этган маъқул. Масалан, Н. Мишченко асарларида (Е. О. Каменова китобида)ги Қижи архитектура обидаси тасвирини фото ва рангли суратлар билан тўлдириш керак.

Кичик мактаб ёшидаги болалар театри ҳақидаги китоблар бўйича суҳбатлар ўтказганда қўйидаги саволларга эътиборни қаратиш лозим: санъатнинг муҳим тури сифатида театр қандай хусусиятларга эга, театр қандай пайдо бўлган, у инсон ҳаё-

тида қандай ўрин тутади, спектакль қандай яратилади ва ҳо-казолар. Сұхбат узоқ үтмишда юзага келган құғирчоқ театри-нинг яратилиш тарихига ҳам бағишланиши мүмкін. Бу мавзу Е. Сперанскийнинг «Тұрт оғайни ҳақида ұқоялар» ва С. Образцовнинг «Мен бутун умрим давомида құғирчоқ ўйна-дим» китобларида яхши өртилған.

М. Смирновнинг «Бугун Винни-Пух театрда» китоби шу-нинг учун ҳам қимматлики, унда санъатнинг хилма-хил турлари биргаликда ва ўзаро алоқадорликда олиб қаралади. Болалар эътиборини муаллифнинг театр ҳәети ҳақидағи, бир не-ча вазифаларни бажарувчи жонли, чиройли расмларига қара-тиш мүмкін: улар ахборот, тарбиявий, тасвирий ва декоратив вазифаларни адо этишади. Болалар муаллиф расмларига асос-ланиб томоша зали қандай, тасвирий анжом тайёрлаш нехи қандай ишлайди, бутафор цехидаги усталар нима қилишади тарзида ұқоя қилиб беришлари мүмкін.

Китобдаги расмларни кузатиб, болаларга китоб сақиғала-рида чизилған «Винни-Пух» спектаклидаги у ёкн бу костюм қайси қаҳрамонга тегишли қабилидаги ўйин усулинни қўлла-ниш ҳам ўринлидир. Бундай иш болалар Милн эртаги билан олдиндан таниш бўлгандаридагина самара беради. Болаларга ўз фикр-туйғуларини ўzlари ифодалашларига имкон бериш керак. Болаларнинг ташаббускорлигини ўстира бориб, уларга севимли спектакларидаги иштирок этувчиларнинг расмларини, эртакларга костюм ва кўринишларини, улар саҳнада қандай кўришни хоҳлашгандек, чизишни тавсия этиш мүмкін.

Адабий асарнинг ўзи билан танишиш болаларни мусиқани, асарнинг образларини, тилини онгли идрок этишга тайёр-лайди. Айни пайтда мусиқа кўтаринки-образли фикрлашни фаоллаштиради, бадиий матнини теран ўзлаштиришга қўмак-лашади. Адабий асардаги мотивлар асосида яратилған адабий-мусиқий композициялар, опера ва балетлар ўқувчиларга ҳам мусиқа, ҳам адабиёт учун умумий бўлган ҳодисаларни аниқ-лашда ёрдам беради.

Кичкинтойлар учун мусиқали эртаклар, адабий-мусиқий кў-ринишлар ёзилған пластинкаларни тинглашни ташкил этиш фойдалидир. Масалан, Ш. Перро эртагини ўқиши, С. Про-кофьевнинг «Золушка», П. Чайковскийнинг «Ухлаётган соҳиб-жамол» балетларидан, А. Пушкиннинг «Шоҳ Султон ҳақида эртак...» асарини, Н. Римский-Корсаковнинг «Шоҳ Султон ҳа-қида эртак» операсидан олинган мусиқий парчалар билан бир-галикда амалга ошириш мүмкін. Сұхбатта мазкур эртакларга доир яратилған диафильм, пластинка, китоблар қўйилған «Биз эртак ўқиймиз ва эшитамиз» мавзуидаги кўргазмани ҳавола этиш ҳам ўринлидир.

Кичик мактаб ёшидаги китобхонлар билан «Мусиқа менга эртак айтib бер» номли қизиқарлы мусиқавий ўйин ҳам ўтка-зиш мүмкін. Эртак қаҳрамонлари билан китобхонлар эртак-лар, ғаройиб мамлакатлараро саёҳатга чиқадилар. Саёҳатчи-

ларга йўлда В. Одоевскийнинг «Тамакидондаги шаҳарча», Г. Х. Андерсенning «Дюмовочка», Ш. Перронинг «Золушка», «Ухлаётган соҳибжамол», Э. Гофманнинг «Шелкунчик ва сичқонтар шоҳи» эртаклари ҳамроҳ бўладилар. Қичкинтойлар билан суҳбатни эртак мазмунини баён қилиб бериш асосига эмас (чунки буни улар яхши билишади), балки эртаклардаги парчаларни мусиқий асарга солиштириш асосига қуриш керак. В. Одоевскийнинг эртаги ҳақида сўзлаганда А. Лядовнинг «Мусиқий тамакидон» музикали пьесасини тинглаган маъқул. Болаларга китобдаги очиқ мусиқий тамакидонни акс эттирган безакларни кўрсатиш керак, бу ажойиб нарса ҳақида ҳикоя қилиб, композитор мусиқасининг табиятига эътиборни қартиш лозим. Эртакнинг Золушкани балга бориши ўрнида С. Прокофьевнинг «Золушка» балетидан вальсни тинглаш мақсадга мувофиқ. Саёҳат давомида, эртакдан-эртакка ўтиб ва бу ҳикоя усулини мусиқий парчалар билан тўлдириб, кутубхоначи, болаларга бадиий ва мусиқий асарлар ўртасидаги алоқани ҳис қилишга имкон беради.

Туркум суҳбатларни мусиқа тинглаш билан муттасил биргаликда олиб бориш китобхонларнинг ижодий тасаввурларини ривожланишига кўмаклашади.

В. Левшиннинг «Қичик сеҳргар» эртаги ҳақидаги гуруҳли суҳбат мусиқий асбоблар, уларнинг яратилиш тарихи, ҳар бир асбобнинг оркестрдаги ўрни: дирижёрнинг вазифаси ҳақидаги муҳокамага сабаб бўлиши мумкин.

Суҳбатни эртакнинг жажжи қаҳрамони флейти-пикколонинг «нима учун» саволига берган жавоблари асосида олиб борса ҳам бўлади. Улар оркестрдаги ҳар хил асбобларни таърифлаш ва тавсифлашга имкон беради. Мусиқа асбобларининг муайян турлари ҳақидаги ҳикояни ана ўшу асбобларнинг у ёки буниси етакчилик қилган мусиқали парча билан уйғунликда олиб бориш маъқул. Суҳбатни олиб бориш учун; «Таёқча ҳақиқатдан ҳам сеҳрли эдими? Эртак нима учун шундай номланади? Нима учун ликопчалар Тубу Тумбанинг ғашига тегишади? У қайси оиласга мансуб? Контрабас ўзича бирон нарсани ижро эта оладими? Жажжи флейти-пиккола сизга кимни эслатади? У қандай куйлайди? У қайси оиласга киради, унинг «яқинлари» кимлар? Нима учун ногора уни менинг таёқчам деди? Нима учун ноғоранинг «яқинлари»ни зарбчилар дейилади? «Қандай асбоблар зарбчилар гуруҳига киради? Таёқчанинг келиши билан нима учун ҳамма асбоблар севиниб кетишиди? Нима учун оркестрга дирижёр керак?» каби саволлардан фойдаланилади.

Ўсмирларда санъат ҳақидаги китобларга қизиқишни шакллантиришда биографик асарлар муҳим аҳамият касб этади. Улар ижодкор — мусаввир, мусиқачи, ёзувчиларнинг ички дунёсини ёритади; у яшаган давр, тарихий шарт-шароит ҳақида тушунчалар беради; санъаткорнинг ниятини тушунишга, унинг ижодий лабораториясига кириб боришга кўмаклашади, унинг асарларини яратилиш тарихини билишда, ҳаёт материалини са-

ралаш ва баҳолашда, борлиқни идрок этиш ва акс эттиришдә ҳамма-хаммасида ўзлигини намойиш этувчи санъаткор ижодининг ўзига хос, бетакрор табиатини теран идрок этишда ёрдам беради.

Ёзувчилар, түғрироғи, бадиий-биографик китобларнинг муаллифлари ўзига хос, кўп ҳолларда бетакрор инсонлар тақдирини, борлиқ, кишилар, гўзаллик ҳақидаги тасаввурларни гавдалантирадилар. Биографик маълумот, ҳужжатларга асосланган ҳолда муаллиф уларни ўз тафаккур мушоҳадасидан ўтказиб, уларни шахсий таассуротлар билан жилолайди. Муаллифнинг биографик материалга бундай муносабати маданиятнинг буюк намояндлари — ёзувчи, мусиқачи, мусаввир ва бошқаларнинг шахсияти ва ижодини китобхонлар томонидан теран идрок этиши каби ўта муҳим вазифани ҳал этишга қаратилган.

Ўзини шахс сифатида баҳолай олишга интилиш, инсоний муносабатларда муайян ахлоқий мезонларни топишга ҳаракат қилиш, ўсмирларни биографик китобларга бўлган қизиқишини белгилайди. Бундай китоблар улар ўз шахсиятини англаб этиш билан боғлиқ жумбоқларни ҳал этишда, ҳамкорлик, ўзгалар дардига ҳамдард бўлиш эҳтиёжини қондиришда ёрдам беради. Ўсмир қаҳрамоннинг кўтаринки кечинмалар дунёси доирасига тушиб, баъзан бу кечинмаларни ўзиники сифатида қабул қиласди. Биографик китобларни ўқишига раҳбарлик қилишнинг тарбиявий таъсирини ошириш учун китобхонга бош қаҳрамоннинг шахсиятини кўра олиш, унинг ахлоқий-бадиий идеалини тушуниш ва англаш, унинг бадиий ўзига хослигини ҳис қилишда кўмаклашиш зарур.

Биографик китобларни мутолаа қилишда ўсмирни тайёрлаш, китобни идрок этиш шарт-шароитини яратиш учун тавсиявий сұҳбат ўтказиши катта аҳамиятга эга. Сұҳбат пайтида кутубхоначи китобнинг муфассал таърифини келтирмаслиги керак, китобхоннинг майли, иштиёқи, нечоғли ўқимишлилигини, ўсмирлар гурухининг қизиқишини ўсишига кўмаклашувчи омилларини назарда тутиб, асар мазмунининг муайян томонларини тушунтиргани маъқулдир. Кутубхоначи ўсмирларнинг диққат-эътиборини биографик қисса ва ҳикояларга йўналтириб, уларга санъаткор ижод қилган давр, тарихий шарт-шароит, ўша давр кишиларининг турмуши ва одатлари ҳақида, яъни ижодкорнинг руҳий оламини шаклланишига, унинг ижодини ахлоқий-естетик йўналишига таъсир кўрсатган омиллар ҳақида сўзлаб беради.

Айни вақтда кутубхоначи мазкур масалаларга оид зарурий адабиётларни тавсия этади. Бу китобхонга қаҳрамон-ижодкор қарашларининг ўсишини түғри англаш ва тушунишга, унинг шахсияти, дунёқарашини даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти билан биргаликда олиб қарашга имкон беради. Тавсиявий сұҳбат чоғида китоб қаҳрамонининг ҳаёти, айниқса, шахсининг ахлоқий камолоти, қизиқишлиари, идеаллари, табиатининг шаклланиши кўзга ташланга бошлаган болалик ва ўс-

кабиларнинг ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи бобларга бағишилаш мумкин.

Китобхонтар билан ўқилган адабиётшунослик асарлари ҳақида ҳам сұхбатлар ўтказиш керак. Адабиётшуносларнинг китобхонларга ёзувчининг шахсияти, унинг изланишлари мотивини, руҳий ҳолати, унинг ижоди билан дунёқарашининг уйғуларигини тушунишга ёрдам берадиган китоблари нисбатан күп сүралади. Масалан, В. Турбиннинг «Гоголь қаҳрамонлари» китобига доир сұхбатда Гоголнинг бадиий оламиға, китобда талқын этилган маданий-тарихий борлыққа эътиборни қаратиш керак, китобхонни ёзувчи шахсини билишга, бадиий асарларида акс этган қараашларини англашга жалб этиш лозим.

Опера ва балет санъати ҳақидаги билишга оид оммабоп китобларни тарғиб қилиш, адабий манба билан танишиш, уни либеретто билан муқоясалаб, операнинг ўзига хослигини китобхонга танишириш орқали амалга ошиши керак. Масалан, А. Бородиннинг «Князь Игорь» операси ҳақида ҳикоя қилувчи китоблар хусусида адабий-мусиқий соат ўтказишида катта ёшдаги китобхон-ўсмирларга операнинг адабий манбай, муаллифда операни яратиш ниятининг юзага келиши, унинг устида ишлаши, биринчи саҳналаштирилиши, унинг рус опера санъати тараққиётидаги аҳамияти ҳақида гапириб бериш керак. Сұхбат давомида операнинг асосий эпизодларини ёритиб берган В. Фаворскийнинг безакларидан фойдаланган маъқул. Опера муқаддимасини изоҳлашда В. Васнецовнинг «Ҳаммом», «Игорь Святославовичнинг половецлар билан жангидан кейин» асарларидан олинган күчирмаларни намойиш қилиш керак. Сұхбат операдан парчаларни эшлиши, кутубхоначининг изоҳлари, опера ҳақидаги китоблардан муайян қисмларни ўқиши билан бирга қўшиб олиб борилади. Операнинг биринчи саҳналаштирилишига кўринишлар чизган рус мусавиirlари К. Коровин ва Н. Рерих ҳақидаги китобларни, операнинг пластинкали ёзувларини ҳам сұхбатга қўшиб юбориш лозим.

Катта ўшдаги ўсмирларга мусиқа санъатининг жанр бойлигини очиб беришда «Мусиқий меҳмонхонада» туркумидаги кечаларнинг ўтказилиши катта ёрдам беради. Бунинг учун Ю. Левашованинг «Мусиқий кечалар» китобидан фойдаланиш керак. Кечаларнинг мавзуи ҳар хил бўлиши мумкин: «Қўшиқ оқшоми», «Камер мусиқаси», «Опера билан танишув», Бородиннинг «Князь Игорь» операси», «Балет кечаси», «Симфоник мусиқа», «Камерли чолғу асбобли мусиқа» ва ҳоказолар тарзида.

Катта ўшдаги ўсмирлар учун пианиночи, дирижёр, қўшиқ ижрочилирига бағишиланган «Мусиқанинг қайта туғилиши» мавзудида кечалар туркумини ташкил этиш ҳам мумкин.

Ўқувчилар томонидан санъат ҳақидаги китобларни мутолаа қилиш оғзаки журнал усули билан қўшиб олиб борилади. Дейлик, Л. Волинскийнинг қайд этилган «Давр қиёфаси» китоби кўпқиррали ва терандир. Унинг мазмунини биргипа сұхбатлар

давомида тўлиқ таҳлил қилиб бўлмайди. Китобга оид туркум сұхбатлар тинглаган китобхонлар билан «Кўчиб юрувчилар санъати» мавзуида оғзаки журнал муҳокамасини ўтказиш мумкин. Уни китобхонларнинг ўзлари мустақил ўқилган ва тингланган материаллар асосида тайёрлашлари ҳам мумкин. Оғзаки журналнинг саҳифалари рисола табиати йўсинида бўлиб, ёзувчи мисол тариқасида келтирган ҳар хил мусаввирларнинг ижодига бағишиланиши ва мазкур оқим вакиллари ижодий ўсишини XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидағи тасвирий санъатнинг ранг-баранг жанрлари тараққиёти мисолида ёритиб беришга бағишиланади.

Оғзаки журнални ташкил этишга тайёргарлик кутубхоначидан китобхонлар билан ижодий, яккама-якка ишлашни, мазкур тарихий шароит ҳақида, XX асрнинг бошларида Россияда юзага келган муайян ўзгаришлар тўғрисида адабиётлар саралаш ва тавсия этишни тақозо этади. Кутубхоначи учун китобхонлар билан биргаликда кириш нутқи тайёрлаш шарт эмас. Бу санъат ҳодисаларини баҳолашда уларнинг мустақил йўл тутишларига халақит беради. Л. Волинский китобидаги материалдан фойдаланиб, у ёки бу мусаввирнинг ижоди ҳақида кириш сўзи тайёрлаш, унга қитоб муаллифининг муносабатини очиб бериш ва шубҳасиз, ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашиш, педагогик жиҳатдан тўғрироқдир. Масалан, оғзаки журналнинг саҳифаларидан бири В. Серовнинг ижодига бағишиланади. В. Серов ҳақида журнал саҳифасини тайёрлаётган китобхонга қўйидаги саволларни беринг: «Ёзувчининг китобида келтирилган В. Серовнинг «Мен қувончли, фақат қувончли нарсаларни ёқтираман ва фақат қувончни чизаман» сўзларининг маъносини тушунтириб беринг. Мазкур фикрлар унинг асарларида қандай акс этади? Муаллифнинг В. Серов асарларига қўнишиш «хавфлидир», деган мулоҳазасини қандай изоҳлаш мумкин? Буни муаллиф В. Серов портретлари ҳақида ҳикоя қилиш жараёнида қандай қилиб тасдиқлаган? Сени В. Серов портретларига бўлган муносабатинг танқидчиникига мос тушадими?» Ана шундай йўсинда кутубхоначи аста-секинлик билан китобхонларда бундай адабиётларга қизиқиш уйғотади, бу жараён эса ўз навбатида китобхон — ўқувчининг ахлоқий-эстетик қарашини шаклланишига ёрдам беради.

Катта ёшдаги ўсмиrlар билан, дейлик XVIII—XIX асрлар рус театри тарихи, бу давр ижтимоий ва адабий ҳаёти ҳақидаги китоблар асосида анжуманлар ўтказиш мумкин. Уларнинг тахминий мавзулари қўйидагича бўлиши мумкин: «Россия крепостной театри», «Фёдор Волков — рус театрининг асосчиси», «У рус саҳнасига ҳақиқатни олиб чиқди» (Шепкин ҳақида), «Шепкин ва рус ёзувчилари» каби. Бундай китобхонлар анжуманларидаги чиқишлар фақат театр ҳақида бўлиб қолмай, балки рус драматургияси, театр тараққиётига алоқадор буюк ёзувчилар ҳақида ҳам бўлиши мумкин. Масалан, «Пушкин ва театр», «Гоголь ва театр» кабилар тарзида.

Санъат ҳақидаги китобни таргиб қилишнинг самарадорлиги туркум тадбирларга қатнашаётган китобхонларнинг сони доимий сероб бўлгандагина ошиб боради. Шундай экан, кутубхоначи ўз китобхонларидан ана шундай доимий қатнашчиларни таъминлаш учун ҳаракат қилиши керак.

Санъат билан қизикувчи ўсмир китобхонлар учун кутубхонада «ѓўзаллик шайдолари» деган китобхонлик уюшмасини ташкил этиш лозим. Унинг режалари санъат ихлосмандларининг тасаввурлари, билими, идрокларини кенгайтиришга йўналтирилади. Учрашув мазмунига ҳалқ қўшиқлари мусаввир, композитор ижоди, муайян давр, масалан, Улуғ Ватан уруши даври. мусиқаси, опера ва симфониялари ҳақидаги китобларни асос қилиб олиш мумкин. Мазкур уюшма учрашувлари, тадбирларига мутахассислар — адабиёт ва мусиқа ўқитувчилари, музей ҳамда театр ходимларини таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ бу учрашувларни дарс жараёнига, машғулотга айлантириб юбормаслик керак. Шубҳасиз, учрашувларни шундай тайёрлаш керакки, токи уюшма аъзоларида тадбирларни худди ўзлари амалга ошираётгандек таассурот қолсин. Кутубхоначилар уюшма фаоллари билан биргаликда мазкур учрашув-йиғинларнинг ҳам ташкилотчиси, ҳам иштирокчиси бўлиб ҳисобланишади. Улар учрашувлар мавзууни белгилашади, китобхонларнинг муҳокамасини ўтказишади, янги адабиётлар ҳақида маълумотлар беришади, биографик маълумотномаларни тайёрлашади, клуб аъзоларининг эстетик сўровларини ўрганишади.

Клуб аъзолари аста-секин ҳам тенгдошлари, ҳам кичик ёшдаги болалар орасида санъат ҳақидаги асарларнинг тарғиботчиларига айланадилар. Ҳар бир учрашувга мактаб ўқувчилари у ёки бу мавзуда маъруза ёки ахборотлар, китоб кўргазмалари тайёрлашади, адабиётлар таҳлилини уюштиришади; улар кечаларнинг саҳналаштириш режаларини тузишда иштирок этишади, «Санъат менинг ҳаётимда», «Мен санъатда нимани излайман?» ва ҳоказо мавзуларда мунозаралар ташкил этишади.

Гўзаллик ихлосмандлари клубининг барча ишларини бошқаришга, унинг тадбирларини тайёрлашга беш-етти кишидан иборат клуб аъзоларининг кенгаши раҳбарлик қиласи. Тадбирларни тайёрлаш пайтида болаларга ўқитувчилар, кутубхоначилар, мусиқа мактаби муаллимлари, маданият уйининг раҳбари маслаҳатлар беришади. Кейин барча тадбирлар йиғилишда муҳокама қилинади. Топшириқларни бундай тақсимлаш мактаб ўқувчиларига ташкилий ишлар бўйича тажриба орттиришга, топширилган иш учун масъулнитни ҳис қилишга имкон беради.

Ахборот ва маълумотнома-билиоография ишлари

Кутубхонанинг болаларга хизмат кўрсатувчи ахборот ва маълумотнома-библиография ишлари китобхонларга ҳам, болалар ўқишига раҳбарлик қилувчилар (педагоглар, пионервожатийлар, ота-оналар) га ҳам қаратилгандир.

Маълумотнома-библиография аппарати

Маълумотнома-библиография аппарати (МБА) таркибига каталог ва картотекалар системаси, маълумотнома-библиография фонди, бажарилган маълумотномалар картотекаси киради.

Каталог ва картотекаларни юритиш давлат стандартларига, қоида ва қўлланмаларига, кутубхона-библиографик классификация (КБК) жадвалларига аниқ риоя қилишни кўзда тутади. Буларнинг ахборот бериши уларда китоб фондларининг таркиби ва мазмуни акс эттирилишининг батафсиллигига боғлиқдир.

Алфавит каталогида (АК) каталог варақачалари якка муаллифлар исмлари ёки фамилияларининг, жамоа муаллифлар номларининг ёхуд матбуот асарлари ва бошқа ҳужжатлар сарлавҳаларининг алфавити тартибида жойлаштирилади (ГОСТ 7.26-80). Алфавит каталоги кутубхонада мавжуд бир муаллифнинг ҳамма асарларини ва бир асарнинг турли нашрларини топиш имконини беради.

БМҚнинг алфавит каталоги ўз фондини ҳам, МҚС филиалари бўлган болалар кутубхоналарининг фондини ҳам тўлиқ акс эттиради. Филиал кутубхонада эса АКни фақат ўз фонди учун тузилади. Каталоглар учун варақачалар МҚнинг бултлаш ва ишлов бериш бўлимидаги тузилади; каталогларни БМҚ ва филиал кутубхона ходимлари юритадилар ва таҳрир қиласидар. АК варақачасига болалар ва мактаб кутубхоналари учун ҚБК жадваллари бўйича тўлиқ индекс ёзилади. Марказий АК учун мўлжалланган варақачанинг орқа томонидан мазкур нашр БМҚнинг қайси структурали бўлинмасида ва филиал бўлган қайси болалар кутубхонасида борлиги кўрсатилади. АК хизмат каталоги бўлиб, одатда, ундан кутубхоначилар, болалар ўқиши раҳбарлари фойдаланадилар.

БМҚда ва болаларга хизмат кўрсатаётган филиал кутубхоналарда сарлавҳаларнинг алфавит кўрсаткичи асарнинг фақат

номи маълум бўлган чоғда муаллифнинг фамилиясини аниқлашга ёрдам беради. Унга бадиий адабиётнинггина эмас, балки илмий-билиш адабиётининг номлари ҳам киритилган; кўрсаткич учун варақачаларни адабиётни бутлаш ва унга ишлов бериш бўлиммининг ходимлари тузадилар. Кўрсаткичдан кутубхоначилар, шунингдек 10—14 ёшлардаги ўқувчилар фойдаланадилар.

Каталог варақачалари системали каталогда (СК) кутубхона-библиографик классификация системаси белгилаб берганига мувофиқ билим соҳалари бўйича жойлаштирилади (ГОСТ 7.26-80).

СК ўқишга раҳбарлик қилишда, китобхонларнинг мустақил равишда китоб танлаши ва қидиришида муҳим ўрин тутади, мазмун жиҳатидан универсал билим соҳалари бўйича система-лаштирилган мустақил билим олиш мақсадидаги ўқишининг тавсия этиладиган репертуари сифатида иш кўради. У китоб фондида мўлжал олиш воситасидир.

Марказий системали каталог БМК да жойлаштирилган бўлиб, МКС даги болалар учун мўлжалланган ягона фонд адабиётини акс эттиради. Болалар ва мактаб кутубхоналари учун ҚБК жадваллари унинг структурали негизини ташкил этади. Каталог айрим ёш гуруҳларидаги (8—9 ёш; 10—11 ёш; 12—14 ёш) китобхон болаларга қаратилган қисмлардан иборат. Башарти болалар адабиёти фондлари катта бўлмаса, масалан, филиал қишлоқ кутубхонасида 10—11 ва 12—14 ёшдаги китобхонлар учун ягона системали каталог ташкил қилинади. Бундай каталоглар тегишли фонд яқинида жойлаштирилади. Кутубхона фондини тўлиқ акс эттирадиган алфавит каталогидан фарқли ўлароқ системали каталогда имкони борича ҳар бир асарнинг фақат сўнгги ёки энг яхши нашрлари кўрсатилган бўлади.

Болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган «Глобус», «Ҳамма нарсани билишни хоҳлайман», «Океан» ва шу каби кўринишидаги тўпламлардан, альманахлардан олинган материаллар аналитик тавсифининг мавжудлиги болалар учун мўлжалланган системали каталогнинг хусусиятидир. БМКнинг библиография мутахассиси ана шундай мақолаларни тўплайди.

Системали каталог учун каталог варақачалари адабиётни бутлаш ва ишлов бериш бўлимида юритилади. Филиал кутубхоналарга китоблар каталог варақачалари билан бирга келтирилади. БМК ва филиал кутубхонанинг СК учун жавобгар бўлган ходимлари каталогларни бошқарадилар. Адабиётни бутлаш ва ишлов бериш бўлиммининг маҳсус ажратилган ва болалар адабиётини системалаштирувчи ходими каталогни таҳрир қиласиди.

БМКда ва филиал болалар кутубхоналарида болалар учун СКдан алоҳида болалар ўқиши раҳбарлари учун системали каталог тузилади. Унда кутубхоначиларга, педагогларга, катта пионервожатийларга аталган адабиёт: партия ва ҳукуматнинг

кутубхоначилик ишига, маориф, тарбияга оид қарорлари; психология, ўқиш социологияси, китобхон болалар билан кутубхона олиб бораётган иш, болалар адабиёти назарияси, тарихи, танқиди ва библиографик масалаларига доир материаллар; тўпламлардан олинган аналитик тавсифлар, болалар ўқиши раҳбарлари учун методик материаллар, библиографик қўлланмалар акс эттирилади. Болалар ва катталар учун адабиёт фондига эга бўлган қишлоқ филиал кутубхоналарида болалар ўқишига раҳбарлик қилишга оид китоблар «74. Педагогика» бўлимида, болалар адабиёти тўғрисидаги китоблар эса катталар учун СКдаги «83.8 Болалар адабиёти» бўлимида кўрсатилади.

Алфавит-предмет кўрсаткичи (АПК) СК бўйича, рўзнома ва ойномаларнинг мақолалари системали картотекаси ва ўлкашунослик картотекаси бўйича дастур ҳисобланади. АПК билан СК ўртасида боғланиш класификацион индекслар ёрдамида амалга оширилади. Ўша индексларнинг ўзи, одатда системали каталогда рўзнома ва ойномаларнинг мақолаларини қидириш учун белгиланади. АК ва СК дан тескари қидириув АКнинг асосий варақачаларида кўрсатилган класификацион индекслар бўйича олиб борилади. Илмий-оммабоп адабиёт фонди мазмунини акс эттирувчи рубрикалар АПК га киритилади. Рубрикаларнинг ифодалари предмет, мавзу, тушунча ҳақидаги болалар идроки хусусиятларини ҳисобга олиши лозим.

Ойнома ва рўзнома мақолаларининг системали каталоги (МСК) СКга қўшимча бўлиб, 10—14 яшар китобхонларга атаглан ойнома ва рўзномалардан олинган мақолаларнинг тавсифидан иборат. МСКни БМК нинг библиография мутахассиси бошқаради. Одатда, МСК варақаларида сўнгги 2—3 йил ичидаги материаллар кўрсатилган бўлади.

Системали ўлкашунослик картотекаси 10—14 яшар болалар учун тушунарли бўлган жонажон ўлка тўғрисидаги адабиётни ва маҳаллий ёзувчиларнинг, фан арбобларининг асарларини тавсия этади. Бу картотека китобларнинг ҳамда тўпламлар ва вақтли нашрлардан олинган мақолаларнинг тавсифини ўз ичига олади, СК билан эса унинг ўлкашуносликка оид материаллар акс эттирилган бўлимлари орқали боғлангандир. Ўлкашунослик картотекасини библиография мутахассиси бошқаради.

Кичик ўшдаги китобхон болалар учун махсус ўлкашунослик картотекасини ташкил қилиш шарт эмас, лекин жонажон ўлка тўғрисидаги адабиётни 8—9 яшар ўқувчилар учун ҳам СКда акс эттириш керак.

Айтиб ўтилган картотекаларнинг ҳаммаси БМК учун мажбурийдир. МКС да болаларга хизмат кўрсатувчи бошқа бўлинмалар учун каталоглар билан картотекаларни қуйидагича қўшиб олиб бориш зарур. *Филиал болалар кутубхонаси* болалар учун ҳам, болалар ўқиши раҳбарлари учун ҳам бутун фондга мўлжаллаб алфавит каталогини ташкил қиласи. Бу кутубхонада сарлавҳаларнинг алфавит кўрсаткичи ҳам бўлиши лозим. 8—9 яшар китобхонлар учун БМКнинг СКга ўхшаш расмли

ажраткичлари бўлган системали каталог тузилади. Китоб фонди катта бўлган чоғда 10—11 ва 12—14 яшар китобхонлар ўрта ва катта ёшдаги ўқувчилар учун мўлжалланган СК ажраткичларидан ёки китоб фонди катта бўлмаган вақтда 10—14 яшар ўқувчилар учун мўлжалланган умумий СКдан, шунингдек МСКдан фойдаланадилар, МСК да болаларга тушунарли бўлган ўлкашунослик табиатидаги материаллар акс эттирилади. Болалар ўқиши раҳбарлари учун адабиёт алоҳида системали каталогда акс эттирилади.

Катта ёшдаги қишиларга ва болаларга хизмат кўрсатувчи филиал-кўтубхонада (масалан, қишлоқ филиал-кутубхонаси) филиалнинг бутун фондига, шу жумладан болалар учун адабиётга мўлжаллаб алфавит каталоги юритилади.

6—7 яшар болалар учун имкони борича айрим мавзуу ва жанрлар юзасидан чиройли қилиб безатилган альбом-каталоглар, турникетлар ташкил қилинади.

Рўзнома ва ойнома мақолаларининг системали картотекаси (агар уни тузиш имкони бўлса) икки қисмдан: катта ёшдагилар учун; 10—14 яшар болалар учун мўлжалланган қисмлардан иборат бўлади.

Болалар ўқишига раҳбарлик қилиш учун мўлжалланган материаллар, методик нашрлар катталар учун белгиланган СК ва МСКда акс эттирилади.

МСК маълумотнома-библиография аппаратининг мазмуни ва тузилиши «Давлат оммавий кутубхоналарини марказлаштириш тўғрисидаги «Низом»¹ ва бошқа кўрсатма берувчи-методик материаллар билан белгиланади. Қоидага мувофиқ каталоглар ва картотекалар системаси бутун марказлаштирилган система китоб фонdlари марказий кутубхонанинг китобхонлар ва хизмат каталогларидан, болалар марказий кутубхонаси ва филиал-кутубхоналарнинг каталоглари ва картотекаларидан таркиб топади. Каталог ва картотекаларнинг ана шу системаси ва марказлаштирилган система бўйича уларнинг тақсимланиши ўёки бу нашрнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни кутубхоналарнинг қайси биридан олишни, сўнгра эса уни китобхонлар учун талаб қилиб олишни ҳал қилишга ёрдам беради.

Маълумотнома-библиография фонд асос бўладиган ва кўрсатма бериш табиатидаги материалларни, маълумотномалар ва маълумотнома нашрларини, библиографик қўлланмаларни ўз ичига олади.

Қомуслар, лугат ва маълумотномалар маълумот берувчи нашрларга киради. Китоб фонди кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари учун «Бу нима. Бу ким» қомусий нашрга, ўсмирлар учун эса «Болалар қомуси»га эга бўлиши керак.

Ахборот ва маълумотнома-библиография ишда умумий табиатига эга қомусдан (Катта совет қомуси, Совет қомусий лу-

¹ Қаралсин: Руководящие материалы по библиотечному делу. 112—116-бетлар.

ғатдан), Қисқача адабиёт қомусидан ва шу кабилардан ҳам фойдаланилади. Ҳатто кичик мактаб ёшидаги китобхонлар сўровларининг универсал ва айни вақтда аниқ бўлиши кутубхоначининг ана шу қомусий нашрларга мурожаат қилишини тақозо этади.

Кутубхонанинг маълумотнома-библиография фондида болалар учун мўлжалланган қомусий луғатлар ва қомус табиатидаги китоблар бўлиши лозим. Масалан, кичик ёшдаги китобхонлар учун Я. Марголиннинг «Ўсимликнинг уйи қаерда» китоби, ўсмир китобхонлар учун эса «Ёш техник қомусий луғати», «Ёш табиатшунос қомусий луғати», «Ёш рассом қомусий луғати», «Ёш филолог қомусий луғати» ва шу кабилар шундай дастурдир. Бундай нашрларнинг хусусияти шуки, улар болаларни қизиқтирадиган кўпгина саволларга жавоб беради, фантехника ва маданиятнинг муайян соҳаларига оид уларнинг билимларини кенгайтиради ва айни вақтда маълумотнома-адабиётидан фойдаланишга ўргатади.

Тил, изоҳли, соҳавий луғатлар, урғу, орфоэпик, орфографик, хорижий сўзлар, сиёсий атамалар луғатлари, маҳсус (жукрофия, фотографик ва бошқа) луғатлар ҳам керак.

Ўсмирлар учун касб танлашга, қасбга йўллашга оид маълумот берувчи китобларни, масалан, «Қасблар ҳақида икки оғиз сўз», «Қасбга йўл» туркумидаги китобларни танлаш зарур.

«Глобус» жукрофий йилномаси тариқасидаги китоблардан, «Ҳамма нарсани билишни истайман», «Прометей» илмий-бадиий альманахлари ва шу кабилардан маълумотнома нашрлари сифатида фойдаланиш мумкин, булар саволларга жавоблар олишга ёрдам беради.

Маълумотнома-библиография фондида «Қадамжолар бўйлаб» туркумидаги китоблар, альбомлар, атласлар, жукрофий ва сайёҳлар хариталари, бошланғич ва ўрта мактаблар учун дастур ва дарсликлар ҳам бўлиши керак.

Библиография қўлланмалари: умумий қизиқишлир билан бирлашган турли ёшдаги китобхон-болалар учун мўлжалланган адабиёт жанрларидан ёки турларидан бирига бағишиланган универсал, мавзуи қўлланмалар, маълумотнома-библиография фондининг бир қисми ҳисобланади.

Болалар ўқиши раҳбарлари учун маълумотнома-библиография фондда болалар ўқишига доир адабиётнинг, «Китоб — болаларга», «Болалар адабиёти», «Болалар адабиёти тўғрисида» тўпламларининг, болалар ёзувчилари ва асарлари болалар ўқишига кирган ёзувчилар ижодига оид очеркларнинг, В. И. Ленин номидаги СССР Давлат кутубхонаси, «Книга» ва «Детская литература» нашриётлари, жумҳуриятлар кутубхоналари нашр этган методик-библиография қўлланмаларининг, «Детская литература», «В мире книг», «Библиотекарь», «Семья и школа», «Воспитание школьников», «Литературное обозрение» журналларининг, «Книжное обозрение» рўзномасининг бўлиши муҳимдир.

Кутубхоначилар МКС марказий кутубхона ёрдами билан ўз маълумотнома-библиография аппаратини муттасил тўлдириб туриш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, китоб фондида етишмаётган луғатлар, маълумотномалар, библиографик қўлланмаларни аниқлашлари лозим.

Мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган маълумотнома-библиография фонди хизмат кўрсатиш бўлимларида, каталог ва варақачалар яқинрогига жойлаштирилади. Қомусий ва маълумотнома нашрларининг якка-ягона нусхалари ўқиш залидаги алоҳида жавонда тўпланади. Кўпгина кутубхоналарда китоблар ёнига бемалол бориш жавонларида маълумотнома адабиётига ҳаволалар қўйилади. Мактаб ўқувчилари учун мўлжалланган баъзи бир маълумотнома ва библиографик қўлланмаларни имкони бўлса, билимларнинг мазкур соҳасига оид адабиёт қўйилган жойда тўплаш яна ҳам яхшироқдир.

Маълумотнома-библиография фондида *бажарилган маълумотлар картотекаси* ҳам бўлиши лозим. Одатда бу китобхонларнинг кўп марта берган сўровларига жавоблар ҳисобланиб, бундай сўровларни бирданига қондириш ҳам мумкин эмас, чунки бундай сўровлар анчагина библиография қидирувларни талаб қиласди. Ана шундай сўровлар ва уларга қайтарилиган жавоблар баён қилинган варақалар мавзуларга кўра жойлаштирилади. Кутубхоначига ана шундай савол тушган чоғда у мавжуд жавобдан фойдаланади, китобхоннинг тайёргарлигини ҳисобга олиб, тегишли суратда уни қайта кўриб чиқади, янги адабиёт билан тўлдиради, эскириб қолган адабиётни олиб қўяди ва шу тарзда китобхонга топширади. Бажарилган маълумотлар картотекаси кутубхоначининг вақтини тежайди.

Маълумотнома-библиография аппарати китобхонлар ва кутубхоначилар меҳнатини илмий ташкил қилишнинг муҳим негизи бўлиб хизмат қиласди, ўқишга раҳбарлик қилиш имкониятини яхшилайди.

Aхборот иши

Ахборот ишининг моҳияти шуки, кутубхона фондларига келтирилган янги адабиёт тўғрисида, муҳим ва мактаб ўқувчиларини қизиқтирадиган мавзуларга бағишлиланган нашрлар ҳақида китобхонларни мунтазам равишда хабардор қилиб туради. Ахборот бериш муттасил олиб борилади, унинг мазмуни энг муҳим тарбиявий ва умумий таълим вазифалари, китобхонларнинг қизиқишилари, уларнинг ёш хусусиятлари, олинаётган адабиёт мавзуси, вақтли нашрлар муаммолари билан белгиланади. Кутубхонанинг ахборот ишида оммавий, гуруҳий ва якка тадбир шаклларидан фойдаланилади.

Китобхон кутубхона китоб фонdlарининг мазмуни тўғрисидаги дастлабки тасаввурни китоб жавонлари ёнига эркин бориш йўли билан олади. Китоб кўргазмалари ҳам уни бу ҳақда хабардор қиласди. Каталоглар ва картотекаларни бир система-

га бирлаштириш кутубхонанинг китоб фондларини кўп жиҳатдан: нашрларнинг тур ва билим соҳалари, мавзулар, жанрлар, муаллиф ва номларнинг алфавити бўйича; китобхонлар ҳар бир ёш гуруҳи билиш имкониятлари ва қизиқишиларига мувофиқ тарзда очиб ташлаш имконини беради.

Ахборот манбай сифатида каталоглардан фойдаланишининг жадаллиги кўп жиҳатдан китобхонларнинг кутубхона-библиография тайёргарлиги даражасига боғлиқдир.

Ахборот ишида кутубхоначининг сўзи — кутубхоначининг кутубхона ва унинг бўлимларининг иши, китоблардан фойдаланиш қоидалари тўғрисидаги ҳикояси асосий роль ўйнайди. Бундай ахборот ҳатто энг кичик китобхонларга ҳам тушунарлидир.

Йўлкўрсаткичлар, расмли китобчалар, плакатлар, магнитофон ёзувлари, слайдалар ҳам сал каттароқ ёшдаги мактаб ўқувчилирига кутубхона тўғрисида ҳикоя қилиб бериши мумкин. Булар кутубхона бўлимларининг иши, эркин бориш мумкин бўлган жавонлардаги китобларнинг жойлаширилиши, китоблар ҳақида, кутубхонага янги келтирилган китоблар тўғрисида маълумотлар олиш манбалари тўғрисида хабардор қиласиди.

Болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхона ахборот ишининг асосий мазмуни турли ёш гуруҳига мансуб ёш китобхонларнинг ўқув, ижтимоий ва шахсий талаб-эҳтиёжлари билан белгиланади.

Кутубхона ўз китобхонларини ўргана бориб, қизиқишилари қарор топган, мунтазам равишда ахборот олиб туришга эҳтиёж сезган ўқувчилар гуруҳларини аниқлаши лозим. Ихтисослаштирилган мактабларнинг ўқувчилари, қизиқишилар бўйича мактаб факультативлари, бирлашмаларининг тингловчилари, фан тўғаракларининг аъзолари ва шу кабилар ана шундай тингловчи бўлиши мумкин. Бундай гуруҳларда кутубхоначиларгина эмас, балки тайёргарлиги бўлган, катта билим эгаси бўлган ўқувчилар ҳам ахборотчи бўлишилари мумкин. Ахборотчи фаоллар ахборот мавзусини белгилашда кутубхоначига кўмаклашадилар, материал танлашда қатнашадилар ва ҳатто ахборот учун акратилган бутун адабиёт ёки унинг бир қисми бўйича обзорлар билан чиқадилар.

Гуруҳга ахборот бериш якка тартибдаги ахборотнинг ўрнини боса олмайди.

Ўқувчи болаларнинг қизиқишилари ва ўқиш имкониятларини билиш кутубхоначига муайян мавзулар ва билим соҳаларига, адабиёт турларига қизиқиши тугилаётган китобхонларни аниқлашга ёрдам беради. Кутубхоначи бундай китобхонларни уларнинг розилиги билан алоҳида ҳисобга олади. Кутубхоначи якка ахборот олишга эҳтиёж сезган китобхонни билиб олишдан аввал уни қизиқтирадиган мавзуни, муаммони аниқлаб олиш учун у билан сұхбатлашиши керак. Мавзу қанчалик аниқ бўлса, ахборот шунча бир мақсадга қаратилган бўлади. Кутубхоначи

начи мавзуни белгилагандан кейин китобхоннинг фамилиясини маҳсус картотекага ёзиб қўяди ва шу тариқа уни қизиқтирадиган масалага доир адабиёт тўғрисида узоқ вақт давомида унга маълумот бериб туриш юзасидан ўз зиммасига мажбурият олади. Шундай китобхонларга мазкур мавзу ёритилган китоблар, ойномалар, рўзномалар ва тўпламларда босилган мақолалар варақачаларнинг иккинчи нусхалари ойда бир марта ёки икки марта бериб турилади.

Ўсмирларнинг қизиқишлари беқарор бўлиб, тез-тез ўзгариб туради. Шу боисдан якка тартиbdаги маълумот олаётган китобхонлар билан сұхбатлашганда шу китобхонга таклиф этилган адабиёт унга маъқул бўлган ёки бўлмаганигини, мавзу чегараларини аниқлаш керакми ёки йўқлигини, унда янги қизиқишлар пайдо бўлдими ёки йўқлигини вақти-вақти билан сўраб туриш лозим.

Сұхбатларнинг натижалари китобхоннинг картотекасидаги варақачага ёзиб қўйилади. Варақачада китобхоннинг фамилияси, исчанчи синфда ўқиётгани, сўров мавзуи, маълумот берилаётган манбаларнинг номи кўрсатилади.

Гуруҳий ва якка тартиbdаги ахборотга ўқувчиларгина эмас, шу билан бирга пионервожатийлар, ўқитувчилар ва бошқалар ҳам жалб қилиниши керак. Улар кутубхонада болалар адабиёти, болалар ўқиши, болалар билан кутубхонада ишлаш масалалари юзасидан ахборст олишлари мумкин. Шу ходимларнинг ҳэтто мактабдаги иши билан боғлиқ бошқа мавзулар (болалар психологияси, педагогика, ўқитиш назарияси ва методикаси ва ҳоказо) юзасидан уларга маҳсус кутубхоналар ва катталлар учун кутубхоналар ахборот беради.

Ахборот ишининг усуслари ва шакллари қандай?

Айрим мавзу ёки масалаларга оид янги олинган китоблар рўйхатини танлаб оммалаштириш китобхонлар айрим гуруҳларига ахборот хизмати кўрсатиш шаклларидан биридир. Чунончи, ўрта ва катта ёшдаги китобхонлар учун мактаб дастурининг айрим фанлари ва бўлимларига оид, айрим касблар тўғрисидаги, ҳозирги сиёсатнинг муҳим масалалари ҳақидаги, фан ва техника янгиликлари, спорт ва санъат тўғрисидаги адабиётни ўз ичига оловчи рўйхатлар тайёрланиши мумкин. Бундай рўйхатларга, одатда, шу йил нашр этилган ёки қўпдан бери қайта нашр қилинмаган-у, лекин эскириб қолмаган китоблар киритилади. Бундай рўйхатлар китобхонларга бевосита кутубхонада таклиф қилиниши ёки мактабларга ва мактабдан ташқари муассасаларга топширилиши мумкин. Мактабларда ахборот стендлари ташкил қилиниб, уларга бир қанча чўнтакчалар ёпиштириб қўйилади. Чўнтакчаларда мавзулар ёзилган бўлади, уларнинг ичига эса тавсия этиладиган китоб ва мақолалар тавсифланган варақачалар солинади. Ана шундай стендлар ўқувчилар ва ўқитувчилар учун алоҳида-алоҳида ташкил этилиши, чўнтакларнинг ичидаги нарсалар мунтазам равишда янгиланиб туриши керак.

МҚС шароитида марказий кутубхоналар мунтазам рawiшда «Янги олингan китоблар» бюллетенларини эълон қилиб турадилар, буларда мактаб ўқувчилари учун маҳсус бўлим ажратилган. Бундай бюллетенлар МҚСнинг барча бўлинмаларига келадиган адабиёт рўйхатини ўз ичига олади. Рўйхатлар универсал, соҳавий, мавзуий бўлиши мумкин. Бир қанча ҳолларда тавсифга қисқача аннотация, китобга ёзилган тақризлар қўшиб қўйилади. Башарти ахборот қишлоқ мактабларига топшириш учун тайёрланган бўлса, аннотациядан кейин ушбу асарни ёки китоблар туркумини тарғиб қилиш учун кутубхона ишининг қандай шаклларидан фойдаланиш кераклиги ҳақида тавсиялар ҳам берилиши мумкин. Шаҳар, район ҳалқ таълими бўлимлари, методик кабинет билан келишиб, турли фан ўқитувчилари учун маҳсус ахборот рўйхатлари тузиши мумкин. Бундай рўйхатлар болалар адабиётини, шунингдек методик материалларни ўз ичига олади, бундай адабиётдан дарсда фойдаланиш ёки мустақил ўқиш учун ўқувчи болага тавсия қилиш мумкин. Мактабларга юбориладиган бундай рўйхатлар ўқув ишида ва ўқувчилар билан синфдан ташқари ишда педагогларга катта ёрдам бермоқда.

Ахборот рўйхатлари ота-оналар номига ҳам юборилиши мумкин. Бундай рўйхатларда турли ёшдаги болалар учун, ойлавий ўқиш учун адабиёт, шунингдек болаларнинг ўқишинига раҳбарлик қилишда, китоб билан ишлаш малакаларини ҳосил қилишда ота-оналарга ёрдам берадиган методик ва библиографик қўлланмалар кўрсатилган. Бундай ахборотларни касаба ўюнмаларининг кутубхоналари билан келишиб, заводларнинг цехларида, фабрикаларда, муассасаларда илиб қўйиш, завод радиоси орқали эшиттириш мумкин.

Қўйилган адабиёт ёнига эркин бориш мумкин бўлган ҳолда мавзуий ва янги китоблар кўразмалари ва кўрик кўргазмалари адабиёт ҳақидаги ахборотни китобхонларга етказишида ёрдам бермоқда. Бу кўргазмалар ҳар бир ёш гуруҳдаги китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимларида ёки умумий ўқиш залида жойлаштирилди. Бундай кўргазмаларда муайян вақт ичida кутубхона олган бутун адабиётни қўйиш шарт эмас. Бундай пайтда китобхонлар ўртасида кенг тарғиб қилиш зарур бўлган энг яхши китоблар танланади. Кўргазмаларда китоблар билан бир қаторда янги журналлар, аудиовизуал воситалар, библиографик қўлланмалар қўйилиши мумкин. Ана шундай кўргазмаларда ўлкашунослик материалларини ҳам кўрсатиш муҳимдир. Китобхонлар кўргазмадан олган китоблар дубликат ёки аннотация қилинган варақача билан алмаштирилди. Янги китоблар тегишли бўлимларда очиқ фонд жавонларига ҳам қўйилиши мумкин.

Кўрик-кўргазмалар китоб фондининг турли бўлимларидан олинган, қандайдир бирон белги (мавзуси, туркуми, нашрлар типи) билан бирлаштирилган, фанлардан бирини ўрганишга, юбилей санасига бағишлиланган китоблар билан ҳам китобхон-

ларни таништириш мумкин. Бундай кўргазмаларда МКС ягона китоб фондидан олинган адабиётлар ҳам қўйилиши мумкин. Кўрик-кўргазмалар китобхонларга маълум бўлган кунларда, мунтазам равишда ташкил қилиниши лозим. Кўргазмадаги китоблар уч кун давомида берилмайди, бунда ҳар бир китоб ичига бланк ёки варақача қўйилади, борди-ю китобхон ушбу китобни олишни хоҳласа, шу бланк ёки варақачага ўз фамилиясини ёзиб қўйиши лозим бўлади. Варақачалар айни вақтда кўргазманинг самарали эканлигидан, китобхонларнинг тавсия этилган китобларга қизиқаётганлигидан далолат беради.

Болалар ўқиши раҳбарлари учун кўрик-кўргазмаларни кутубхона шаҳар таълим бўлими ёки район таълими бўлими билан келишган ҳолда ўқитувчилари, синф раҳбарлари, кашшоф ва комсомол ходимларининг семинарларида ташкил қиласди. Кўргазмалар ёнида адабиёт обзорларини ўтказиш тавсия этилади, бундай обзорларни ўтказиш вақти тўғрисида маҳаллий матбуотда ёки радио орқали хабэр қилиш лозим бўлади.

Кутубхона сўнгги йиллардаги янги адабиётлар ёки билим соҳаларидан бирига оид адабиётлар юзасидан очиқ кўриги кунларида қатнашиши мумкин, бундай кунларни системадаги (катталар учун) марказий кутубхона ўқитувчилар учун ташкил қиласди. Мутахассисларга турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган энг яхши адабиётни, библиографик қўлланмаларни, синфдан ташқари ўқиш назарияси ва методикасига оид китобларни тақдим қилиш лозим.

Баъзи кутубхоналар башарти бир китобнинг ўзи китобхонларнинг дунёқарашини шакллантиришда катта ўрин эгаллаб, улар олдимизда турган замонамиз мухим масалаларидан бирини ёритиб бергудек бўлса, ҳатто шу биргина китобга бағишиб ҳам ахборот кўргазмаларини ташкил қиласдилар.

Илмий-билиш ва бадиий адабиётнинг энг яхши асарларини тарғиб қилиш мақсадида ахборот иши обзор шаклида ҳам амалга оширилади. Библиографик обзорларни кутубхонада мунтазам равишда, масалан, ойига бир марта китобхонларга маълум бўлган кунда ўтказиш тавсия этилади. Ҳатто ўсмирлар учун мўлжалланган библиографик обзор ҳам 15—20 дақиқадан ортиқ давом этмаслиги керак. Бундай обзор адабиётга оид ахборотнинг кўргазмали шакллари билан: кўргазма ташкил қилиш, янги китобларнинг очиқ кўригини уюштириш, магнитофон ёзувлардан, слайдалардан, расмлардан фойдаланиш билан бирга қўшиб олиб борилса, самара беради. Обзорни адабий эрталлик ёки кеча сценарийсига, китобхонлар конференциясининг якунловчи қисмига киритиш мумкин. Адабиёт обзорларини маҳаллий матбуотда эълон қилиш, маҳаллий радио ёки мактаб радиоси орқали эшиттириш тавсия этилади.

Библиографик обзор биронта принцип асосида бирлаштирилган асарларни ифода этиб беришни кўзда тутади. Обзорлар айниқса катта ёшдаги ўсмирлар, педагоглар учун, ота-она-

лар йиғилишларида ёки ота-оналар университети машғулотларида ўтказилганида бундай обзорларда китобни таърифлашгина эмас, шу билан бирга унга баҳо бериш ҳам муҳимdir; ўқиш раҳбарлари китобнинг педагогик жиҳатдан қимматли эканини, муайян ёшдаги ўқувчи болалар учун унинг тушунарли эканини қўрсатиб бериши муҳимdir. Обзорда матбуотда эълон қилинган китоб ҳақидаги тақризларни айтиб ўтиш, китобхонлар билдирган фикрларни ўқиб бериш, шунингдек ўқув ишида, болалар билан синфдан ташқари ва мактабдан ташқари ишларда китобни тарғиб қилиш йўлларини ҳам айтиб бериш мумкин.

Ахборот кунлари — тадбирлар мажмуаси бўлиб, ахборот ишининг амалда ўзини оқлаган бу ишдан кўзда тутилган мақсад — китобхонларни муайян мавзудаги адабиёт ёки муайян вақт ичida кутубхонага келтирилган адабиёт билан таниширишдан иборат. Ахборот кунлари мунтазам равишда ўтказилса, буларда янги китоблар, китобларгина эмас, балки вақтли нашрлар, аудиовизуал материалларнинг кўргазмалари ташкил қилинса, айрим, энг муҳим мавзулар юзасидан суҳбатлар, адабиёт обзорлари ўюстирилса, айни муддао бўлур эди.

Ўқувчилар учун Ахборот куни сценарийсига кўргазмага қўйилган китоблардан айрим ҳикоя ёки шеърлар ўқиб беришни, саволлардан тузилган кичик викторина (саволларга жавоб беришда кўргазмага қўйилган китоблар қўйл келиши мумкин) ташкил қилишни ҳам киритиш мумкин.

Ўқитувчилар учун Ахборот кунларини катталар кутубхонаси, ўқитувчилар малакасини ошириш институти ёки методик кабинет, китобсеварлар жамияти билан биргаликда, пионервозжатийлар учун эса район комсомол комитети, кашшофлар иши кенгashi, кашшофлар уйи кутубхонаси иштирокида ўтказиш фоят мақсадга мувофиқdir.

Мактаб ўқувчилари учун ўтказиладиган Ахборот кунларига катталар — ўқитувчилар, кашшоф ходимлари, мактаб методистлари ҳам таклиф қилинадилар, улар янги адабиёт ҳақида гапириб беришда, унинг яхши жиҳатларига баҳо беришда, келувчиларнинг диққат-эътиборини қандай китобларга қаратиш лозимлигини аниқлашда кутубхоначиларга кўмаклашадилар. Кутубхоначилар билан педагогларнинг ана шундай биргаликдаги иши ҳозирги адабиётни жамоа бўлиб таҳrir қилишга, мактаб билан кутубхона ишида ўзаро алоқа ўрнатишга ёрдам беради.

Маълумотнома-библиография иши

Китобхонларнинг ўқиши ва ижтимоий фаолияти, шахсий қизиқишлари билан боғлиқ хилма-хил сўров ва талаб-эҳтиёjlари кутубхонада маълумотнома-библиография иши воситалари билан ҳам амалга оширилади.

Маълумотнома-библиография иши китобхонларга адабиёт-

түғрисида маълумот беригина қолмай, шу билан бирга уларда вужудга келадиган саволларга ҳам аниқ жавоб қайтариши лозим. Кутубхона китобхонга берадиган ҳар бир маълумот иккى хил мақсадни кўзда тутади: китобхоннинг саволига жавоб беради ва унга адабиётни тавсия этади, бу адабиёт унга мавзуни ёритади, унинг билимларини кенгайтиради, мавзуга оид ёки мавзу билан боғлиқ масалаларга доир китобларни қунт билан ўқишга қизиқиш йўғотади.

Маълумотнома-библиография ишининг сифати, унинг самарадорлиги қўп жиҳатдан кутубхоначилар ўз китобхонларини, уларнинг сўровларини, ўқишга оид, ижтимоий ва шахсий талаб-эҳтиёжларини қанчалик яхши билишларига боғлиқ. Китобхонларнинг сўровларини ўрганиш — маълумотнома-библиография иши самарадорлигининг шартларидан биридир.

Мактаб ўқувчилари кутубхоначига мурожаат қилаётган саволларнинг ранг-баранглиги ҳам уларнинг китобхонлик қизишиллари кенг ва хилма-хил эканлигидан далолат беради.

Китобхонларга бериладиган библиография-маълумотномаларни қуидаги гурухларга бўлиш мумкин: китобни ким ёзганлиги, муайян муаллифнинг китоби қандай деб аталиши, у қаҷон ва қаерда нашр этилганилиги ҳақидаги маълумотларни (кутубхоначи алфавит каталоги ва сарлавҳалар картотекаси ёрдами билан бажаради); муайян мавзуга оид қандай китоблар ва мақолалар мавжудлиги, бирон-бир ҳодиса, воқеани ёритишга оид маълумотларни (кутубхоначи системали каталог, рўзнома ва ойнома мақолалари картотекалари, қомуслар, лугатлар, маълумотлар, библиография қўлланмалари ёрдамида бажаради). Кутубхоначи айниқса мураккаб масалаларга дуч келган чоғда баъзан мутахассисга мурожаат қилишига ҳам тўғри келади.

Кутубхоначи мактаб ўқувчиларининг сўровларини асосан адабиёт бериш жойида қондиради. Мураккаб қидиувлар талаб қилинган айрим ҳолларда бу қидиувларни марказий кутубхона библиографи бир неча кун давомида адо этади. Бундай ҳолларда китобхонни МҚга юбориш керак, чунки библиографда қўшимча саволлар туғилиши мумкин.

Маълумотларни бажаришнинг асосий босқичлари: сўровларни қабул қилиш, адабиётни танлаш ва ўрганиш (адабиёт ўртага қўйилган саволга қанчалик мувофиқ, китобхонга у тушнадарлами), маълумот тузиш ва уни китобхонга топширишдан иборат.

Сўровни қабул қилиш чоғида одатда мавзу, китобхоннинг қизиқишига нима сабаб бўлганлиги, сўровдан кўзда тутилган мақсад нимадан иборат эканлиги, китобхоннинг мавзудан хабардорлиги, зарур маълумотларнинг ҳажми, материални ўрганиб чиқиш учун қанча вақтга эга эканлиги аниқлаб олинади. Башарти қўпгина ўқувчилардан бир мавзудаги сўров тушган бўлса, у вақтда ҳар бир ўқувчини айни қайси жиҳати кўпроқ қизиқтирганини билиш муҳимdir. Бу эса китобхоннинг саволига

жавобни ва тавсия этиладиган адабиётни танлашни белгилаб беради, бу савол ҳатто бир синфда ўқувчилардан бўлса ҳам, аммо ўқувчиларнинг қай даража билимли ва ўқимишли эканликларига қараб қийинлиги жиҳатидан фарқ қиласди.

«Сўра — жавоб қайтарамиз» стенди китобхонларнинг сўровларини кўпайтириш ва кучайтиришга, уларда янги қизиқишиларни вужудга келтиришга ёрдам беради, бундай стендлар кўпгина кутубхоналарда ташкил қилинган. Бундай стендда китобхонларнинг энг қизиқарли ва билишга оид муҳим бўлган саволлари, кутубхоначининг савол моҳиятига қараб қайтарган жавоблари ҳамда тавсия этилган тегишли адабиёт ёзилган бланклар кўйилган бўлади. Савол ва жавоблар ёзилган бланклар кўп бўлмаслиги керак, икки-уч ҳафтадан кейин эса уларни янгилари билан алмаштириш лозим бўлади.

Кутубхоначи китобхоннинг саволига жавоб қайтарибгина қолмасдан, балки уни жавоб қидиришда фаол қатнашчи ҳам қилиши керак. Кутубхоначи маълумот бера туриб, зарур материални мустақил излаш йўллари тўғрисида китобхон билан суҳбатлашади, унинг олдида мураккаблиги жиҳатидан турлича бўлган бир неча китобни очиб қўяди, бу китоблар эса унинг сўровига жавоб беради, уни қизиқтирган мавзуга доир кўпгина янги нарсаларни билиб олишига кўмаклашади.

Қидирувлар жараёнида кутубхоначи китобхон билан биргаликда кутубхона маълумот аппаратининг қайси қисмига мурожаат қилиши лозимлигини аниқлайди. Шу дақиқа китобхон кутубхонанинг маълумотнома-библиография аппаратидан фойдаланиши, китобларни мустақил танлашни, ўзида туғилган саволларга жавоб топа билишни аста-секин ўрганиб олади.

Айниқса кичик мактаб ёшидаги китобхонлар билан ва кичик ёшдаги ўсмирлар билан ишлаганда баъзан бир мунча катта ёшдаги болаларга мўлжалланган нашрлардан фойдаланиш зарурити туғилади, бундай ҳолларда кутубхоначининг ёрдами мухимdir.

Тайёргарлиги бўлган ва қизиқувчан ўқувчилар китобхонларнинг сўровларига жавоблар қидиришда, «Сўра — жавоб берамиз» стенди учун ёзма маълумотлар тайёрлашда кутубхоначига катта ёрдам беришлари мумкин. Бундай ҳолда маълумот бланкida сўровга жавоб қайтариш учун адабиёт танлаган китобхоннинг фамилияси, синфи, мактаби кўрсатилади. Бироқ, бундай жавобларни олдин кутубхоначи кўриб чиқиши лозим.

Китобхонларнинг онг-билим даражасини кенгайтириш, энг яхши адабиётни тарғиб қилиш, янги билимларни ўзлаштиришда кўмаклашиш, китобхонларда кутубхона-библиографик маданияти шакллантиришдан иборат маълумотнома-библиография ишининг асосий мақсади ана шу тариқа амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг кутубхона-библиография маданияти асосларини эгаллаши кутубхоначи адо этадиган маълумотлар сонини камайтиради, чунки китобхонлар кўпгина саволларга кутубхо-

нанинг маълумотнома-библиография аппаратидан фойдаланиб, мустақил равиша жавоб топишлари мумкин бўлади.

Кутубхона болалар ўқиши раҳбарларига: ўқитувчиларга, тарбиячиларга, пионервожатийларга, ота-оналарга, болалар адабиёти ва болалар ўқиши масалалари билан шуғулланаётган кишиларнинг ҳаммасига ҳам маълумотнома-библиография ёрдами бермоқда.

Кутубхонада берилган маълумотларни ҳисобга олишни ва таҳлил қилишни тавсия этамиз. Ҳисобга олиш шакли қўйидаги ча бўлиши мумкин:

Сана	Сўров кимдан тушди	Сўров- нинг мав- зуи ва мақсади	Маълумотнинг тири		Бажариш манбай	Сўров МҚга юборилди
			Мавзуий	Ҳақиқий библиогра- фия маълу- мотларини аниқлаш		

Маълумотларнинг таҳлили турли ёшдаги, турли мактаб ва синфлардаги ўқувчи китобхонларнинг хусусиятларини, сўровлар динамикасини, уларнинг важлари ва мақсадларини, ўқитувчи топшириқларини бажариш билан, ижтимоий иш билан, шахсий тусдаги сўровлар билан боғлиқ сўровлар нисбатини аниқлаш имконини беради. Хулосалар эса кутубхонанинг китобхонлар ҳар бир гуруҳи билан маълумотнома-библиография иши олиб боришни такомиллаштиришга ёрдам беради.

Ахборот ва маълумотнома-библиография ишининг самара-дорлиги ахборотга киритилган адабиётга бўлган китобхонлар формулярлари ва сўровларини ҳамда ҳисобга олиш дафтари-даги маълумотномалар, ёзувларни, ахборот кунлари адабиётни кўздан кечириш жараёнидаги кузатишларни таҳлил қилиш чоғида ўқувчиларнинг маълумот аппарати билан ишлаш ва ундан шахспир ўқиши режаларини тузиш учун фойдаланиш вақтида ҳам намоён бўлмоқда. Китобхонлар билан ўтказилган суҳбатлар китобхонларнинг айrim гуруҳларини нималар қизиқти-раётганини, ишининг қандай шакллари уларни айниқса ўзига жалб этаётганини билиб олишга ёрдам беради. Ана шундай таҳлил камчиликларни бартараф қилиш йўлини топишга, ахборот ва маълумотнома-библиография иши сифатини, буларнинг педагогик таъсиричанигини оширишга кўмаклашади.

МҚ библиография ахборот ва маълумотнома-библиография ишини ташкил қиласидан юналтириб туради. У бу ишни МҚС хизмат кўрсатувчи зонага кирадиган минтақада жойлашган бошқа системаларда кутубхоналар (мактаб, касаба уюшмаси кутубхоналари) билан мувофиқлаштириб туради. МҚ система-сидаги ахборот ва маълумотнома-библиография ишининг аҳволини таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади, ахборот учун адабиёт танлаш масалаларига доир

маслаҳат беради. Библиограф болалар кутубхоналари ходимлари билан биргаликда кўргазмалар учун адабиёт рўйхатини тузади, адабиёт обзорларини тайёрлади, китобхонларнинг мураккаб ахборот сўровларини бажаради, ўқувчиларнинг синфдан ташқари ўқиши масалаларига оид болалар ўқиши раҳбарлари, болалар адабиёти библиографияси учун маълумотлар адо этади. Библиограф умумشاҳар ва умумрайон кўрик-кўргазмалари, Ахборот кунлари сингари тадбирларни ўтказиш учун, матбуотда эълон қилинадиган обзорларни тайёрлаш учун масъул ходимдир.

Библиограф турли иш шакл ва усулларининг самарадорлигини, маълумот аппаратининг аҳволи ва унинг ташкил этилишини ўрганади, бажармаган жавобларнинг сабабини аниқлайди, ахборот ва маълумотнома-библиография ишини йўлга қўйпешда системадаги кутубхоналаргагина эмас, шу билан бирга мактаб ва қишлоқ кутубхоналарига ҳам амалий ва методик ёрдам беради.

Ахборот ва маълумотнома-библиография иши масалаларини МҚ кутубхоначилар семинарлари ва кенгашларининг муҳокамасига киритади, бу масалалар мактаб ва қишлоқ кутубхоначиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари дастурига киритилади. Курс ва семинарларнинг қатнашчиларига уларнинг билимларини кенгайтирадиган ва чуқурлаштирадиган ҳамда илғор тажрибани оммалаштиришга ёрдам берадиган адабиёт тавсия этилади.

Ёш китобхонларда кутубхона- библиография билимлари асосларини шакллантириш

Кутубхона-библиография билимларини шакллантириш — кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш ягона жараёнинг таркибий қисмидир. Ёш китобхонларни кутубхона-библиография билимлари асослари билан кундалик иш жараёнида мунтазам равишда, шунингдек, маҳсус «кутубхона дарслари»да таништириш керак.

Кутубхоначининг вазифаси — китобхонга кутубхонадан (унинг фондларидан, маълумотнома-библиография аппаратидан) фойдаланишни ва китоб билан ишлашни ўргатишдан иборат.

Турли ёшдаги китобхонлар билан кутубхона ва кутубхоналар ҳақида, уларнинг имкониятлари тўғриснда хилма-хил суҳбатлар ўтказиш мумкин. Лекин суҳбатлар мазмунига қўйидаги маълумотлар: кутубхона нима, у нима учун керак, шаҳрингизда, районингизда қандай кутубхоналар бор, ким кутубхонага аъзо бўлиши мумкин, ундан қандай фойдаланиш лозим, кутубхонада қандай бўлимлар бор, жавонларда китоблар қандай жойлаширилган, кутубхоначи китобхонларга нима билан ёрдам берни мумкин, шахсий кутубхона, масалан, мактаб кутубхонаси ёки болалар кутубхонаси ўрнини боса оладими, китоб танлашда китобхонга нима ёрдам беради (каталоглар, картотекалар, библиография кўрсаткичлари киради).

Китоб жавонлари олдига эркин кириш мумкин бўлган ҳозирги шароитда ёш китобхонга китоб фондидан фойдаланишни ўргатиш муҳим вазифадир. Кутубхонанинг китоб фонди ёнига эркин кириш — «ўз-ўзига хизмат кўрсатиш» эмас, «кутубхоначисиз кутубхона» ҳам эмас, бу — ўқишига раҳбарлик қилишда ўқиши доирасини шакллантиришга, зарур китобни мустақил қидириб топиш малакалари ва маҳоратини ривожлантиришга бевосита таъсир ўтказиш шаклларидан биридир.

Таниқли китобшунос, маърифатчи Н. А. Рубакин кўплаб китобларни кўздан кечиришнинг фойдаси ҳақида гапириб, бундай деган эди: «Имкони борича кўироқ китоблар билан янада яқинроқ танишишни ўзингизга қоида қилиб олинг. Биринчидан, мавжуд китобларни, иккинчидан, уларнинг сифатини, учинчидан, китоблар ҳақида талқин этилаётган масалаларни билиб оласиз. Китобни қидиринг, кутубхоналардан ҳам, таниш-билишларингиздан ҳам қидиринг, ўқимасангиз ҳам кўздан кечи-

ринг... имкони борича күпгина китоблар түғрисида тұла тасаввур олишга ҳаракат қилинг, оламда қандай китоблар борлигини билиш керак-ку, ахир... Китоб күринишининг ўзи, унинг ҳажми, мазмуны, баён қилиш табиати күп нарасага ўргатади.. Ҳар қандай китобларни титкилаш — қизиқарлы китобларни топишнинг, қизиқарлы масалаларни, билимларнинг қизиқарлы соҳаларини билиб олишнинг энг яхши усулидир...»¹

Үқишига раҳбарлық шакли сифатида китоб жавонлари ёнига әркін бориши фонднинг бадий, тарбиявий, билиш жиҳатидан анча қимматли бўлган қисми «очиб қўйилган» бўлиб, кутубхоначи маслаҳатчи педагог, китоб тарғиботчisi ва ўқиши раҳбари сифатида иш кўрган ҳолдагина самарали бўлади.

Эркін бориши фонднин педагогик жиҳатдан пухта ўйлаб жиҳозлаш китобхонда кутубхонадаги нарсаларни билиш малакаларини шакллантиришга ёрдам беради, бундай жиҳозлаш усули китоб омборларидаги фондни жиҳозлашдан фарқ қиласади.

Китобхонлар учун фондга доир йўл кўрсаткич бўлиб хизмат қиласиган жавон ажраткичлари ва сарлавҳалар системаси — жиҳозлаш негизидир. Стеллажлардаги сарлавҳалар, ёзувлар оддий, аниқ-равshan ва амалий бўлиши лозим. Бўлимнинг оғзаки белгиси ажраткичларга катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилади. Фан ва адабиёт классикларининг асарлари, шунингдек Ватан ва хорижий замонавий атоқли муаллифларнинг асарлари олдига муаллифларнинг суратлари туширилган ва улар ҳақидаги қисқача маълумотлар ёзилган ва маҳсус безатилган жавон ички ажраткичлари қўйилади.

Энг яхши китобларга китобхонларнинг диққат-эътиборини жалб қилиш мақсадида «Ўқиб чиқиши маслаҳат берамиз», «Мукофотга сазовор бўлган китоб», «Ўқиб чиқинг — бу қизиқарлы» сўзлари ёзилган хатчўплардан фойдаланилади. Ушбу китобда тилга олинган масалалар, мавзуулар, муаммоларга оид аннотация қилинган китоблар — «Бундан кейин нималарни ўқиши керак» хатчўплари айниқса самаралидир.

Ажойиб кишиларнинг билимлар, китоблар, уларни ўқиши ва кутубхонадан фойдаланишининг нафи жуда катта эканлиги ҳақидаги фикрлари акс эттирилган плакатлар ўринли ҳамда жоиздир.

Кутубхонада айни бир вақтда бир неча хил кўргазма (маҳсус витриналардаги, одатдаги кўргазмалардан ташқари): жавон ички кўргазмалари стеллажларда, уларнинг ғўла деворларида, китоблар кўздан кечириладиган столларда, яъни китобхонлар айни китоб танлайдиган жойларда кўргазмалар жиҳозланиши мумкин.

Чунончи, жавон ички кўргазмаларида қандайдир бир бўлимнинг китоблари намойиш қилинади; бу китобларнинг доимий турадиган жойи ўша стеллаждадир. Бу китоблардан энг қимматлилари — яхши нашр этилган қизиқарлы ва муҳимлари,

¹ Рубакин Н. А. Практика самообразования. М., 1919, 71—72. бетлэр.

«юзи» билан китобхонларга қаратиб қўйилади. Кўргазмада фақат бир китоб: янги китоб ёки юбияр китоб кўрсатилиши мумкин. Китобхонлар кичик-кичик кўргазмаларни яхши кўрадилар, улардан китобларни бажониди оладилар; кутубхоначиларга бундай кўргазмаларни китобларнинг иккинчи нусхалари ёки шундай мазмундаги бошқа китоблар билан кунига 2—3 марта тўлдиришга тўғри келади.

Ёш китобхонларда кутубхона-библиография маданиятини тарбиялаш кутубхоначининг кундалик ишидир. Кутубхоначи фонддаги (эркин боришдаги ёки омбордаги) китоб турган жойни аниқлаш учунгина эмас, балки шу китоб ҳақида гапириб бера билиш учун ҳам ўз кутубхонасининг, умуман китоб фондини ва ҳар бир алоҳида китобни яхши билиши даркор, шунда бу иш самарали бўлиши мумкин. Кутубхона-библиография суҳбатлари китобхоннинг амалий фаолияти (ўқув, ижтимоий фойдали, шахсий фаолияти) билан боғланган тақдирда бундай суҳбатлар айниқса кўпроқ натижга беради.

Кутубхона-библиография суҳбатларида китобхонга маълум бўлган маълумотларни такрорлаш ярамайди. Шу мақсадда китобхон билан суҳбат жараёнида формулярга ҳам кўз югуртириб қўйиш тавсия этилади: бунда китобларнинг ёзувлари, илгари қилинган белгилар бўйича кутубхоначи китобхон қандай билимларга эга эканини билиб олади.

Китоб жавонларига эркин бориши усулидан фойдаланиш малакаларини шакллантириш билан бир вақтда кутубхоначи китобхонга манбаларнинг бутун бир мажмууда керак нарсаларни топа олишни ўргатиши, кутубхонанинг китоб бойликларини очадиган барча «калитлар» тўғрисида тасаввур бериши лозим.

Н. К. Крупская бундай деб ёзган эди: «Хатто дастлабки босқичдаёт болани китобчаларни мустақил танлашга ўргатиши муҳим, китобчаларни танлашда унга ўқитувчи ёки кутубхоначи доимо кўмаклашмаслиги, балки у каталог билан ишлашни билиб олиши муҳимdir, чунки, акс ҳолда у кейинчалик ҳам китобчадан фойдалана олмайди»².

Китобхонларни каталог ва картотекалар билан таништиришни кичик мактаб ёшиданоқ бошлаш мақсадга мувофиқдир, бунда каталоглар ва картотекаларнинг фонд билан, фонд ёнинг эркин бориладиган ҳозирги вақтда китоб жавонларида китобларнинг жойлаштирилиши билан боғлиқ эканини тушунтириб ва кўрсатиб бориши керак (ҳозирги вақтда системали каталог «Кутубхона-библиография таснифи. Болалар ва мактаб кутубхоналари учун жадваллар» (М., 1986) га мувофиқ болалар учун 8 ёшдан бошлаб ташкил қилинади).

Кутубхоначи каталог қандай тузилганлиги, ундан қандай фойдаланиши кераклиги тўғрисида, каталог ажраткичи ва унга оид маълумотлар ҳақида, каталог варақачаларидаги кутубхона

² Крупская Н. К. О библиотечном деле. Сб. тр. М., 1983, 2- том, 160-бет.

шифри (ана шу шифр бўйича жавондаги китобни топиш мумкин), каталог варақачасининг вазифаси тўғрисида китобхонга гапириб беради, каталог варақачаси китобнинг муаллифи ва номи, жанри (эртаклар, шеърлар, ҳикоялар) тўғрисида, рассом, китобнинг ҳажми, нашр этилган жойи ва иили ҳақида маълумот беради.

Китобхонлар жавондаги китблар ва уларнинг системали каталогда акс эттирилиши ўртасидаги алоқани яхшироқ тасаввур этишлари учун амалий машғулотлар ўтказилади. Бундай амалий машғулотлар СҚ кутубхонада билимнинг турли соҳаларига оид қандай китблар, шунингдек қандай бадий асарлар борлиги тўғрисидаги саволга жавоб беришини тушунишга кўмаклашади. Китобхон билан сұхбатлар ҳам ўтказилади, бундай сұхбатларни савол-жавоблар шаклида ташкил қилиш мумкин. Масалан, «Керакли китоб жавонда бўлмаса, нима қилиш керак?», «Шу мавзуга оид жавондан топилгандан ташқари кутубхонада яна қандай нашрлар бор?» шундай савол-жавоблар жумласидандир. Сұхбат чоғида китобхонлар «Калит» алфавит-предмет кўрсаткичи (АПК) нима эканини, сарлавҳалар каталоги (кўрсаткичи)дан, варақачалардан, универсал, мавзуй ва тармоқ библиографик кўрсаткичлардан қандай фойдаланиш лозимлигини билиб оладилар.

Катта ёшдаги ўсмир китобхонларни, бундан ташқари, ойномалар ва тўпламлардан олинган мақолаларнинг аналитик тасвиғи хусусиятлари билан ҳам танишириш; диққат-эътиборини ўлкашунослик картотекасига қаратиш, ўз ўлкасига оид адабиётни қандай танлаш кераклигини тушунтириб бериш лозим. Каталоглар ва варақачалар билан мустақил ишлаш борасида болалик ёшида ҳосил қилинган малакалар ҳар қандай кутубхонадаги маълумотнома-библиография аппаратини анча тез ва енгилроқ ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ёш китобхонлар фонднинг атиги бир қисми «очилганини», бутун фонд ҳақидаги тасаввурни эса фақат каталог беришини биладилар. Китобхоннинг диққат-эътиборини ҳамиша каталогга йўналтириш, у ёки бу муаллиф қандай китблар ёзганлигини, муайян масалага доир кутубхонада яна қандай китблар борлигини билишни хоҳлаган чоғда шундай қилиш зарур; чунки жавондаги китбларни бирма-бир кўриб чиқиб ҳам бу саволларга тўлиқ жавоб олиш мумкин эмас.

Китобхон қомусдан, маълумотномалардан, изоҳли, тармоқ, хорижий сўзлар луғатлари ва шу кабилардан, китблардаги маълумот аппаратидан фойдаланишни ўргатиш — кутубхоначининг бурчидир. Мактаб дастурида учинчи синфдан бошлаб маълумот берувчи нашрлар ва уларнинг энг муҳим ўзига хос белгилари билан танишиш кўзда тутилади. Болалар учун маҳсус нашр этилган айни маълумотнома адабиёти асосида ахборот қидириш малакаларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Маълумот берувчи китбларининг минимуми мавжуд бўлиб,

у ҳар бир ёшдаги мактаб ўқувчисига маълум бўлиши лозим. Чунончи, кичик мактаб ёшидаги болалар учун «Бу нима, Бу ким» қомуси, шунингдек «кичик қомусий луғатчалар» туркумидир (буларнинг ҳар бири қандайдир бир тармоққа бағишилган); ўсмирлар учун — «Болалар қомуси», сиёсий, мифологик, жуғрофий луғатлар, ёш техник, математик, рассом, филолог қомусий луғатлар ва шу кабилардир.

Маълумотнома қомусий китобдан фойдаланишни ўргатиш методикаси хилма-хилдир. Масалан, «Маълумотнома адабиёти билан танишув», «Ўқувчилар учун қомус», «Болалар қомуси — у билан қандай ишлаш керак», «Маълумотномалар — улардан қандай фойдаланиш керак», «Ҳар хил типдаги луғатлардан қандай фойдаланиш керак», «Маълумотнома адабиёти билан қандай ишлаш керак» мавзуларида якка-якка ва гуруҳий сұхбат ўтказиш яхши натижа бериши мүмкин. Бундай сұхбатларни синф билан, китобхонлар гуруҳи билан, ё муйян китобни олиш учун келганда, ёхуд «биронта қизиқартироқ китобни» танлашни илтимос қилганида якка тартибда ўтказиш мүмкин. Масалан, ёш математик, рассом, астроном ва шу каби қомусий луғатлардан қандай фойдаланиш кераклигини тушунтирган чоғда сўзлашувни ана шу нашр хусусиятларидан бошлаш мүмкин, муйян материални топишини китобхондан илтимос қилиш ҳам мүмкин. Ўқувчига «Болалар қомуси»дан, унинг ҳар бир жилдидан мунтазам равишда фойдаланишни албатта ўргатиш лозим. В. Сергеевнинг «Луғатлар — бизнинг дўстларимиз ва ёрдамчиларимиз» «5—7-синф ўқувчиларининг синфдан ташқари ўқиши учун китоб», деб аталган қўлланмаси луғатлардан қандай фойдаланиш кераклиги тўғрисида ҳикоя қиласи, мактаб луғатларини ва қомусий маълумотномаларни батафсил таърифлаб беради.

Катта ёшдаги ўсмир китобхонларнинг диққат-эътиборини С. Лъвовнинг «Китоб ҳақида китоб»ига ўхшаш нашрларга қартиш лозим. Бу нашрда атоқли олимлар, ёзувчиларнинг ҳаётида китоблар қандай ўрин эгаллаганлиги ҳақида гап боради. С. Лъвов китоб билан қандай ишлаш кераклиги, ўқиш тўғрисида қандай тузиш лозимлиги тўғрисида маслаҳатлар беради. У «Китоб ва ўқиш ҳақида айтилган фикрлар», «Маълумотномалар», «Китобхонларга маслаҳатлар», «Ёзув тарихи ва китоблар», «Катта кутубхона» (В. И. Ленин номидаги Кутубхона, М. Е. Салтиков-Шчедрин номидаги кутубхона тўғрисида), «Китоб билан қандай ишлаш керак», «Бадиий адабиётни ўқиш санъати», «Назм ва насрнинг баъзи сирлари тўғрисида», «Китобнинг ўз тақдиди бор», «Китоб санъати» бўлимларига доир аннотация қилинган адабиётнинг катта рўйхатини таклиф қиласи.

Китобхонларни маълумотномалар билан ҳисоблашмайдиган, лекин уларнинг ўрнида қўлланилаётган нашрлар билан таништириш керак, чунки булардан турли масалаларга оид материал

топиш мумкин («Ҳамма нарсани билишни истайман» альманахи, «Глобус» тўпламлари ва бошқалар шулар жумласидандир).

Китобхон китобнинг тузилиши, ташкил этган қисмлари тўғрисида ҳам билиши лозим, чунки булар китоб ҳақида (унинг муаллифи, рассоми, мазмуни, муқаддимаси, хотимаси, изоҳлари, шарҳлари ва шу кабилари тўғрисида) унга дастлаб ахборотни бериши мумкин.

Масалан, китобхон А. К. Толстойнинг «Баллады и былины» китобининг охирида келтирилган «гридня», «мнить» ва шу каби эскириб қолган сўзларнинг моҳиятини кўздан кечирмаса, ёзувчи асарларининг мазмунини тушунмаслиги ва шеърий тузилишини идрок қила олмаслиги мумкин.

Илмий-билишга оид китобларни, масалан, техникага, табиатшуносликка ва шу кабиларга доир китобларни тавсия қилган чоғда китобхонларнинг диққат-эътиборини жадвалларга, хариталарга, расмларга, маҳсус атамаларнинг луғатларига, қўшимча адабиёт рўйхатларига қаратиши лозим, булар китобхонларга китоб матнини яхшироқ тушунишга ёрдам берни мумкин. Масалан, В. И. Соболевскийнинг қимматбаҳо ва қўлда майда зеб-зийнат буюмлари ясашга ярайдиган тошлар ҳақидаги «Замечательные минералы» китобида «Таблица характеристики важнейших, драгоценных и цветных камней с пояснением к описанию некоторых минералов» жадвали, минераллар коллекцияларини тўплашга оид маслаҳатлар, «Маҳсус атамалар луғати», китоб охирида эса тавсия этиладиган адабиёт рўйхати берилган.

Амалий ишга катта эътибор бериш керак, бундай иш китобхонларда кутубхонадан фойдаланиш малака ва кўнникмасини шакллантиришга ёрдам беради. Амалий топшириқ китобхон сұҳбат вақтида олган билимларини мустаҳкамлашга қаратилиши керак. Чунончи, китобхонлар, каталоглар, библиография қўлланмалари билан танишадиган машғулотларда урушда кўрсатилган қаҳрамонликларни билишга қизиққанларга масалан, қаҳрамон кашшофлар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари тўғрисидаги китобларни топиш ҳақида топшириқ бериш мумкин; техника билан қизиқувчи кишиларга машиналар тўғрисидаги китобларни топишни, тарих билан қизиқадиган кишиларга 1812 йилги уруш ва шу кабилар ҳақидаги китобларни топишни таклиф қилиш мумкин.

Кичик ўшдаги ўқувчилар ўртасида кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш ишига катта ўшдаги китобхонларни жалб қилиш мумкин. Улар болалар билан адабий ўйинлар ўтказдилар, кутубхонада сайд-томоша ташкил қиладилар, китоб билан қандай муносабатда бўлиш, «Китоб касалхонаси»да нима қилиш кераклиги ҳақида гапириб берадилар.

Кутубхоначининг ўқитувчи билан ҳамкорлиги, болалар мактабда олган билимларини ҳисобга олиш—ёш китобхонларда кутубхона-библиография билимлари асосларини шаклланти-

риш соҳасида кутубхона иши самараадорлигининг зарур шартидир.

Ҳар синф ўқувчилари учун кутубхонадан, унинг фондидан, маълумотнома-библиография аппаратидан фойдаланиш мала-каларининг мажбурий минимуми белгиланган. Ана шу минимумга мувофиқ кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари китоблар ёнига бемалол боришни билиб олишлари, «Биз нималарни ўқишимиз керак» мавзуга бағишлиланган расмли каталог ёрдамида китобни топа билиши, «А ва Я гача» туркумидаги қомусий луғатлар, «Бу нима. Бу ким» қомусий нашрлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиши, шу ёшдаги болалар учун мўлжалланган системали каталогни ва шу кабиларни билишлари керак. Кичик ёшдаги ўсмирлар (4—6-синфларнинг ўқувчилари) луғатлардан, қомуслардан, турлича маълумотнома адабиётидан, системали каталогдан, газета ва ойномалардан олинган мақолалар системали картотекасндан фойдаланган ҳолда мавзуяга оид китобларни танлашни ўрганадилар.

7—8-синфларнинг ўқувчилари публицистик ва ижтимоий-сиёсий адабиёт билан ишлашни билишлари, муаллиф, таржимон, муҳаррир, сўзма-сўз таржима қилинган таржима шарҳларидан; китобнинг маълумотнома аппаратидан, асарлар тўпламига асарларнинг йиғма алфавит кўрсаткичидан, вақтли нашрлардан фойдалана олиши, ўқишининг шахсий режасини мустақил равишда тузабилиши лозим.

Юқори синфлар (8—9-синфлар)нинг ўқувчилари танқидий адабиёт устида ишлай олишлари, каталог ва картотекалардан уни топа билишлари, китоб ичидаги адабиёт рўйхатини, вақтли матбуот материаллари ва шу кабилардан фойдалана олишлари керак.

Болалар қуий синфлардан бошлаб эстетика, адабиёт назарияси ва тарихи соҳасида баъзи билимларни оладилар, ўқибчиқан китобларнинг мазмунини баён қилиб беришни ўрганадилар, расмларга қараб баёнлар ёзадилар, ҳикоя, шеър ва мақола тўғрисида ёзма равишда ўз фикрларини билдирадилар. Улар 7-синфгacha илмий билиш ва бадиий асарларнинг хусусиятлари тўғрисида тасаввурга эга бўлишлари, китоб маълумотнома қўлланмалари ва шу кабилар устида ишлаш малакаларини орттиришлари лозим.

Мактабда ўқиши маданиятини тарбиялаш дарслардагина эмас, балки синфдан ташқари ўқиши вақтида, шунингдек синфдан ташқари тарбиявий иш олиб борган чоғда ҳам амалга оширилади. Ўқитувчиларга адабий мунозаралар, китобхонлар конференциялари, ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиб туриш тавсия этилади. «Китоб ва кутубхона, уларнинг ўрни ва аҳамияти», «Адабиётни мустақил танлаш», «Тушуниб ўқиши, китоб устида ишлай билиш» каби умумий таълим мактабининг ҳамма синфлари учун умумий бўлган мавзулар таълим-тарбия жараёнинда ёритилмоқда.

Кутубхона ана шу билимларни чуқурлаштириш ва кенгай-

тириши, китобхонлар билан олиб бориладиган кундалик ишда китоб устида ишлаши, кутубхонадан фойдаланиш борасида уларнинг малака ва кўникмаларини машқ қилдириши ва мустаҳкамлаши; ниҳоят, ўқитувчилар билан биргаликда ўқувчиларда кутубхона-библиография маданияти асосларини шакллантиришига қаратилган тадбирларни ўтказиши лозим.

Бир неча мисоллар келтирамиз. 4-синф ўқувчилари дарсда китоб чоп этишнинг ихтиро қилингани тўғрисида, Иван Фёдоров ҳақида билиб оладилар. Кутубхоначининг вазифаси — болаларга Е. Осетровнинг «Сказ о друкаре Иване и его книгах» китобини тавсия қилишдир. Бу китоб китоб босишнинг вужудга келиши, чоп этиш дастгоҳининг ихтиро қилиниши тўғрисида, дастлабки босма нашрларнинг қандай бўлганлиги ҳақида маҳроқли ҳикоя қиласиди. Ўқувчилар Иван Фёдоровнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳамда у яратган китоблар ҳақидаги китобларни ўқийдилар.

Ўқитувчиларнинг ўқувчиларга кутубхона-маълумотнома аппарати ёрдами билан бажариш лозим бўлган топшириқларни бериши тўғрисида турли фанларнинг муаллимлари билан келишиб олиши мақсадга мувофиқдир. Ўқитувчилар ўз ўқувчилари кутубхонадан умуман ушбу фан бўйича эмас, балки ўрганилаётган мавзуларнинг ҳар бири юзасидан ҳам зарур нарсаларни топа олишлари тўғрисида ахборотга эга бўлишлари лозим. Бунинг учун кутубхонада уларга мўлжаллаб китоб обзорлари, очиқ эшиклар кунлари ташкил қилинади, тавсия этиладиган адабиёт рўйхатлари тузилиб, мактабларнинг ўқитувчилар хоналарига илиб қўйилади. Ўқитувчиларни ўқувчиларда кутубхона-библиография маданиятини шакллантиришга ёрдам берадиган китоблар билан таништириш зарур.

Кутубхоначи педагог топширигини бажаришда ўқувчига ёрдамлаша туриб, у билан бирга каталоглар ёнига келиши, бу каталоглардан қандай фойдаланиш кераклигини, уни қизиқтирадиган мавзу юзасидан адабиёт рўйхатларини қандай тузиш лозимлигини эслатиб ўтиши керак. Кутубхоналар ҳузурида китобхонлар тўгараклари ва гуруҳларини тузиш мақсадга мувофиқдир. Бу тўгарак ва гуруҳларда ижодий топшириқлар, ўйинларнинг усулларидан фойдаланган ҳолда кутубхона-библиография билимларни рафбатлантириш ва чуқурлаштиришга қаратиб, махсус машғулотлар ўтказилиши мумкин бўлур эди.

Мактаблардаги, кашшофлар уйларидағи клублар ва тўгараклар ҳам ўқувчиларда кутубхона-библиография маданиятини шакллантиришга ёрдам бериши мумкин. Масалан, ўлкашунослик тўгарагининг аъзолари маҳаллий муаллифлар китобларининг рўйхатларини тузишлари, кутубхона қомуслари, каталоглари ва ўлкашунослик картотекасидан фойдаланиб, улар ҳақидаги маълумотларни топишлари мумкин.

Кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш соҳасида кутубхона олиб бораётган ва юқорида тилга олинган иш шаклларидан ташқари, мактаб билан биргаликда 7—8- синф-

ларнинг ўқувчилари учун «Кутубхона-библиография маданияти асослари» юзасидан машғулотлар туркуми ташкил қилиниши мумкин. Бундай машғулотларни ўтказишдан мақсад—ўқувчиларнинг китоб ҳақидаги билимларини кенгайтириш, уларни бундан кейинги ўқишига, мустақил равишида билим олишга тайёрлаш, босма маҳсулотнинг ҳар хил турлари билан ишлаш малакаларини шакллантириш, кутубхона ва ахборот хизматларидан фойдаланишини ўргатишидир. Айни вақтда ўқувчилар кутубхоначи касби билан танишадилар, шу тариқа бу туркум касб танлашга йўллаш мақсадларига ҳам хизмат қилган бўлади. «Китоб», «Кутубхона», «Китобни қандай танлаш керак», «Китобни қандай ўқиш ва ўқиганни қандай тушуниш керак», «Китоб устида қандай ишлаш керак» машғулотларнинг асосий мавзулариdir. 7—8-синфларнинг ўқувчилари ана шундай машғулотлар туркумiga тўла-тўқис тайёрлангандирлар. Улар тарих ва адабиёт соҳасида етарли билимларга эга, кўпгина бадиий ва илмий-оммабоп китобларни ўқиб чиқишиган, улар китоб ва кутубхонадан фойдаланиш малакаларпга эга.

Машғулотларда ишнинг турли усул ва шаклларидан: лекциялар ўқиш, сұхбатлар ўтказиш, семинар машғулотлари ташкил қилиш, ўқувчиларнинг ахборотларини тинглаш, амалий ишларни таҳлил қилиш, адабиёт обзорларини уюштириш, китоблар, ойномалар, рўзномаларни муҳокама қилиш, ёзувчилар, редакция ходимлари билан учрашувлар, сайд-томушалар, адабий ўйинлар, кўриклар ташкил қилиш усулларидан фойдаланиши тавсия этилади.

«Китобни қандай ўқиш керак ва ўқиганни қандай тушуниш керак» мавзуси юзасидан амалий ишни китоблар тўғрисида ўз фикрларини ёзишига бағишлишни маслаҳат қиласми, токи, тингловчилардан ҳар бири бунинг учун ажратилган вақт ичida раҳбар таклиф этган ҳикоя ёки шеърни, илмий-оммабоп очерк ёки мақолани ўқиб чиқсан ва иккита қисқача ўз фикрини: бири илмий-оммабоп адабиёт асари тўғрисида, иккинчиси эса бадиий адабиёт асари ҳақида ўз фикрини ёза олсин.

Кутубхона-библиография маданияти асослари юзасидан машғулотлар қизиқарли ва самарали бўлиши учун ҳар бир ўқувчининг билиш имкониятлари ва китобхонлик қизиқишларини ҳисобга олиш, амалий топшириқларни, китобларни тавсия қилишни тегишли суръатда табақалаштириш керак. Чунончи, каталог ёки библиография қўлланмаси юзасидан китобни қидириб топиш топширигини топшира туриб, ўқувчилардан бирига китоб танлашни, масалан, комсомол қурилишлари тўғрисидаги китобни, иккинчисига пластмассалар кимёси ҳақидаги китобни, учинчисига ҳайвонлар ҳақидаги китобни ва ҳоказо излаб топишни таклиф қилиш мумкин. Топшириқларни қийинчилик ларажасига мувофиқ ҳам табақалаштириб бориш лозим. Бирмунча ўқимишли ва тайёргарлиги бўлган ўқувчиларга, масалан, космик медицина ҳақидаги китобларни топишни айтиш мумкин, ўшанда бошқа ўқувчиларга ўхшаб каталогдан «Ме-

дицина» бўлими жойлашган ерни қидирадиган бўладилар.

Амалий машғулотлар бирмунча тайёргарликни талаб қиласди. Муҳокама қилиш ва фикрлар билдириш учун китоблар танлашга эътиборни қаратиш керак. Тавсия этиладиган библиография қўлланмаларининг сўнгги йилларда нашр этилганларини (булар орасида эскирган адабиёт бўлмаслиги лозим) ҳамда ўсмирлар ва ёшлар учун мўлжалланганларини танлаш маъқул бўлар эди.

Машғулотларда намойиш қилинадиган кўргазмали қуроллар ва материалларни олдиндан тайёрлаб қўйиш керак. Масалан, каталогларга доир китоблар танлашга бағишлиланган машғулотларга китобларни тавсифлашнинг типик ҳолларини акс эттирувчи каталогларнинг бир неча варақачаси макетларини, системали каталогга «калит» варақачани рўзнома ва ойномалардан олинган мақолалар картотекасидан варақачани ва шу кабиларни тайёрлаш тавсия этилади.

Кутубхона кашшофлар ташкилоти билан биргаликда «Менинг ҳайтимда китоб ва кутубхона», «Менинг энг яхши кўрган китобим», «Ўқишимга қандай китоблар ёрдам берди», «Ойномалардан мен нималарни билиб олдим» мавзусидаги китобхонлар конференциясини тайёрлаш мумкин. Кашшоф ва комсомол матбуоти материалларини ўқувчилар билан муҳокама қилиши ўюнтириш мумкин. Кутубхона фаоллари конференцияга тайёргарлик кўра туриб, билдирилган фикрларнинг альбомини тузадилар, деворий рўзнома чиқарадилар.

Кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш системасида кўриб чиқиладиган масалалар («Китоб ва кутубхона. Уларнинг ўрни ва аҳамияти», «Адабиётни мустақил танлаш», «Тушуниб ўқиш, адабиёт билан ишлай билиш») саккиз йиллик мактаб ўқувчилари учун умумий бўлиб, кашшоф ва комсомол ташкилотлари билан алоқада кутубхоначи ва ўқитувчи томонидан амалга оширилади. Ўқувчилар ўртасида, шунингдек пионервожатийлар, ота-она ва ўқитувчилар ўртасида кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш юзасидан ягона иш режасининг тузилиши бу соҳадаги фаолиятнинг самараадорлигига ёрдам беради. Бу режада мактаб, кутубхона, мактабдан ташқари муассасалар ва жамоат ташкилотларининг ўрни, биргаликда ишлаш йўллари, ҳамкорлик қилиш шакл ва мазмuni белгиланади.

Ҳар бир ўқув йили охирида кутубхоначиларнинг кенгашларини ўтказиш тавсия этилади, бу кенгашларда биргаликда қилинган иш якунлари, унинг сифати ва самараадорлиги, амалий машғулотларнинг дастури, усуллари, мазмуни ва шу кабилар муҳокама қилинади.

Кутубхона-библиография саводлилик асосларини шакллантиришга қаратилган кутубхона ишининг бутун мазмуни ўқувчиларда кутубхона-библиография хизматларидан мустақил фойдаланишга ўрганиш эҳтиёжини ҳосил қилишга кўмаклашиши лозим, бу эса мустақил билим олиш йўлидаги ўқишининг муҳим палласидир.

МКСда болаларға кутубхона хизмати кўрсатиш системасини бошқариш

МКСда болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш, унинг ишини ва бошқаришни ташкил этиш борасидаги умумий вазифаларга бўйсундирилган¹. Бошқарувнинг вазифаси — ташкилий чоралар воситаси билан болаларга кутубхона хизмати кўрсатиша қатнашетган МКС бўлинмаларининг сифатли ишланиши таъминлашдан иборат.

МК барча масалалар юзасидан МКС билан биргаликда раҳбар марказ ҳисобланади. У система регионада бутун аҳолига, шу жумладан болаларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг аҳволи учун жавобгардир. БМК болалар билан кутубхона иши муаммолари юзасидан МКСда асосий бўғин ҳисобланади. Хизмат кўрсатиши ташкил этиш, адабиётни тарғиб қилиш ва ўқишига раҳбарлик қилиш, болалар учун китоб фондларини вужудга келтириш билан, кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатиш мазмуни ва улар ишини мувофиқлаштириш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилишда БМК етакчи роль ўйнайди.

БМК билан МК структурали бўлинмаларининг иши (адабиётни бутлаш ва ишлаш, ягона фондни, методик ва кутубхона ишини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш) ҳамжиҳатлик ва мувофиқлаштириш асосига қурилади.

МК ва БМК ўртасидаги алоқалар баъзан бузилади. Яъни, МК регионада болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш масалалари билан шуғулланмайди, БМКга таяниб иш кўрмайди, МКС ишлаётган ҳудудда ана шу масалаларни ҳал қилиш учун уни жалб этмайди. БМК эса МКС регионада ана шу муаммога раҳбарлик қилишдан ўзини четга олади ва ўз фаолиятини ўзи хизмат кўрсатиш зонаси билангина чеклаб, филиал кутубхона сифатида иш кўради. Бу эса МКСда ва унинг фаолияти регионада болаларга хизмат кўрсатувчи бошқа идораларнинг кутубхоналари (мактаб, касаба уюшмалари) кутубхоналари ва бошқа кутубхоналар ишлайди кутубхонанинг болалар билан ишланини сусайтиришга олиб келади.

МК билан МБК методик ва мувофиқлаштирувчи муассаса-

¹ Организация работы централизованной библиотечной системы: Инструкции и учетные формы, М., 1985, 12—15- бетлар.

лар сифатида ўз вазифаларини аниқ-пухта бажаришигина МКС регионда болаларга мұваффақиятли равища кутубхона хизматини күрсатишига ёрдам бериши мүмкін.

МК, БМКнинг ўрни ва вазифалари ҳамда МКСда болаларга кутубхона хизмати күрсатишида уларнинг ўзаро муносабатлари тартибга солиб турувчи ҳужжатларда ёритиб берилмоқда². Ҳар бир МКС типовой ҳужжатлар асосида мавжуд шароитларга татбиқан ишлаб чиқылған ва тасдиқланган структуралы бўлинмалар тўғрисидаги низомга эга бўлиши керак. «...марказлаштирилган кутубхона системаси структуралы бўлинмалари тўғрисида намунавий Низомлар» тўплами МКСда болалар учун структуралы бўлинмалар: болалар марказий кутубхонаси, БМК ёш китобхонларга хизмат кўрсатиш бўлимлари, филиал болалар кутубхонаси вазифалари ва фаолият мазмунини белгилаб берувчи ҳужжатларни ўз ичига олади. Унда филиал кутубхона болалар бўлими тўғрисидаги намунавий низом йўқ. «БМК китобхон болаларга хизмат кўрсатиш бўлими тўғрисидаги намунавий низом»дан фойдаланиб, уни ишлаб чиқиши мумкин³. Чунки, ана шу бўлинмаларнинг асосий вазифалари ва иш мазмуни айнан ўхшаш бўлиб, тафовут фақат иш ҳажмида, уни ташкил этиш ва бошқаришдадир.

Болалар билан ишлаш юзасидан системанинг у ёки бу бўғини фаолиятини таъминлаши мажбур бўлган МК бўлимлари ўз фаолияти мазмунини БМК билан мослаштирадп ва мувофиқлаштиради. Масалан, МКнинг адабиётни бутлаш ва ишлаш бўлими вазифаси—БМК ягона фондини шакллантиришдан ва каталоглар системаси орқали уни очиб беришдан иборат. Ана шу бўлим ходими (ёки болалар адабиёти иш ҳажмига қараб бир неча ходими) нашриётларнинг мавзуй режаларини ўрганиш, болалар адабиёти учун буюртмаларни амалга ошириш, умуман система бўлинмалари бўйича уни тақсимлаш ва шу ка билар билан боғлиқ бўлган ўз ҳаракатларини БМК билан мослаштиради.

МК методик ва библиография ишлари бўлими МКС структуралы бўлинмаларининг ягона ташкилий-методик жиҳатдан бирлигини таъминлайди. МКСда болаларга кутубхона хизматини методик жиҳатдан таъминлаш вазифаси ҳисобланган шу бўлимнинг методисти ана шу ишни БМК билан биргаликда амалга оширади.

Фақат болалар кутубхоналарини бирлаштирган марказлаштирилган шаҳар системаларида МШБК раҳбарлик маркази ҳисобланади. Унинг функционал бўлимлари ўз муаммолари

² Положение о централизации государственных массовых библиотек // Руководящие материалы по библиотечному делу. 112—116- бетлар. Временные типовые штаты централизованных библиотечных систем Министерства культуры СССР. // Уша ерда. 100—108- бетлар. Организация работы централизованной библиотечной системы. 6—19- бетлар.

³ Примерные положения о структурных подразделениях централизованной библиотечной системы и основные должностные инструкции сотрудников М., 1977, 35—38- бетлар.

системасида етакчи бўғинлар ўрнида фаолият кўрсатади. МШБҚ бўлимлари тўғрисида тартибга солиб турувчи ҳужжатларни тайёрлаш учун «...марказлаштирилган кутубхона системаси структурали бўлинмалари тўғрисида намунавий низомлар»дан фойдаланилади.

МКСда болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш системасини бошқариш структураси кўп босқичли бўлиб, у МКС ходимларининг сонига ва (биргаликда бошқарув ёки алоҳида болалар бошқаруви кутубхонаси) вариантига боғлиқдир.

Болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш системасини МКС билан биргаликда бошқаришда раҳбарларнинг қўйидаги категориялари: директор, директорнинг болалар билан ишлаш бўйича ўринбосари, адабиётни бутлаш ва унга ишлов бериш, ягона фонд ва ҚАни ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш, методик ва библиография ишлари бўлимларининг мудирлари, хизмат кўрсатиш бўлимларининг мудирлари қатнашадилар.

МКС директори (у МК директори ҳам) умуман МКС фаолиятини ташкил қиласди ва йўналтириб туради, ишда ғоявий-сиёсий мўлжални таъминлайди, китобхонларга, шу жумладан болаларга хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши ва аҳоли учун, шаҳарда (районда) кутубхона ишига методик раҳбарлик қилиш учун, МКС кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш учун жавобгардир.

МКС директорининг болалар билан ишлаш бўйича ўринбосари МКС да болаларга кутубхона хизмати кўрсатишни ташкил этиш ва унинг мазмуни учун жавоб беради. У айни маҳалда БМҚ раҳбари ҳам ҳисобланаб, бевосита МКС директорига бўйсунади, директор топшириғига мувофиқ МКСга раҳбарлик қилиш юзасидан бошқа вазифаларни ҳам бажаради; директор ҳузуридаги кенгаш таркибиға киради.

Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг IV гуруҳига ва бундан ҳам юқори гуруҳига киритилган МКСда директорининг болалар билан ишлаш бўйича ўринбосари бор⁴. Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича V гуруҳига кирувчи МКСда катта кутубхоначи БМҚ раҳбари ҳисобланади.

МКСда болалар билан кутубхона ишини ташкил этишни, унинг мазмунини, унга методик ёрдам беришни ва назорат қилишни таъминловчи барча масалалар директор ўринбосари вазифалари донрасига киради.

Директор ўринбосари МК бўлим мудирлари ҳамда МКСда болалар учун адабиётни бутлаш ва ишлашни таъминлаш учун, ягона китоб фондини ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш, турғун бўлмаган хизмат кўрсатиш, методик ва библиография ишини уюштириш учун жавобгар бўлган мутахассислар билан алоқани амалга оширади. МК функционал бўлимлари болалар билан ишлаш бўйича мутахассислари айни вақтда икки томонлама бўйсунувда бўладилар: бўлимларнинг мудирлари

⁴ Руководящие материалы по библиотечному делу. 100—108- бетлар.

уларнинг бевосита раҳбарлари ҳисобланадилар, айни вақтда уларнинг фаолияти болаларга кутубхона хизмати системасининг куратори—директор ўринбосари билан келишиб олинган бўлади.

Директор ўринбосари болаларга хизмат кўрсатувчи МҚС бўлинмаларининг ишини жорий ва истиқбол режалаштириш иши билан шугулланади, МҚСга доир матнли ва статистик ҳисоботларни тузади. Бунда у методистлар билан биргаликда иш кўради. Директор ўринбосари билан методист БМҚ ва болаларга хизмат қилувчи филиал кутубхоналар ишининг асосий йўналишларини бамаслаҳат белгилайди, система бўлинмалари ишини режалаштиришда уларга ёрдам беради. Ишлаб турган бўлимларнинг мутахассислари билан биргаликда режалаштирилган даврда кутубхонанинг болалар билан ишлаши юзасидан мавжуд вазифалар белгиланади.

Директор ўринбосари МҚСда болалар билан ишлаш режасининг бажарилиши учун жавобгардир. Режалар қандай амалга оширилаётганини у йил давомида назорат қиласди.

МҚСда болалар учун ягона адабиёт фондини шакллантириш, унинг сифатини ошириш ва фаол фойдаланишни ташкил қилиш, ажратилган пулларни ва болалар учун янги келтирилган китобларни МҚС структурали бўлинмалари ўртасида дастлабки тарзда тақсимлаш, шунингдек болалар учун вақтли нашрларга обуна бўлишни тартибга солиш, китоб фондлари ахволини ўрганишни ташкил этиш ва система ичida китоб айирбошлиш бўйича китобларнинг иккинчи нусхаларини қайта тақсимлаш масалаларини назорат қилиб туриш директор ўринбосари вазифалари доирасига киради.

Директор ўринбосари МҚСда болаларга кутубхона орқали хизмат кўрсатишни ташкил этиш ишига бошчилик қиласди. Унинг раҳбарлигида шаҳар (районда) болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш ягона режаси ишлаб чиқлади, 1—8-синфларнинг ўқувчиларини мунтазам равиша ўқишига жалб этиш учун китобхон болаларга хизмат кўрсатишнинг турғун бўлмаган шаклларидан фойдаланиш соҳасида назоратни амалга оширилади. У болалар ўқишига раҳбарлик қилиш ва китобни тарғиб этиш сифати ва самараадорлигини ошириш, китобхон болаларга ахборот-библиография хизмати кўрсатишни такомиллаштириш, ўқувчилар ўртасида кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш масалаларини ўз диққат марказида тулади.

Директор ўринбосари МҚСда болалар билан ишлашга ташкилий-методик раҳбарликни, бошқа идораларнинг кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатишни назорат қиласди. У методист билан биргаликда ҳар йили болаларга хизмат қилувчи кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатиш режасини тузади, бу режа МҚ ташкилий методик бўлимнинг ягона режасига киради.

Директор ўринбосари система ичida ҳам, шунингдек умуман МҚСда ҳам структурали бўлинмаларнинг бошқа идора-

лар кутубхоналари — мактаблар, касаба уюшмалари ва шу кабиларнинг кутубхоналари билан ҳамжиҳат бўлиб ишлашинг мувофиқлаштириб туради. Кутубхонанинг болалар билан ишлаши бўйича МҚСнинг масъул вакили сифатида у жамоат кенгашлари, комиссиялари таркибига киради; болалар билан иш олиб бораётган комсомол, пионер ташкилотлари ҳамда бошқа жамоат ва ижодий ташкилотлар, давлат муассасалари билан, халқ таълими район (шаҳар) бўлимни билан доимо алоқа боғлаб туради.

Директор ва унинг ўринbosари МҚСда юқори даражадаги раҳбарлардир. Регионада болаларга кутубхона хизматининг аҳволи кўп жиҳатдан улар олиб бораётган ташкилий ишларга боғлиқ. Марказлаштирилган системаларнинг иш тажрибаси шуни кўрсатадики, бу системаларнинг раҳбарлари ўз вазифаларини ҳамиша ҳам тўлиқ бажармаяптилар. Баъзан МҚС директори МҚСда болалар билан ишлашга раҳбарликни ўринbosарига топшириб қўяди; ана ўшанда МҚСнинг муҳим бўғини — болаларга хизмат кўрсатиш унинг диққат-эътиборидан тушиб қолади, ҳолбуки, биргаликдаги марказлаштирилган системаларда китобхонларнинг деярли учдан бир қисми болалардир. Болалар билан кутубхона иши масалаларини ҳал қилишнинг ажратиб қўйинлиши шунга олиб келадики, бу масалалар МҚСнинг умумий муаммоларида иккинчи ўринда қолиб кетади.

Болалар кутубхоналаринигина бирлаштирувчи МҚда бошқарув тузилиши кўп поғоналидир, яъни унда директор (йирик БМҚСда директорнинг ўринbosари ҳам бор), бўлимларнинг мудирлари, филиал кутубхоналар, оддий ходимлар мавжуд. Системага директор бошчилик қиласди. Бўлимларнинг мудирлари МШБКда ўз соҳалари учун, шунингдек умуман бутун система фаолиятининг муайян йўналишларига ҳам жавоб берадилар. Системадаги ва умуман региондаги кутубхоналарга кўрсатиладиган методик ёрдамни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари МШБК методик бўлимининг мудири вазифалари допрасига киради.

МҚС ходимларининг барча категориялари учун намунавий лавозим қўлланмалари (йўл-йўриқлари) бор⁵. Бундай қўлланмалар жойларда — МҚСда ҳар бир ходимнинг малака характеристикасини, иш ҳажмини ва лавозим номенклатурасини ҳисобга олган ҳолда унинг учун мавжуд лавозим йўл-йўриқларини ишлаб чиқиш учун негиз бўлиб хизмат қиласди.

МҚСни бошқариш яккабошлиқ билан коллегиалликни кўшиб олиб бориш асосида амалга оширилади. Системада болалар билан кутубхона ишига раҳбарлик қилиш ҳам ана шу принципга мувофиқ равишда кўрилади. Системада болалар билан кутубхона иши муаммоларини ҳал қилишда бўлимлар-

⁵ Примерные должностные инструкции работников централизованной библиотечной системы // Примерные положения о структурных подразделениях централизованной библиотечной системы... 45—79- бетлар.

нинг мудирлари, филиал кутубхоналар, оддий ходимлар қатнашадилар. Директор ҳузурида ўтказиладиган кенгашлар МҚС ишлаб чиқариш масалаларини коллегиал ҳал қилишнинг ривож топган шаклидир. Ана шундай кенгашларда умуман МҚС-нинг иши даражасини ошириш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳал қилинади, иш режалари, кундалик фаолият ва истиқбollar, можароли вазиятлар муҳокама қилинади.

МҚС бўлимларида мутахассислар таркибидан турли кенгашлар (масалан, фондларни бутлаш, методик иш кенгашлари) тузилади.

Ташкилий-методик ишлар

Ташкилий-методик ишнинг мақсади — марказлаштирилган системада ҳам, шунингдек МҚС бутун регионида ҳам кутубхоналарнинг, шу жумладан, болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарнинг ишини яхшилашга кўмаклашидан иборат.

Болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш муаммолари юзасидан олиб борилаётган ташкилий-методик ишлар ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда китоб ва кутубхона ўрнини оширишга қаратилган бўлиб, адабиётни тарғиб этиш, ўқишга раҳбарлик қилиш, китоб фондларини вужудга келтириш ва улардан фойдаланиш, кутубхоналар ишини ташкил этиш, режалашибдириш ва ҳисобот соҳасида кутубхонанинг бутун фаолиятини такомиллашибдиришни кўзда тутади.

«СССРда кутубхоначилик иши тўғрисида Низом»нинг 14-моддасида кўрсатиб ўтилишича, мамлакат кутубхоналари ягона системасида барча кутубхоналарга, шу жумладан болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарга методик ёрдам кўрсатиш СССР Маданият министрлиги системаси методик марказлари хисобланган кутубхоналар зиммасига юкланди. Қишлоқ жойлардаги, шаҳарларда ва районларда оммавий ва болалар кутубхоналарини бирлашибдириган МҚСда МҚ барча кутубхоналар учун методик марказ ҳисобланади, методик ва библиография ишлари бўлими унинг тузилишига киради. У системадаги барча структурали бўлинмаларга ягона методик раҳбарликни, методик ишни мувофиқлашибдиришни таъминлайди, бошқа системалар ва идораларнинг кутубхоналарига методик ёрдам беради. Унинг методик қарорлари МҚСдаги ҳамма кутубхоналарда жорий этилиши мажбурийдир.

МҚ ва БМҚнинг бошқа бўлимлари МҚСдаги барча кутубхоналарга ўз муаммолари юзасидан методик ёрдам беришда қатнашадилар.

БМҚ болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш масалалари юзасидан МҚС регионида методик ишнинг бош бўғини ҳисобланади. У болалар билан кутубхона иши ташкил қилиниши, йўналиши ва унинг мазмуни учун, МҚСда болалар адабиёти

фондининг барпо этилиши учун жавоб беради; МҚнинг⁶ методик бўйими билан ҳамжиҳатликда болаларга хизмат кўрсатдиган барча идораларнинг кутубхоналарига методик ёрдам беради.

Болалар кутубхоналаринигина бирлаштирувчи МҚСда МШБҚнинг методик бўйими системадаги кутубхоналарга ягона методик раҳбарликни амалга оширади. Бошқа бўйимлар бу ишда ўз йўналишларига мувофиқ қатнашадилар. Оммавий ва болалар кутубхоналарини алоҳида-алоҳида марказлаштирган чоғда ана шу системалар ўртасида мустаҳкам ҳамжиҳатлик бўйиши лозим, методик фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича биргаликдаги тадбирлар режаси унинг ташкилий шакли бўйиши мумкин.

Инрик шаҳарлар ва қишлоқ районларидағи МҚСда ўз зонасидаги методик марказлар вазифаси марказлаштиришга қадар сабиқ зона болалар кутубхоналари бўлган шаҳар ва қишлоқ таянч филиал кутубхоналари зиммасига юкландади.

МҚ методик ишига директор умумий раҳбарлик қиласди. Унинг ташкил этилиши ва мазмуни учун методик бўйим мудири жавоб беради. Айни вақтда МҚС директорининг ўринбосари ҳисобланган БМҚ раҳбари шаҳарда (ёки районда) болаларга кутубхона хизматини ташкил этиш ва унинг аҳволи учун жавобгардир.

МҚнинг методик бўйимида болалар билан ишлаш методисти ажратилади, у бўйим мудири раҳбарлигига директорининг болалар билан ишлаш бўйича ўринбосари билан алоқада иш кўради.

Болалар билан ишлаш методисти бўлмаган МҚСда унинг вазифасини БМҚ раҳбари бажаради. Болалар билан ишлаш методисти директор ўринбосари билан биргаликда болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарга ёрдам юзасидан тадбирлар режасини тузади, бу режа МҚ методик иш режасининг умумий бўйимига киради.

Болалар билан ишлаш методисти қўйидаги вазифаларни бажаради: болаларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг аҳволини ўрганади; регионада болаларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг ягона режасини тузища қатнашади; болаларга хизмат қилувчи МҚС бўлинмаларига методик ёрдам беради, уларнинг ишини назорат қиласди; болалар билан ишлашнинг ҳамма йўналишларига доир бошқа идораларнинг кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатади; илгор тажрибани таҳлил қиласди, умумлаштиради ва жорий этади, МҚСда китобхон болалар билан ишлаш тўғрисида келгусидаги ва йиллик режалар ҳамда ҳисботлар тузища иштирок этади; болалар билан ишлашни режалаштиришда, МҚС кутубхоначиларининг, шунингдек бошқа идоралар кутубхоначиларининг малакасини ошириш тад-

⁶ Марказий кутубхона системаси ишини ташкил этиш. 10—11-бетлар.

бирларини ташкил этишда МКС бўлинмаларига ёрдам беради; умумий тавсияномаларга мувофиқ болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш масалалари юзасидан методик ишда ёрдам тариқасида маълумотнома-аппаратини ташкил этади; методик ишни ҳисобга олади.

МКСда методик ишларни МҚнинг барча функционал бўлимлари (ана шу бўлимларнинг тузилишида болаларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг у ёки бу муаммолари юзасидан мутахассислар бор) шунингдек БМК бўлимлари ҳам олиб боради.

МК бўлимлари (адабиётни бутлаш ва ишлаш; ягона фонд ва ҚАни ташкил қилиш ҳамда улардан фойдаланиш; библиографик иш бўлимлари) МКС билан биргаликда БМК раҳбари ва болалар билан ишлаш методисти ҳамжиҳатликда, филиал кутубхоналарга методик ва амалий ёрдам беради; илгор тажрибани таҳлил қиласи, умумлаштиради ва жорий этади; МКС ва бутун регион кутубхоначиларининг ўз муаммоларига доир малакаларини оширади.

Масалан, адабиётни бутлаш ва ишлаш бўлимининг ходимлари (болалар гуруҳи ва бўлим мудири) филиал кутубхоналарга вақти-вақти билан бориб, болалар адабиёти китоб фондларини ташкил қилишда ёрдам берадилар, уларнинг сифат ва сон таркибини, китобхон болаларнинг мурожаат қилишини, китоб билан таъминланишини, маълумотнома-библиография аппаратининг сифатини ва шу кабиларни таҳлил қиласидилар; филиал кутубхоначиларига маслаҳат берадилар, каталоглар, варақачаларни таҳрир қилиш, китоб фондларига эркин кириб бориш жавонларни жойига қўйиш ва безаш каби ишларни бажаришда амалий ёрдам берадилар.

Бўлим мутахассислари филиал кутубхона ишни яхшилаш юзасидан аниқ таклифларни махсус дафтарларга ёзиб қўядилар. Бундай дафтарлар ҳар бир филиал кутубхонада бўлиши лозим. Уларнинг келиш яқунлари маълумотномада акс эттирилади, МҚС директори, БМК раҳбари, методик бўлим мудири, болалар билан ишлаш методистигача етказилади. Ана шу методист мутахассислар билдирган ҳамма таклифларни назорат остига олади.

Адабиётни бутлаш ва ишлаш бўлимининг мутахассислари кутубхоначиларнинг семинар машғулотларида кутубхоналарда китоб фондларини ва болалар учун системали каталог ташкил қилиш, китоб фондларини ўрганиш ва шу каби масалалар юзасидан маслаҳатлар берадилар. Улар тажрибани умумлаштирувчи, жорий йилда ўз ихтисосига доир кутубхоналар ишнинг аҳволини таҳлил қилувчи ёзма маслаҳат ва материалларни тайёрлашда ҳам қатнашадилар.

Марказлаштирилган кутубхоналар системаси иш кўраётган регионда кундузги умумтаълим мактабларининг кутубхоналари кўпгина болаларга хизмат қиласи. «СССРда кутубхоначи-

лик иши түғрисида Низом»да шундай кутубхоналарга методик ёрдам бериш Маданият министрлиги системасида кутубхоналар зиммасига юклатилган. Аммо ушбу қўлланма мактаб кутубхоналарига методик ёрдам кўрсатишнинг ҳамма шаклларини кўриб чиқиши ўз олдига вазифа қилиб қўймайди, балки МКС шароитида уларни рўёбга чиқаришнинг баъзи жиҳатларигагина эътиборини жалб этади.

Кутубхоналарга ташкилий-методик раҳбарлик қилишининг асосий шакли — *амалий ёрдам беришдир*. Методистлар кутубхоналарга келганларида ишларни кўриб, таҳлил қиласидилар, ютуқлар, камчиликлар ва уларнинг сабабларини аниқладилар, уларни бартараф қилиш йўлларини белгилайдилар; кутубхонага маслаҳатлари билан амалий ва бошқа хил ёрдам берадилар. Кутубхонага методик ёрдам бериш учун келиш мақсади мавжуд топшириқлар: умуман кутубхонанинг ёки унинг айрим соҳаларининг иши аҳволини ёппасига ўрганиш билан боғлиқ; режа топшириқларининг бажарилишини текшириш; тажрибани умумлаштириш ва тавсифлаш; оммавий тадбирларда қатнашиш; маданият бўлимининг топширувига мувофиқ текшириш ва шу каби ишларни бажаришдир.

Методик марказ ходимларининг кутубхоналарга ташриф буюриши белгиланган графикка мувофиқ амалга оширилади. Бу графикда МСда болаларга хизмат кўрсатувчи барча филиал кутубхоналарни ҳар йили қамраб олиш кўзда тутилади. Ўзлавозими вазифаларига кўра кутубхоналарга методист билан бир қаторда МК ва БМК бўлимларининг мутахассислари ҳам график асосида мунтазам равишда тез-тез бориб турадилар. Иш ана шундай ташкил қилинганда амалий ва методик муаммоларни кенг қамраб олиш мумкин.

Филиал кутубхонага методик ва амалий ёрдам бериш учун у ерга боришдан аввал муайян тайёргарлик ишлари кўрилиши — болалар билан ишлашни таҳлил қилиш ва ёрдам бериш режаси ишлаб чиқилиши лозим.

МКнинг методик бўлимида кутубхонага жўнаб кетувчилар умуман кутубхонанинг болалар билан ишлашини ёки унинг айрим ўналишларига доир ишини ўрганишнинг у ёки бу масалалар юзасидан хотираномаларга эга бўлишлари тавсия этилади.

Қишлоқ филиал кутубхонасида болалар билан ишлашнинг аҳволини ёппасига ўрганиш учун хотираномага қўйидаги масалаларни ёзиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас:

1. Қишлоқ советининг ҳудудий ифодаси: аҳоли пунктларининг сони, 6—15 яшар болаларнинг, мактаблар, бошқа тарбия муассасаларининг, болалар китоб ўқийдиган доимий ва турғун бўлмаган кутубхоналарнинг умумий сони.

2. Қишлоқ кутубхонасида китобхон болаларга хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши: маҳсус бўлим, хона (ёки бурчак)нинг, ажратилган китоб фондининг, китобхонлар формулларига.

ярларининг, болалар учун маълумотнома аппаратининг мавжудлиги, болаларга хизмат кўрсатиш вақти.

3. Болаларнинг кутубхонага ва муттасил ўқишига жалб қилиниши. Бу ишнинг ташкил этилиши: китоб ўқишига жалб этишини ва мунтазам равишда ўқишини ҳисобга олиш, назорат қилиш; китобхон болаларнинг умумий сони ва кутубхона китобхонлари умумий сонига нисбатан уларнинг фоизи; китобхон болаларнинг ёш хусусиятлари, мактабгача ёшдаги болаларнинг мавжудлиги; ташрифлар сони, ўртача қатнашлик; китобхон болалар — «қарздорлар» сони, улар билан олиб борилаётган ишлар.

4. Кутубхонанинг китоб фонди, шу жумладан болалар учун китоб фонди, унинг таркиби. Турли ёш гуруҳларининг китоб билан таъминланиши. Болалар учун вақтли нашрлар. МК бутлаш ва ишлаш бўлимидан болалар учун мўлжалланган адабиётнинг келиб тушиб даврийлиги. Болалар учун китоб фондининг ташкил этилиши (фонд ёнига эркин бориш, турли ёш гуруҳидаги китобхонлар учун унинг очиб қўйилиши). Китоб фондидан фойдаланиш. Умуман берилган китоблар, шу жумладан болалар учун берилган китоблар. Билим соҳаларига оид берилган китоблар. Китоб фондининг айланиши. Фондда мактаб дастурини ўрганишга ёрдам тариқасидаги адабиётнинг мавжудлиги. Кутубхонанинг МК ягона фондидан фойдаланиши. Китобхонларнинг қишлоқ филиал кутубхонаси китоб фондига нисбатан қониқарсиз талаб эҳтиёжини таҳлил қилиш.

5. Китобхон-болаларнинг ўқишига раҳбарлик қилиш. Якка тартибдаги иш. Фоявий-сиёсий, меҳнатсеварлик, ахлоқий ва эстетик тарбияга ёрдам тариқасидаги оммавий тадбирлар. Кутубхонада китобхонлар айрим гуруҳларининг (қизиқишиларига оид, фаол кашшофлар, ўқишида қолоқлар ва шу кабиларга донир) ажратилиши. Кутубхонанинг ўқувчиларга ёрдам тариқасидаги иш мазмуни ва йўналиши, усуслари ва шакллари. Кутубхонанинг китобхон ўқувчиларда кутубхона-библиография саводлилик асосларини шакллантириш соҳасидаги иши.

6. Китобхон-болалар билан ишлаш учун кутубхонанинг маълумотнома аппарати.

7. Китобхон-болаларнинг шахсий қизиқишиларини ривожлантириш, шакллантириш ва қондириш. Кутубхонанинг болалар ижодкорлигига ёрдами. Кутубхона ва ўқувчиларнинг бўш вақти (китобхон фаоллар, тўгараклар).

8. Қишлоқ филиал кутубхонасининг мактаб билан, мактаб кутубхоналари, кашшоф ва комсомол ташкилотлари билан биргаликдаги иши (ҳамкорлик режаси, биргаликдаги оммавий тадбирлар, шу жумладан кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш, болалар ўқиши раҳбарларига ахборот хизмати кўрсатиш, болалар ўқиши масалалари юзасидан ўқитувчиларга ёрдам бериш, ота-оналарнинг педагогик умумий таълимига кўмаклашиш ва шу кабилар).

9. Қишлоқ кутубхонасининг мактаб кутубхонасига методик ёрдами.

10. Болалар билан кутубхона иши масалаларига доир кутубхоначининг малакасини ошириш. Муаммога оид методик ва библиография материаллари.

11. Қишлоқ филиал кутубхонасида болалар билан кутубхона ишини режалаштириш, ҳисобга олиш ва шу иш юзасидан ҳисобот бериш.

Район методик марказининг вакили қишлоқ филиал кутубхонасининг фаолияти билан таниша туриб, қишлоқ совети териториясида, умуман болалар билан кутубхона ишининг аҳволини ҳам ўрганишни, бошқа кутубхоналарда бўлиши, жумладан, қишлоқ кутубхонаси фаолияти билан бараварига мактаб кутубхонасининг иши ҳам ўрганилади.

Мактаб кутубхонаси ишини ўрганиш хотираномасига қўйидаги масалалар рўйхатини киритиш мумкин:

1. Мактабнинг жиҳатлари (ўрта, саккиз йиллик, бошланғич, мактаб-интернат), мактабда аҳоли яшайдиган бошқа пунктлардан келадиган болалар ўқийдими — болаларни ташиб келтириш, жамланган синфлар сони, ўқувчилар сони, шу жумладан 1—8-синфларнинг ўқувчилари сони, синфларга доир алоҳида-алоҳида ўқувчилар сони.

2. Кутубхона штати (кутубхоначининг маоши, ярим маоши, қўшимча ҳақи, маълумоти, иш стажи, у педагоглар советининг аъзосими).

3. Кутубхона иш режасининг мавжудлиги, у мактабнинг таълим-тарбия умумий иш режасига киритилганми.

4. Кутубхона ишининг ташкил этилиши. Иш режими, шу жумладан, ёзги таътил кунларидаги иш режими.

5. Синфлар бўйича ўқувчиларга хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши. Китобларни бериш жадвали. Синфдан ташқари ўқишини ташкил қилиш системаси. Кутубхонада китоблар сони (ҳар бир синфга алоҳида-алоҳида). Бошқа кутубхоналарнинг, жумладан қишлоқ филиал кутубхонаси китобхонлари бўлган ҳар бир синф ўқувчиларининг сони. Китобхонлар формуллярла, уларнинг таҳлили. Кутубхонага қатновчиларнинг муентазамилиги.

6. Китоб фонди, бутлаш, ундан фойдаланишнинг аҳволи. Китоблар сони, шу жумладан қуий синфлар ўқувчиларининг сони. Фонд таркиби. Билимларнинг соҳалари асосида китоб бериш. Китоблар учун фондни очиб қўйиш. Бутлаш учун маблағлар, олинаётган китобларнинг даврийлиги, адабиётни сотиб олиш манбалари. Ўқувчилар учун, ўқитувчилар учун вақтли матбуот. Кутубхонада мактаб дастурига ёрдам тариқасидаги, синфдан ташқари ўқишига оид китоблар.

7. Кутубхонанинг оммавий тадбирлари. Китобхонлар билан яkkама-якка ишлаш. Ўқувчиларда ўқиши маданиятини камол топтириш.

Үқувчиларни ўқишига жалб этиш, уларнинг ўқишига раҳбарлик қилиш, адабиётни тарғиб қилиш масалаларининг ҳаммасини қўйидагилар билан биргаликда қилинган ишлар нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиш лозим, чунончи:

кутубхоначи ва педагоглар жамоаси;

кутубхоначи ва қашшоф ҳамда комсомол ташкилотлари;

кутубхоначи ва мактабда тўғарак ҳамда клуб ишлари.

8. Мактаб кутубхонасининг қишлоқ кутубхонаси билан ҳамжиҳат бўлиб ишлаши.

9. Мактаб кутубхонасининг ота-оналар билан ишлаши.

Кутубхона иши ўрганилганидан кейин таҳлил, хулосалар билан, кутубхона ишини яхшилашга қаратилган аниқ тақлифлар билан маълумотнома ёзилади. Таҳлил натижалари юқори органлар, раҳбарият маълумоти учун етказилади, тақлифларнинг бажарилиши эса МҚнинг методик бўлим томонидан назорат қилинади.

МҚС шароитида методик ишнинг МҚСда болаларга хизмат кўрсатиш юзасидан кутубхона фаолиятини таҳлил қилиш; илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этиш; шу соҳада кутубхоначилар малакасини ошириш каби йўналишлари муҳимлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Фоявий-сиёсий тарбияга ёрдам тариқасида адабиётни тарғиб қилиш; ягона китоб фондини вужудга келтириш ҳамда ундан фойдаланиш ва шу каби йўналишлар юзасидан *кутубхоналар фаолиятини* ҳар йили мавзуи жиҳатдан таҳлил қилиб туриш

МҚСнинг амалиётига кириб бормоқда.

Кутубхона ҳужжатларини: режалар, ҳисбот, кундаликлар, китобхонлар формуларлари, оммавий тадбирларни тайёрлаш ва ўтказиш материаллари, кутубхонани бундан аввалги тёклиширишларга оид материалларни ўрганиш ва шу кабилар таҳлилнинг негизини ташкил қиласиди. Умуман системадаги кутубхоналарнинг фаолиятини таҳлил қилиш натижалари юзасидан обзорлар тузиш амалий иш бўлиб қолмоқда.

Илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этиш — методик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиб бормоқда.

Бу иш режа асосида олиб борилади, унда ўрганиладиган ва жорий этиладиган нарсаларнинг муаммолари, масалалари ва мавзуси ифодалангандир. Масалан: «Қишлоқ филиал кутубхонасида китобхон болаларга хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиши», «Кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш соҳасида қишлоқ филиал кутубхонаси билан мактабнинг биргаликдаги иши», «Қишлоқ филиал кутубхонасида китобхон болаларга табақалаштириб хизмат кўрсатиш», «Қишлоқ филиал кутубхонасида болалар учун китоб фондининг аҳволи ҳамда ундан фойдаланиш» ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Илғор тажрибани тарғиб қилишнинг турли шакллари мавжуд: булар — семинарлар, конференциялар, материалларни эълон қилиш, маслаҳатлар бериш ва шу кабилардир. МҚС ку-

тубхоначиларининг малақасини оширишга бағишенган ҳар бир семинар режасида болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхона мутахассисларининг ахборотлари бўлиши лозим. МКС фаолиятининг бирон-бир йўналишини ёритадиган МК ходимларининг докладларида, уларнинг маслаҳатлари ва кутубхоналар фаолиятига оид обзорларда система бўғини сифатида болалар билан ишлаш масаласи акс эттирилиши керак. Болалар билан ишлайдиган кутубхоналарнинг илфор тажрибасини ўрганиш ва умумлаштириш материаллари МКнинг методика бўлимида жамланган бўлиб, «Болалар билан кутубхона ишининг илфор тажрибаси» доимий рубрикаси остида ушбу бўлимнинг стендларида, кўргазмаларида акс эттирилади.

Илфор тажриба мактаб-кутубхоналарини вужудга келтириш — илфор тажрибани тарғиб этишнинг самарали усулидир. Мамлакатнинг қўпгина регионларидаги МКСларидаги энг яхши болалар ва қишлоқ кутубхоналари негизида китобхон болаларга хизмат кўрсатиш масалалари юзасидан илфор иш тажрибаси мактаблари ишлаб турнибди. Ташкилотчилар кутубхоначиларга у ёки бу муаммони батафсил ўрганиш ва олган тажрибани ўз кутубхонасида жорий этиш имконини берадиган муайян мавзу юзасидан ўтказиладиган машғулотларнинг аниқ дастурига эга бўлишлари лозим.

Кутубхона илфор тажрибасини ҳисобга олиш ва уни оператив назорат қилиш иши ахборот хариталари ёрдами билан амалга оширилади. Бундай хариталар МКСнинг структурали бўлинмалари томонидан тўлдирилиб, МК нинг методика бўлимига юборилади, бу ерда болаларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг асосий йўналишлари юзасидан кичик бўлимлар билан бирга «Кутубхонада болалар билан ишлаш» умумий ажраткичидан кейин илфор тажриба ягона картотекасида тўпланди.

Ахборот харитасига қўйидаги маълумотлар ёзиб қўйилади: кутубхонанинг номи, манзили; тажрибанинг мавзуси ва унинг қисқача тавсифи, тажриба манбаси (матбуотда эълон қилинган, семинардаги ахборот, кутубхонада тажрибани ўрганиш ва ҳоказо); ушбу кутубхонада жорий этиш даври; тажрибани жорий этиш чоғидаги кутубхона ишининг натижалари; тўлдириш санаси, имзо.

Илфор тажриба тўғрисидаги ахборот хариталарининг мазмуни бутун системадаги кутубхоналарга илфор тажриба билан танишиш имканини беради.

МКС методик марказлари болалар билан кутубхона ишининг илфор тажрибаси система ичида гина эмас, балки бошқа идораларнишг кутубхоналарида ҳам, жумладан ушбу региондаги мактаб кутубхоналарида ҳам тарғиб этилиши ва жорий қилиниши учун ҳаракат қилишлари керак.

Кутубхона ходимларининг малакасини ошириш

МҚСда болаларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ходимларнинг малакасини ошириш қабул қилинган шаклларга мувофиқ ташкил қилинади: булар — ишлаб чиқариш ўқуви, район (шаҳар) семинарлари, илфор тажриба мактаблари, илмий-амалий конференциялар, практикумлар, мустақил равишда билим олиш, директор ҳузурида ўтказиладиган кенгашлардир. Практикум самарали анъанавий шакл ҳисобланади. Махсус маълумотга эга бўлмаган кутубхоначилар учун бундай практикумлар болалар билан ишлаш юзасидан билимлар минимумни бериш мақсадида ўтказилади. Практикумлар махсус маълумотли, лекин китобхон болалар билан ишлаш тажрибасига эга бўлмаган кутубхоначилар учун ташкил қилинади. Булар, асосан, МҚС барча бўлинмаларининг янги ходимлари бўлиб, улар МҚ, болалар филиаллари, қишлоқдаги филиал кутубхоналарнинг китобхон болаларга хизмат кўрсатиши билан боғлангандирлар. Практикумлар иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар учун ҳам ўтказилади, лекин бунда айрим масалалар юзасидан, масалан китоб фондлари ва каталогларни ҚБҚ жадвалларига ўтказиш юзасидан, съездлар ва шу кабиларнинг материиллари ва қарорларини тарғиб қилишга оид ишларни ташкил қилишга доир практикум уюштириш мумкин.

Қишлоқлардаги филиал кутубхоналарнинг ёш кутубхоначилари учун практикумлар МҚда ва БМҚда ўтказилади. МҚда уларни кутубхона ишининг умумий масалалари билан таништирадилар. БМҚда улар китобхон болалар билан ишлаш хусусиятларини ўрганадилар.

Кутубхоначилар амалий машғулотларда китобхонлар формуллярини таҳлил қилишни; китоблар кўргазмасини ташкил этишни, китоблар тўғрисида суҳбатлар ўтказишни, абонементда, ўқиш залида ва шу каби жойларда китобхонларга хизмат кўрсатишини ўрганадилар.

Район (шаҳар) семинарлари МҚС барча ходимлари учун малака оширишнинг асосий шакли ҳисобланади. Бундай семинарларнинг мавзусини жумҳурият ёки вилоят болалар кутубхоналарининг тавсияларига таяниб МҚС методик бўлими тузади. МҚС болалар структурали бўлинмаларининг ходимлари МҚСнинг бутун фаолиятига тааллуқли бўлинмаларининг ходимлари МҚСнинг бутун фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан ахборотларни тинглаганларидан кейин алоҳида-алоҳида шуғулланиб, болаларга хизмат кўрсатишининг турли жиҳатларини батафсил кўриб чиқадилар. Гуруҳий машғулотларда маъруза ўқиш, маслаҳат қилиш, ахборот, амалий машғулотлар, уйга топшириқлар бериш, муаммоли рефератлар тайёрлаш каби шакллар қўлланилади. Ҳар бир кутубхоначига навбатдаги машғулотга семинар муаммоси юзасидан биронта чиқиш тайёрлаш (масалан, кутубхона иш тажрибасидан ахборот, ян-

ти адабиётга оид реферат ва шу кабиларни ҳозирлаш) тавсия этилади.

Умумий семинар машғулотлари дастурида кутубхонада болалар билан ишлаш масалалари қандай акс эттирилмоқда? Ана шундай машғулотларда умумий бирон-бир кутубхона муаммосини ёритувчи чиқишиларда китобхон болалар билан ишлаш учун тавсиялар ҳам бўлиши керак. Буларнинг дастурига болалар китоб ўқийдиган барча кутубхоналар учун муҳим бўлган долзарб мавзулар, масалан, «Қутубхона шароитида болалар ва ўсмирларни ғоявий жиҳатдан тарбиялаш», «Болалар ижодкорлиги ва ҳаваскорлигини ривожлантиришда кутубхонанинг роли» ва бошқа мавзулар ҳам киритилади.

Мавзуи район (шаҳар) семинарларини ўтказиш ҳам қўлланилмоқда. Йил давомида район семинарларининг бир неча машғулотини қишлоқ филиал кутубхоналарида китобхон болалар билан ишлашга бағишли тавсия этилади. Бундай машғулотларда болаларнинг таълим ва тарбиясига бўлган замонавий талабларни очиб берувчи материалларни ёритиш, шунингдек, ёш психологиясига, педагогикага, болалар адабиётига доир, болаларга кутубхона хизмати кўрсатиши ташкил этиш юзасидан маърузалар ўқиш кўзда тутилиши керак.

Ҳозирги замон мактабидаги таълим-тарбия жараёнини та-комиллаштириш юзасидан маърузалар ўқиш, чиқишилар уюштириш, маслаҳатлар бериш, ахборотлар ўтказиш учун маориф органларининг, шунингдек бошқа муассасалар ва ташкилотларининг ходимларини таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир.

Семинар машғулотлари дастурларида ҳам регионда (шаҳарда, районда, қишлоқ Советида) болаларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар, масалан, болаларни кутубхонага, мунтазам равишда китоб ўқишга жалб этиш тўғрисидаги, китоб фондини бутлаш, ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги, китобхон болалар билан ишлашни режалаштириш тўғрисидаги, болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналарнинг мактаб ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари ва шу кабилар билан ҳамжиҳат бўлиб ишлаши ҳақидаги масалалар бўлиши лозим.

Адабиётни билиш — кутубхоначининг энг биринчи ва асосий вазифасидир. Шу боисдан кутубхоначилар семинар машғулотларида адабиёт тўғрисида, унинг аҳволи ва ривожланиш тенденциялари ҳақида, энг яхши асарлар тўғрисида билим олишлари лозим.

Семинар машғулотлари ўтказиладиган кутубхона тегишлича тайёрланиши керак. БМҚда янги методик ва библиография материаллари, шунингдек машғулотлар мавзуига оид адабиёт кўргазмаси жиҳозланади. Агар семинар филиал кутубхона негизида ўтказиладиган бўлса, у ерда муҳим мавзуларга оид китоб кўргазмалари, ибратли оммавий тадбирлар ташкил қилинади. Семинар тингловчилари шу кутубхонада ишнинг ташкил этилиши билан ҳам танишадилар. Малака ошириш семинар-

лари ўтказиладиган кутубхонада иш савиясининг юқори бўлиши муҳимдир.

МКС кутубхоначиларининг малакасини ошириш системасида илмий-амалий конференциялар, район ёки бир неча районни қамраб оладиган зонал илмий-амалий конференцияларини ўтказиш кенг қулоч ёзмоқда. Район илмий-амалий конференцияси, одатда, МКС методик марказида ўтказилади. Зонал конференцияларининг ташаббускорлари, одатда, жумҳурият ёки вилоят болалар кутубхоналаридир.

Методик марказ илмий-амалий конференция мавзунин танлаган чоғда унинг муҳимлиги ва аҳамиятини кўзлаб иш кўриш лозим. Асосий маъруза назарий қоидаларни, муаммонинг аҳволини таҳлил қилишни ва уни баҳолашни, кутубхоналар ишини янада такомиллаштириш вазифаларини ўз ичига олиши керак. Чиқишлар муҳокама қилинаётган муаммонинг айрим жиҳатлари юзасидан кутубхоналар ишининг амалий тажрибасини янада батафсилоқ очиб бериши лозим. Илмий-амалий конференция мавзуси уни ўтказишдан тахминан ярим йил олдин белгиланади.

Асосий маъруза (ёки асосий маърузалар) одатда кутубхона — методик марказ зиммасига юқланади, чиқишларда МКС-нинг болаларга хизмат кўрсатаётган барча кутубхоналар қатнашиши мумкин.

Конференцияга тайёргарлик даврида иш тажрибасига оид адабиёт ўрганиб чиқилади, айрим назарий қоида ва шу кабилар амалда текшириб чиқилади. Конференцияни ўтказишдан мэқсад — унга тайёргарлик кўриш чоғидаёқ кутубхоначиларининг билимларини бойитишдан, уларнинг мустақил равища билим олишига, ижодий изланишини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. Конференциядаги чиқишлар, одатла, кутубхоначиларининг катта амалий ва ижодий иши якунни бўлади. Одатда конференция тавсияномалар қабул қилиш билан тугайди.

Район (ёки зонал) илмий-амалий конференцияларига мактаб кутубхоначилари, ҳалқ маорифи ходимлари, болаларни тарбиялаш билан боғлиқ бўлган бошқа муассасалар ва ташкилотларнинг ходимлари ҳам таклиф қилинадилар.

Кутубхона ходимлари малака ошириш системасида ўқишининг қандай шаклларига жалб қилинган бўлмасин, бу ҳолда уларни доимо мустақил билим олишдан ҳоли қилмайди.

МКСнинг методик марказлари регионда улар ташкил қилган кутубхоналар ходимлари, шу жумладан болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналар ходимлари малакасини ошириш системаси изчил (мунтазам), яхлит табақалаштирилган бўлиши ва кутубхона ходимларининг ҳамма категорияларини қамраб олиши лозим.

Болаларга хизмат кўрсатиш масалалари методик ишда ёрдам тариқасидаги ягона маълумотнома аппаратида (МКнинг ва МК болалар кутубхоналарида МШБКнинг методик ва библиографик бўлимида) акс эттирилади.

Маълумотнома фондида партия ва ҳукуматнинг халқ маорифига, ёш авлодни тарбиялашга оид ҳужжатлари, болалар ўқиши педагогикаси, болалар адабиёти, кутубхонада болалар билан ишлаш масалаларига доир материаллар; китобхон болалар билан олиб бориладиган тарбиявий иш ва китобни тарғиб қилиш — маслаҳатлар, методик тавсиялар, иш тажрибасини тазсифлаш ва шу каби масалалар юзасидан машинкада ва ротапринда босилган материалларнинг мавзуи папкалари туради. Мавзуи папкаларнинг номлари кутубхона ишининг йўналишини акс эттиради.

Методика бўлимида системанинг ҳар бир структурали бўлинмаси учун, шу жумладан филиал болалар кутубхоналари учун ҳам папкалар бор. Бу папкаларда ҳар бир кутубхона фаолиятнига оид материал: текшириш натижалари юзасидан маълумотномалар, режалар, ҳисоботлар, ишни яхшилашга доир таклиф ва шу кабилар тўпланган. Ана шундай папкалар бошқа системалардаги болаларга хизмат кўрсатувчи кутубхоналар, масалан, «Мактаб кутубхоналари», «Болалар касаба уюшмаси кутубхоналари» учун ҳам тутилади.

Болалар билан ишлаш масалалари методика ва библиография материалларнинг системали картотекасида ҳам акс эттиради.

Методика бўлимида кутубхоначиларга ёрдам тариқасидаги турли материалларни тарғиб қилишининг кўргазмали шаклларидан фойдаланилади. Стендларда ва кўргазмаларда бўлим бўлиши ва бу бўлима кутубхонада болалар билан ишлашга оид материаллар: муҳим методик қўлланмалар, тавсияномалар, илғор иш тажрибасининг тавсифлари ва шу кабилар қўйилиши керак.

Режалаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисбот

МҚСда болалар билан ишлашни режалаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисбот МҚСда режалаштиришга, ҳисобга олишга ва ҳисботга нисбатан қўйиладиган умумий талабларга бўйсундирилган⁷.

Ягона йиллик режа — МҚСнинг асосий режа ҳужжатидир. У МҚ, БМҚ ва филиал кутубхоналар бўлимларининг йиллик режалари асосида тузилади.

МҚС ишини, МҚ, БМҚ ва филиал кутубхоналар бўлимлари ишини режалаштириш ва ҳисбот тузиш режа ва ҳисбот ҳужжатларининг ягона схемаси асосида амалга оширилади. Йиллик ҳисбот тузиш арафасида (масалан, ноябрь ойида) МҚСда МҚ, БМҚ ва филиал кутубхоналар бўлим мудирларининг кенгаши ўtkазилади. Унда кутубхоналарнинг келгуси йилдаги заифалари муҳокама қилинади, структурали бўлинмалар учун

⁷ Схема годового плана работы и информационного отчета централизованной библиотечной системы: Метод рекомендации / Гос. б-ка СССР им. В. И. Ленина. М. 1979, 14-бет.

биргаликдаги тадбирлар белгиланади, назорат кўрсаткичлари аниқланади. Китобхон болалар билан ишлашни режалаштириш МКС бутун ишини режалаштириш системасининг бўғинидир.

МК, БМК бўлимларининг мудирлари ва филиал кутубхоналар МКС директори тасдиқлаши учун декабрь ойида йиллик режаларини топширадилар. Йиллик режанинг иккинчи нусхаси МКСнинг структурали бўлинмасида қолади.

Директор (БМК мудири) ва болалар билан ишлашни назорат қилиб турувчи методист структурали бўлинмаларнинг режалари асосида МКСда кутубхонада болалар билан ишлаш йиллик режасини тузадилар, у МКС умумий иш режасининг барча бўлимларида акс эттирилади;

I. ... йилда қилинадиган асосий вазифалар.

Бу бўлимда кутубхонанинг энг муҳим вазифалари ўз ифодасини топади.

II. Режанинг назорат кўрсаткичлари.

Бу бўлимда китобхонларнинг умумий сони, қатновлар, китоб бериш; ўқиши, қатнов ва фонд айланишининг тахмин қилинадиган ўртacha кўрсаткичлари режалаштирилади. Режалаштириладиган кўрсаткичлар шундай аввалги йилдаги ана шундай кўрсаткичлар билан таққослаб берилади.

Шуни назарда тутиш керакки, китобхонлар асосий сонини қайта рўйхатга олиш биринчи кварталда ўтказилади ва китобхонларнинг энг кўп сони — умумий йиллик рақамнинг 80% гача бўлган қисми шу кварталга тўғри келади. Ёз фаслида пионер лагерларида болаларга хизмат кўрсатувчи айрим кутубхонларда ана шу ойларда китобхонлар сонининг кўпайишни кўзда тутиш керак.

Йил давомидаги қатнов сони китобхонлар сонини ўртacha қатновга кўпайтириш ўйли билан ҳисобланади. Масалан, ўртacha қатнов 14, китобханлар сони эса 3 минг бўлса, унда $3000 \times 14 = 42000$ бўлади. Йил давомида берилган китоблар сони (китоб бериш) китобхонлар сонини ўртacha ўқилишига кўпайтириш ўйли билан ҳисобланади. Масалан, ўртacha ўқилиш 24, китобхонлар сони 3 минг бўлса, у вақтда $3000 \times 24 = 72000$ бўлади. Қатнов ва ўқилишнинг ўртacha кўрсаткичлари ўтган йилдагига қараб олинади. Башарти бу кўрсаткичлар паст бўлса, уларни оширишни кўзда тутиш керак.

III. Кутубхона хизмат кўрсатишини ташкил этиш.

Бу бўлимда МКСда болаларга кутубхона кўрсатаётган хизматни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш: структурали бўлинмалар тармоғини кенгайтириш уларнинг жойини ўзгартириш; кўчма (сайёр) хизмат кўрсатишини ташкил этиш; китоб ўқишга янгидан-янги китобхонларни жалб этиш мақсадида кутубхонани тарғиб қилиш (очиқ эшиклар) кунларини ўтказиш, кутубхонанинг ишлаши тўғрисида эълонлар чиқариш, китобхонлар учун хотираномалар (эсдаликлар) тайёрлаш, кутубхонанинг аҳоли олдида ҳисоб беришини, кутубхонага сайротомоша ва мактабларда чиқишилар уюштириш (оммавий ахбо-

рот воситаларидан ва шу кабилардан фойдаланиш); МС кутубхоналарнинг болалар билан ишлаётган мактаб кутубхоналари ва бошқа кутубхоналар билан ўзаро алоқа боғлаш йўлларини аниқлаш кўзда тутилади. Кутубхоналар мактаблардан ташқари тарбия ташкилотлари билан алоқа боғлаб турадилар. Режада кутубхона ишининг қандай қисми пионерлар уйлари, болалар кинолекторийлари, ёш техниклар станциялари ва шу сингарилар билан биргаликда амалга оширилишини кўрсатиб ўтиш керак.

IV. Китобхонлар билан олиб бориладиган иш мазмуни ва уни ташкил этиш.

МКС умумий йиллик режасининг ана шу бўлими қўйидаги кичик бўлимлардан иборат:

1. Китобхонлар турли гуруҳларига табақалаштирилган тарзда хизмат кўрсатишни яхшилаш йўллари, уларнинг қизиқишиларини ўрганиш, китоб ва ўқишига раҳбарлик қилишни тарғиб этиш усуллари ва шакллари.

2. Китобхонлар билан ишлашнинг асосий юналишлари. Билиминг турли соҳаларига оид адабиётни тарғиб қилиш.

3. Ягона фондни тарғиб қилиш ва ундан фойдаланишини ташкил этиш.

4. ҚА бўйича МКС китобхонлари ва абонентларига хизмат кўрсатиш.

Ана шу масалалар юзасидан китобхон болалар билан олиб бориладиган ишни «Китобхон болаларга ва ўсмиirlарга хизмат кўрсатиш» деб аталган кичик бўлимга киритиш яхшироқдир. Бу эса асосий муаммолар юзасидан китобхон болалар билан ишлашни мукаммал акс эттириш имконини беради. МКСнинг иш тажрибаси режалаштиришнинг ана шундай шакли мақбул эканини кўрсатмоқда.

Болалар ўқишининг хусусиятларини, китобхонлар қизиқинини ўрганиш, шунингдек ўқишига якка тартибда раҳбарлик қилиш тадбирларини амалга ошириш, тарғиб қилишнинг оммавий ва кўргазмали шаклларини ўtkазиш режалаштирилмоқда.

Оммавий тадбирларнинг режалаштирилаётган сони кутубхонанинг имкониятлари, унинг ходимлари иш вақтининг фонди, бирон-бир мавзу юзасидан якка-якка иш олиб бориш якунларини чиқариш зарурияти билан белгиланади. Якка тартибдаги ишга путур етказган ҳолда кўплаб оммавий тадбирлар ўtkазиш билан қизиқмай, тадбирларни ўзаро боғлаб олиб боришни кўзда тутиш ва паралилизмдан холос бўлиш лозим.

V. Ахборот иши ва маълумотнома-библиография иши.

Бу бўлим қўйидаги масалалар мажмунини акс эттиради:

1. МКС ягона маълумотнома-излаш аппарати (каталоглар, картотекалар системаси. МК ўлкашунослик библиография аппарати ва филиал кутубхоналар)ни такомиллаштириш.

2. Маълумотнома-библиография иши.

3. Ахборот иши.

4. Кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш.

Режанинг бундан аввалги бўлимига ўхшаш китобхон болалар билан ишлашни алоҳида ажратиб кўрсатиш: маълумотнома-библиография аппаратини ташкил қилиш, уни ўрганиш ва такомиллаштириш юзасидан ўtkазиладиган тадбирни, кутубхона-библиография билимларини тарғиб қилиш юзасидан ўtkазиладиган сұхбатлар ва кутубхонада уюштириладиган дарсларнинг мавзуларини ва шу кабиларни белгилаш тавсия этилади.

Болаларга ахборот, маълумотнома-библиография хизмати кўрсатишида якка тартибда ва гуруҳий сұхбатлар уюштириш, тавсия этиладиган рўйхатлар тузиш, Ахборот кунлари, Библиография кунларини ўtkазиш режалаштирилади.

VI. МҚС ягона фондини вужудга келтириш ва ташкил қилиш.

Режанинг бу бўлимида, асосан, МҚ маҳсус бўлиmlарининг иши — адабиётни бутлаш ва ишлаш, ягона фондни ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш акс этирилади. Китобхон болалар учун фондни бутлаш ва ундан фойдаланиш масалаларида ана шу адабиётни сотиб олиш учун ажратилган маблағ фоизи; фондни ўрганиш шаклларини, нопрофил, дублет адабиётдан тоzалашни, китобхонлар турли ёш гуруҳлари учун фонд ташкил қилишни; болалар учун мўлжалланган каталоглар системасини такомиллаштириш тадбирларини кўзда тутиш зарур. Болалар учун фондни вужудга келтиришда БМҚ, болаларнинг филиал кутубхоналари қандай қатнашишини кўрсатиш лозим.

VII. Ташкилий-методик ишлар.

Бу бўлим МҚ методика бўлимининг фаолиятини акс эттиради. Унда филиал кутубхоналарга, мактаб кутубхоналари ва региондаги болаларга хизмат кўрсатувчи бошқа кутубхоналарга амалий ёрдам бериш; китобхон болалар билан ишлайдиган кутубхоначилар малакасини ошириш; илфор тажрибани ўрганиш, умумлаштириш ва тарғиб қилиш, регионда болаларга кутубхона хизмати кўрсатишнинг аҳволини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш кўзда тутилади.

VIII. Фаоллар билан ишлаш.

Бу бўлимда китобхон фаолларни йигишиш ва улар билан ишлаш кўзда тутилади.

IX. Системани бошқариш. Қадрлар билан ишлаш.

X. Моддий-техника базани мустаҳкамлаш.

Системадаги барча кутубхоналар учун, шу жумладан болалар кутубхоналари учун ҳам маҳсус ускуналар сотиб олиш тадбирлари кўзда тутилади.

МҚСда болалар билан кутубхона ишини ҳисобга олиш МҚСда албатта ҳисобга олиниши лозим бўлган иш кўрсаткичлари рўйхатига мувофиқ амалга оширилади¹.

¹ Организация работы централизованной библиотечной системы. 140—145- бетлар.

МКСнинг болаларга хизмат кўрсатувчи бошқа системадаги ва идораларга қараши кутубхоналар билан ҳамкорликда ишлиши

Мактаб ислоҳоти тўғрисидаги ҳужжатларда ёш авлодга таълим-тарбия беришда мактаб билан барча мактабдан ташқари муассасаларнинг ҳамжиҳат бўлиб ишлашини кучайтириш зарурлиги таъкидланади.

Турли системадаги ва идораларга қарашли кутубхоналарда китоб ўқийдиган мактаб ўқувчиларига кутубхона-библиография хизмати кўрсатиш система учун ҳам ҳамжиҳат бўлиб ишлаш муҳимдир. Чунки болалар китоб ўқийдиган кутубхоналарнинг энг катта тармоғи Маданият вазирлиги ва Маориф вазирлиги системаларига қарайди. Мактаб ўқувчиларининг китобга бўлган талаб-этиёкларини қондириш учун имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланишда шу кутубхоналарнинг биргаликда иш кўришларини таъминлаш зарур. Болалар кутубхоналари билан мактаб кутубхоналари ўртасида кўлгина ўхшашиб жиҳатлар бор. Уларнинг фаолияти таълим-тарбиянинг ягона вазифаларига, ягона педагогик принциплар асосида қурилади. Ана шу кутубхоналарнинг маҳсус вазифалари таълим-тарбия, ўқишини бошқариш, болаларнинг бўш вақтини ташкил этиш системасида улардан ҳар бирининг тутган ўрни ва роли билан белгиланади.

Болалар ва мактаб кутубхоналарининг ҳамжиҳат бўлиб ишлаши Маданият вазирлиги билан Маориф вазирлиги коллегиялари идоралараро ўзаро алоқаларни ривожлантиришга, ўқувчиларга кутубхона хизмати кўрсатишни такомиллаштиришга қаратиб жумҳуриятларда қабул қилингани биргаликдаги қарорларга мувофиқ қурилади.

Бир қанча жумҳуриятларда ана шу мақсадлар учун идоралараро кутубхоналар комиссияларининг имкониятларидан фойдаланилади. Болаларга кутубхона-библиография хизмати кўрсатиш системаси ишининг турли жиҳатларига бағишлаб биргаликда ўтказиладиган илмий-амалий конференциялар, семинар-практикумлар ҳамжиҳат бўлиб ишлашини ривожлантиришга ёрдам беради.

Ягона идоралараро режа МКС билан мактаб кутубхоналари ўртасида ҳамжиҳат бўлиб ишлашнинг ташкилий негизи бўлиши мумкин. Бундай режа МКС йиллик ишлаб чиқариш режалари ва мактаблар таълим-тарбия режалари асосида тузилади. Бироқ ўқув йили учун мактаблар ишини ва календарь йил учун МКС ишини режалаштириш даврлари бир-бира га тўғри келмайди. Аммо тажрибада биринчи вариант — ўқув йили учун идоралараро режалаштириш варианти таркиб топди. Режа ўқув йили бошланиши олдидан тузилади ва тасдиқланади. МКС ҳудудида (шаҳар, район ҳудудида) идоралараро режалар тузишда унинг болалар бўлинмалари қатнашади. Бу бўлинмаларнинг вазифаси — хизмат кўрсатадиган ҳар бир зо-

У	30я 92	35 Қимә ишлаб чиқариши 36. Озиқ-овқат ишлаб чиқариши 37. Ёғочсозлик ишлаб чиқариши. Енгил саноат ишлаб чиқариши. Поляграфия ишлаб чиқариши. Фотокинотехника 38 Қурилиш 39 Транспорт Ёш техниклар Радиоэлектроника Радиоспектроскопия 22.3 дан қаралсın Биокибернетика 28 дан қаралсın
М	32	
У	32.84	Радиотехника Металлургия. Машинасозлик
М	34	Қимә ишлаб чиқариши
М	35	Озиқ-овқат ишлаб чиқариши
М	36	Ёғочсозлик ишлаб чиқариши. Енгил саноат ишлаб чиқариши.
М	37	Поляграфия ишлаб чиқариши. Фотокинотехника.
М	38	Қурилиш
М	39	Транспорт Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва қоидлари 39.8 дан қаралсın Қишлоқ хўжалик тракторлари 4 дан қаралсın Автомоделизм 75 дан қаралсин. Сув транспорти. Денгизчиларнинг турмуши Ҳаво ёстиқли кема 39 дан қаралсин Ҳарбий-денгиз флоти 68 дан қаралсин Денгиз моделизми кемамоделизми 75.7 дан қаралсин
Ч	39.4	Ҳаво транспорти. Авиация ва ҳавода учиш. Учувлilar турмуши. Ҳарбий авиация 68 дан қаралсин Авиация спорти 75.7 дан қаралсин Сайёralараро алоқалар. Сайёralараро парвозлар Шаҳар транспорти Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги. Олимларнинг ҳаёти ва фаолияти
Ч	39.5	Ҳаво транспорти. Авиация ва ҳавода учиш. Учувлilar турмуши. Ҳарбий авиация 68 дан қаралсин Авиация спорти 75.7 дан қаралсин Сайёralараро алоқалар. Сайёralараро парвозлар Шаҳар транспорти Қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги. Олимларнинг ҳаёти ва фаолияти
Ч	39.6	
Ч	39.8	
М	рангли 4	
У	4я 92	Ёш ўсимликшунослар ва чорвадорлар

М ранг. 5

Соғлиқни сақлаш. Тиббиёт

Одам анатомияси, одам биофизикаси, биокимёси ва физиологияси 28 дан қаралсın

Санитария техникаси 3 дан қаралсın

Спорт гигиенаси 75 дан қаралсın

Ижтимоий ва гуманитар фанлар

М ранг. 6/8

АСОСИЛ БҮЛИНИШЛАР

60 Умуман ижтимоий фанлар

63 Тарих

65 Иқтисодиёт

66 Сиёсат

67 Давлат ва ҳуқуқ

68 Ҳарбий фан. Ҳарбий иш

70/79 Маданият. Фан. Маориф

81/84 Филология фанлари (тилшүнослик, адабиётшүнослик). Бадий адабиёт

85 Санъат

87 Фалсафа фанлари

88 Психология

Умуман ижтимоий фанлар

Тарих. Археология. Этнография

Тарих

Дунё тарихи

Айрим хорижий мамлакатлар тарихи

Иқтисодиёт

Ҳамдўстлик мамлакатларининг ҳалқ ҳўжалиги. Мехнат. Касб. Сиёсат. Халқларнинг ҳозирги турмуши

АСОСИЛ БҮЛИНИШЛАР

66.3 Ички аҳвол. Ички сиёсат

66.6 Сиёсий партиялар

Ҳамдўстлик мамлакатлардаги ички аҳвол, ички сиёсат.

Ҳамдўстлик мамлакатларида хотин-қизларнинг аҳволи 66.7 дан қаралсın

Ҳамдўстлик мамлакатларида ёшлиларнинг аҳволи 66.75 (2) дан қаралсın

Ҳамдўстлик мамлакатларида болаларнинг аҳволи 74.42(2) дан қаралсın

М	60
М	63
М	63.3
М	63.3(0)
Ч	63.3(3)

М	65
Ч	65.9(2)
М	66

Ч	67.3(2)
---	---------

Ч	66.3 (3)	Кишилтарнинг маънавий қиёфаси 87.7 дан қаралсин.
Ч	66.61 (3)	Хорижий мамлакатларнинг ички аҳ- воли, ички сиёсати
М	66.7	Хорижий мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари
		Ижтимоий-сиёсий ташкилотлар (Ка- саба уюшмаси ҳаракати. Халқаро хотин-қизлар ҳаракати. Халқаро ёш- лар ҳаракати)
Ч	66.75 (3)	Халқаро болалар ҳаракати 74.22 дан қаралсин
М	67	Хорижий мамлакатлардаги ёшлар ҳаракати ва ташкилотлари
		Давлат ва ҳуқуқ (мамлакатларнинг давлат тузилиши, уларнинг консти- туциялари, гражданларининг ҳуқуқ- лари ва вазифалари, қонунлари)
М	68	Харбий иш. Граждан мудофааси
М	70 79	Маданият. Фан. Маориф

АСОСИЙ БЎЛИНИШЛАР

		70 Маданият. Фан. Маориф
		71 Маданият
		72 Фан
		74 Халқ маорифи
		75 Физкультура ва спорт
		76 Матбуот. Радиоэшиттириш. Ой- наижаҳон
		78 Кутубхоначилик иши
М	70	Маданият. Фан. Маориф.
М	71	Маданият
М	72	Фан
М	74	Халқ маорифи. Мактаб. Ўқитувчи мехнати
Ч	74.22	Ҳамдўстлик мамлакатларида ва хорижий мамлакатларда болалар. Болалар жамоат ташкилотлари
У	74.22 (3)	Хорижий мамлакатлардаги болалар. Хорижий мамлакатлардаги болалар жамоат ташкилотлари
М	75	Физкультура ва спорт
Ч	75.5	Үйинлар. Спорт үйинлари
Ч	75.7	Спортинг айрим турлари Радиоспорт 32 дан қаралсин Спорт балиқчилиги ва спорт ови,

		йўрттириб чопиш ва пойгалар 4 дан қарабасин
M	76	Сув полоси 75.6 дан қарабасин Муз устида балет, циркда кураш, циркда от спорти 85.3 дан қарабасин. Матбуот. Радиоэшиттириш. Ойнаи- жаҳон
M	78	Китоб чоп қилиш 37 дан қарабасин Қашшоғ матбуоти 74.22(2) дан қа- рабасин Бадий радиоэшиттириш ва ойнаи- жаҳон 85 дан қарабасин Кутубхоначилик иши. Кутубхоналар. Китобни қандай танлаш ва ўқиш ке- рак
M	81/84	Библиографик қўлланмалар (кўр- саткичлар, рўйхатлар, обзорлар) 91' дан қарабасин Филология фанлари (Тилшунослик, адабиётшунослик). Бадий адабиёт
		АСОСИЙ БЎЛИНИШЛАР
M	81	81 Тилшунослик (тиллар ҳақидаги фан)
M	83	83 Адабиётшунослик 84 Бадий адабиёт (асарлар) Фольклор (асарлар)
Ч	83.3(2)	Тилшунослик (тиллар ҳақидаги фан) Адабиётшунослик
Ч	83.3(3)	Бадий адабиёт асарлари 84 дан қарабасин Ҳамдўстлик мамлакатларида ёзувчи- ларнинг ҳаёти ва ижоди
M	84	Хорижий мамлакатлар адабиёти. Та- рих ва танқид.
M	84(0)	Хорижий мамлакатлар ёзувчилари- нинг ҳаёти ва ижоди Бадий адабиёт (асарлари). Фольк- лор (асарлар)
Ч	84(12) 1	Жаҳон адабиёти (бир неча мамла- кат ёзувчилари асарларининг тўп- ламилари)
Ч	84Р	Бадий адабиёти Инқиlobгача бўлган адабиёт
Ў	84Р1	Рус адабиёти
Ч	84A/Я	Революциядан илгариги рус адабиё- ти Бадий адабиёт

M	84(3)	Рус адабиёти 84Р дан қаралсин Хорижий мамлакатлар бадий адабиёти
M	84.2	Фольклор (асарлар)
M	85	Санъат
АСОСИЙ БҮЛИНИШЛАР		
Ч	85.1	85.1 Тасвирий санъат ва архитектура 85.3 Мусиқа ва томоша санъати 85.7 Бадий ҳаваскорлик Тасвирий санъат ва архитектура. Рассомлар ва архитекторларнинг ҳаёти ва ижоди
Ч	85.3	Чизмачилик З дан қаралсин Мусиқа. Ашула. Театр. Кино санъати. Композиторлар ва артистларнинг ҳаёти ва ижоди
Ч	85.7	Бадий ҳаваскорлик
M	87	Фалсафий фанлар (фалсафа тарихи, мантиқ, ахлоқ одоб, эстетика). Айрим файласуфларнинг ҳаёти ва фаолияти
У	87.7	Фалсафа 1 дан қаралсин Техник эстетика З дан қаралсин Ахлоқ-одоб (ахлоқийлик ҳақидаги таълимот).
M	88	Юриш-туриш маданияти Психология
M ранг 9	91	Универсал мазмундаги адабиёт Библиографик қўлланмалар (кўрсаткичлар, рўйхатлар, обзорлар)
M	92	Маълумотнома нашрлари
M	99.2	Ўйинларнинг тўпламлари, кўнгил очишлар, қўлбола ўйинчоқлар. Спорт ўйинлари 75.6 дан қаралсин

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Болаларга кутубхона хизматини ташкил қилиш	5
МКС нинг болалар учун китоблар фондидан	14
Фонднинг таркиби	14
Фондлар системаси	16
Фондни бутлаш	19
Фондни жойлаштириш	25
Фондни эҳтиёти қилиб сақлаш	27
Китобхон-болаларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари	29
Мактабгача тарбия ёшидаги китобхонлар	29
6—9 ёшли китобхонлар	32
10—11 ёшли китобхонлар	34
12—13 ёшли китобхонлар	37
14 ёшли китобхонлар	38
Кутубхонада китобхон-болани ўрганиш	41
Уқишига раҳбарлик қилишининг асосий метод ва шакллари	46
Уқишига алоҳида раҳбарлик қилишининг методи ва унинг шакллари	46
Оммавий ўқишига раҳбарлик қилишининг методи ва унинг шакллари	50
Фаол китобхонлар билан ишлаш	61
Кутубхона ва оила	63
Кутубхонада ёш китобхонларни тарбиялаш системаси	67
Меҳнат тарбияси	67
Ахлоқ тарбияси	72
Ватанпарварлик ва байналмилад тарбия	78
Экологик тарбия	87
Эстетик тарбия	92
Ахборот ва маълумотнома-билиография ишлари	134
Маълумотнома-билиография аппарати	134
Ахборот иши	139
Маълумотнома-билиография иши	144
Ёш китобхонларда кутубхона-билиография билимлари асосларини шакллантириш	149
МКСда болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш системасини бошқариш	159
Ташкилий-методик ишлар	164
Кутубхона ходимларининг малакасини ошириш	172
Режалаштириш, ҳисобга олиш ва ҳисбот	175
МКСнинг болаларга хизмат кўрсатувчи бошқа системадаги ва идораларга қарашли кутубхоналар билан ҳамкорликда ишлаши	179
Илова	181

На узбекском языке
А. С. АДАМЕНКО и другие
БИБЛИОТЕКА И ЮНЫЙ ЧИТАТЕЛЬ
(Практическое пособие)

Перевод с издание «Книжная палата» М., 1987

Тошкент «Ўқитувчи» 1992

Таржимонлар Ю. Ражабов, К. Расулов
Муҳаррир Б. Қодиров
Вадийи муҳаррир А. Лукъянов
Техник муҳаррир Т. Грешникова
Мусаҳҳих Ш. Тўлаганов

ИБ 5390

Теришга берилди 10.09.91. Босишга рухсат этилди 20.02.02. Формати 60×90 $\frac{1}{16}$. Литературная гарн. Кегли 10 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 12,0. Шартли кр.-отт. 12,25. Нашр. л. 11,95. Тиражи 5000. Зак. 148. Баҳоси 14 с. 70 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент. 129. Навоий кӯчаси, 30. Шартнома 12—71—91.

Ўзбекистон Матбуот давлат қўмитасининг Янгиюл пижара китоб фабрикаси. Янгиюл ш., Самарқанд кӯчаси, 44. 1992.

Янгиюльская арендная книжная фабрика Госкомпечати Республики Узбекистан. Янгиюль, ул. Самаркандинская, 44.

К 96

Кутубхона ва ёш китобхон: Амалий қўлл.
/[Муаллифлар: А. С. Адаменко, Л. А. Бала-
шова, Л. В. Жукова ва бошқ.; Тузувчилар:
Ю. В. Просалкова, Х. Д. Хамракулова; Таҳрир
ҳайъати: М. Д. Афанасьев, И. К. Арст, И. И. Га-
ницкая ва бошқ.].—Т.: Ўқитувчи, 1991.—1926.

Сарл олдида: В. И. Ленин номли Давлат
кутубхонаси.

I. Адаменко А. С. ва бошқ.

Библиотека и юный читатель (Практическое посо-
бие).

ББК 78.93я7